

Ҳамид Зиёев

# ИСТИҚЛОЛ- МАЪНАВИЯТ НЕГИЗИ

ТОПИКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 1999

Бұтоб мұстақипт Ўзбекистон ҳафтинің түрлі соғаларында багицілашған мақолалар түркүмдәп шборат бўлиб, уларда тарихий маъзулар ўз ифодасин топған. Мақолаларда Ўзбекистон мұстақильтегіни тикеләм учын билий борисигаш кураши, ингіс сиёсий ва пактимойи-иқтисодий түзүмнінг мөхити ва йўналиши, социалдам түзүмнінг даҳнитті оқибатлари, «қулдборлик» давлатининг юзага келесини, мұстамлакачиллик ва улугмиллатчиллик спөсати хусусида фикр ва муроҷаалалар баён өтилган. Шувингдек, китобдан мінглік мағфүрі ва миллій ғаодатик кураши тарихи дақиқдагы қизинқарғы матдемүннеларни ҳам тона оласиз.

Асар көнг үқувчилар өмисей учун мұлжалланған бўлиб, мағраны билдирилғанды.

Мағатьял мұхтар риф'я: **Ғ. Аҳмаджонов**, тарих фанлары доктори, профессор.

Мағсанас мұхтар риф'я: **Ш. Ризаев**, филология фанлары номзоди.

### Зиёев Ҳ.

Истиқлол — маънавият негизи // Масъул мұхаррир: Е. Аҳмаджөнов /. — Т.: «Маънавият», 1999.— 192 б.

ББК 63.3 (5У) + 65.9 (5У)

## Сўз бошӣ

1991 йил 31 августда ўзбек халқининг оғиги ва қалбидаги озодлик гоялари бамисоли вулқон каби отилиб, мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмнинг занжирлари улоқтирилди.

130 йил мобайнида таданган, ҳақ-хуқуқлари поймол этилган, эзијлган ва хўрланган халқ ўз мустақиллигини тиклади. Ниҳоят, ўзбеклар елкасига офтоб ва қўкрагига шамол тегиб, киндик қони тўкилган она юртнинг чинакам эгаси бўлиш шарафига муюссар бўлди.

Президент Іслом Каримов бошчилигида кўз ўнгимизда содир бўлган 31 август воқеаси мустақиллик ва озодлик гояларининг куч-қудратини иамоийн этиб, ҳаётнинг цэгизи ва йўналтирувчи кучи сифатида гавдаланиб турибди. Шу боис унинг тарихи ва қадр-қўматини таърифлаш сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Айни пайтда, у, маънавиятни янада такомиллаштиради ва илфорлаштиради. Шу нуқтан назардан кенг ўқувчилар оммасига ҳавола қилинаётган мазкур китоб ҳар жиҳатдан фойдали деб ҳисоблаймиз.

Унда таниқли тарихчи олим Ҳамид Зиёевнинг қайта қуршишининг сўнгти палласи ва мустақиллигимиздан қейин матбуотда эълон қилинган катта-кичик мақолалари ўрини олгаи. Китобининг ҳар бир саҳифаси мустақиллик, озодлик ва ватанга содиқлик гоялари билан суғорилган бўлиб, ўтмиш ва ҳозирги замон тарихига доир долзарб масалаларни ўз ичига олади.

Китобда шўро давридаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизимнинг моҳияти ва йўналишнга бағишланган саҳифалар диққатга сазовордир. Унда социализм тузуми әмас, балки «қўулдорлик давлати» ташкил топганлиги тўла исботланган.

Китобдаги «Истиқлол учун бирлашайдик» мақоласида совет тоталитар тизимининг даҳшатли ва фожиали оқибатлари, ўзбек халқининг бошидан кечирган азоб-уқубатлари ва талафотлари батафсил шарҳланган. Унда мустақилликни сақлашга ва тараққиёт учун жа-

Мият аҳдиди бир ёқадаи бош чиқарниб, Республика рәхбарияти атрофига жинислашишга даъват этилган.

«Оламшумул аҳамиятга молик тарихий воқеа»га бағишлиланган саҳифалар ҳам қизиқиш билан ўқилади. Унда Ўзбекистон мустақиллиги юзага келтирган сиёсий ва ижтимоний-иқтисодий шароит ёритилган. Шунингдек, мустақилликни тиклашда президент Ислом Қаримовнинг тутган бекиёс катта ўрни ва хизмати, унинг моҳияти ва йўналиши янги фикр-мулоҳазалар билан таърифланган. «Яхшироқ уйғонгина ўзбегим» сингари мақолаларда ўзбек халқининг кўп асрлик насл-насаби, ватанпарварлиги ва жасорати, совет даврини қўмсашликиниг мутлақо асоссизлиги шарҳланган. Уларда совет даврида ортирилган қул кайфиятли ва «қорин тўйса бас» дегани ўта заарли фикрлар билан яшаётган кимсаларга нисбатан қаттиқ норозилик билдирилган.

Муаллифнинг «Бизга мустақиллик нималар берди?» номли мақоласида мустақиллик келтирган буюк туб ўзгаришлар атрофлича таҳлил этилган. «Буюк иккى сана: 1370 ва 1991» ҳам диққатни жалб этиб, ўша йилларда мустақил ўзбек давлатининг тикланиши, ўзларига хос ва мос хусусиятлари ёритилган.

Муаллиф президент Ислом Қаримов томонидан бинринчи маротаба кўтарилилган «Туркистон умумий уйнимиз» гоясининг тарихий асосларига бағишлиланган асарлар ҳам яратди. Масалан, китобга киритилган «Буюк ҳаётин гоя», «Туркистон умуммуқаддас ватандир», «Марказий Осиё истиқболи» ва «Тарих синовидан ўтган тизим» шулар жумласидандир.

Китобдаги «Чинакам ҳаётбахш конституция», «Тарих ортга қайтмайди», «Қалбларга нур сочган "Ўзбегим"», «"Нексия", "Тико", "Дамас" фақат транспорт иноситаси эмас» ва «Озодлик радиосига очиқ хат» сингари қисмлар ҳам яхши таассурот қолдиради.

«Амир Темур давлатининг мафкураси» ва «Миллий мафкура жамиятининг қон томири» каби мақолаларда миллий мафкуранинг тарихин шаклланиш жараёни, ўтмиш ва ҳозирги замонда тутган ўрни ва йўналиши ёритилган.

Шунингдек, китобдаги «Озодлик учун тўқилган қонлар ёхуд буюк ватанпарварлик кураши» ва «Озодлик орзуисида дунёдан кўз юмган олим, устоз ва мураббий» сингари мақолалар ҳар жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Хуллас, китобда мустақиллик ва озодликнинг тарихий замонлари, унинг моҳияти ва йўналиши, буюк ислоҳот ва туб ўзгаришларнииг самарадорлиги, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳастнинг ўзига хос хусусиятлари таърифланган.

Ўйлаймизки, у кеңг ўқувчилар томонидан қизиқиция билан ўқилади.

*F. Аҳмаджонов,  
тарих фанлари доктори, профессор.*

## СОВЕТ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАНДАЙ СИЕСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТҮЗУМ ҲУКМ СУРГАН?

XIX асрнинг ўрталаридаи бошлаб то 1991 йил 1 сентябригача, яъни 130 йил мобайнида чор ҳукумати ва сўнгра совет давлати ҳукмронлик қилган даврда ўзбек халқи мисли кўрилмаган қирғинларни, талафотларни, хўрланиш ва азоб-уқубатларни бошидан кечирди. Ниҳоят, ўзбекларнинг озодлик учун курашларда дарё каби оқкан қонлари беҳудага кетмай, мустақилликка эришди. Эндиликда совет даврида ўлканинг сохталаштирилган ўтмиши ва ҳозирги замон тарихини холисона ўрганиб, ҳақиқатни юзага чиқариш имкони туғилди. Бу хусусда чор ҳукумати, айниқса, коммунистлар ҳукмронлиги даврида қаидай тузум бўлганлигини билин кўпчилики қизиқтиради, албатта.

Чор ҳукумати Туркистон ўлкасини босиб олгандан кейин ўзбекларни сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этди. Чунончи, уларнинг вакиллари олий ва ўрта лавозимларга яқинлаштирилмай, ҳокимият тамомила рус ҳарбийлари ва амалдорлари қўлига тўпланди. Рус тили эса давлат тилига айлантирилди. Шунингдек, Туркистоннинг хорижий мамлакатлар билан алоқаси ҳам чор ҳукумати қўлига ўtkазилди. Чор ҳукумати миллий тил ва маданият равнақига тўсқинлик қилиб, ўлкани имкони борича ўрта аср қолоқлигига сақлашга ҳаракат қилиб келди.

У Туркестоннинг Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириш учун пахтачиликини ривожлантириди, саюат корхоналари ва темир йўллар қурди, ички ва ташки савдонинг ўсишини таъминлади. Ўлкага доимий яшаш учун келувчи русларнинг сони тобора кўпайиб, рус шаҳарлари ва посёлкалари қад кўтарди. Бу ерларда савдо ва саноат фирмалари, банклар ва бошқа муассасалар юзага келди.

Мазкур ўзгаришлар чор ҳукуматининг хоҳиш-иродасидан қатъи назар маҳаллий халқ вакилларини ўз таъсирига олди. Чунки рус сармоядорларининг ўзбек тили ва маҳаллий шарт-шаронтини яхши билувчи ерли алоҳолини вакилларнив лиш юритишиларининг иложи ўйқ

эди. Шу боисдан ҳам улар ўзбек ишбилиармоналари билан маълум даражада ҳамкорлик қилишга мажбур эдилар. Натижада ўзбеклар орасидан пахта тозалаш ва бошқа соҳа корхоналарининг эгалари, йириқ савдоғарлар, умуман янги шаронтга мослашган ишбилиармоналар етишиб чиқди. Бу вақтларда жуда күп бўлмаса-да йириқ ер эгалари ҳам бор эди. Мазкур тоифадаги кишилар миллий буржуазиянинг шаклланишидан катта аҳамият -касб этдилар. Шундай қилиб янги капиталистик, муносабатларниң пайдо бўла бошлиши орқасида унинг маҳсули бўлмиш миллий буржуазия ўз фаолиятини кучайтириб юборди. Капиталистик муносабатлар зиёдилар ва руҳонийларниң ҳам уйғонишига олиб келди.

Хуллас, XX асрнинг бошларида айрим пектисодий ўзгаришлардан ташқари босмахоналар ва газеталар юзага келди. Ҳатто, хорижий мамлақатлардан, хусусан, Туркиядан турлӣ адабиётлар ва газеталар келгирildи. Бундай алоқалар Қозон ва Крим татарлари билан ҳам олиб борилди. Бу даврда, айниқса, Туркияning Туркистонга ҳайриҳоҳлиги тобора кучайиб борди. Бу чор ҳукуматининг ҳам, коммунистларни ҳам шу даражада ташвишга солдики, улар «пантуркизм» ибораси билан ҳалқнинг илғор вакилларини қоралайдиган бўлдилар.

Миллий буржуазия ва зиёдиларниң илғор қисмлари ўлкани қолоқликдан қутқариш мақсадида, энг аввало, маърифатпарварликни ривожлантиришни вазифа қилиб қўйдилар. Шу нуқтаи назардан улар ўз маблаглари ва имкониятлари қўтарганича мактаб ва мадрасалар сонини кўпайтирдилар. Янги босмахона ва газеталар ташкил этиб бордилар. Шу бидан бирга янги усул мактабларини очиб, ҳалқ маорифини ислоҳ этишга қиришдилар.

Шу ҳолда капиталистик алоқаларнинг юзага кела бошлиши орқасида жамиятда зиёдилар ва руҳонийларни ўз ичига олган миллий буржуазия шаклланди. Улар ислоҳотлар ўтказиш билан тараққиёт йўлига киришини тарғиб этдилар. Аммо миллий буржуазия молиявий жиҳатдан Россия савдо-сотиқ доираларига боғлиқ ва қарам ҳолда иш юритганлигин сабабли анча занф бўлиб, ўз фаолиятини кенг кўламда олиб бора олмади. Улар ҳам мустамлакачилик сиёсатининг азобини чекдилар.

Жамият ҳәётига янгилик киритиш тарафдорлари — миллий буржуазия ва зиёлиларнинг илғор қисми арабча «жадид», яъни янгилик киритувчилар маъносида юртиларди. Улар том маънода миллатпарвар кишилар эди.

Туркистонда феодализм тузуми дарз кетиб, капиталистик алоқалар кириб келаётган ҳамда жадидлар ҳаракати кучайтган бир вақтда 1917 йил Феврал-буржуа инқилоби ғалаба қилиб, чор ҳукумати агдарилди. Шу сабаб Туркистонда ҳам сиёсий курашлар авж олди. Хусусан, миллий озодлик гояси ва ҳаракатлар кучайиб борди. Кўп ўтмай Ленин бошлиқ большевиклар давлат тўнтириши уюстириб, ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар.

Лениннинг мамлакатдаги барча мусулмон аҳолига ўз тақдирини ўзи белгилаш, тенглик ва озодлик сингари ҳуқуқлар берилганлиги ҳақидаги алдовдан иборат мурожаати эълон қилинди. Бунга ишонган миллий буржуазия, зиёлилар, руҳонийлар Туркистон мустақиллигини таъминлаш мақсадида «Шўрои ислом» ва «Уламо» жамиятларини туздилар. Бу жамиятлар «Туркистон муҳторияти»ни ташкил этдилар. Аммо большевиклар ўлкада зўравонликни кучайтириб, муҳториятини тор-мор этдилар. Улар амалда чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини ва миллий зулмни давом эттирдилар. Бунга жавобан миллий озодлик ҳаракатлари кенг қулоч ёйди. Большевиклар бу халқ курашини сурбетларча «босмачилар ҳаракати» деган қалбаки ном билан қораладилар. Улар минглаб ватан ҳимоячиларини қириб ташладилар, кўплаб тураржойларни харобага айлантирдилар.

Ленин вафотидан сўнг Сталин гўё барча мазлум халқларга тенглик, озодлик ва фаровон турмушни таъминловчи «социализм тузумини» қуришга қатиқ бел боғлади. Мустамлакачилик ва миллий зулм сиёсати Туркистон халқларини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан эзиб ташлаганди. Бунишг устига большевикларнинг қиргини ва талон-торожи аҳволни чидаб бўлмайдиган даражада оғирлаштириб юборди. Биринчи жаҳон уруши, фуқаролар уруши йилларидаги қаҳатчиликлар ва оммавий касалтиклар жамиятга янада оғир юқ бўлиб тушган эдн.

Аммо коммунистик партия раҳбарлари оғир шаронит билан ҳисоблашмай, социализм қуришни давом эттир-

дилар. Улар феодализм ва капитализм тузумлариниң таг-томири билан суғуриб ташлаш учун астайдил енг шимардилар. Бу эса зўравонлик ва қирғинларга олиб келди. Партия, аввало, хусусий мулкчилик ва динга қақшатқич зарба бериб, деҳқонлар қўлидаги сув тармоқлари, экши майдонлари, яйловларни тортиб олди ва давлат мулкига айлантирди. Мол-мулклар, ҳашаматли уйлар, бугу роғлар халқиниң қўлидан тортиб олинди. Шунингдек, чўлу биёбонлар, тоғу тошлар, табиий бойликлар, саноат корхоналари, ташкилотлар давлат мулки бўлиб қолди. Булардан ташқари саноат ва деҳқончилик маҳсулотлари ва бошқа турли-туман даромадлар Россияга узлуксиз юборилиб турилди.

Колхоз-совхоз хўжаликларининг ташкил топиши халқниң бошига битган бало бўлди. Партия халқни нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки сиёсий-маънавий томондан ҳам гоят қаттиқ исканжа остига олди. Тўғри, ресиубликалар ташкил этилди, конституция, сайловлар, парламентлар, миллий байроқ, герб ва гимн жорий этилди. Лекин улар фақат хўжа кўрсинга қилинган тадбирлар эди, холос. Аслида марказ мустамлакачилик сиёсатини изчилилк билан давом эттириди. Республика раҳбарлари Москванинг кўрсатмаларини сўзсиз амалга оширувчи «қўғирчоққа» айлантирилди.

Коммунистик партия ўзбекларни, қозоқларни, қирғизларни, украинларни, умуман, империядаги барча халқларни қул ҳолатида тутиб келди. Бу борада, айниқса, мусулмон халқи кўп жабрланди ва камситилди. Шу ўринда наҳотки саводли, билимли, касб-корли кишилар, умуман, «совет фуқаролари» қулга айланган бўлса, қабилида савол туғилиши мумкин. Жавоб шуки, хозирги замон шаронтида Юнонистон ва Римдаги қулликни тушуниш потўгридир. У узоқ замонлар ўтиб, бугун фан ва техника, замонавий ижтимоий-сиёсий қарашлар юқори босқичга кўтарилиди. Эндиликда фуқаролар замонга ираша саводли ва билимдон бўлиши шарт бўлиб қолли. Акс ҳолда, жамият ҳаётини тебратиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам коммунистик партия халқ маорифи, олий ва ўрта таълим фан ва маданиятини ривожлантириб, фуқароларни саноат ва қишлоқ хўжалигидаги техникани бошқара оладиган даражага стказишга мажбур бўлди.

Ўз мөнкиятига кўра империя Ўзбекистонга ва бошқа миллий ўлкаларга мустақиллик, тенглик, умуман, сиё-

сий ва инсоний ҳуқуқларни бера олмас эди. Демократия ва ошкоралик хусусида сўз юритмаса ҳам бўлади. Империяни коммунистик партия бошқарган давр чоризм ҳукмронлиги йилларидан ҳам ошиб тушди. Қисқаси ўзбеклар «ёмғирдан қочиб қорга йўлаққан» эди. Миллӣ тил ва маданиятни чеклашдаги сиёсатнинг давом эттирилиши ўзбек халқи миллӣ онгнининг ўсишига қаттиқ зарба бўлди.

Коммунистик партия кишилик тарихида шундай бир тенгн йўқ фожиа ва жиноятга қўл урдики, бутун инсоният ҳаётининг хавфи остида қолди. У неча ўн миниг йиллар давомида катта машаққат ва азоб-уқубатлар билан инсон кашф этган хусусий мулкчилик ва динни илдизи билан қўпоришга ҳаракат қилинди. Ваҳоланки, хусусий мулкчилик ва дин инсонни ёввойиликдаи ҳоди қилиб, оила ва тараққистни юзага келтирган омилдир. Улар жамият моддий ва муайян маънода мафкуравий ҳаётининг негизидир. Хусусий мулкчилик ва дин туфайли ҳайвондан фарқ этиувчи, «инсон» деган улуғ зот ва ном юзага келган эди.

Бинобарни, партиянинг мана шундай ҳаётий негизга қарши қаратилган зарбаси бутун инсониятни ер юзидан супуриб ташлашга уриниш билан баробардир. Ҳатто, чор ҳукумати хусусий мулк ва дин дахлезилигини сақлаб, шундай жиноятни қилмаган эди. Партия томонидан мамлакатда қарийб 30—40 млн атрофида кишилар маҳв этилди ва бадарға қилинди. Бу, асосан, хусусий мулкчилик ва динга қарши аёвсиз курашнинг янги «социалистик жамият» барпо этишдаги ҳаракатларнинг маҳсулн эди. Бундан ташқари хусусий мулкчиликка қарши кураш очарчиликлар, қаҳатчилик ва оммавий касалликларга олиб келди, миллионлаб кишиларнинг ёстиги қуриди, обод ўлкалар ҳаробага айланди.

Хуллас, совет даврида «социалистик жамият» эмас, балки «қулдорлик давлати» қарор топди. Бу, аввало, хусусий мулкчиликнинг, сиёсий ва инсоний ҳуқуқларнинг йўқлигига ўз аксини топган бўлса, иккинчидан бутун мамлакат «темир панжара» билан қуршаб олинганида намёён бўлди. Эндиликда том маънодаги «социалистик тузум» қурилмаганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шундай экан совет даврида қулдорлик давлати шаклланганлигини тан олмасдан иложи йўқ.

Совет давридаги қулдорлик, асл моҳияти бўйича қадимги қулдорликдан фарқ қилмаса-да, лекин унинг

маъниси замон тақозосиңга кўра анча кенгайиб, ўзинга хос хусусиятлари билан шаклланди. Чунончи давр тараққиетига кўра фуқаролар анча маданийлашган, «яъни малакали қуллар» ҳисобланган. Шунинг учун қулдорлик совет даврида ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилиди. Эндиликда қулларни сотиш ва ҳотиб олишга ҳожат қолмади. Бунинг ўрнига оммавий равишида қамаш, қириш; сургун қилиш, қаттиқ назорат остига олиш, турли ишларга жалб қилиш авжига чиқди. Қадимги даврлардан фарқли ўлароқ фуқароларга маълумот олишга ва уй-жой қилишга ҳуқуқлар берилди.

Қадимги дунё қулдорлик давлатларида аҳолининг маълум қисми озод ҳисобланган бўлса, совет даврида деярли барча кишилар қулларча ҳаёт кечирганлар. Ўтмиш замонларда натурал ҳўжалик ҳукм сурганлиги туфайли қуллар озиқ-овқат ва иш қуролларни билан таъмилланган. Совет даврида эса, пул муносабатлари-нинг кенг ривожланиши натижасида иш ҳақи пулга айлантирилиб, маош сифатида оз миқдорда тўланди. Ўтмишда қуллар хусусий кишилар ва давлат ихтиёрида бўлган бўлса, совет даврида улар фақат давлат мулки ҳисобланди. Бутун мамлакатда «улур давлатчилик» гояси ҳукм суриси, табиатдаги барча жонли ва жонсиз борлиқ совет давлатиники бўлиб қолди.

Кишлоқларда пахта якка ҳокимлиги авжига миниб, пахтани етиштириш ва териш қўл меҳнатига асосланган ҳолда олиб борилди. Деҳқонлар эрта-ю кеч меҳнатдан боши чиқмаганига қарамай, ниҳоятда оғир ва ачинарли ҳолга тушиб қолди. Пахта якка ҳокимлиги ерни, сувни, ҳавони ва умуман, барча борлиқни заҳарлади, кишилар соғлиги ва онгига катта зиён етказди. Бу гўё камдек, деҳқон яна сиёсий ва инсоний ҳуқуқлардан, хусусий мулкчилик ва шахсий манфаатдорликдан маҳрум этилиб, «ганирувчи машина»га айлантирилди. Айниқса, ўзбек хотин-қизлари ва болаларининг аҳволи аянчли ҳолга тушди. Одамлар, шу жумладан болалар пахтазорда заҳарланиб, умри мاشаққатда ўтди.

АЗоб-уқубат ва сиқувлардаи қочиб кетмасликлари учун деҳқонларга паспорт берилмади. Шунингдек, колхозлар плани атайн оширила бориб, деҳқонларни қарздорлик сиртмогида қаттиқ ушлаб, таъна қилиб турилди. Бордю деҳқон колхозда ишлашдан бош тортса, томорқаси тортиб олиниб, ўзи кўчага ҳайдалишти тур-

тai гап эди. Тўғри қишлоқларда кўплаб мактаблар ва оқартирув муассасалари очилган эди. Бироқ уларда ёшларининг етарли билим олишиларнiga атайлаб йўл берилмади.

Республикага бирор соҳада мустақиллик берилмаги, эркин ишлаб чиқариш ўринига, асосан, мажбурий меҳнат ва қатъий равишда белгиланган давлат нархининг жорий этилиши ҳамда маҳсулотларнинг деярли ҳаммасини давлатга топширилиши ҳам замонавий қулчиликнинг яна бир муҳим хусусиятларидандир. Бошқачароқ айтганда, мамлакатда на тўлиқ феодализм, на капитализм ва на социализмга хос белгилар йўқ эди.

Шаҳар аҳолисига келсак, шуни айтиш лозимки, улар ҳам сиёсий ва инсоний ҳуқуқлардан, ҳуқуқий мулкчилик ва диндан маҳрум этилган бўлиб, меҳнатга яраша ҳақ олмай, асосан, партия ва ҳукумат манфаатлари учун тинимсиз меҳнат қилди ва қашшоқлаши.

Хуллас, совет даврида ўзбеклар ва ўлкашнинг бошига аҳолиси хусусий мулкчилик, эркин бозор ва нарх, шахсий ташаббус ва манфаатдорликлари тақиқланган, сиёсий ва инсоний ҳуқуқлари, демократия ва ошкоралик ман этилган жамиятда яшадилар. Улар қулдорликка асосланган мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм исканжасида ҳаёт кечирдилар. Гарчанд совет давлати қудратли ва даҳшатли ҳарбий қўшинга эга бўлган бўлса-да, бироқ мамлакатда ҳукмрои бўлган қулчилик тизими империяни ичидан чиритиб, ҳалокатга маҳкум этди. Худои таолога минг қатла шукурки, мустақилликка эришиб елкамизга офтоб ва кўкрагимизга шамол тегди. Оғзимиздаги «қулфлар» ва оғзимиздаги «кишантар» парчалаб ташланди.

«Мулоқот» ж., 1993, 9—10 сонлар.

## **ОЛАМШУМУЛ АҲАМИЯТГА МОЛИК ТАРИХИЙ ВОҚЕА**

Шу кунларда Ўзбекистон заминида яшаётган автолларни баҳтиларининг баҳтилиси дейишига барча асослар бор. Зоро, уларнинг кўз ўигида 1991 йил 31 августида оламшумул тарихий аҳамиятга молик воқеа рўй берил, она юртнинг мустақиллиги тикланди. Бу билан ғурурланмасдан ва фахрланмасдан бўладими?! Албатта йўқ!

Чунки 31 августда 130 йиллик мустамлакачилик сиё-

сати ва миңлій зұлм зәңжірларіт пәрчаланіб, хүр-  
риятта әрішиліб, халқпен асрий орзусы ва курашлары  
рүебга чиқди. Мешінг назаримда бу курашларда ҳалок  
бўлғаюз минглаб ота-боболаримизнинг руҳлари ҳам  
шод бўлди.

Мен тарих саҳифаларига зэр ҳарфлар билан битил-  
ган 31 август воқеасини илк бор инқилобий ҳаракат  
деб баҳоладим<sup>1</sup>. Бунинг қаңчалик тўғрилигини билин  
учун ўтмиш давр тузумининг моҳияти ва йўналишини  
кўрсатиш зарурияти туғилади.

## МУСТАМЛАКАЧИЛИК ВА МИЛЛИЙ ЗУЛМ ИСКАНЖАСИДА

**Сиёсий тизим.** 130 йилни ўз ичига олған мустамла-  
качилик даврида, аввало, чор ҳукумати ва сўнгра совет  
давлати ҳукмронлик қилди. Бу даврда юз минглаб  
кишилар ўлдирилди. Бойликлар таланди, шаҳарлар  
ва қишлоқлар вайронага айлантирилди. Ҳар иккала  
босқинчилик сиёсатининг негизида бир мақсад, Тур-  
кистонни Россиянинг хом ашё маибаңга ва тайёр маҳ-  
сулотлар бозорнга айлантириш кўзланди, холос. Шу-  
нингдек, улар улуғмиллатчилик сиёсатини изчиллик  
билан ҳаётга татбиқ қилдилар. Чор ҳукумати Туркис-  
тонда ҳукмронлигини ўрнатгандан кейин миллий дав-  
латни йўқ қилди. Улканинг олий ва ўрта бошқарувини  
рус генералларининг, офицерларининг қўлига топшир-  
ди. Маҳаллий миллат вакиллари эса рус маъмурияти-  
нинг хизматкорлари сифатида қуий мансабгагина тайин-  
ланди.

Рус тили давлат тили ҳисобланиб, миллий тилнинг

<sup>1</sup> Иккилоб, яъни революция сўзин туб ўзгариш ва бурилиши  
англатиб, ҳаётниш барча соҳаларига татбиқ этиш мумкин. Сиё-  
сатда бундай иккилобий ўзгариш иккиси хил тарада содир бўли-  
ши мумкин. Бира уруш, қирғин-барот, кескин ва шиддатли  
иккичиси тинчлик ва талафотсиз равишда амалга оширил-  
ганинг маълумдир. Энг даҳшатли ўзгаришлар 1917 йилдан бол-  
лаб совет даврида қўзга ташланди. Бу вақтда эски тузумдан  
«япги тузумга» мисли қўрилмаган даражада қирғин-барот ва  
талафотлар ҳисобига ўтилди.

1991 йил 31 августдан бошлаб Узбекистонда мустақиллик ва  
миллий давлатнинг тикланиши туб иккилобий ўзгариш ҳисоб-  
ланиб, тамомила лиги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузум  
эволюцион ўйл билан босқичма-босқич амалга оширилмоқда.  
Бундай тинчлик ва талафотсизлик билан қўлга киритилган  
иккилобий ҳаракат ўша 31 августдан то шу кунгача ҳаётимиз-  
нинг йўналтирувчи кучи ҳисоблапмоқда.

рівожланышыга шұл берилмади. Чор ҳукумати үлкәни Гуркестон генерал-губернаторлығы, Бухоро ва Хива хонликларидан иборат үч қисмга тақсимлаган ҳолда бөшқарди. Гарчандың ўша иккі хонлик расман сақланған бўлса-да, лекин амалда Россия қўлидаги қўғирчоқ ҳукумат эди; холос. Улар мустақилликдан маҳрум этилиб; Россиянинг даромад манбаига айлантирилди.

Чор ҳукумати ўзининг мустамлакачилик асосида ташкил этилган сиёсий-маъмурӣ тизимиға ва қўшининг таянган ҳолда маҳаллий аҳолига сиёсий ҳуқуқларни бермади.

1917 йилда большевиклар давлат тұнтарыщи қилиб, ҳокимиятни эгаллаганларидан кейин чор ҳукумати сиёсатининг меросхўри сифатида иш юритдилар. Аммо, улар мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмни шу даражада авжига миндириларки, ҳали унақаси инсоният тарихида учрамаган эди. Чунончи, совет давлатининг дастлабки йилларидаёт туб аҳоли вакилларини ҳукумат таркибиға киритмадилар. Кейинчалик бу хато бир оз тузатилган бўлса-да, лекин барибир үлкани башқариш-марказининг қўлида эди. Қизил армия очиқдаңочиқ ҳалқнинг мол-мулкини талаш ва уни қириш билан шуғулланди.

Бутүй Туркестон үлкасида қаҳатчилик, оммавий-касаллеклар, қашшоқлеклар ва қирғин-баротлар ҳўкм сурдн. Улугмиллатчиликнинг ва зўравонларнинг маҳсулли ҳисобланған бундай фожиалар юз минглаб кишиларниң ёстиғини қурилди ва уй-жойларини вайронага айлантируди. Биргина мисол келтирайлик: 1918 йилда Қизил армия Туркестон мухториятини тор-мор этаётганида Қўқон шаҳрида бир куннинг ўзида 10 минги киши ўлдирилған, 60 қишлоқ ёндирилған, Ұмуман олганда, Фарғона водийснда «босмачилик» деб қалбаки номланған майлий озодлик ҳарақатларида, қатағонларда, террорларда, касаллеклар ва очарчиликлар орқасида юз минглаб кишилар ҳалтот бўлганлар. Бу ерда үлқацинг бошқа жойларидаги, вилоятларидаги одамларниң қирилгашилгий ҳисобга олинса, қанчалик даҳнат, ва ёвуздик бўлғандиги аёп бўлади.

1920 йилда большевиклар томонидан Хива ва Бухоро хонликларида уюштирилган қирғин-баротлар вақтида ҳам 10 минглаб кишилар ўлдирилди ва турли томонларга тўзиб кетди. Шу равишда совет ҳукуматининг сиёсий тизими қонларга беланганд ҳолда шакл.

лайды. Совет ҳукумати ўлка ҳалқларининг бирдамлигига иш ва куч-қудратини синдириш учун уни беш республикага ва 2 та автоном республикага парчалаб ташлади. Совет давлатининг сиёсий тизими кўзбўямачиликка, алдамчиликка ва «хўжакўрснинг»га асосланган эди.

Амалда эса, тоталитар сиёсат ва миллий зулм ҳукум сурди, ҳатто, бир бутун ҳалқларнинг киндиқ қони тўкилган ватанидан сургун қилинганиниг гувоҳи бўлганимиз. Мамлакатда сиёсий ва инсоний ҳукуқларга тамомила йўл берилмади.

Коммунистлар «дўстлик ва биродарлик» ва «пролетар интернационализми» ниқоби остида улуғмиллатчилик сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб борганилиги сир эмас. Жамиятнинг ўз ватанига содик кишилари, хусусан, ақл-идроклиси ва умуман, унинг гули оммавий равишда қатағон қилинди. Бунақангига ёвузлик сувлари билан сугорилган сиёсий тизим тарихда кўринмайди.

**Иқтисодий ва маънавий ҳаёт:** Чор ҳукумати ўлка-нинг бойликларини, хусусан, ҳом ашё маҳсулотларини, солиқ ва божларпи давлатнинг даромад манбаига айлантириди. Маълумки, Россия ўзининг тобора ўсиб бораётган тўқимачилик саноати үчун пахтани, асосан, узоқ Америкадан олар эди. Бунинг учун ортиқча ўн миллион лаб сўмларни сарфланиши билан бир қаторда, катта қийинчилкларга дун келинар эди. Шу боис чор ҳукумати Туркистанда пахтачиликни ривожлантиришга ва уни мустаҳкам ҳом ашё манбаига айлантиришга қаттиқ киришди. Россиядаги савдо-саноат доиралари, хусусан, капиталистлар ва умуман, даромад қетидан қувучи кишилар ўлканинг пахтаснга ёпишиб олдилар. Чор ҳукумати ўлкада «пахта яккаҳоқимлигини» ўрнатиш учун ҳеч нарсадан тоймади. Пахтанц ғалла ва боғдорчилик маҳсулотларини, қисқартириш ҳисобига ривожлантирилиши озиқ овқатлар нархиди, ошириб юборди. Бу ҳолат капиталистларга яна бир мўмай даромад манбани тугдирди. Чунки улар туб аҳолининг галлагага муҳтожлигидан фойдалациб, Россиядан ғаллани келтириб, катта даромад олдилар. Чоризм даврида пахтачилик ривожланишиб, у 1886 йилда 3 млн, 1910 йилда 10,8 млн ва 1915 йилда 18,5 млн пуд ҳажмида стиштирилди. Унинг деярли барчаси Россияга одиб кетилган. Шу равишда чор ҳукумати ва капиталистлар пахтани арzon пархда олишдан, ундан ишланган газ-

ләмаларни ҳамда ғаллани ўлкага келтириб қимматта сотишдан катта фойда кўрганлар. Бундан ташқари, Россиядан келтирилган турли туман сапоат моллари ҳам мўмай даромад келтирган.

Хуллас, чор ҳукумати вақтида «нахта яккаҳокимлиги»ни таъминлашга қаратилган сиёсат юргизилиб, унинг пойдевори бунёд этилди.

Чор ҳукумати маданият соҳасида ҳам олиб борған мустамлакачилик сиёсати ўзбек халқининг миллӣ ҳисстүйғулари ва дунёқарашини ривожланишига тўсқинлик қилди. У халқ маорифига маблағ ажратниши хаёлига ҳам келтирмай, мактаб ва мадрасаларни ўз ҳолига ташлаб қўиди. Мустамлака маъмурияти имкони борича халқининг оигига итоаткорлик ва қул табиатлилкни сингдиришга ҳаракат қилди. Маданий мерос оёқ ости қилинди ва талай қисми харобага айлантирилди. Халқни маънавий жиҳатдан қашшоқлаштириш мақсадида, динни «бир бурчакка» сиқиб, сиёсий ва иқтисодий манфаатларнига зарба берди.

Совет даврида маданий ва иқтисодий ҳаётда туб ўзгаришлар содир бўлган бўлса-да, лекин улар қалбаки коммунистик ғоялар билан сугорилди. У вақтларнинг даҳшатли фожиаси шулардан иборатки, инсонларни «ёввойи.тик»дан тараққиётга ва фаровошликка чорлаган хусусий мулк, эркин иш билармонлик ва савдо-сотиқ ҳамда дин тақиқланди. Ерлар, сувлар, корхоналар, умуман, табиатдаги барча жонли ва жонсиз борлиқ давлатнинг мулкига айлантирилди. Ҳатто, миллат ва динидан қатъи назар, барча халқлар давлатнинг «жонли мулки» ҳисобланиб, «биз давлат кишиларимиз» ёки «партияниңг солдатларимиз» деган иборалар юзага келди.

«Ҳаммамиэга маълумки,—деб ёзади Ислом Қаримов, — биз сўнгги 70 йил мобайнида давлатга қарамлик ва сигиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатдаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат деб ҳисоблаб келдик. Қайси масалани олмайлик, давлат манфаати биринчи ўринда, фуқаро, шахс манфаати эса, деярли ҳисобга олинмаган»<sup>1</sup>.

Бор-йўғидан айрилиб ва шилиниб, манфаатлари оёқ ости қилинган халқнинг давлат томонидан белгиланган оз миқдордаги маошидан бошқа ҳаёт манбаи қолма-

<sup>1</sup> И. А. Қаримов. Бивдан озод ва обод ватац қолсин, Т., 1994, 186-б.

ди. Давлат маош воситасида меҳнаткаш оммани хоҳлаган томонга эргаштириб юрди. Чунки маошдан айрилиш ёки давлатнинг чизигидан чиқиши фожиа билан тугарди. Шу боис давлатга сажда қилиш ва сифиниш ҳамда содиқликни изҳор этиб туриш одат тусига айланди. Партияни кўр-кўронга улуғлаш ва олқишилаш авжига минди.

Марказ олтин, кумуш, уран, газ, пахта, шпак ва бошқа турли-туман бойликларни узлуксиз Россияга олиб кетаверди. Совет давлати чоризм давлати даврида асос солинган пахта яккаҳокимлигини сунъий равишида шу даражада ривожлантириб юбордикি, «пахта васвасаси» осмону заминни қоплади. У пахтадан олинадиган катта даромад илинжида ерни, сувни ва ҳавони заҳарлади, одамларни турли-туман касалликларга чалинтириди ва ўлим кўпайди. Шунга қарамай, пахта яккаҳокимлигини изчиллик билан ривожлантириб борди. Агар 1918 йилда пахта толаси 18,5 млн пудни ташкил қилган бўлса, совет даврида 5—6 млн тоннага етказилди. Аммо, бу билан деҳқонларнинг турмуш даражаси яхшилангани йўқ, аксинча, қашшоқлашди. Айниқса, аёлларнинг аҳволи аянчли ҳолга тушди.

Совет ҳукумати табиятга ваҳшийларча муносабатда бўлиб, ҳаётий мувозанатга путур етказдп. Ҳатто, Орол дengизини қуритишдан ҳам тоймади. Үлкада минг йиллар мобайнинда ҳаёт-мамотнинг устунлари бўлиб келган ажойиб ҳунармандчиликнинг илдизи билан қўпориб ташланганлиги ҳисобга олинса, фожиага фожиа улангани англашилади. Тўғри, совет даврида ҳалқ маорифи, олий ва ўрта таълим тармоқлари, матбуот, фан ва маданият соҳалари кенг кўламда ривожланди. Кўплаб саноат корхоналари қурилди. Уларни инкор этиш адолатдан эмас, албатта.

Аммо, биринчидан, барча иқтисодий ва маданий ўзгаришларни кейинги 130 йил мобайнинда Ўзбекистондан олиб кетнлган турли-туман бойликларга таққосласак, улар дengиздан бир томчидир.

Иккинчидан, совет давлати томонидан «социализм тузумини» қуриш ва мустаҳкамлаш жараёнинда миллионлаб кишиларнинг қириб ташланганлигини, сургунлар ва қамоқ жазоларини, вайронагарчиликлар ва мисли кўрилмаган талафотларни ~~ҳам ёдда~~ тутмоқлозим. Бунинг устига-устак одамлар қаттиқ таъқиб,

назорат, хавф-хатар ва қўрқув остида яшаганликларини унутмаслик керак.

Учинчидан, фан ва маданиятнинг бутун фаолияти коммунистик ғоялар билан суғорилиб, мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик сиёсатини таъминлашга йўналтирилди. Улар адолатсизлик ва зўравонликка асосланган тоталитар тузумнинг энг муҳим устунларидан эди.

Ўзбекларда: «Қатиқ тўкилса юқи, сут тўкилса нима қолади?»—деган нақл бор. Совет давридан бизга мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртлари, матбуот, саноат ва сунъий суғориш тармоқлари, фан ва маданият ўчоқлари, янги ўзлаштирилган ерлар, транспорт воситалари, тураг жойлар ва бошқа соҳалар мерос қолди. Гарчанд, улар жаҳон тараққиёти андозасидан жуда орқада қолган бўлса-да, лекин ҳозирги ҳастимизни таъминлашда асқотиб турибди. Уларни коммунистик ғоялардан тамомила тозалаш ва мустақиллик манфаатларига йўналтириш шу куннинг талабидир. Бу борада республикамиз улкан ютуқларга эришаётганлиги қувонарлидир.

Бизнинг орамизда, совет ҳокимияти бўлмаганда, фан ва маданият бунчалик ривожланмаган бўларди, деб юрувчилар оз эмас. Мен бундай фикрга мутлақо қўшилмайман. Чунки ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихи давомида мустақил равишда құдратли империяларни, юксак фан ва маданиятни юзага келтирганлиги сир эмас.

Зеро, бундан минг йил илгари Ўзбекистонда олий ўқув юрти — мадраса ва академия ташкил топди.

Кези келганда советпарастларга шуни айтмоқчиманки, 130 йиллик мустамлака давридаги оммавий қирғинлар, талон-торожлар ва даҳшатли очарчиликлар бўлмай, мустақиллик ҳукм сургандан, ҳозирда Ўзбекистон ўрта ҳисобда 100 млн. аҳолига эга бўлган құдратли ва гуллаб-яшнаган илғор давлат сифатида гавдаланиб турган бўларди. Бу шунчаки баландпарвоз гап эмас, балки тарихда кўрилган ҳақиқатdir.

Умумий хулоса шуки, совет давлати чоризм асос соглан мустамлакачиликни ва миллий зулмни энг юқори босқичга кўтарди. Натижада мазлум халқ бамисли «ёмғирдан қутулиб қорга учради». Чунки чор ҳукумати даврида хусусий мулкчиликнинг ва диннинг дахлсизлиги сақланди. Совет даврида эса улар тақиқланди.

Маълумки, инсоният тарихида аллақачонлар қулчи-

лик «ўз ошини ошаб, ёшини яшаб», ўтган замонларнинг ёдгорлигига айланган. XX асрда эса уни тўғридан-тўғри жорий этишга шарт-шаронт йўқлиги туфайли, коммунистик ғояга йўғдирилган сиёсий найранг ва қиргин, зўравонлик билан амалга оширилди. У фавқулоддаги ғайритабиий ҳодиса бўлганлиги учун чуқур нлдиз ота олмай, империяни ичидан чиритиб юборди. Натижада совет давлати атом ва бошқа даҳшатли қуроллар билан шайланган қўшинга эга бўлишига қарамай, осонлик билан агдарилди. Мазлум ҳалқлар эса бирин-кетин қулликдан қутулиб, озодликка чиқдилар. Бу хусусда Ислом Каримов шундай ёзади: «Қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлишдан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда<sup>1</sup>».

Марказий Осиёда бу шарафли вазифа биринчи бўлиб Ўзбекистонда адо этилди.

### МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ТИКЛАНИШИ

**Қайта қуриш йиллари.** 1981 — 91 йилларда яқиндагина жаҳонни ларзага солиб турган «социализм» ва тоталитар давлатнинг миси чиқиб, тобора ҳалокатга яқинлашиб бормоқда эди. Бунда, авваламбор, ғайритабиий қулчилик тузумининг ўз-ўзидан ичидан чириши билан баробар, бутун мамлакатда демократик ғояларнинг тобора кучайиши муҳим ўрин эгаллади. Аммо, жон талвасасига тушиб қолған қизил империя ҳали яшаш умидидан воз кечмаган эди. Шу равишда, мамлакат ичра, бир-бирига қарама-қарши икки оқим шаклланнуб, бпрн қандай бўлмасин империяни сақлашни, иккинчиси эса уни ағдаришин вазифа қилиб қўйган эди.

Куч ва имкон нисбатига келганда, империя тарафдорларининг мавқеи баланд бўлиб, улар қудратли қўшинга ва маҳфий кучларга эга эдилар. Шу боис улар сиртмоғидан осонлик билан қутулишнинг иложи йўқ эди. Шунга қарамай озодлик учун олиб борилаётган курашлар қизғин тус олиб, ниҳоятда масъулиятли ва мураккаб вазият юзага келди.

Хўш, тақдирини узил-кесил ҳал этувчи бундай шаронтда Ўзбекистонда қаидай сиёсат юргизилди?

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Буюк мақсад йўлидан оғишмаймиз, Тошкент, 1993, 7—8-бб.

**Б и р и н ч и д а н .** Қайта қуриш йилларда халқнинг ўз-ўзини англаши ўсган сари тоталитар давлатга қарши нафрати ошиб ва демократик ҳаракатлар кучайиб борди. Айниқса, депутатларнинг зиёлиларнинг ва умуман, жамият илфор ваклларининг озодлик гояяларини тарғибот қилишлари муҳим ўрин эгаллади. Шу равища мустақилликни тиклаш учун зарур шарт-шароит тобора етилиб борди. Эндилиқда халқнинг хоҳиш-иродасини ва озодлик гояяларини рўёбга чиқаришни бошқара оладиган, моҳир йўлбошчи «сув билан ҳаводек» зарур эди.

Шундай раҳбар Ислом Каримов мисолида яққол намоён бўлди. У ўз халқига таянган ҳолда, атрофига ватанга ва озодликка содиқ кишиларни жипслаштириб, амалда «умумий фронтни» шакллантириб борди.

Айни пайтда мустақилликни қурбонсиз ва талафотларсиз тиклашга қаратилган чоралар кўрилди. Бордю, бебошлиқ, тартибсизлик ва дангалчиликка йўл қўйиласа, у вақтда бундай ҳолат империя тарафдорларига қўй келган бўларди.

Шунингдек, шароит шунчалик мураккаб эди, марказ билан вақтинчалик «умумий тил» топишни тақозо этарди. Акс ҳолда, унинг ғазаби ёмон оқибатларга олиб келиши турган гап эди. Масалан, марказнинг кўрсатмасига мувофиқ айrim республикаларда қонли тўқнашувлар бўлгандиги ҳамон эсимизда турибди. Шу боис республикада юритилган тўғри сиёsat халқни бундай фожиалардан холи бўлишини таъминлади.

**И к к и и ч и д а н .** 1990 йилнинг 20 июнида Ўзбекистон Олий Қенгашида мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши ҳамда президент лавозимининг таъсис этилиши мустақиллик заминини бунёд қилишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Декларациянинг аҳамияти шундан иборатки, у миллий озодлик гояяларини авж олдирди, кишиларни руҳлантириди, порлоқ келажакка умид ва ишонч бафишлади. Айни бир пайтда демократик гояяларни шакллантириди. Унда ҳуқуқий ва демократик давлат мустақиллигининг устуворлиги, Ўзбекистоннинг Иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан муносабатлари шартномалар асосида белгиланиши ва ўзининг давлат белгилари (герб, байроқ, мадҳия)ни ўзи таъсис этиши кўрсатилган.

Декларация гарчанд ўша вақт шароитининг тақо-

зосига кўра шаклан иттифоқ доирасида, мазмунаш мустақил бўлишни ифода этган бўлса-да, лекин у озодлик сари ташланган катта қадам бўлди. У келажакда Ўзбекистоннинг мустақиллигини узил-кесил тиклаш учун шарт-шароитни бунёд этди. Бу борада республика тарихида биринчи маротаба жаҳон андозаси дарожасидаги олий мансаб — президентлик лавозимининг таъсис этилиши катта аҳамият касб этди. У раҳбарликнинг шунчаки кўринишларидан бири ҳисобланмай, мөҳияти ва йўналиши жиҳатидан муҳим маънони ва мақсадни англатарди. Зоро, у мустақилликка ва озодликка даъват этган омиллардан бири ҳисобланади.

Учинчидан. Маълумки минтақамиз ва бошқа мамлакатлар тарихида мустақилликни тиклашга қаратилган халқ ҳаракатлари мағлубиятга учратилиб, минглаб кишилар ҳалок қилинган. Бунга кўп ҳолларда уларга билимдонлик ва тадбиркорлик билан бошлиқ қилишга қодир раҳбарларнинг йўқлиги сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам, мен жамият ҳаётида шахснинг, яъни ҳукмдорнинг фаолиятига ҳал қилувчи омил сифатида қарайман. Масалан, Амир Темур фаолиятига назар ташлайлик. У катта ақл-идрок, жасорат, тадбиркор, билимдон ва моҳир сиёсат соҳиби бўлганлиги туфайли ўз атрофига мазлум халқни жипслаштириб, мустақилликни тиклади ҳамда қудратли империяни тузди.

Аммо, унинг вафотидан кейинги салкам 600 йил мобайнида эса, юзага келган тарихий шароитда Туркистонда ўзаро урушларни ва талон-торожларни ҳамда чет эл босқинчиларининг ҳужумларини бартараф қилиб, қудратли миллий давлат тузишга қодир ҳукмдор деярли чиқмади. Ниҳоят, кўз ўигимизда бундай тарихий шахс намоёни бўлиб, унинг бошлилигида Ўзбекистон мустақиллиги тикланди. Шу вақтдан бўён қўйидаги буюк ўзгаришларни гувоҳи бўлиб турибмиз.

Янги сиёсий тизим. Мустақиллик туфайли миллий давлат тикланиб, сиёсий-маъмурӣ тизим умуммиллат манфаатлари нуқтаи назаридан шакллантирилди. Натижада тоталитар тизимга зарба берилиб, давлат бошқаруви миллийлаштирилди. Умумиттифоқ вазирликлари ва бошқармалари тугатилди. Биринчи навбатда ўз халқига ва ватанига содиқ «олий кенгашни» шакллантирилиши катта аҳамият касб этди. Эндиликда Ўзбекистон ўзининг чинакам президентига, парламентига, конституциясига, байробига, герб ва мадҳиясига эга бўлди.

Ўзбекистон қуролли кучлар вазирлигининг ва миллий гвардиянинг, айниқса, миллий қўшиннинг ташкил топиши ғоятда катта ютуқ бўлди. Маълумки, миллий қўшин 130 йиллик мустамлака даврида бўлмаган эди.

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо қилиниши ва байроғининг у ерда ҳилпираб турниши бутун тарихимиз давомида биринчи ҳодисадир. Шунингдек, ўнлаб давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди.

Шу равишда Олий Қенгашнинг 1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги баёнотида зикр қилинган вазифалар тўла амалга оширилди. Буларнинг орасида 130 йил «қафасда» ушлаб турилган миллат жони бўлган тилимизга давлат мақомининг берилиши мустақилликни ифодаловчи омиллардан бўлди. Умуман, мустамлакачиликка, маъмурий буйруқбозликка, тўрачиликка, адолатсизликка асосланган қалбаки сиёсий тизим йўқ қилиниб, том маънода миллий давлат шакллантирилди. Демократия ва ҳуқуқий давлатнинг поїдевори мустаҳкамланмоқда.

Янги иқтисодий тизим. Мустақиллик шарофати туфайли Ўзбекистон ўз ҳудудидаги ерлар, сувлар, турли туман бойликлар ва умуман, табиатдаги барча мавжудотининг ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Бу иқтисодиётдаги энг муҳим туб ўзгаришлардан бири ҳисобланади. Иккинчи йирик ўзгаришлар иқтисодиётни мафкурадан батамом холи қилинишида ўз аксини топди. Учинчи туб ўзгариш мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириб саноатни, савдони, майший хизмат корхоналарини ва уй-жойларни хусусийлаштиришдан ва давлат тасарруфидан чиқаришдан иборат бўлди.

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар «пахта васвасаси» йўқ қилинишида ҳам намоён бўлди. Маълумки, совет даврида авжига миндирилган «пахта яккаҳоқимлиги» мустамлакачилик сиёsat, зулм, турли-туман офат ва азобуқубатларнинг уяси ҳисобланган. Ҳозирда иқтисодиётни соғломлаштиришда пахтачиликнинг қисқартирилаётганлиги, ғаллачилик, боғдорчилик ва сабзавотчиликнинг ўсаётганлиги муҳим ўрин эгалламоқда.

Саноат соҳасида ҳам салмоқли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Чунончи, уларда кўпроқ (жаҳон андоzasига мос тушадиган) тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг вакиллари билан қўшма корхоналарнинг ташкил қилинишидаги муваффақиятлар таҳсинга лойиқdir. Бугун республикада қўшма корхоналар сони 3600 дан ошиб кетди. Автомобиллар ишлаб чиқарадиган, тилла, нефть ва бошқа саноат тармоқлари қурилиши Республика саноатини катта янгиликлар билан бойитди ва такомиллаштириди. Фалла ва нефть мустақиллигини тиклаш бўйича олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Қишлоқларни саноатлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим янгиликларидан биридир. Улар деҳқонларни иш билан таъминлашга ва турмуш даражасини кўтаришга ижобий таъсир этади. Ҳозирда хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар республиканинг қўл остидадир. Иқтисодий ва дипломатик алоқалар эркинлаштирилиши ва ҳуқуқий негизлар яратилиши орқасида Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги мавқеи ўсмоқда.

Демак, кейинги салкам беш йил мобайнида хусусий мулкчиликка асосланган янги иқтисодий тизимнинг пойдевори бунёд этилди. Унинг моҳияти ва йўналиши Ўзбекистонни хом ашё манбани ва тайёр маҳсулотлар бозори бўлиб қолишдан тамомила холи этишдан иборатdir.

**Туб маънавий ўзгаришлар.** Мен бу масала бўйича сўз юритилганида, биринчи галда, коммунистик ғоялардан дарҳол воз кечилганини назарда тутаман. Ҳақиқатан ҳам, бу ғоянинг улоқтириб ташланиши маънавий ҳаётдаги муҳим инқилобий ўзгаришdir. Тарихан шаклланган, лекин илгари оёқ ости қилинган миллий анъана нарарга, удумларга, қадриятларга, маросимларга ва маданий меросларга жон киргизилди.

Ўзбеклар ўтмиш тарихи, буюк олиму фозиллари, давлат арбобларию дин пешволари билан фууруланиш ва фахрланиш имконига эга бўлдилар. Миллий одобахлоқ, инсонпарварлик, ватанга содиқлик сингари фазилатлар ўз куч-қудратини кўрсатмоқда.

Республикада виждон ва дин эркинлигининг тиклаши, кўплаб маежид ва мадрасаларнинг қурилиши ҳамда «зиёратгоҳ» жойларнинг таъмирланиши ҳам маънавий ҳаётда муҳим янгиликларни юзага келтирди. Совет давридаги динсиз жамият ўрнига динли жамият ташкил топиши маънавий ҳаётнинг туб ўзгаришларидан бири бўлди.

Ижтимоий фанларнинг соҳаларида, жумладан, адабиёт ва санъатда миллий ҳис-туйфуларнинг, озодлик ва ватанга содиқликни мадҳ этувчи асарлар чоп этилмоқда. Илгари бундай қилиш тақиқланган бўлиб, озодлик жарчилари «миллатчилар» ва «халқ душманлари» деб қораланган ҳамда қаттиқ жазоланган.

Матбуот, радио ва телевидение миллий руҳ ва умуммиллий манфаатлар асосида ривож топмоқда.

Умуман олганда, 1991 йил 31 августдаги тарихий воҳеа қўйидаги ўзига хос ва мос хусусиятларга эгадир.

Биринчидан юқорида шарҳланган икки хилдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизимлар бир-бирларига солиширилса, ер билан осмончалик кескин фарқи мавжуд. Уларнинг бири қонларга ва азобу уқубатларга беланган, хусусий мулксиз ва динсиз жамиятни ҳамда мустамлакачилик ва миллий зулмни ўз ичига олган эди. Иккинчиси эса, қуллик ва манқуртлик занжирларини парчалаб, мустақиллик ва озодликни тиклаб, хусусий мулкчилик, эркин ишбилармонлик ва савдо-сотиқни, динни ва миллий маънавиятни ривожлантираётган ҳаётни ташкил этмоқда. Шунингдек, совет қулдорлик давлатининг ўрнига тамомила янги сиёсий миллий бошқарув тизими, яъни мустақил миллий давлат бунёд қилинди.

Совет тузуми бамисоли борлиқни ёндириб кулга айлантирувчи бўлса, миллий тузум сув каби ҳаёт чашмаси бўлмоқда.

Шундай қилиб, мустақиллик ўрнатилган кундан Узбекистонда туб ўзгаришлар таъминланмоқда. Шубоис мен ўша кунни исми жисмига монанд равишда «31 август инқилоби» деб баҳоладим. Чунки инқилобнинг асл маъноси туб ўзгариш демакдир. Унинг бу хусусияти қанчалик тўғрилигини ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Айтиб ўтиш лозимки, совет даврида инқилобий ҳаракат ва ўзгариш маъносига қуролли тўнтариш, сўнгра хусусий мулкчиликни йўқ қилиш асосида жамиятни остин-устун қилиш ва тоталитар сиёсатни юргизиш туши билан. Бундай синфий зиддиятлар ва шафқатсиз курашларга асосланган инқилобнинг гайритабиий, яъни ваҳший хилидир, холос. Пировардида империя қулашининг сабаби ҳам худди шунда бўлганлигини уну маслик даркор. Аслида инқилобий ўзгаришларнинг энг тўғри ва самарали йўли ислоҳотларни эволюцион

тарзда изчиллик билан амалга оширишдан иборатдир. Бунинг қанчалик тўғрилигини илғор жаҳон давлатлари тажрибаси, шу кунларда эса Ўзбекистон мисолидаз кўриш мумкин.

Иккинчиidan, 31 август воқеаси дабдабали на-  
мойишлар ва тўс-тўполонлар билан эмас, балки маз-  
лум халқнинг хоҳиш-иродасини ва эзгу мақсадларининг  
маҳсули сифатида Ислом Каримовнинг ташаббуси ва-  
амалий чоралари туфайли юқоридан пастга йўналти-  
рилди. Борди-ю, озодлик ҳаракати ҳукм сураётган мус-  
табид давлат билан тўқнашиб, ҳокимиятни эгалласа,  
у вақтда инқилоб пастдан бошланиб, юқорига кўта-  
рилган бўларди. Агар ҳокимият вакилларининг ташаб-  
буси билан иш юритилса, у вақтда инқилоб юқоридан  
бошланади. Бизда мана шундай тарзда мустақиллик  
тикланди. Бунда халқнинг ҳам, Ислом Каримовнинг  
ҳам қалbidаги озодлик ғоялари бир-бирлари билан қо-  
ришиб ва чатишиб кетиб, умуммиллат манфаатларини  
ифода этувчи қудратли тўляқин ва кучга айланди. Де-  
мак, 31 август инқилобининг хусусиятларидан бири уни  
юқоридан пастга йўналтирилишида ўз ифодасини топ-  
ди. Унинг яна бир хусусияти «бир томчи қонсиз» амал-  
га оширилишида намоён бўлди.

Хўш, нима учун шундай бўлди?

Инқилобнинг бундай қурбонсиз ва талафотларсиз-  
содир бўлишида Республика раҳбариятининг хизматп  
беқиёс катта бўлди. Агар, у, мустақилликни хоҳлама-  
гандা, унга қарши ҳарбий кучни ишлатиб қонли тўқ-  
нашувларни уюшприши ҳеч гап эмас эди. Аксинча,  
бунга йўл қўймаслик чораларини кўриш билан бирга,  
шахсан президент Ислом Каримов олдинги сафда ту-  
риб, мустақиллик ташаббусчиси сифатида иш юритди.  
Маълумки, Тошкент шаҳри Марказий Осиёning сиёсий  
жиҳатдан энг қайноқ ўчоғи ҳисобланиб келган. Бу  
ерда империя тарафдорларининг кучлари етарли дара-  
жада бўлиб, ўйламай босилган ҳар бир қадам тўқна-  
шувларга сабаб бўлиши мумкин эди. Аммо, Республика  
раҳбарияти шу даражада усталик билан ҳаракат қил-  
дики, мустақиллик бамисоли «хамирдан қил суурган-  
дек» тикланди. Бунга эришиш катта қийинчиликлар  
ва тўқсинликларни енгишни, курашни талаб қилган,  
албатта.

Учинчиidan, 31 август воқеасининг муҳим хусу-  
сиятларнга унинг бутун Марказий Осиё республикала-

рида биринчи бўлиб содир бўлганлигини киритиш мумкин. Бу мисли кўрилмаган жасорат, мардлик, эркесварлик ва мустақиллик намуналари барча республика халқларини ҳайратлантиргани ва руҳлантиргани ҳамон ёдимииздадир. 31 август инқилоби кўп республикаларни бош кўтаришга ва мустақилликни тиклашга даъват этган муҳим тарихий воқеадир.

Шунингдек, 31 август инқилобининг маҳсали бўлмиш янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизимнинг моҳияти ва йўналиши бўйича ҳам бошқа республикаларга ибрат бўлинди. Ҳусусан, Ўзбекистонда биринчи бўлиб, янги хилдаги конституцияни, байроқни, гербни, мадҳияни ва миллий пулни жорий этилишининг таъсирини инкор этиб бўлмайди. Шунингдек, она тилига давлат мақоми беришда, миллий қўшин ташкил этишда, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотларни амалга оширишда олдинги сафда борилди.

Булар билан мен Ўзбекистонни улуғламоқчи ёки кўкларга кўтармоқчи эмасман. Аммо, тарихий ҳақиқатни англатмоқчиман, холос. Шуниси қувонарларни, упн қардош республикаларнинг ўзлари ҳам тан олмоқдалар.

Демак, 31 август инқилоби билан ҳар жиҳатдан ғуурланишга ва фахрланишга ҳақлимиз.

Тўртинчиidan, 31 август инқилоби фавқулоддаги бир ҳодиса бўлмай, ўзбек халқининг ўтмишда чор ҳукумати ва совет давлатига қарши олиб борган курашларининг якунловчи босқичи ҳисобланди. Ниҳоят, ота-боболаримизнинг дарё каби оқсан қонлари ва мислсиз талафотлари беҳудага кетмай, ўз самарасини берди. Бу шу ҳақда гувоҳлик берадики, чет эл босқинчиларининг 130 йил мобайнида миллий озодлик ҳаракатларини қўпориб ташлашга қаттиқ ҳаракат қилишларига қарамай, ёвуз мақсадларига эриша олмадилар. Пировардида, вақт-соати келиб, шароит этилиши биланоқ, халқнинг юрагидаги озодлик ғоялари вулқон каби отилиб, асрий орзулар ушалди. Шу равишда 31 август инқилобининг ҳусусиятлари ҳусусида фикр юритилганида, унинг тарихан шаклланган замини, яъни илдизлари мавжудлигини инобатга олиш лозим.

Охирги икки сўз: 31 августда шундай буюк воқеа содир бўлдики, унинг аҳамияти бекиёс каттадир. Менинг назаримда, ўша ниҳоятда улуғ кунда ва яйни пайтда жуда хавф-хатарли кезларда, юртбошимиз

Ислом Қаримов ва жамоа аҳли яқдиллик билан иш юритди. Ўша вақтларда даҳшатли фожиаларнинг юз бериши эҳтимолдан холи эмас эди. Шунга қарамай, ниҳоятда билимдонлик билан юритилган сиёсат туфайли талафотларсиз мақсадга эришилди. Бу мураккаб ва масъулиятли шароитда президент Ислом Қаримов мөҳир давлат арбоби сифатида беқиёс катта ўрин эгаллади. Унинг номи мустақил ўзбек давлатининг асосчиси, янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумнинг меъморчиси сифатида тарих саҳифаларига битилди.

«Ўзбекистон овози» г., 1996, 12 ноябрь.

## ИСТИҚЛОЛ УЧУН БИРЛАШАЙЛИК<sup>1</sup>

1991 йилнинг 31 августидаги Ўзбекистон жумхурияти Олий Қенгаши Президент Ислом Қаримовнинг ўзбек халқининг асрий орзу ва иродасини ифода этиб, Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиш хусусидаги таклифини бир овоздан қўйлаб-қувватладилар. Сентябрь ойининг биринчи куни мустақиллигимиз рамзи сифатида бундан бўён умумхалқ байрами деб белгиланди. Бу хушхабар аҳолининг барча табақаларининг қалбии шу даражада тўлқинлантириб юбордики, бундай ҳистойғуларни тасвирлашга қалам ожизлик қиласди. Киншилар шодлик ила бир-бирларини бу улуғ воқеа билан муборакбод этдилар. Ахир ўзнигиз ўйланг, 130 йиллик давр ичидаги мустамлакачилик ва миллий зулм, қирғинбарот ва азоб-уқубат, очарчилик ва йўқчилик ҳамда хавотирлик ва таъқиб исканжасида ҳаёт кечириб келаётган халқ учун мустақиллик ва озодликка эришишдек баҳт бўладими? Эндигина кишиларда келажакка ишонч ва умид ҳосил бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги мураккаб шароитда узоқ вақтлардан бўён халқимиз бойлигини ўзлаштиришни қон-қонига сингдириб юборган марказга қарши чиқиш ва ундан юз ўгириш осон иш эмас. Бунинг устига орамизда ҳамон совет даврини қўймсовчилар ёки узоқни кўролмай пала-партиш иш юритувчи айрим гуруҳларнинг хатти-ҳаракатлари марказга қўл келиб, вазиятни янада оғирлаштироқда.

Яқинда «Известия» газетасида эълон қилинган ма-

<sup>1</sup> Мазкур мақола 1991 йилнинг сўнгги ойларида чоп этилган.

қолада Ўзбекистон сафдан узилиб қолган вагонга ўхшатилган. Бу билан мақола муаллифи вагон паровозидан, аниқроғи марказдан ажралиб қолди, энди бир жойда қимирламай яккаланган ҳолда тураверади, демоқчи шекилли. Йўқ, асло бундай бўлмайди. Чунки кўп ва хилма-хил бойликларимизни узлуксиз тортиб келаётган етти-ёт бегона паровоздан ажралиб, қонимиз, танимиз ва тақдиримиз бир бўлмиш ўзимизнинг паровозимиға уландик. Бу паровоз Ўзбекистон аҳлини мустақиллик ва эркинлик йўлида мардонавор бошлаб порлоқ келаҗак ва баҳт сари боради. У жумҳуриятимизни қуршаб турган «темир панжара»нн ёриб бизни жаҳон майдонига ҳам олиб чиқади. Вақти келиб Ўзбекистонда хорижий мамлакатларнинг элчихоналарин очилади. Шу билан бирга ватанимизнинг вакиллари чет эл давлатларида фаолият кўрсатадилар. Қардош жумҳуриятлар билан ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларимиз юксалиб бораверади.

Хуллас, Ўзбекистон келажакда жаҳоннинг гуллаб-яшнаган буюк давлатларидан бирнга айланишинга шубҳа йўқ. Чунки ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихи давомида буюк олимларни, шоир ва адилларни ҳамда санъаткорларни ва давлат арбобларини етиштириб умумжаҳон тараққиётнга муносиб ҳисса қўшди. У, ўзида зўр истъодни, меҳнатга муҳаббатни, ўз ватанинга содиқликни ва юксак одоб-ахлоқни мужассамлаштирган халқдир. Шунингдек, юртимизда олий сифатли олтин, уран, кумуш, газ, пахта, ипак, қоракўл ва бошқа хилма-хил бойликлар мавжуд. Қулай жуғрофий ўрнимиз, ажойиб иқлим шароитимиз ҳам биз учун катта ютуқдир.

Табиий равишда савол туғилади: Хўш нима учун баён этилган моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси бўла туриб, халқимиз ўз мустақиллиги ва эркинлигини йўқотиб чет эл босқинчиларннинг ҳукмронлиги остида яшаган даврлари бўлган? Бундай даҳшатли аҳволга тушишга, биринчи навбатда, ўтмишда ҳукмрон доираларнинг ўзаро фитна фасодларн, жанжаллари ва урушлари сабаб бўлган эди.

Бундай ҳолатни бошқа мамлакатлар мисолида ҳам учратиш мумкин. Бироқ, улар бизда бирмунча қизғин тус олган. «Қасални яширсанг, иситмаси ошкора қиласди» деганларидек, тарих саҳифаларига назар ташласангиз хоинлик, ўзаро чиқишимовчиликлар ва уруш-

лар «миллий нуқсонимиз» эмасмикан деган фикрни туғдиради. Бундай дейишга тил бормайди, албатта. Начора уни англаш ва йўқотиш фойдадан холи эмаслигини назарда тутиб айтишга мажбурмиз. Наҳотки, бир гуруҳ хоинлар ватан тақдирини ҳал қиласа? — деган савол туғилади. Бунга жавоб шуки, кичкина чаён, ари ўзидан пекоғли йирик ва кучли одамнинг ўрни ва жойини топиб чақиб ўлдирганидек битта-иккита ёки бир гуруҳ ватан хоинлари «заҳарли нишлари» билан қудратли давлатни йиқита олади.

Бу ҳақда тарихда мисоллар тўлиб-тошиб ётиби. Айрим мисолларни келтирамиз: маълумки XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида буюк хоразмшоҳлар давлати ҳукм сурган. Унинг шимоли-ғарбий чегараси Орол денгизи ва Каспий денгизи билан ўтиб, жануби-ғарбда Ироққа қадар борар эди. Жануби-шарқий чегараси Фазна вилоятидан, шимоли-шарқий чегараси эса Еттисув ва ҳозирги Қозогистон чўлларидан ўтар эди. Хоразм шоҳи саройида 27 та ҳукмдор ёки уларнинг вакиллари итоат камарини белларига боғлаб, олтин ногора чалар ва бу буюк давлатнинг шоҳи Муҳаммад Искандари Сони, яъни машҳур македониялик Александрга нисбатан уни Иккинчи Александр деб аталган. Буюк хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Урганч дунёдаги энг йирик ва тараққий этган шаҳарлардан бири ҳисобланган.

Шундай оламга донғи кетган хоразмшоҳлар давлатининг тақдирини бир гуруҳ хоинлар ҳал қилиб, уни ҳаробага айлантирган. Чунончи йирик хоразмлик савдогар ва ўта мансабпаст Маҳмуд Ялавоч Чингизхонга сотилиб, унга хоразмшоҳлар давлатининг ички сирларини, заиф томонлари ҳамда ўйллари ҳақида маълумотларни берди. Чингизхон Маҳмуд Ялавоч ва бошқа сотқин кишиларга таянган ҳолда Туркистон ўлкасини босиб олиб юз йиллар мобайнида қўлга киритилган иқтисодий ва маданий меросни остин-устун қилиб ташлади. Бутун ўлка вайрон қилинди ва таланди.

Бу ҳақда ўша даврнинг йирик тарихчиси Ибн ал-Асир шундай ёзган эди: «Агар кимки: "Тангри таоло одамни ато қилганидан бошлаб то ҳозиргача жаҳонда бу тариқа ҳодиса рўй бермаган", —деса унинг гапи ҳақдир. Чиндан ҳам солномаларда баён қилинган воқеаларнинг энг даҳшатлиси Навуҳудо Носорнинг исроилликларни қириб юборгани ва Қуддуси шарифни вайрон

қилганидир. Бу лаънати мӯғул лашкарлари ер билан яксон қилган мамлакатларга қиёс қилганда Қуддуси шариф ҳеч нарса бўлмай қолади, бу мамлакатларда мӯғуллар қириб ташлаган одамлар ўлдирилган исро-илликларнинг сонидан кўп марта ортиқдир. Улар ҳар қайси шаҳарда ҳамма исроилликлардан ҳам кўпроқ кишини қириб юбордилар. Одамзод охиратгача Яъжуж ва Маъжуждан бўлак бундай даҳшатни асло кўрмаса керак. Булар (мӯғуллар) ҳеч кимга раҳм қилмадилар, хотинларни, эркакларни, гўдак болаларни ўлдирилар, ҳомиладор хотинларнинг қорниларини чавоқлаб, она қорнидаги болаларни нобуд қилдилар».

Чингизхон қўшинлари минглаб одамларни асирга айлантириб, Мӯғулистанга юбордилар ҳамда кул каби ишлатдилар. Ўзбек шаҳарлари ер билан яксон қилинди. Урганч шаҳри Амударё сувига бостирилди.

Баён этилган мисли кўрилмаган даҳшатли фожия Маҳмуд Ялавоч бошлиқ бир гурӯҳ сотқинлар фаолиятининг маҳсули эди. Чингизхон ва уннинг ворислари Маҳмуд Ялавочни ўзларининг Туркистондаги бош вакили қилиб қўйди. Сўнгра уни Пекин генерал-губернатори қилиб тайинлашди.

Урта Осиёда Маҳмуд Ялавоч ўрнига ўғли Масъудбек тайинланди. Бу ота-бала 70 йилдан ортиқ мӯғул босқинчиларининг ноиби сифатида Туркистонни бошқариб турдилар. Улар ҳар йили кўп бойликларни Чингизхон хонадонига юбориб турдилар.

Кейинчалик Туркистонда Амир Темур шундай бир қудратли давлат барпо этгаидики, келажакда уннинг тор-мор этилиши мумкинлигини ҳеч ким хаёлига келтирмаган эди. Бироқ XIV асрнинг охирида ва XV асрнинг бошларида Султон Ҳусайн Бойқаро саройида бир гурӯҳ фитначи ва сотқин гурӯҳлар сувни шу даражада лойқатиб юборадиларки, у ўз неварасини қатл қилиш ҳақидаги фармонга имзо чекканини билмай қолди. Бунинг оқибатида Султон Ҳусайн Бойқаро билан ўғли Бадиuzzамон ўртасида ашаддий душманчилик туғилди. Бу ҳамжиҳатликнинг йўқолишига ва қора кучларнинг кучайишига олиб келди. Бундай ҳолат анча илгари, Үлуғбек ҳукмдорлиги вақтида ҳам юз бериб, у ҳам қатл қилинган эди. Натижада қора кучлар ҳаракати Темурийлар давлатининг барҳам топишига олиб келди.

XVI—XIX асрнинг ўрталарида, яъни 350 йилдан ортиқ вақт ичida Бухоро, Хива ва Кўқон-хонлпқлари ўза-

ро урушиб, қанчадан-қанча одамларни ҳалок қилдилар. Мамлакатда инқироз ҳукм сурди. Ваҳоланки, бу вақтларда Туркистоннинг ёнбошида чор ҳукумати тобора кучайиб, ўзбек хонликларини босиб олишга ҳаракат қилаётгани равшан эди. Бу ҳавфли душманга қарши бир ёқадан бош чиқариб, тайёргарлик кўриш ўрнига, ўзбек хонликларн ўзаро урушни давом эттириб, ўзларини ҳалокат ёқасига олиб келдилар. Сотқин гуруҳлар чор ҳукуматига хонликларнинг ички аҳволи ҳақида муҳим маълумотларни етказиб турдилар. Уларнинг фоилияти, айниқса, рус қўшинлари ўлкага бостириб кирганларида кучайди. Туркистон шаҳрини рус аскарлари мусоҳарага олиб, сўнгра улар ҳужум билан у жойни эгалладилар ва кўп одамларни ўлдирдилар. Бу воқеа 1864 йилнинг 14 нюнида юз берган эди.

Хусусан, айрим амалдорлар, ҳатто, шайхлар ва қозилар чор ҳукуматига хайриҳоҳлик билан қараб қўлларидан келганича ёрдам бердилар. Шунинг учун ҳам улар рус расмий ҳужжатида «рус давлатига содиқ кишилар» деб баҳоланди. Шунингдек, улар рус унвонлари ва ҳукумат орденлари билан мукофотланди. 1867 йилда шайхулислом Носир Мулла Исҳоқ, қозикалон Юсуфхўжа Абдулла Хўжаев, қози Қаландархўжа Жунайдуллаев ва бошқа хоинлар Петербургда шахсан император Александр II томонидан қабул қилинди. Уларга зўр иззат ва ҳурмат кўрсатилиб, Петербургнинг диққатга сазовор жойлари билан таниширилди. Ватан хоинларини бунчалик ҳурмат қилиниши бежиз бўлмаган, албатта. Чунки, уларнинг ёрдамлари туфайлигина чор ҳукумати ҳалқнинг қаҳрамонона курашини енгишга мувваффақ бўлган.

Бу ҳақда яна бир мисол: Тошкент аҳолиси генерал Черняев бошлиқ рус қўшинлари ҳужумини бир неча бор қайтариб, шаҳарни қаҳрамонона ҳимоя қилдилар. Бундай нозик ва масъулиятли вақтда сотқин Абдураҳмонбек генерал Черняев томонига қочиб ўтиб, Тошкентга келадиган сувни Чирчиқдан келадиган жойдан буриб юбориш билан шаҳарни сувсиз қолдириш ўйлини ўрагатади. Генерал Черняев бу таклифни дарҳол амалга оширади. Дарҳақиқат, сувсизлик ўз кучини кўрсатди. «Тошкент шаҳри, — дейилгаи Солиҳ Тошкандий асарида, — зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб гафар ойининг 12 сигача, яъни 42 кун сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдирплади. Бухоро, Хоразм ва фарғоналиклар ёрдам-

бермадилар. Тошкент фуқароси ватанлари ва дини учун жаттиқ туриб урушни давом эттирди. Сешанба куни ярим кеча ўтгандан кейин саҳарга яқин рус аскарлари шаҳарга хиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан кирди. Шундан кейин ҳам кўчаларда уруш давом этди. Бу ўртада кўп иморатлар, дўконлар ва уйларга ўт тушиб, оч, ташна, сувсиз яккама-якка уруш бўлиб охирида ярашиш сулҳи тузилди».

Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, ватанимизнинг мустақиллиги ва эркинлиги бой берилишида, сотқин ва хоин гуруҳлар билан бир қаторда, нобоп кишиларнинг ҳокимият тепасига чиқиб қолиши ҳам сабаб булған. Шарқ мамлакатлари, хусусан, Туркистонда ҳокимиятга меросхўрлик кўп ҳолларда мустақиллик ва тараққиётнинг барбод бўлишига олиб келган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Чунки у ёки бу истеъдодли ва билимдон ҳукмдорнинг фарзандлари ҳамма вақт ўзига ўхшаган бўлавермаган. Бироқ шунга қарамай, тахт ношуд бўлса-да, фарзандга ўз-ўзидан мерос сифатида қоловерган. Бу ҳолатда қанчалик давлат қудратли бўлмасин, барибир вақти келиб инқирозга учраган. Масалан, Амир Темур давлатини олайлик. Унинг авлодлари ичida унга ўхшаш ҳукмдор чиқмади. Натижада вақтлар ўтиши билан салтанатда парокандалик чуқурлашиб бораверган.

Пировардида Султон Ҳусайн Бойқаронинг сиёсий жиҳатдан ожизлиги орқасида қора кучлар устун келиб темурийлар давлати ағдарилди. Гарчанд Султон Ҳусайн Бойқаро буюк бобомиз Алишер Навоий туфайли ўзбек маданиятининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган бўлса-да, лекин мураккаб сиёсий масалаларни ҳал қилишга қодир эмаслигини кўрсатди. Ваҳоланки, ҳар бир давлат арбоби сиёсатда билимдонлик, сезгирилик, изчиллик ва жасорат сингари олий фазилатларни ўзида мужасамлаштирмоғи керак.

Амир Темурнинг таърифича, ҳукмдор ҳузурида ўз фикрини ва мuloҳазаларини айтишга ботинолмайдиган ҳамда ўз соясидан чўчийдиган қул табиатли мансабдорлар давлатнинг энг хавфли душманлариидир. Чунки улар ўзларининг ожизлиги ва жасоратсизлиги орқасида икки юзламачилик билан иш юритадилар. Улар, борди-ю, ҳукмдор оқни қора деса, қора деб ёки қорани оқ деса, оқ деб ўзларини гўё унга содиқлигини билдиromoқчи бўладилар. Кези келганида эса, ўз ҳукмдорига

ва ҳатто, ватанига хиёнат қилишдан тоймайдилар. Шу босидан буюк Амир Темур қул табиати амалдорларни ёқтиримайди, ўз қадру қимматини, вижонини, орномусини ва фурурини сақтай оладиган кишиларни давлатнинг устуни деб ҳисоблаган.

Минг афсуски, бизда, кейинги асрларда Амир Темурга ўхшаш моҳир давлат арбоблари дунёга келмади. Тўғри, XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хони Абдуллахон анча кучли давлат барпо этишга эришиб, ҳатто, Сибирь хонлигини ўз таъсири доирасига олди. Бироқ, унинг ўлимидан кейин яна парокандалик бошлиниб, таҳт тепасига бирин-кетин қобилиятсиз ва нодон кишиларнинг чиқиши орқасида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари бир-бирларини «ғажиб» келди.

Ҳатто, рус қўшинлари бостириб келганда ҳам, уларнинг ўртасида уруш тўхтамади. Масалан, лашкарбoshi Алимқул бошчилигига Қўқон аскарлари ва шаҳар ҳимоячиларининг Чимкентда генерал Черняев аскарлари устидан қўли баланд келиб турганида, Бухоро хони Музаффархон Қўқонга ҳужум қилганлиги ҳақидаги хабар келади. Алимқул жанг майдонини ташлаб, ўз қўшини билан Қўқонга қайтишга мажбур бўлади. Шундан кейин ўз ҳолига ташланган ҳимоячиларнинг кучи заифлашади. Генерал Черняев эса фурсатдан фойдаланиб Чимкентни босиб олади.

Рус қўшинлари Тошкентга биринчи ҳужум уюштирганидаёқ, шаҳар аҳолиси номидан Бухоро хони Музаффарга ёрдам сўраб мурожаат қилинди. Бироқ, Музаффархон тошкентликларнинг илтимосини инобатга олмади.

1917 йилда Туркистон генерал-губернаторлигига совет ҳокимияти ўрнатилди. Бундай ўзгариш Бухоро ва Хива хонликларида рўй бериши турган гап эди. Бироқ, уларнинг ҳукмдорлари буни яхши англасаларда, душман ҳужумидан сақланишга қаратилган муҳим чораларни кўрмадилар. 1920 йилда Фрунзе бошлиқ аскарлар Бухоро шаҳрига бостириб киргандарида, Олимхон арзимаган бойлик билан Афғонистонга қочди. Фрунзе амир хазинасидан олинган икки вагон тиллани ва бошқа турли-туман ноёб бойликларни Москвага жўнатди.

Мен 60-йилларда Бухоро амири хазинасини вагонларга ортишда қатнашган тошкентлик Муродхўжа ака деган киши билан сұхбатлашганимда, тиллаларни кичик от, қўй, бузоқ ва бошқа шаклларда кўрганлигини

ҳамда уларни вагонга ортишда қатнашганлигини айтган эди. Тиллаларни қоп ва сандиқларда сақлашдан кўра, шундай шаклларга киритиб сақлашдан мақсад, таланишнинг олдини олиш бўлган. Борди-ю тиллалар шаклсиз бўлса, уни қопдан ёки сандиқдан кимdir маълум қисмини олса, билинмай қолиши мумкин экан. Текширилганда осонлик билан шакллар сони ва кўриниши ҳисобга олинган. Қалтафаҳмликни қарангки, Олимхон шунча бойликларни хавфсиз жойга яширгмаган экан.

Менимча, юқорида баён этилган маълумотлар, мамлакатнинг мустақиллигини қўлдан чиқариши ва бойликларн таланиши сабаблари ҳақида етарли тушунча ҳосил қиласди.

Маълумки, Туркистоннинг кўп асрлик тарихи давомида аҳмонийлар, македониялик Александр, араб халифалари ва Чингизхон сингари жаҳонгирларнинг ҳукмронлик қилган вақтлари бўлган. Улар чигирткага ўхшаб ёпишиб, ўз ҳукмдорликларини ўрнатгандан кейин ўлканинг бошқарувини, асосан, туб аҳоли вакилларнга топшириб, белгиланган солиқ, ўлпонларни олиб турганлар.

Бироқ, чор ҳукумати ўлкага ўрнашиб ҳокимиятни бутунлай ўз қўлига олди. Ўзбекларни олий ва ўрта бошқарув ташкилотларига мутлақо яқинлаштирумади. Чор ҳукумати ўзбекларнинг терисини шилаётганини яхши англашига йўл қўймасликка жон-жаҳди билан киришган эди. У шу нуқтаи назардан миллий тил ва миллий маданиятнинг ривожига тўсқинлик қилди. Ҳатто, халқимизни ўз номи билан эмас «инородец», «туземец», «варвары», «азиатцы» ва бошқа исмлар билан атади. Ўзбеклар қаттиқ мустамлакачилик ва миллий зулм остида ҳаёт кечирди. Туркистон Россиянинг хом ашё манбасига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди.

Шуларга қарамай миллий буржуазия ва зиёлиларнинг айрим сотқин вакиллари рус императорини кўклиларга кўттарувчи мақолаларпни чоп этдилар ҳамда оташин нутқлар билан чиқдилар. Бу ҳолат, айниқса, 1916 йилги халқ қўзғолони вақтида ҳамда Романовлар сулоласи қил устида турган кезларда содир бўлди. Уша йили мустақиллик ва эркинлик учун кўтарилилган умумхалқ қўзғолонига раҳбарлик қила оладиган куч топилмади. Натижада бу гал ҳам озодлик кураши мағлубиятга учратилди.

Совет даврида украинлар, ўзбеклар, қозоқлар, токиклар, қирғизлар, озарбойжонлар ва бошқа халқларнинг ҳаммаси кўпдан-кўп азоб-уқубатларни, қирғинларни, қувғинликларни ва йўқчиликларни бошидан кечирди.

Хўш, коммунистик партия сиёсатининг моҳияти ва йўналиши қандай бўлган эди?

**Биринчидан**, партия зўравонликка ва адолатсизликка асосланган ички ва ташқи сиёсатни юргизди. У 1917 йилдан, яъни ҳокимият тепасига чиқишидан бошлаб, фуқаролар уруши, «босмачилик», халқ душмани, колхозлаштириш, Иккинчи жаҳон урушида асирикка тушганлиги, тилни қиснб юрмаганлиги ва бошқа турли-туман баҳоналарни рўйса қилиб, миллионлаб кишиларни қатла килди.

Диктатор Сталин ҳукмронлиги даврида камида 40 млн киши ўлдирилганлиги маълум. Бундан ташқари 100 минглаб одамларнинг умри қамоқхоналарда, лагерларда ва сургуналарда чириди. «Қора рўйхат»га тиркалган қанчадан-қанча одамлар таъқиб ва хавотирликлар остида юрдилар. Бутун мамлакатда чақимчилик, иғвогарлик ва туҳмат қилиш авжига чиқди.

Ўз фуқароларини қирғин қилган ва эзиб сувини ичган бундаи давлатни тарих билмайди. Ҳатто, ваҳшийликда донғи кетган Чингизхон ва Гитлер ҳам ўз фуқароларига нисбатан бунчалик муносабатда бўлишни хаёлларига ҳам келтирган эмас. Бутун мамлакат халқларини «темир панжара» ортида ушлаб хорижий мамлакатлардан ажратиб қўйилди. Бундай ҳолат жаҳон тарихида биринчи бўлишидир. Хуллас, коммунистик партия инсон ва халқаро ҳуқуқларни инкор қилиб, фуқароларни қаттиқ зулм исканжасида ушлаб турди. Айниқса, ислом динидаги фуқаролар қаттиқ жабрландилар ва оёқ ости қилиндилар.

**Иккинчидан**, партия «ленинча миллий сиёсатининг тантанаси» ҳақида ҳамиша кўпириб галираверди. Лекин амалда чор ҳукумати вақтидаёт ўрнатилган миллий зулми шу даражада авж олдириб юбордики, уни тарьифлашга сўз ожизлик қиласди. Аввало, Ўзбекистонни ва бошқа жумҳуриятларни мустақиллик ва эркинликка эришишига йўл қўймади. Тўғри, партия ва давлатининг олий раҳбарликларига ўзбеклар тайинланди. Лекин улар марказнинг итоаткор хизматкорлари ҳисобланган эди, холос. Кўп ҳолларда назорат ва иш юритиши

руслардан тайинланған ўринбосарларнинг ихтиёрида бўлган.

Ўзбек тили эмас, балки рус тили давлат ва илм-фан тилига айлантирилган эди. Бу камдек халқ тарихий замниларидан узиб ташланди. Ислом дини, ўтмиш тарихимиз ва миллий анъаналаримиз ҳам «ҳибсга» олинди. Бундай ҳолатга норозилик билдирувчилар миллатчиликда айбланди ва жазоланди.

Партия ва ҳукумат туб аҳолининг миллий онги ўсишини аввал бошида бўғиб ташлади. Меҳнаткаш омманинг сиёсий фаолияти шу даражада тизгинлаб ташландики, улар қуллик тизимининг азобини чека туриб, партия ва ҳукумат шаънига қарсаклар чалавердилар ҳамда миннатдорчилик билдиравердилар. Бундай қилиш самимий бўлмай, қўрқиш, эҳтиёткорлик ва таъқибнинг маҳсули эди, албатта. Эндиликда партияянинг миллий сиёсати фирт кўзбўямачиликдан иборат эканлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

**Учинчидан**, коммунистик партияянинг аграр сиёсати ҳам мустамлачилик асосига эга эди. У сув ва ерларни деҳқонларнинг қўлидан тортиб олиб, давлатники қилиди. Хусусий мулкчиликка ва эркин савдо-сотиққа зарба берилди. Деҳқонлар юқоридан берилган кўрсатма асосида экинларни экиши шарт эди. Улар ишлаб чиқариш қуролларига, хусусан, техникага эгалик қилишдан ҳам маҳрум этилди.

Ҳукумат ўз ихтиёрича деҳқончилик маҳсулотларига нарх қўйди ҳамда уларни тақсимлашии қатъий суръатда белгилаб берди. Бутун жумҳуриятда пахта яккаҳо-кимлигини ўрнатиб, уни арзимаган нархда олиб, деҳқонга саноат моллари ва техникани қимматга ўтказди. Деҳқонлар зиммасига турли солиқлар ва тўловлар юклатилди.

Кўп асрлар мобайнида яратилган ажойиб боғлар йўқ қилинди. Ҳатто, Сталин даврида ҳар бир туп мевали дарахтга ва токка оғир солиқлар солиниши на-тижасида шаҳар ва қишлоқларда уларнинг қирқиб ташланганлиги эсимдан чиққани йўқ.

Пахта ва ундан тайёрланган турли-туман маҳсулотлардан олинадиган даромадларнинг деярли ҳаммаси марказ чўнтағига тушди.

Партияянинг аграр сиёсати чорвачиликни тушкунликка учрашига олиб келди. Бутун умри бўйи хилма-хил гўштларни истеъмол қилиб келган ўзбеклар, эндилик-

да отиб юборса мушук емайдиган яхлаган түштә зор бўлиб қолди.

Партия раҳбарларининг ташаббуси билан бир вақтлар отлар, эшаклар ва эчкилар қувғин остига олинган эди. Натижада бундай ҳаётий зарур уй ҳайвонларининг сони жуда камайди ва қимматлашди.

Коҳзозлар, асосан, давлат фойдасига ишлади. Ҳозирги оғир турмуш колхоз тузумининг маҳсулидир. Давлат колхозчиларни янада қаттиқроқ ишлатиш ва доимий итоатда ушлаш мақсадида, кўп колхозларни қарздорлик сиртмоғида ушлаб турди. Чор ҳукумати даврида ҳам худди шундай муносабат капиталистлар ва судхўрлар томонидан пахтакорларга нисбатан қўлланилган эди. Пахтакорлар қарздорлик занжирларига боғлангандиклари орқасида, ҳеч қаёққа қочолмай ишлашга мажбур бўлганлар.

Партияниң аграр сиёсати одамларни, ерни, сувни, ҳавони, ҳайвонларни ва умуман, табиат оламини заҳарлади. Ундан зааралланмаган на жонли, на жонсиз мавжудот қолмади. Ажойиб Орол денгизи қуришга олиб келинди ва харобага айлантирилди. Сунъий урчитиш жорий этилиб, жаҳонга машҳур қоракўлчиликка катта путур етказилди. Боғдорчиллик, узумчиликниң airyim бебаҳо турлари йўқ бўлиб кетди.

Хуллас, қишлоқ хўжалнги қаттиқ дардга чалинди, бу ўз навбатида турли касалликларни ва ўлимни кўпайишнга олиб келди.

Тўртингидан, жумҳуриятда саноат соҳасида ҳам мустамлакачилик сиёсати изчиллик билан амалга оширилиб борилди. Иттифоқ вазирлигига қарашли йирик саноат корхоналари барпо этилиб, ўн минглаб кишилар кўчириб келтирилди. Уларни жойлаштириш учун зилол сувли ҳосилдор ерлар ажратилди. Бунинг орқасида кўп ерларимиздан ва бойликларимиздан маҳрум бўлдик. Саноат корхоналаридан олинадиган даромадлар дарёдек марказга оқарди. Уларда ўзбеклардан малакали мутахассислар ва ишчилар тайёрлашга қаратилган чора кўрилмади. Натижада уларда туб аҳоли ҳануз жуда озчиликни ташкил қилмоқда.

Бешинчидан, марказ табний маъданларимизниң ҳам тўла эгаси ҳисобланган. Кўплаб олтин, уран, газ ва бошқа нодир маъданлар бемалол у ерга олиб кетилмоқда. Пахтани экса бўлаверади, лекин бир марта яратиладиган олтинни ҳеч қачон топиб бўлмайди. Олтин

эса, узоқ тарихий даврлардан фаровонликнинг рамзи сифатида қадрланиб келган. Жаҳон бозорида олтинга хоҳлаган нарсани олиш мумкни. «Олтин давлатнинг қон томиридир», — деган ибора бежиз айтилмаган. Бошқа жумҳуриятларда олтин бўлганда нима қилишни ўзлари биларди. Дарҳол аҳоли намойишлар уюштириб, «Олтинимиздан қўлингни торт!» деган хитоблар билан олтин конларини қуршаб олган бўлур эди. Биз эса, мудраб бундай қила олмадик. У бизга қимматга тушиши турган гап эди. Бироқ буни авлодлар ҳеч қачон кечирмайди. Борди-ю олтинни қазиб ишлаб чиқаришга ўзимизнинг кучимиз етмаса, ўзаро манфаатдорлик асосида хорижий мамлакат фирмаларининг ёрдамига таяниш мумкинлиги аёй.

Марказ табнӣ бойликларимизни, хусусан, олтин ва уранин шу дараҷада ўзиники қилиб олганки, ҳатто, уларнинг ҳажмини ва бераётган улкан даромадларини қаттиқ сир тутмоқда. Менсимаслик ва номардлик шунчалик бўладими, ахир. Агар марказнинг ўрнида хорижий мамлакат фирмалари бўлгандা, ишлаб чиқарилган соғ олтиннинг камида ярмини берган бўларди. Чунки, уларда инсоғ бор.

Энди, айрим маълумотлар асосида марказга олиниб кетилаётган олтинимизнинг миқдори ҳақида тушунча беришга ҳаракат қиласман. Бу тӯғрида «Известия» газетасида (1991, 14 сентябрь) шундай ёзилган: — Совет олтинига доир сирларни ошкора қилиш бир қатор сиёсий масалаларни туғдиради. Ҳозирда кўпчиликка шу нарса маълум эмаски, СССРдаги олтиннинг анча қисми Ёқутистонда, Қалимда ва Краснояр ўлкасида эмас, балки Урта Осиёда, хусусан, Ўзбекистондан олинмоқда. Бу ерда Зарафшонга яқин жойлашган даштликда турили маълумотларга қараганда, совет олтинининг уч қисмидан кам бўлмаган ҳажми (60 фоиз рақам айтилмоқда) ишлаб чиқарилади. Шуниси қизиқки, бу ерда олтин билан бир қаторда кўп уран ҳам олинади. Бунга ўхшаш далиллар баъзи экспертларнинг жумҳуриятлардан қайси бири бизнинг социалистик иқтисадиётга кўп бойлик берганлиги ҳақидаги ўз фикрларини қайта кўришликни талаб қиласди.

Буни қарангки, Худои таоло кондан бир вақтда қимматлиги ва аҳамияти жиҳатидан бир-биrlаридан қолишмайдиган олтин ва уран сингари икки ноёб маъданни олишликини бизга ишъом қиласган экан. Марказга олиб

кетнлаётган ўзбек олтинининг миқдорини кўрсатувчи рақамларни ҳавола қиласиз. Расмий маълумотларга кўра, СССРда 1986 йилда 400, 1987 йилда 380, 1988 йилда 360, 1989 йилда 340 ва 1990 йилда 320 тонна олтин ишлаб чиқарилган. Агарда юқорида айтилганидек, ўзбек олтини мамлакатда бир йилда чиқадиган олтиннинг 60 фоизини ташкил этишини ҳисобга олсак, у вақтда ҳар йили Ўзбекистондан ўрта ҳисобда 160—170 тонна олтин олиб кетилган. Айрим йилларда бу рақам 200 тоннагача борган.

Жаҳон бозорида олтин савдосига келсак, 1991 йил 12 сентябрда Лондонда унинг 31,1035 грамми 345,25 доллар баҳода харид қилинган. Шунга биноан бир грамм олтиннинг нархи ўрта ҳисобда 11 доллар, марказ эса бизга 50 сўм тўлар экан. Бу ерда доллар билан совет пули ўртасидаги катта тафовутни, марказ олтинимиздан тайёрланган буюмларни сотишда олаётган катта даромадларни ҳисобга олсак, у вақтда олтинимиз жуда текин олиб кетилибди-да, деган фикр туғилади.

Совет ҳукумати шу даражада пастлик ва ноинсофлик қилганки, аёлларнинг тилла ва кумуш тақинчоқларини ҳам турли йўллар билан ёппасига йиғишириб олган. 1932—33 йиллардаги очарчилик вақтларида ёпиқ озиқ-овқат дўконлари очилиб, ун, гуруч ва бошқа маҳсулотлар тилла асбоблар ва заргарлик буюмларига алмаштирилган. Менинг онам кўз ёшлари билан иккита қалин тилла билакузукка кичкина халталарда ун ва гуруч кўтариб келганлиги ҳамон ёдимда. Шу тарзда аёлларнинг аксарияти авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тақинчоқларини очликдан ўлиб қолмаслик учун арзимаган нарсаларга алишишга мажбур бўлганлар. Шундан кейин маҳалламиздаги аёллар қулоқлари тешигига ип тақиб юриб, тилла зиракка эриша олмай ўлиб кетдилар. Аёлларни тақинчоқлардан маҳрум этиш фақат моддий жиҳатдан эмас, балки маънавий томондан ҳам қаттиқ эзганлигининг гувоҳиман.

Яқинда «Тошкент оқшоми» (1991, 25 сентябрь) газетасида Ўзбек олтин ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Ҳ. Э. Эгамбердиев ўз суҳбатида шу даражада эҳтиётлик билан гапирганки, аниқроқ маълумот олиш амри маҳол. Наҳотки, у барчани қизиқтираётган ва тўлқинлантираётган масалани очиқ-ойдин сўзлашга ботина олмаса. Суҳбатда бош директор мамнуниятлик билан шундай дейди: «Бирлашмамиз олтин ишлаб чи-

қариш корхоналари томонидан чиқарилган чиқинди-ларни қайта ишлаш хусусида Америка фирмаларининг бири билан ҳужжат имзолади. Ер ости қазилмасидан, хусусан, олтин ажратиб олингандан сўнг, чиқиндиларидан яна қимматбаҳо металлар олинади ва бошқа турли материаллар тайёрлаш мумкин. Масалан, айтайлик ўша чиқинди қазилмаларидан энг пишиқ ғишт тайёрлаш мумкин экан. Шуни ҳисобга олиб биз ҳамкорликда ғишт заводи бунёд этишин режалаштироқдамиз. Америкаликлар ҳозирнинг ўзидаёқ, бизга ушбу корхона қурилиши учун 6 миллион доллар миқдорда қарз беришга розилик билдиришяпти».

Бу маълумотлар алоҳида назарга олинса, фойдалан холи эмас. Бироқ, ўша жойнинг ўзидан 100 тоннаб-лаб соф олтинни марказга олиб кетилаётганини ҳисобга олиб фикр юритилса, қовунни еб пӯчоғини гадойга отиб юборилгани билан тенг аҳволни кўрамиз. Шўри-мпз қурсин, яхшиямки олтиннинг «ахлати»ни беришга розилик билдиришибди. Буни ҳам бермаганда нима қилярдик? Бироқ, олтин ўрнига оддий ғиштни олаётганимиз ўта заифлигимизни ва ноchorлигимизни намойиш этади, холос.

Олтинчидан, совет ҳокимияти йилларида минг йиллардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ажойиб ҳунармандчилик саноатимиз йўқ қилинди. Ҳунармандчилик халқимизнинг шон-шарафи ва фахри ҳисобланиб унинг ажойиб маҳсулотлари жаҳонда донг чиқарган. Тарихий маълумотларга кўра, Узбекистонда 100 га яқин турли ҳунармандчилик тармоқлари бўлган. Шаҳар ва катта қишлоқларда йирик, ақлни лол қиласиган ҳунармандчилик марказлари мавжуд эди. Кўп асрлар мобайнида ҳунармандчилик миллий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда ривожланган эди.

Халқимизнинг орасидан кўп «қўли гул» моҳир ҳунар усталари етишиб чиқсан. Улар не машақватлар ва изланишлар орқасида ҳунармандчилик турларини тақомиллаштириб ва кўз қорачиғидай сақлаб авлоддан-авлодга ўтказиб келган. Ҳунармандчиликнинг ажойиб намуналари тарихий ёдгорликларда, ёзма манбаларда ва музейларда сақланиб ҳамон жаҳон аҳлиниң диққат марказида турибди.

Афсуски, партиянинг ўта заарарли сиёсати оқибатида ҳунармандчилик ўтмиш ёдгорлиги бўлиб қолди. Қани энди бозорлардаги қатор-қатор тизилган кўзларни қа-

маштирувчи ҳунармандчилик дўконлари ва хилма-хил маҳсулотлар? Қани энди, сеҳрли, нозик ва киши қалбини тўлқинлантирадиган ажойиб буюмлар? Йўқ, буларнинг ҳаммаси кўз ўнгимизда остин-устун қилиб ташланди. Бу ҳалқимизнинг қўлини «тўмтоқ» қилиб қўйди. Бундай қилишдан мақсад ҳалқимизнинг ўз-ўзини англашини ва миллий маданиятини йўқ қилиш эди. Эндиликда ҳунармандчиликнинг айрим турлари қолди, холос. 70 йилдан ортиқ даврдаги узилиш орқасида юз йиллар мобайнида қўлга киритилган ҳунармандчиликнинг кўп сирларини ва бой тажрибасини авлодга ўтказишнинг иложи бўлмади. Бунинг салбий оқибатлари яққол кўзга ташланиб турибди.

**Еттинчидан**, қўшин ва лашкарбошилар ҳалқнинг энг ватанпарвар ва жанговар қисми ҳисобланиб мамлакат мустақиллигини ва эркинлигини ҳимоя қиласди. Ҳалқ оммасининг моддий ва маънавий бойликларини ажнабий босқинчиларидан сақлаш уларнинг муқаддас бурчидир. Қўшиннинг жамиятдаги энг муҳим аҳамияти шундан иборатки, у ҳалқ сиёсий онги, ғурури ва жасоратининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. Акс ҳолда ҳалқ орасида соддалик, қатъиятсизлик ва бепарволик сингари ўта заарли хусусиятлар ҳукм суради. Агарда миллий ҳарбий қисмлар ва лашкарбошилар, бўлганда ўша замонлардаёқ, айниқса, ҳалқ қўзғолонлари вақтида уларнинг кўмагида мустақилликка эришиш эҳтимолдан холи эмас эди. Улар орасидан **ватанпарварлар** чиқиши турган гап эди.

Бунинг устига ўзбек йигитларининг талай қисми «ҳарбий хизмат» ниқобида оғир қурилишларга ва қора ишларга жалб қилинди. Бунда уларни ҳарбий маълумотлардан маҳрум этиш назарда тутилган, албатта. Тўғри, совет армиясида юқори малакали ўзбек лашкарбошилари учрайди, лекин улар ҳалқимизнинг сонига нисбатан жуда оздир. Шундай қилиб, биз 100 йилдан ортиқ давр ичida миллий қўшинсиз яшадик. Бу гоятда ачинарли ва хатарли ҳолдир. Наҳотки, тарихда қудратли қўшинларни ва моҳир лашкарбошиларни етиштирган ўзбек ҳалқи ўз соябони ва посбонига эга бўлмаса?

**Саккизинчидан**, совет даврида Ўрта Осиё ва Қозоғистон Сибирга ўхшаш сургун маконига айлантирилган. Бу ерга ватанларидан мажбурий суръатда ҳайдалган Қрим татарлари, турклар, немислар, чечен-ингушлар ва бошқа ҳалқларнинг вакиллари ҳайдаб келти-

рнлди. Шуннингдек, кўплаб қамоқхоналар ва лагерлар қурниб уларда ўн минглаб одамлар азоб-уқубатда ва хўрликда ҳаёт кечирдилар. Улар орасида ўзбеклар ҳам оз эмас әди.

Ўзбек халқи ўз ватанидан ваҳшийларча жудо этилган халқларга уй-жой, кийим-кечак ва озиқ-овқат берди. Оғир ва мashaққатли кунларда уларнинг бошлари силанди ва кўнгли олинди. Бу билан ўзбек халқи ўзининг олижаноблигини ва бағри кенглигини яна бир бор намойиш этди. Аммо ўзбек халқи ҳам сургун деган балодан четда қолмади. Ер ислоҳотлари ва колхозлаштириш йилларида минглаб ўзбеклар қулоқ қилиниб узоқ жойларга жўнатилди. Уларни ер ва мулки тортиб олинди ва ҳайвонларча муносабатда бўлинди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, яқин йилларда ҳам ўзбекларни ўз ватанидан жудо қилиш ва уларни кўпайиб боришини тўхтатишига қаратилган ҳаракатлар бўлди. 1987 йилда «История СССР» журналида «Особенности этнографических проблем в Средней Азии и пути их решения» номли мақола чоп этилди. Бунда ўзбек халқининг кўпайиб бораётганидан ваҳимага тушган муаллиф В. И. Козлов қуйидаги таклифларни баён этган: «Шунни қатъий ишонч билан айтиш лозимки, 2000 йилга бориб ўзбекларнинг сони 25 млн га яқинлашади. Улар ҳар йилги туғилиш сони бўйича Украинани ортда қолдириб келажакда сон жиҳатидан мамалакатда 2-ўринни эгаллайдилар. Табиийки, мамлакатда бундай миллӣ структуранинг ўзгариши уни тарихан ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Аммо бу масала маҳсус ўрганишни талаб этади.

Ўрта Осиё қишлоқларнда иқтисодий демографик вазиятни яхшилашга икки йўл билан эришиш мумкин. Улардан бири аҳолини қишлоқлардан ўзининг жумҳуриятидаги шаҳарларга ва узоқ масофадаги қишлоқ жойларга, хусусан, РСФСР вилоятларига кўчиришни ривожлантириш лозим. Ўрта Осиёнинг этнодемографик масаласини тубдан ҳал қилишнинг йўли туғилишни қисқартиришдир». Мазкур сатрлардаги ўзбекларни мамлакатнинг турли жойларига тарқатиб юборишга ва улар кўпайишини тўхтатишига қаратилган фикрларнинг тагида мустамлакачилик ғояси ётибди. Мақсад туб аҳолини тўзитиб, ерларини ва бойликларнни тамоман ўз қўлига олишдир.

Шунга ҳайрон қоладики киши, бундай умуммиллат

манбаатларига зид ҳаракатларни республикада қувватловчи шахслар топилди. Улар матбуотда ва телевидениеда туғилишни қисқартиришга даъват этдилар. Ҳатто, Россиянинг узоқ вилюятларнга кўчнб борувчилар бўлди. Яхшики жумҳурият раҳбарлиги ўзгариб, у ҳаракатлар чипнакка чиқди. Ўша мақоланинг муаллифи В. Козлов Ўрта Осиё ва Қозоғистонга Россиядан одамларни олиб келиб жойлаштирилишини қатъий равишда тўхтатиш зарурлигини талаб қўлганда адолатли бўлар эди.

Хулоса шуки, Ўзбекистон кейинги 130 йил мустамлакачилик ва миллий зулм сиртмоғида яшади. Тўғри, совет даврида ҳалқ маорифи, олий ва ўрта маълумот, фан ва маданият анча ўди. Бу ҳақиқатни инкор этиш адолатдан эмас. Бироқ, бу ўзгарншлар миллий давлатимизни, миллий тилимизни, сиёсий ва инсон хуқуқларини барбод қилинган шароитда содир бўлди. «Темир панжара» ичида таъқиб, хавотирлик ва йўқчиликда туғилиб ўсган одамларнинг зеҳин ва дунёқарали ўзгача бўлиб, истеъододли кишилар камдан-кам учрайди. Шу боисдан кўпчилик мактаблар ва олий ўқув юртларининг билим бериш даражаси ниҳоятда настдир. Эрксизлик одамларни шу даражага олиб келдики, улар билим ўчоқларидан унумли равишда фойдаланишга уқувлари етмади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, совет давридаги фан ва маданиятнинг ўсиши биз учун янгилик эмас. Негаки Ўзбекистон кўп асрли тарихи давомида жаҳон маданиятининг ўсишига таъсир кўрсатган ўлкадир. Х асрдаёқ олий ўқув юрти—мадраса Бухорода очилган. XI асрнинг бошларинда Хоразмда эса фанлар академияси юзага келган. Замон тақозоси билан тарихимизда тушкунлик даврлари ҳам бўлган. Лекин бу ўткинчи ҳолат бўлиб, вақти келиб тараққиёт йўлига ўтилиши табиий эди.

Агар биз кейинги 130 йиллик даврда мустақил бўлганимизда ҳозирги вақтга нисбатан минг маротаба ортиқ фаровонликда ва тараққиётда ҳаёт кечирган бўлардик. Фақат бир нефти билангина ривожланиб кетган мамлакатларни кўриб туримиз. Биздаги бойликларнинг турлари ва салмоги бир неча маротаба кўп. Шунинг учун кейинги 70 йиллик даврга сажда қилиш, мағзини чақмай кўкларга кўтарниш нодонликдир. Совет давридаги ўзгарншлар бизга шу даражада қимматга

тушдники, уни бартараф қилиш учун неча йиллар керак.

Тұққизинчидан, шу күнларда «қызил империя»нинг қулаши ва Ўзбекистоннинг мустақилликка әришганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шундай бўлиши муқарарар эди. Ута мустамлакачилик ва миллий зулм асосида барпо этилган Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи (СССР) узоқ яшаши мумкин эмас эди.

Хўш, СССР қай тарзда ва қандай мақсадларда ташкил этилган эди? Бу Иттифоқнинг асл моҳиятини Туркистон халқлари тақдирни мисолида ҳам яққол англаш мумкин. Маълумки, коммунистик партия миллий давлат чегараланиши сиёсатини юргизиб, Туркистонда Ўзбекистон ССР, Қозогистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон ССР, Қирғизистон ССР, Қорақалпоғистон АССР ва Тоғли Бадахшон АССР сингари жумҳуриятларни юзага келтирди. Амалда ўлкаларни бу тарзда парчалашдан мақсад, турли бойликларини талаш ва туб аҳолининг бирлиги ва куч-қудратига зарба беришдан иборат эди. Партия ери бир, суви бир, дили ва дарди бир ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ва қорақалпоқларни сиёсий ва ижтимоӣ жиҳатлардан бир-биридан ажратиб, улар орасига тўсиқ қурди. Натижада коммунистик партия усталик билан Ўрта Осиё жумҳуриятларини марказга, хусусан, РСФСРга қарам қилишга муваффақ бўлди. Оқибатда мазкур жумҳуриятларда мустақиллик ва эркинликдан асар ҳам қолмади.

СССР номи билан ниқобланган бу қалбаки иттифоқ жумҳуриятларни талашга хизмат қилди, холос. Шунга қарамай коммунистик партия СССРнинг ташкил этилишини «Октябрь инқилобининг буюк мўъжизаси» деб баҳолаб кўкларга кўтариб мақтаб келди. Ҳатто, у, эркинлик ва тенглик, фаровонлик ва адолат рамзи сифатида бутун дунёга кўз-кўз қилинди.

Ваҳоланки, ўша «буюк мўъжиза»нинг негизпда ўзининг энг юқори чўққисига кўтарнган мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм ётарди. Москвада СССР нинг «умумиттифоқ қозони» барпо этилиб, унга Ўзбекистондан ва бошқа жумҳуриятлардан беҳисоб бойликлар ва турлн-туман даромадлар қўйила берди. Жумҳуриятларнинг ўша таги баҳайбат қозондан оладиган улуши бамисоли «денгиз сувидан бир томчи»га тенг эди.

Коммунистик партия СССР ни сақлаб қолишида ҳеч

нарсадан — зўравонлик, қўрқитиш, таъқиб ва кўзбўя-  
мачиликдан тоймади. Партия, аввало, жумҳуриятлар  
раҳбариятини «гаҳ деса қўлга қўнадиган» қилиб олди.  
Ўз навбатида бу раҳбариятлар ҳам ўз қўл остидаги  
катта-кичик раҳбарлар устидан шу тарзда иш юритди-  
лар. Партия онгли равишда турли қарор ва кўрсатма-  
ларини кўр-кўёна ва ўта итоаткорлик билан адо этув-  
чи сиёсий бошқарув тизимини шакллантирди. Бундай  
ҳолат раҳбар ходимларни мустақил фикр юритиш, та-  
шаббускорлик ва жасоратдан маҳрум қилиб, уларда  
фурсатдан фойдаланиб шахсий манфаатлари йўлида иш  
юритишиликни ва кўзбўямачиликни авж олдиртириди.

Унинчидан, коммунистик партия жумҳуриятлардаги  
миллийликни йўқотиш учун уларни кўп миллатли ўл-  
каларга айлантиришга қаттиқ бел боғлаб келди. Бу  
соҳада, айниқса, Ўзбекистонда катта ишлар амалга  
оширилди. Бу ерда иттифоқнинг турли томонларидан  
туб аҳоли орасига бошқа халқлар жойлаштирилди. Бу  
оқим учун кенг йўл очиб берилди. Бундан мақсад вақ-  
ти келиб туб аҳолини бошқа халқларга аралаштириб  
юбориш эди, албатта.

Бундан ташқари кўп миллатли жумҳуриятларда за-  
рутат туғилса, истаган вақтда миллий низолар чиқа-  
риб, кўзлаган мақсадларга эришиш имкони беқиёс кат-  
та бўларди. Бу, хусусан, Ўш, Фарғона воқеаларидағи  
кечмишлар ва уларнинг оқибатларидаги жуда яқъол кў-  
ринди. Шуниси ажабланарлики, жумҳурият раҳбарлари,  
ҳатто, кўп миллатлиликнинг магзини чақмай уни фарх  
ила тилга оладиган бўлдилар.

Ун биринчидан, коммунистик партия тиш-тирноғи би-  
лан динга қарши курашди, омманинг маънавий жи-  
ҳатдан қашшоқланишига сабабчи бўлди. Ваҳоланки,  
дин юксак одоб-ахлоқ рамзи сифатида кишилик жа-  
миятининг ажралмас қисми бўлиб келган. Хусусан,  
Қуръони каримдаги ақидалар шу даражада ҳаётийки,  
улар миллати ва эътиқодидан қатъи назар ҳар бир  
ихлосманд инсонда олий инсоний фазилатларнинг шакл-  
ланишига йўл очиб беради. Шу сабабдан ҳам бу му-  
қаддас асар юз йиллар илгари инглиз, немис, француз,  
рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинди. Ҳат-  
то, машҳур рус шоири Пушкин Қуръони каримга атаб  
махсус достон ҳам битган эди.

Ана шундай буюк ислом дини коммунистик партия  
томонидан қаттиқ таъқиб остига олиниши жаҳон та-

рихида энг даҳшатли фожиа сифатида баҳоланди. Бундай қилишдан мақсад ўзбекларни миллий анъаналар, юксак ахлоқий қадриятлар ва умуман, бир неча минг йиллик маданиятидан маҳрум этиб, уни «совет турмуш тарзи» қолипида яшашга мажбур этиш эди. Бу борада бирламчи вазифа бир ярим минг йиллар мобайнида маҳаллий халқ турмуш тарзига, авлодлар қонқонига сингиб кетган эътиқодини, хусусан, ислом динини қўпориб ташлашдан иборат эди.

Дин пешволари «халқ душманлари» сифатида отилди ёки қамалди, бадарға этилди. Диний ва фалсафий асарлар ёқилди ё бўлмаса улардан фойдаланиш тақиқланди. Араб имлосида битилган ҳар қандай асарни сақлаш хавф түғдиргани сабабли кўплаб қимматбаҳо китоблар девор ораларига беркитилиб суваб юборилди, қабристонларга кўмилди. Мачит, мадрасалар харобага айлантирилди, айримлари эса турар жойларга мослаштирилиб, уларга Россиядан кўчириб келтирилганлар жойлаштирилди. Асрлар давомида мусулмонлар учун муқаддас бўлиб келган мачитларга «ғайри динлар»-нинг кўчиб кириши маҳалламиз аҳли орасида йиғи-сифи билан қарши олингани ҳануз кўз ўнгимизда. Бундай хатти-ҳаракатлар бутун умр эътиқодини бериб келган жафокаш кишилар иззат-нафсини, энг аввало, ислом динини оёқ ости қилиш ва хўрлашдан бошқа ҳеч нарса эмас эди. Тўғри, кейинчалик Сталин динга бир оз йўл берди, лекин бу «хўжакўрсин»га қилнинган иш эди, колос.

Ҳозирда демократия ва ошкоралик туфайли ислом динига кенг йўл очилди, аммо ўртадаги катта узилиш даврини тўлдириш учун улкан меҳнат талаб қилинади.

**Ун иккинчидан**, совет даврида, хусусан, 20—50-йилларда тарихий ва маданий ёдгорликларга ваҳшийларча муносабатда бўлинди. Маданий меросга бўлган бундай муносабат чоризм давридаёқ яққол кўзга ташланган эди. 1913 йил рус зиёлиларидан бири Вяткин Туркестон генерал-губернатори Самсоновнинг Самарқанд ёдгорликларини томоша қилаётганида тарихий обидаларни таъмирлашлари учун маблағ ажратишларини сўраган. Бунга жавобан Самсонов, «рус давлати манфаати уларни сақлаб қолишни эмас, аксинча қўпориб ташлашни талаб қиласди», деб жавоб берган. Шу дақиқада генералнинг адъютанти эса, «бунинг учун замбараклар ўқидан фойдаланиш даркор», деб қўшиб ҳам

қўйган. Совет даврида ана шундай замбарак ўқларидаň фойдаланиб юзлаб ажойиб ва бетакрор тарихий обидалар бузиб ташланди ёки харобага айлантирилди. Турғунлик даврида тарихий ёдгорликларга муносабат бир мунча ўзгарган бўлса-да, аммо бу соҳада ҳам марказ ўз манфаатлари илинжида бўлиб, сайёҳлар ҳисобнга йиғиладиган миллионлаб валюта яна ўша «тубсиз қозон»га тушаверган, ўзбек халқи эса бир мирисиз қолаверган.

Мазкур мақолада ўтмишда мустақилликни қўлдан бериш сабаблари ва буннинг фоятда фожиали оқибатлари ҳамда келажакда унинг олдини олиш ҳақидаги айrim мулоҳазаларни баён этишдан мақсад ҳар бир ўз ватанига содиқ инсон уларни инобатга олиб, Ўзбекистон Президентининг таянчи сифатида ватан ҳимояси учун ҳамиша тайёр туришига даъват этишdir. Агар тарихдан сабоқ олинмаса яна қулликка мубтало бўлиш ҳеч гап эмас.

Хўш, Президент Ислом Каримовни қувватлашга асос борми?

Саволга жавоб беришдан олдин бир нарсага эътибор лозимки, масалани бу тарзда қўйиш баъзи одамларга ғайритабиий кўринади. Чунки илгари бизда давлат арбобларини ва улар фаолиятини йиғилишларда ва газеталарда холис таърифлаш тақиқлаб келинган эди. Эндиликда бундай ўта заарарли одатдан холи бўлиш вақти келди.

Мен Ислом Каримов билан шахсан таниш эмасман, лекин у кишининг фаолиятини тарихчи сифатида кузатиб келаман. Унинг фаолиятини, қилган ишларини тўла тасаввур қилиш учун, аввало, Шароф Рашидов вафоти (1982 й.)дан кейинги йилларда ишлаган икки раҳбар даврида юзага келган вазиятни ёдга олмоқ зарур. Бу вақтларда Ўзбекистонда рус шовинизмининг янада кучайиши учун қулай шароит яратилди. Бунга кўп жиҳатдан мазкур раҳбарларнинг табиатан ўта жасоратсизлиги ва қултабиатлилиги сабаб бўлди. Улар халқнинг, умуман, Ўзбекистоннинг аҳволи нима бўлса бўлсин, лекин ҳокимият тепасида ўтирасак бас қабилида иш юритдилар. Натижада шовинизм авжига чиқиб халқимизнинг моддий ва маънавий турмушкига катта путур етказилди.

Марказ ва унинг жумҳуриятдаги ҳамтовоқлари ўзларининг гайриқонуний ва халққа қарши ҳаракатла-

рини партиянинг XVI пленуми қарори билан ниқобла-  
дилар. Улар бу қарор асосида тергов, қамаш ва қув-  
ғин қилишни жадаллик билан амалга ошириб борди-  
лар. Қимки «пичоққа илинса бас», ўшани ҳисбсга олиб,  
жавобгарликка тортилди.

Марказдан түяни чайнамай думигача ютиб юборув-  
чи «устозлар» Ўзбекистонга ёпирилиб вилоят, шаҳар,  
туманинг юқори раҳбарлик лавозимларида, шунингдек  
суд, прокуратура ва милицияда ишладилар. Махсус  
кўрсатмалар асосида илмий муассасалар, олий ўқув  
юртлари, колхоз ва савхозларда ва бошқа турли таш-  
килотларда комиссиялар кетма-кет фаолият кўрсатиб,  
улар қатағонидан халқнинг дод-фарёди осмону фалак-  
ка етди.

Шундай кескинлашган мураккаб бир шароитда Ислом  
Каримов сиёсий майдонга чиқди. У кишининг дав-  
лат режа комиссияси, молия вазирлиги ва вилоят раҳ-  
барлигидаги фаолияти даврида тўплаган тажрибаси  
муҳим эди. Чунки, иқтисод ва молияни яхши билганли-  
гидан уни марказ тузоққа туширишининг иложи йўқ  
эди. Республикага шундай кишининг раҳбар бўлиши  
сув билан ҳаводек зарур эди.

Ислом Каримов Ўзбекистонга раҳбарликни бошла-  
ганида унинг олдида ватанпарвар ва билимдон кадр-  
ларни танлаш, жой-жойига қўйиш, Ўзбекистонни бот-  
қоқликдан қутқариб ва халқни эркин нафас олиши ва  
баракали меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратиш  
вазифаларни турар эди. Бу мураккаб ва оғир вазифа-  
ни ҳали марказ сиртмоғидан чиқмасдан туриб амалга  
oshiриш катта жасорат, матонат, билим ва юксак сиё-  
сий маҳоратни талаб қиласарди. Ислом Каримов қисқа  
вақт ичидан мазкур масалаларни мудаффақиятли ҳал  
қилиб, ўз мавқенини мустаҳкамлаб олди. Айни вақтда,  
у бошлиқ ҳукумат раҳбарлари, ўта муҳим иқтисодий  
ислоҳотларни бирин-кетин амалга оширишни бошлаб  
юбордилар.

Айниқса, ўзининг киндик қони тўкилган жойда бир  
парча ерга зор бўлиб юрган минглаб кишиларга ер бе-  
рилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Қашшоқлашган  
дехқон оммасининг ҳаётини яхшилашга қаратилган бир  
қанча муҳим чоралар амалга оширилди. Эндиликда  
дехқон меҳнатига яраша ҳақ олиш ҳуқуқини тобора  
эгаллаб бораяпти. Туман ва қишлоқ аҳлларини табиий  
газ ва ичимлик суви билан таъминлаш борасида қатор

улкан ишлар белгиланмоқда. Жұмхурият иқтисодини күтаришга қаратылған бошқа мұхим ишлар ҳам амалға оширилди, лекин бир мақолада улар ҳақида батафсил тұхталиб үтишнинг иложи үйк.

Оғыр иқтисодий ақынлар қарамай маңнавий ҳаётни юксалтиришга қаратылған табиғаттың адо этиляпты. Халқ маорифи, олий ва ўрта таълимнанға ғамхұрлық күчтірилмоқда. Бир қанча университеттер, олий ўқыу орталары ва бошқа билим масканлары очилди.

Қозоғ танқислиги каби муаммоларға қарамай янги нашриёттар, газета ва журналдар таъсис этилди. Ўзбек тиңдегі давлат мақоми бериліши, миллий маданияттың ривожлантиришдегі қарапаттар ўта катта ақамиятта мөлікдір.

Іслом Каримов Иттилоқ тарихида М. С. Горбачевдан кейинги президенттік лавозимини әгаллаган иккінчи давлат арбобидір. Ұша вақтларда Ўзбекистон ҳали марказ панжасыда яшаёттегі бир пайтда она юртда президенттік лавозимини жорий этиш ва кағилендірген олиш мәрдлікнинг ёрқын намунасы әди. Бу сиёсатнинг ҳаёттілігі шу даражада оқыланды, қардош жумхуриятларнинг баш раҳбарлары ўрнак олиб президенттік лавозимини таъсис этділар. Ўзбекистонда президенттік лавозимини ўрнатыш шунчаки бир сиёсий маъмурій ўзгаришгина болжай, унинг негизіде Жұмхурият мұстақиллігини таъминловчы катта сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳамда халқаро алоқаларни ҳал қилиш ётарды.

Хөзірда Жұмхурият ахли шунга гувоқки, улар расамади билан ҳаётта татбиқ қилинмоқда. Ўзбекистонни ташқы дунёдан ажратып қойылған темир панжарани ёриш, халқаро майдонға чиқыш ва хорижий мамлакаттардагы ватандошларымыз билан яқындан алоқа ўрнатыш сингары мұраккаб масалалар ҳам амалға оширилмоқда. Юқоридегі фикр-мулоҳазаларим билан бир қаторда қуйидеги таклиғларимни ҳам изхор этаман.

Бириңчидан, чор құкумати ва совет даврида Туркестоннинг маҳрум қилинған сиёсий фаяниятини тубдан ривожлантириш қозирғы күштің долзарб масаласидір. Бунға ёришилса халқда шундай бир мұъжизакор күч шаклланады, у ҳар қандай шароитта, хусусан, үйқичилікка, баъзи қийинчиліктерге бардош бериб ва қаршишылғыларға мәрдона туриб ғалабага ёришади. Натижада мұстақиллік ва әркисиilik метиндең мұстақамланиб агадулабад яшайверади.

Маълумки, собиқ СССРда ва умуман, «социалистик лагерда» оламда тенги йўқ табиий ресурслар, ишчи кучлари ва белоён ерлар бўла туриб «садақа» сўрашгача келнидн. Бунга, асосан, халқнинг сиёсий фаолиятдан бутунлай маҳрум қилинганлиги сабаб бўлди. Ҳозирда тараққиёт чўққисига кўтарилган мамлакатларнинг аксариятида ўзларининг табиий бойликлари оз ёки умуман, бўлмаса-да, халққа сиёсий ҳуқуқ ва эркинлик берилганлиги учун тобора нигорлашиб бормоқдалар. Бунга, айниқса, Япония яққол мисолдир. Борди-ю, иқтисодиёт солинган тарозининг бир палласи босиб, иккинчи палласидаги сиёсат енгиллик қилса, у вақтда жамиятда мувозанат бузилади. Оқпбатда жамият бамисоли ёғ босиб семирган, хафсаласиз, мудрайдиган одамга ўхшаб қолади. Бу тоифадаги одамларнинг устига миниб олиш жуда осон.

Ривожланган мамлакатларда сиёсий онг ва кураш шу даражада одамлар қонига сингиб кетганки, катта митинг ва намойишларнинг юзага келиши ҳеч гап эмас. Ҳатто, бегона мамлакатда адолатсизлик содир бўлса ҳам, улар ихтиёрий равишида унга қарши бош кўтарадилар. Қани бизнинг халқни кўпчилик қисмини ўзимизнинг манфаатларимиз учун ўрнидан турғазиб кўрингчи. Бундай ҳолга тушишликда айб халқда эмас, балки узоқ вақтлар мобайнида мустамлакалик гирдобида яшашлик сабабdir.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир меванинг лишиб етиладиган маълум мавсуми бор. Шунга ўхаш халқнинг сиёсий фаолиятини шакллантиришга ва чиниқтиришга зарур шарт-шароит бўлиши керак. Ҳозир бизнинг жумҳуриятимизда худди шундай вазият мавжуд. Агар бу жуда қулай фурсатдан унумли фойдаланиб, сиёсий онгни ҳамда сиёсий фаолликни халқнинг қон-қонига сингдирилмаса, кейин унинг нафи бўлмайди.

Нақлга кўра ёшликада ўзлаштирилган ҳунар ва билим тошга, ўрта ёшлиқдагиси кесакка, қариликдагиси эса қумга ёзнишига тенглаштирилган. Ҳозирда биз мустақилликка ва эркинликка асосланган сиёсий ҳаётнинг дастлабки йилларида, яъни ёшлигинда турибмиз. Бу фурсатни қўлдан бой бермаслик керак. Халқ сиёсий фаолиятини кучайтиришда матбуот, радио ва телевидениенинг аҳамияти каттадир. Бу соҳада, айниқса, «Шарқ юлдузи» ва «Мулоқот» журнallари, «Ўзбекис-

тон адабиёти ва санъати» газеталарининг қилаётган ишларини мамнунлик билан кўрсатиб ўтиш лозим.

Бироқ, иш ҳали кенг қулоч ёйгани йўқ. Бунн қараңгки, телевидение кўрсатувларнда қурувчиликнинг гишт тераётганини, дала меҳнаткашларининг трактор ёки пахта териш машинасини тузатётганилиги, чўчқа боқаётгани, лавлаги ковлаётгани, қўй боқаётгани ёки сигир соғаётгани, карам ёки узум узаётганилиги ва бошқа хилма-хил маънавий озуқа бермайдиган нарсалар ўрин олган. Бунга сарфланган эсизгила вақтлар, маблағлар ва оворагарчиликлар. Агар қишлоқ хўжалиги газеталар, радио ва телевидение орқали рағбатлантирилиб ривожланадиган бўлса эди, совет даврида у энг тараққий этган соҳа бўлиб қоларди. Негаки, уларда эрта-ю кеч қишлоқ хўжалиги ҳақида сўз юритиларди.

Сиёсий жанговарлик жамиятга ҳаво билан сувдек зарур. Тарихда унга эришмоқ учун кўпдан-кўп қонлар тўкилган. Унинг учун берилган қурбонликлар ва иқтисадий талафотлар пировардида ўзини тўла оқлади. Йўқчилик ва шароит барқарорсизлиги ўткинчи нарса, лекин сиёсий фаоллик ва жанговарлик бўлмаса, ҳар қандай шаронтда қулликка муттало бўлиш турган гап.

Ўзбек ҳалқи жаҳоннинг фақат моддий эмас, балки сиёсий ҳаётидан яқиндан хабардор бўлгандагина ҳар томонлама ривожлана олади. Бу масалани кенг равишда ҳалқимиз онгига сингдириш фойдадан холи эмас.

Умуман, иқтисодий ва сиёсий вазифалар мутаносиб равишда изчиллик билан амалга оширилганда гина мўлжалланган маррага етилади. Борди-ю, сиёсий фаоллик ва жанговарлик сусайиб орқага кетса, кўнгилсиз ҳодисалар юз беради. Негаки, «коса кунда эмас, кунида синади» деганларидек, вақти келиб зарурият туғилса, сиёсат машқини ўтмаган ҳалқнинг бирлашуви ва «жанг»га отланиши жуда қийин бўлади. Бу ерда бамисоли учувчилик ҳунарини билмаган киши тасодифан самолётни бошқаришга мажбур бўлиб ҳалокатга учраганга ўхшаш ҳолат содир бўлади.

Сиёсий фаолиятнинг сустлиги шунга олиб келмоқдали, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши катта тарихий воқса ҳисобланган бўлса-да, лекин уни изчиллик билан амалга ошириш сезилмаётир. Утказилаётган кенгашлар ва газеталарда мақолаларнинг чиқиши яхшику амалий чоралар етарли даражада эмас. Бу кетишда белгилангац муддатда ўзбек тилнин чинакам давлат

тили бўлиши қийин. Ҳозирданоқ шаҳарлардаги шароити кўтариадиган корхоналарда ўзбек тилида иш юритишни бошлаб юбориш керак.

Раҳбарият томонидан берилаётган ва матбуотдаги маълумотларга кўра, табиий бойликларимиз, хусусан, олтин ва уран каби ноёб маъданлар, собиқ Иттифоқ қаррамоғидаги йирик саноат корхоналари тақдири масаласи аниқ ва узил-кесил ҳал бўлмаган. Мазкур манбалардан келаётган миллиард-миллиард сармоя қўлдан чиқиб кетаётгани ҳар бир ватанпарварни ташвишга солаётгани аниқ. Пахтани сотаяпмиз, деб олтин ва уран масаласидан чалғиши ёки чалғитиш ўта зиёнлидир. Табиий бойликларимизни, барча саноат корхоналарини амалда ва тезда ўз тасаррӯфимизга ўтиши мустақиллигимизни таъминловчи ва ҳалқаро доирага тортувчи асосий омиллардан эканини ёддан чиқармаслик даркордир. Мазкур масалаларни ҳал этишда матбуот, радио ва ойнаи жаҳон имкониятларидан фойдаланиб, ўз ҳуқуқларимизни барадла талаб қилмоғимиз, ҳалқни жалб этмоғимиз муҳим деб ўйлаймиз.

Хулоса шуки, жуда қисқа вақт ичиде Ислом Каримов бошлиқ Жумҳурият раҳбарияти, ҳалқ депутатлари ва зиёли вакилларининг саъӣ-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон мустамлакачилик сиртмогининг занжирини узди, мустақиллик ва эркинлик йўлига отланди. Ҳозирда камчилик ва нуқсонларни рўкач қиласавермай, «бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирмасдан» қўлга киритилган тарихий ютуқларни барбод бўлишига йўл қўймайлик. Мустақиллик ва эркинликни шахсий манфаатлар ва ўзаро низолардан устун билиб, биргаликда мардонавор давом этирайлик.

Мен шахсан Ислом Каримовни ўзи бошлаган буюк ўзгаришларни охиригача етказишига ишонаман.

Келинг азизлар, сиёсий, иқтисодий, маданий масалаларимизни ҳал этишда президент атрофида метиндеқ жипслашайлик. Тарих бизга кулиб боққан асрий лаҳзалардаги мингдан бир имконни қўлдан бой берисб қўймайлик.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» г., 1991,  
26 ноябрь ва 5 декабрь.

Қадимий Туркистоннинг тарих саҳифаларига битилган муҳим воқеалар оз эмас. Буларнинг таъсири ва акс садоси асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга ўтиб кишиларда ғуурланиш, фахрланиш туйғуларини, жасорат ва ватанга содиқликни уйғотиб тараққиёт сари янгидан-янги зафарларга чорлайди. Масалан, 1370 ва 1991 йиллардаги тарихий воқеалар ҳам шулар жумласидандир. Эндиликда мустақилликни ва озодликни баҳш этган мазкур буюк саналар кенг миқёсда нишонланиб, улуғланмоқда. Зоро, 1996 йилнинг «Амир Темур йили» деб белгиланиши ва уни жаҳон миқёсида байрам қилиниши биргииа ўзбеклар томонидангина эмас, балки барча эркесвар халқлар томонидан зўр мамнуният билан қарши олинди. Бу тадбир орқали кўз ўнгимизда буюк давлат арбоби ва машҳур лашкарбоши Соҳибқироннинг донғи жаҳон узра таралиб, инсоният тарихида тутган беқиёс катта ўрни ва роли ҳаққоний равишда гавдалантирилди.

Айни пайтда, унинг кўп қиррали ва самарали фаолиятига бағишлиган турли асарлар, рисолалар ва мақолалар чоп этилди. Амир Темурнинг сиймоси ва хизматлари радиода, телевидениеда, театр саҳналарида кенг кўламда тарғибот қилинди. Айниқса, «Амир Темур музейн»нинг ташкил этилиши унуттилмас воқеа бўлди. Бу тенги йўқ ажойиб музей фақат Соҳибқирон фаолиятининггина эмас, балки бой маданий меросимиз, буюк ўтмиш ва порлоқ келажагимизнинг кўзгуси сифатида гавдаланиб турибди. Унда ўзбек халқининг ақл-идроқи, меҳнатсеварлиги, жасорати, матонати, меҳмондўстлиги, эркесварлиги, ватанга содиқлиги ва бошқа олий фазилатлари ўз ифодасини топди. Эндиликда биз: «Кимлигимизни билмоқчи бўлсангизлар “Амир Темур” музейини кўринглар», — дейишга тўла ҳақлимиз.

«Амир Темур йили» ҳозирги мустақилликни Темур ва темурийлар даври билан боғлаган бамисоли мустаҳкам кўприк бўлиб қолди. Бу табний ҳолдир, албатта. Зоро, ҳозирда ҳукм сураётгани мустақил ўзбек давлатининг илдизлари узоқ ўтмиш давларга бориб тақалади.

Шу боис ҳар икки санада ташкил топган мустақил давлатларни бир-бирлари билан қиёслаш ва ўзларига хос белгиларини кўрсатиш айни муддаодир.

Амир Темур XIV аср 50 йилларининг охирлари ва 60 йилларда сиёсий майдонда пайдо бўлди. Бу табаруқ зот ўз халқининг мӯғуллар қўлида қаттиқ эзилаётгани ва хўрланаётганидан изтиробда эди. У қандай бўлмасин она юртини озод қилишга аҳд қилиб, узоқ йиллар мобайнида қўлида қилич билан жанг майдонларида жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатади. Унга халқ оммаси катта ишонч ва умид боғлаб ўз халоскори сифатида қаради. Масалан, Темур тузукларида келтирилишича, Самарқанд аҳолиси қўйидаги мазмунда унга мурожаат қабул қилган эди:

«Мӯғулларнинг зулм ва түгёнидан олам хароб бўлди, мўмни-мусулмонларнинг моли талон-торож қилинди. Биз фуқароларни, шайхларни, сайдиларни мӯғуллардан ҳимоя қилсангиз, ҳаммамиз бир кишидек сизга хизмат қиласмиш. Агар бизни мӯғуллардан халос қиласангиз, қиёмат куни парвардигор олдида сиздан ҳақиқатни талаб қиласмиш». Темур дастлабки фаолияти ҳақида шундай дейди: «Белимга хизмат камарини боғлаб, ватанини мӯғуллардан халос этмоқчи бўлдим, лекин шароит этилмаганлиги учун бу ҳаракат амалга ошмади». Чунки, мӯғул сultonларининг кучига қарши ҳали етарли даражада тайёргарлик йўқ эди.

Пировардиде эса Амир Темур халқининг кучи билан Туркистонни мӯғуллардан тозалади.

Хўш, Амир Темур давлатининг моҳияти ва йўналиши нималардан иборат эди?

Биринчидан, Амир Темур халқ билан бир тан, бир жоп бўлиб бутун умрини, куч-қувватини ва билимини она-юрт мустақиллиги ва тараққиётини таъминлашга бағишлиди. У ўзаро урушларни, талон-торожларни ва вайронагарчилнкларни бартараф қилиб, марказлашгани ва қудратли давлатни ташкил этди. Бунда Соҳибқирон томонидан миллий қўшин ташкил этилиб, жанговарлик фаолияти юқори чўққига кўтарилиши муҳим ўрин эгаллади. Ҳатто, аёллардан алоҳида ҳарбий қисмлар ташкил этилганлиги маълумдир. Манбада кўрсатилишича, аёллар жанг қилишда эркаклардан қолишмаганлар.

Хуллас, Соҳибқирон 150 йиллик узилишдан кейин мустақил ўзбек давлатига ва миллий қўшинига асос

солған давлат арбоби әди. У мамлакатни белгилаб құйылған қонун-қоидалар («Темур түзуклари») асосида башқаришни ҳам жорий қылды. Бу ҳақда у шундай әзган: «Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг құрби етмасди» (63-б.).

Амир Темур вақтида қонун асосида иш юритилиб, кенгаш, йиғилишларida сүз әркінлігінде йүл құйилиши аслида демократиянинг күринишларидан биридей. Буни унинг ҳукмдор салтанат ишларидан ҳар кимнинг сўзини эшлиб, ҳар кимдан фикр олиши кераклиги ҳақидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди.

Амир Темур даврида сунъий суғориш, дәжқончиллик, ҳунармандчиллик ва савдо-сотиқ ривожланиб, мўл-кўлчилик ҳукм сурди.

Иккинчидан, маънавий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар қилинди. Аввало, мўғуллар ҳукмронлиги даврида анча қисилған ислом дини равнақи учун зарур чоралар амалга оширилди. Амир Темурнинг таърифика, агар дин сусайса, у вақтда давлатнинг құдрати ва мавқеи заифлашиб «салтанат яланғоч одамга ўшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ехуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшигитўсиги йўқ уйга ўхшайди». «Шунинг учун ҳам, — деб таъқидлайди Соҳибқирон,—ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим» (57-б.).

Амир Темур мамлакатда фан ва маданиятнинг жонкуяри сифатида шуҳрат қозонди. У олиму фозилларни, тарихчиларни, шоирларни, муҳандисларни, санъат ва умуман, зиёли вакилларининг фаолияти учун барча шароитни яратди.

Айниқса, харобага айланган Самарқандни тез орада жаҳоннинг энг йирик ва гўзал шаҳрига айлантирилиши таҳсинга сазовордир. Бу ерда ва ўлканинг бошқа жойларида кўп ҳашаматли бинолар қурилди. Самарқандда жаҳоннинг турли тилларида ёзилған китоблардан иборат катта кутубхона бунёд этилди.

Учинчидан, Амир Темур ташқи спёсатин ҳам ақтидрок ва тадбиркорлик билан олиб борди. Унинг узоқ йиллар мобайнинда олиб борган ҳарбий юришларига келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, улар ўша замон шароитига хос ва мос муҳим чора әди. Бундай қилмас-

ликнинг бошқа иложи ҳам йўқ эди. Негаки ўша замонларда салоҳиятли давлатларнинг ҳарбий юришлари «тарихий зарурият» ҳисобланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, Амир Темур ташқи душманларнинг ҳужум қилишларини яхши англаб, уларга ўз ерларида зарба бериш сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб борди. Бу билан у ватан хавфсизлигини тўла таъминлади. Бошқачароқ айтганда, у «отни олдинроқ қамчилаб» бўлажак рақибларини ва хавфларни бартараф қилди. Бу қўшни давлатлар орқали ўтадиган карвон ва савдо марказларини эгаллаш ва Туркистонни бемалол жаҳон бозорига чиқиш имконини берди. Амир Темур Оврўпо, хусусан, Англия, Испания ва Франция билан алоқа ўрнатиш чораларини биринчи бўлиб кўрди. Соҳибқирон ички ва ташқи сиёсатни бир-бирига мос ҳолда билимдонлик билан юргизди. У Туркистонни ўша даврдаги мамлакатларнинг олдинги сафига чиқарди.

### ШУҲРАТИ ЎЧМАС 1991 ЙИЛ

«Қайта қуриш» йилларида қизил империянинг ичидан чириб ҳалокатга мубтало бўлганлиги аён бўлиб қолди. Бу вақтда демократик кучлар ва зиёлиларнинг илғор вакиллари, ҳатто, айрим партия ва давлат арбоблари ошкора бош кўтарганиклари ҳамон эсимизда. Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам тоталитар тузум ва тартибларга қарши ҳаракатлар тобора қизғин тус олиб борди. Умуман олганда, империя ҳудудларида нотинчлик ва алғов-далғовлар авжига чиқиб марказ саросимага тушиб қолди. Ҳатто, у айрим республикаларда қурол ишлатиб, ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаркат қилди. Бундай тўс-тўполонларни Ўзбекистонда ҳам содир бўлиши эҳтимолдан холи эмас эди.

Аммо, Республика мустақиллиги «бир томчи» қонсиз тикланди.

Хўш, бу тарихий воқеанинг хусусиятлари нималарда ўз ифодасини топди?

Биринчидан, бутун империяда юзага келган ўта хавфхатарли ва қалтис вазият мустақилликни тиклаш ниятидаги у ёки бу республика раҳбариятидан сиёсатини ниҳоятда донолик билан юритишини тақозо этарди. Шуниси қувонарлники, бундай ҳаракат Республикаизда шу даражада изчиллик ва усталик билан амалга оши-

рилдики, қизнл империя жони узилганлигини ўзи билмай қолди.

Маълумки, Марказий Осиёning таянчи бўлмиш Тошкентда совет давлатининг қудратли ҳарбий техникаси ва ҳарбий қисмлари жойлаштирилган эди. Шунингдек, ички ишлар вазирлиги ва хавфсизлик комитети катта салоҳиятга эга эди. Айниқса, совет қўшинида миллий кучларнинг деярли йўқлиги сабабли зарурият туғилгандан, уларга умид боғлаб бўлмас эди. Булардан ташқари қизил империянинг агадулабад яшашига қаттиқ ишонган раҳбарлар ва оддий кишилар оз эмасди. Ҳамда кўп вақтлар давомида ҳукм сурган мустамлакачилик зулми орқасида қуллик ва манқуртлик гирдобида «суяги қотган» ҳалқнинг ҳис-туйгулари ва ўз-ўзини англаши ҳали юксак даражага кўтарилмаганлигини биламиз. Қўрсатилган ниҳоятда оғир ва хавф-хатарли шароитда ўта билимдонлик, тадбиркорлик ва эҳтиёткорлик билан иш юритиш тақозо этиларди.

Худди шу йўсинда усталик билан иш олиб борилиши орқасида қон тўкилишига ўрин қолмади.

Хуллас, Ўзбекистон мустақиллиги тинчлик ва парламент йўли орқали тикланганлиги билан ажралиб турди.

1370 йилдаги мустақилликка эса узоқ давом этган қонли жанглар ва қурбонлар ҳисобига эришилди. Бу воқеа арафасида, яъни 1365 йилда Самарқанд шаҳрида ҳалқ қўзғолони кўтарилди. Сарбардорлар номи билан машҳур бўлган бу умумхалқ ҳаракати Илёс Хўжа бошлиқ мўгулларни тор-мор этди. Бироқ ҳали босқинчиларга узил-кесил зарба берилмаган эди. Шу боис Соҳибқирон озодлик учун жонини тиккан барча кучларни ўз атрофига тобора қаттиқроқ жипслаштириб борди. У 1370 йилдаги даҳшатли жангда ғалаба қозониб, миллий давлатнинг мустақиллигини тиклади.

Иккинчидан, 1991 йил 31 август воқеаси сиёсий жиҳатдан 1370 йилдагига солиширилса, бир-бирларидан фарқ қилмайди. Зоро, бу икки сана босқинчиларнинг ҳукмронлиги ва зулмини қўпориб, мустақилликни тиклашга олиб келди. Айни пайтда миллий давлат ва қўшин, мустақил ташқи сиёsat шакллантирилди.

Аммо Амир Темур давридаги сиёсий-маъмурий тизим ўрта асрга хос ва мос ҳолда ифода этилган бўлса, биздагиси ҳозирги замон тараққиётидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилди. Зоро, чинакам пар-

ламент, конституция, герб, байроқ ва мадҳия жорий этилди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ва бошқа жаҳон миқёсидаги уюшмаларга аъзо бўлиши ҳамда элчихоналарининг ташкил этилиши сиёсий ҳаётидаги улкан янгиликлардир.

Маълумки, мӯғулларнинг ҳукмронлиги вақтида иқтисодий ва маънавий ҳаёт чуқур инқизотга учраган бўлса-да, минг йиллар мобайнида шаклланган хусусий мулкчилик, эркин бозор ва нарх ўз йўлида бора-верган. Бу хусусда туб ўзгариш бўлмаган. Совет даврида эса улар тугатилиб, жамият илдизи қирқилган дарахтга ўхшаб қолди.

Бинобарин, 1370 ва 1991 йиллардаги мустақиллик бир-бирига зид икки хилдаги иқтисодий шароитда тикланди. Чунончи, Амир Темур даврида ҳукм суроётган тайёр иқтисодий тизимни ривожлантириш ва уни ватач манфаатларини таъминлашга йўналтириш асосий масала ҳисобланади. Бизнинг замонамида эса хусусий мулкчиликка ва эркин бозорга асосланган янги иқтисодий тизимни бунёд этиш вазифаси амалга оширилмоқда. Саноат корхоналарини, уй-жойларни, жамоа ерларини ва биноларни хусусийлаштириш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Айни пайтда хорижий мамлакатлар билан қўшма корхоналарни қуриш тажрибаси ҳам женг ёйилмоқда.

Мӯғулларнинг ҳукмронлиги даврида маънавий ҳаёт, шу жумладан дин анча сусайган бўлсада, ўз ўрнини сақлаган эди. Бироқ совет давлати миллий тил ва маданиятни «ҳибсга» олиб, кишиларни қалбаки коммунистик ғоялар исказнича ушлаб турди. Айниқса, диннинг тақиқланиши, мачит ва мадрасаларнинг деярли барчаси ёпилиши даҳшатли фожиаларга олиб келди. Бундай мудҳиш сиёсатни мутлақо тубдан ўзгача йўлга солиш мустақил давлатимиз зиммасига тушди. Миллий маънавиятнинг шакллантирилиши билан бир қаторда дин, эътиқод эркинлиги тўла тикланди. Миллий анъаналар ва урф-одатлар ҳаётнинг таркибий қисми сифатида ривож топмоқда.

Умуман айтганда, 1370 ва 1991 йилларда Марказий Осиёда ташкил топган ўзбек давлатларининг мөҳияти ва йўналиши бир бўлиб, мустақилликни ва озодликни тиклаш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодиётни, фан ва маданиятни тарақ-

қий эттириш, она юртни жағон давлатлари даврасыга чиқариш, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни ўрнатиш ички ва ташқи сиёсатнинг мазмунини ташкил этди.

Умуман айтганда, кўрсатилган ҳар икки давлатнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, биринчиси ҳукм сураётган тайёр иқтисодий ва маънавий тизими ривожлантирган бўлса, иккинчиси, яъни ҳозирги хусусий мулксиз, эркин бозорсиз ва динсиз ҳаёт ўрнига тамомила янги жамият тизимини бунёд этмоқда. Аммо улар юзага келиш шароитидаги фарқ мустақиллик ва озодликка эришган ҳар икки давлатнинг асили моҳиятини ва йўналишини ўзгартира олмайди. Аксинча, мавжуд айrim хусусиятлар бир-бирини тўлдиради ва бойитади.

Бинобарин, кўз ўнгимизда барқ уриб турган мустақиллик ва озодлик ғоялари, тараққиёт ва фаровои ҳаёт учун курашлар қадимий ўзбек давлатчилигини ўзида акс эттирган Амир Темур давлати йўналишининг мантиқий давомидир.

«Ҳуррият» г., 1997, 9 апрель

## «ОЗОДЛИК» РАДИОСИГА ОЧИҚ ХАТ

Шу йилнинг 24 июнида Йўляхшиев «Озодлик» радиоси орқали менинг 9 апрелда «Ҳуррият» газетасида босилган «Икки қуттуғ сана: 1370 ва 1991» номли мақоламга муносабатини билдириди. Мен унинг сўзларини эшитаётганда, «Йўляхшиев бир оми одам бўлса керакки, мақолани тўғри тушуниш ва таърифлашга ожизлик қилибди»,—деб ўйладим. Бироқ, кейин билсам, Йўляхшиев ўзини мухолифат вакилларидан санар экан. Шундан сўнг ҳайратланишга ўрин қолмади. Чунки, Йўляхшиевга ўхшаш мухолифатчилар кўпроқ ҳиссиятга берилиб тирноқ ичидан кир қидиришга ва имкон борича қоралашга мослашиб кетганликларини ва сохта далилларга асосланишини яхши биламиз. Бу ниҳоятда тутруқсиз ва кўнгилсиз ҳолат Йўляхшиевнинг фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. У менинг мақоламни шу даражада қўпол равишда сохталаштиришга ҳаракат қилганки, унга тегишли жавоб бермасликнинг ҳеч иложи ийқ.

Йўляхшиевнинг биринчи даъвосида шундай лейлган: «Мұхтарам Ҳамид Зиёев 1370 йилда биринчи

марта ўзбек давлати тузилганди, 1991 йилда эса Узбекистон давлат тизими вужудга келди, деб тасдиқлашга уринади. Аммо бу уринишларда жиддий вазатта илмий хато бор. Бу хато ҳақида бу ерда (радиода) сўзлашга имкон йўқ».

Аслида мақолада «биринчи марта ўзбек давлати тузилганди» ва «Ўзбекистон давлат тизими вужудга келди»,—деган жумлалар йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки биринчи ўзбек давлати 1370 йилда эмас, балки милоддан аввалги VII—VI асрларда «Буюк Хоразм» номида юзага келган эди. Мана шу узоқ ўтмиш даврларда шаклланган давлат асрлар мобайнида шароит тақазосига кўра гоҳ кучайиб, гоҳ инқирозга учраб турди. Яъни давлатни бошқарувчи сулолаларнинг номлари ўзгариб турса-да, давлат сақланиб қолаверди. Шунинг учун ҳам ўзбек давлатчиликнинг тарихи ўрта ҳисобда 2600—2700 йилни ўз ичига олади.

Аммо ўтмиш замонларда, шу жумладан 13—14 асрларда мўгуллар, кейинги 130 йил мобайнида Россия ҳукмронлик қилган даврларда ўзбек давлати ағдарилган бўлса-да, тамомила йўқ бўлиб кетмади. Шу боис у вақти келиб яна тикланди. Бу тарихий воқеанинг бирин 1370, иккинчинси 1991 йилда содир бўлди. Қамина мақолада мана шундай деб ёзганман:

«"Амир Темур йили" ҳозирги мустақилликни Темур ва темурийлар даври билан bogлагan бамисоли мустаҳкам кўприк бўлиб қолди. Бу табиий ҳол. Зоро, ҳозирги мустақил Ўзбек давлатининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Шу боис ҳар икки санада (1370 ва 1991) ташкил топган мустақил давлатларни қиёслаш ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш айни муддаодир».

Хўш, айтингларчи, муҳтарам «Озодлик» радиосининг мухлислари, масалага бундай ёндашувни Йўлхшиев айтгандек «жиддий ва илмий хато» деб ҳисобласа бўладими? Албатта, йўқ.

Фақат тарихдан ва илмдан бехабар кишиларгина Йўлхшиевнинг фикрига қўшилиши мумкин. Унинг мақсади ҳам асли шу. Аммо, ҳозирда бу тоифадаги кишилар камдан-кам топилади. Шунинг учун Йўлхшиев жамоат аҳли диққатини жалб қилишга беҳуда уринган. Бу ерда «Туҳматнинг умри қисқа» деган доно нақлни унутмаслик лозим.

Йўлхшиевнинг иккинчи даъвоси ҳам кишини ни-

ҳоятда таажжублантиради: "Мұхтарам, профессор,— дейди у,— Темур империяси ва унинг тузилиши, Ўзбекистоннинг бугунги Россиядан ажралиши, Темур давлати ва унинг давлат тизими мутлақо бошқа-бошқа нарсалардир. Биз бугун тарихни түғри ўрганишни тарғиб қилишимиз лозим әмасми? Наҳотки, 1991 йилги мустақилликни улуғлаш учун уни, албатта, Темур муваффақиятлари билан тенглаштириш зарур бўлса.

Наҳотки, биз тарихда узоқ ўтмишда ўзбек давлати бор эди, бугун ўша ўзбек давлатини тикладик, тикла япмиз, деб айтишни қабул қиласмиз».

Ажабо, масъулиятсизлик билан гапириш шунчалик бўладими?

Хўш, нима учун ҳозирги мустақил ўзбек давлатини фавқулодда ва тасодифий ҳолатда әмас, балки қадимий давлатчиликнинг мантиқий давоми сифатида баҳолаш мумкин әмас. Ахир, бу тарихий ҳақиқат-ку.

Афтидан, Йўляхшиев тарихни, умуман, билмайди. Шунингдек, унинг: "Темур муваффақиятлари билан тенглаштириш зарур бўлса",—деган ибораси асоссиздир. Аксинча, мақолада ҳар иккала ўзбек давлатларининг юзага келиши жараёни ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатишга алоҳида аҳамият берилган. Бу хусусда мақолада шундай дейилган: "1370 йилдаги мустақиллик узоқ давом этган қонли жанглар ва қурбонлар ҳисобига эришилди. 1991 йил 31 августда эса, мустақиллик бир томчи қонсиз қўлга киритилди. Аммо бу ҳар иккала санадаги воқеалар сиёсний жиҳатдан бирбиридан кўп фарқ қиласмидид. Зоро, бу саналарда босқинчиларнинг ҳукмронлиги ва зулмини тугатиб мустақиллик тикланди. Айни пайтда миллий давлат ва қўшин, мустақил ташқи сиёsat шакллантирилди.

Аммо 1370 ва 1991 йиллардаги мустақиллик бирбирига зид иқтисодий шароитда тикланди. Амир Темур даврида ҳукм суроётган тайёр иқтисодий тизимни ривожлантириш ва уни ватан манфаатларини таъминлашга йўналтириш асосий масала ҳисобланади. Бизнинг замонамиизда эса хусусий мулкчиликка ва эркин бозорга асосланган янги иқтисодий тизим бунёд этилмоқда. Агар Амир Темур даврида ҳукм суроётган динни ривожлантириш билан чегараланган бўлинса, бизни давримизда динсиз жамият бартараф қилиниб дин тикланди. Ва у кенг қулоч ёйди. Шу равишда маънавий соҳада ҳам ҳар икки санада айрим фарқ мавжуд".

Хуллас, Йўляхшиев ҳақиқатни баён этиш ўрнига «буғунги раҳбарларга яхши кўринишга уринган», «ҳукуматга ёқиш учун» сингари миси чиқиб кетган иборалар воситасида мақолани қоралашга муккасидан тушиб кетади. Ваҳоланки, мақолада ҳозирги раҳбарлар ҳақида бирор сўз келтирилмаган. Масалаларни холисона таърифлашга ҳаракат қилинган. Энг ажабланарлиси Йўляхшиев мени 1991 йилда мустақилликка эриншиш жараёнида муҳим роль ўйнаган шахс ва ташкилотларни атайлаб четлаб ўтишда қоралашга уринади. Мазмунан у муҳолифат вакилларини тилга олиштиклини талаб қилмоқда.

Аммо амалда мустақиллик Президент Ислом Каримов бошчилигидаги демократик кучлар ва зиёлилар томонидан тикланганлиги барчага маълумдир. Бирорлар хоҳлайдими ёки йўқми барибир Президентнинг номи Узбекистон мустақиллигининг асосчиси сифатида тарих саҳифаларига битилди. Буни ҳеч қандай куч ўчиришга қодир эмас.

Сир эмаски, "Озодлик" радиоси мустақиллик ва тараққиёт жарчиси сифатида обрў қозонган. Айрим кишиларнинг демократия ва муҳолифат ниқобида кўзбўямачиликка асосланган фикрларини бу радио тўлқинларида берилиши ниҳоятда хунук ва ачинарли ҳолдидир. Бу ерда мен авваламбор Йўляхшиевни назарда тутмоқдаман. Менинг икки санага бағишлиланган мақоламни ҳам «Озодлик» радиоси орқали эшилтирилса, бу кишининг қанчалик ноҳақ эканлиги эши тувчиларга ҳам равшан бўларди.

«Ҳуррият» г., 1997, 23 июль.

## БИЗГА МУСТАҚИЛЛИҚ НИМАЛАРНИ БЕРДИ?

Кўз ўнгимизда Узбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги ниҳоятда кўтаринки руҳ ва шоду ҳуррамлик билан нишонланди. Бу бежиз эмас, албатта. Зоро, у тарихан қисқа вақт ичиде ислоҳотлар туфайли қўлга киритилган ютуқларнинг яқунловчи бир босқичи ҳисобланди. Бунга метинде сабр-қаноат, тадбиркорлик, машақкатли меҳнат ва амалий ишлар орқасида эришилди, албатта.

Узбекистонда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг баракали самаралари, тинчлик ва барқарорлик уни жаҳон даврасидаги мавқеини

ҳам юқори поғонага кўтарди. Эндиликда Республика-миз номи дунё ҳаритасига битилиб уни эшитмаган, билмаган ва ҳурмат ила тилга олмаган мамлакат қолмади. Шунингдек, ўзимизда ҳам, хорижий давлатларда ҳам ислоҳотларга ишонмаган ёки иккиланиб юрувчи кишиларнинг сони кескин қисқарди. Шу боис, мустақиллик байрами чинакам умумхалқ тантанасига айланди. У Республикада олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг ҳаётйлигини, ҳукумат билан ҳалқ яқдиллигининг маҳсули сифатида гавдаланди. Ўз кўзимиз билан кўриб турган улкан ўзгаришлар мустақиллик шарофатидандир. Хўш, мустақилликнинг моҳияти ва йўналиши қандай ҳамда у бизга нималарни берди?

Бу саволга қуйидаги тарзда жавоб бериш мумкин.

## УЛУГ МИЛЛАТЧИЛИК ВА ТОТАЛИТАР СИЁСАТ ҚЎПОРИЛДИ

Совет давлати 70 йилдан ортиқ вақт ичida қўл остидаги республикаларни, шу жумладан Ўзбекистонни, мустамлака ва миллий зулм занжирида қаттиқ ушлаб турди. У ҳалқимизнинг ўзига хос ва мос алоҳида миллат сифатида ривожланишига, миллий ҳис-туйғуларпни, киндик қони тўкилган она юртни қадрлашига ва ўз-ўзини англашига йўл бермади.

Миллий тил ва маданиятнинг кенг қулоч ёйишига тўсқинлик қилиб, рус тилига давлат мақоми берилди. Мазкур тил илм-фан тили, у ёки бу шахснинг келаҗagini таъминловчи асосий омил ҳисобланди.

Ҳатто, тарихан шаклланган ўзбек атамасига ургу беришга зимдан рухсат берилмади. Үнинг ўрнига «совет граждани», «совет ҳалқи» ёки «республика ҳалқи» сингари умумлашма атамаларни ишлатишга мажбур этилди. Бунга, айниқса, тарих фанида алоҳида аҳамият берилиб, қадимги ва ўрта асрлар тарихини ёритишда ўзбек сўзи деярли ишлатилмади. Мен илмий кенгашларнинг биринда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларини «Ўзбек хонликлари» номи билан ёзиши таклиф қилганимда, айрим олимлар «бундай қилиш миллатчиликка олиб келади» дейишган эди. Шубҳасиз бу тоифадаги олимлар коммунистик ғоялар, хусусан, қалбаки «интернационализм» қарашлари билан қаттиқ заҳарланган кишилар эди, холос.

Партияning улуғмиллатчилик сиёсатининг моҳияти ва йўналиши, авваламбор, барча республикаларни

мустамлака сиртмоғида ушлаб туришдан иборат эди. Ў, айниқса, турли-туман бойликлар макони Ўзбекистонга қаттиқ ёпишиб олган эди. Ўзбекистон тенг ҳуқуқли суверен республика деб эълон қилинган бўлса-да, амалда Россиянинг том маънодаги мустамлакасига айлантирилди. Шунга қарамай Республиkaning байроғи, герби, мадҳияси ва конституцияси жорий қилинди. Бироқ, буларнинг барчаси учига чиққан кўзбўямачиликдан ва «хўжакўрсинг»дан иборат эди.

Улуғмиллатчилик ва империячилик ғоялари билан суғорилган совет давлати вақти соати келиб ич-ичидан чириди ва парчаланди. Бу тарихий воқеанинг содир бўлишида Ўзбекистоннинг тутган ўрни бекиёс катта бўлди. Зеро, 1991 йил 31 августда биринчилар қатори Ўзбекистон мустақиллигининг тикланиши XX аср «вазобоси» ҳисобланмиш қизил империянинг қулашини тезлаштири ва бошқа республикаларни ҳам озодликка эришишларини осонлаштириб берди.

## ҚУЛЛИК ВА МАНҚУРТЛИК ЗАНЖИРЛАРИ ПАРЧАЛАНДИ

Ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида чет эллик босқинчиларнинг ҳукмронлик қилган даврларини ҳам бошидан кечирган. Бу вақтларда у қирғин баротларга ва талафотларга учраган бўлсада, лекин бир бутун миллат сифатида қуллик ва манқуртлик шароитида ҳаёт кечирмаган. Бундай даҳшатли фожиа совет давридагина содир бўлди. Чунки, бу вақтда «социализм жамияти» эмас, балки қулдорлик давлати шаклланди. Бу ҳолат сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни, хусусий мулкчиликни, шахсий ташаббус ва манфаатларни тақиқланишида ҳамда бутун мамлакатни «темир панжара» билан қуршаб олинишида ўз ифодасини топди. 70 йилдан ортиқ вақт давомида қул табиатлилик аҳолининг талай қисмининг суяк-суягигача шу даражада спигиб кетдикни, Республикадаги оғир шаронитни била туриб кўр-кўрона партияни тинимсиз улуғлади ва олқишлиади.

Бундай муносабатга ажабланмаса ҳам бўлади. Негаки қул табиатлиликка ниҳоятда мослашиб кетган кишиларнинг қалбida қўрқув, эҳтиёткорлик, хавотирлик, итоаткорлик, мартабали кишиларга мутелик ва зарурят туғилса оғмачилик ва хиёнат қилиш сингари хусусиятлар жойлашган бўлади. Аммо, халқ оммасининг

барчаси шундай ҳолатга тушмаган эди, албатта, уларғанинг орқасида эркесевар, жасоратли ва ўз қадр-қимматини биладиган кишилар оз эмас эди. Йорт аҳлининг мана шу соглом қолган қатлами мустақилликка йўналтирувчи кучи ҳисобланади. Фақат кўреатилган олий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган кишилар туфайли мустақиллик тикланиб қуллик ва манқуртлик тизимига қақшатқич зарба берилди; хусусий мулксизлик ва эркисиз савдо-сотиқ барҳам топди.

Бу кўхна дунёда кўпдан-кўн катта-кичин давлатлар ҳукм сўрдилар. Бироқ, улардан бирортаси хусусий мулксиз жамиятни тузиши хәёлларига ҳам келтирмаганлар. Ҳатто, Германия фашистлари ҳам бу йўлдан бормаган. Чунки, ўзоқ ўтмиш даврларда шаклланган ва тобора ривожланган хусусий мулкчилик онлани, давлатларни ва тараққиётни юзага келтирган. У инсонларни ёввойиликдан қутқариб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётга чорлади. Биз тарихчилар совет даврида “одам маймундан пайдо бўлган ва уни меҳнат яратди” деб таърифлаганмиз.

Ҳозирда мен бошқача фикрдаман. Маълумки чумолидан тортиб қушларгача ва ҳайвонларгача бўлган табиат оламидаги ҳамма жонили мавжудот тинимсиз меҳнат қилса-да, лекин ўзи қандай яратилган бўлса шундай қолмоқда. Шу боне одамии аслида хусусий мулк ёввойиликдан халос этди.

Хусусий мулкчилик асосида шахсларнинг ва давлатларнинг манфаатлари ва унинг учун кураш шаклланди. Шуни унутмаслик керакки, «шахсий манфаат», «давлат манфаати» ёки «умуммиллат манфаати» сингари ибораларни негизида жамиятдаги ер-сувлар, бойликлар ва даромадларга, яъни мулкларга эгалик қилиш ғояси ётади. Бу хусусий мулкчиликни ифода этувчи ғоялар киши танасига жон билан кирганга ўхшаб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётни таъминловчи асосий омил бўлди.

Совет давлати эса жамоа аҳлидан хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқини тортиб олиб, ягона давлат мулки эгалигини шакллантириди. Бошқачароқ айтганда табиатдаги барча мулк турлари ва даромадлар давлатнинг ихтиёрига ўтказилди. Бу билан коммунистик партия халқни бамисоли жонинн суғуриб олгандай бўлди. Бунинг устига-устак сиёсий ва инсоний ҳуқуқларнинг бўлмаслиги фожиага фожиани қўшиб аланга олдиртир-

ди. Ҳулләс, совет давридаги ҳусусий мулксиз жамият халқ оммасининг ташаббуси ва маңбаатларини бўғди, боқимандалик, кўр-кўёна итоаткорлик, «қорин тўйса бас» деган ўта зарарли ҳис-туйгуларни ривожлантириди. Натижада бутун мамлакат чуқур ишқирозга мубтало бўлди. Бундай шароитда Ўзбекистон мустақиллиги тикланиб, ҳусусий мулкчилик ва эркин савдо-со-тиқни тиклашга тўла имконият яратилди.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА САНОАТДАГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ТУГАДИ

Чоризм ва совет ҳукмронлиги даврида Туркистон замини Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорнга айлантирилди. Коммунистик партия чор ҳукуматининг ўлкада пахта якка ҳокимлигини ўрнатишга қаратилган сиёсатини шу даражада ривожлантириди, унинг даҳшатли оқибатларни тасвирлашга қалам ожизлик қиласди. Агар 1915 йилда 18 млн пуд пахта олинган бўлса, у совет даврида 6 млн тоннага стказнлди. Бу ҳолат озиқ-овқат маҳсулотлари етиширишининг кескин камайишига, чорвачиликнинг орқага кетишига, ҳаво, сув, ер ва умуман, табиат оламининг заҳарланишига, турли касалликлар ва ўлимнинг кўпайишига олиб келди.

Деҳқонларнинг умри қаттиқ назорат, мاشаққатли меҳнат ва етишмовчиликда чириди. Уларнинг меҳнатларига яраша ҳақ тўланмади. Аксинча, кўп колхозлар қарэдорлик сиртмогида ушлаб турилди. Пахта, ипак ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг асосий қисми деярли текин баҳода Россияга узлуксиз олиб кетилди.

Тўғри, уларга маълум даражада ҳақ тўланди, лекин уни давлат Россиядан тайёр саноат молларини, шу жумладан деҳқончилик техникасини ва автомашиналарни келтириб қиммат нархда сотиш йўли билан қайтариб оларди. Уша маҳсулотлар орасида ўзимиздан олиб кетилган пахтадан ва бошқа хом ашёлардан тайёрланган моллар ҳам оз эмас эди. Олтин, уран, мис, газ ва бошқа ноёб бойликлар ҳам Россияга олиб кетилди.

Бу ҳусусда Президент Ислом Қаримовининг қўйидағи сўзларини келтириш айни муддаодир: «1965 йилдан бўён қанча олтин қазиб олингандиги маълум. Кейинги

15 йилда төрилгән пәхтәниң ҳам ҳисоб-китоби аёй, ўзим ҳисоблаб чиққаиман: шу давр мобашида камидә 35 миллиард долларлик бойлек — пахта ва олтин марказ әхтиёжи учун олиб чиқиб кетилган. Башқа нарасалар ҳали бу ҳисобга кирмайды<sup>1</sup>.

Мазкур сатрларда фақат пахта ва олтина тегишли маълумот берилған. Бунга ураш, газ, мис ва бошқа турли-туман қимматли маъданларнинг қиймати қўшилса яна бир неча миллиардларни ташкил этиши аниқ.

Энди Республикада саноатни ривожлантирилишига келсак, у ҳам мустамлакачилик хусусиятига эга эди. Чунки, унинг энг даромадли ва салоҳиятли тармоқлари иттифоқ вазирлигининг ихтиёрида эди. Улардан оли-иадиган мўмай даромадлар марказнинг чўнтагини тўлдирадар эди холос. Бундан ташқари саноатнииг мустамлакачилик яна бир хусусияти унинг баҳонасида 100 минглаб кишинларни Ўзбекистонга кўчириб келтирилишида ҳам намоён бўлди. Натижада Республикада янги шаҳарлар ва носёлкалар буйёд этилиб унумдор ва обод ерларимизни, зилол ва шифобахш сувларимизнинг талай қисмидан маҳрум бўлдик.

Ўзбекларнинг асосий қисми эса «эски шаҳар»лардаги ўз ҳолича ташлаб қўйилган кўримсиз ва тор кўчалардаги газсиз ва ичимлик сувларисиз хонадонларда ҳаст кечирди. Қишлоқ аҳолисининг аксариятини турар жойлари ҳам жуда ачинарли ҳолда эди.

Саноат тармоқларида совет ҳукуматининг яна бир улуг миллатчилик сиёсати кўзга яққол ташланди. Чунончи, уларда миллий ишчи ва инженер-техниклар қатламишининг шаклланишига онгли равишда йўл бермадилар. Ўзбек халқининг терисигача шилган қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги мустамлакачилик сиёсати мустақиллик туфайли улоқтирилиб ташланди.

## СОВЕТ МАҲНАВИЯТИ ВА ТУРМУШ ТАРЗИГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

Совет давлати коммунистик гояларни кишиларнинг онигига сингдириш мақсадида барча кўринишдаги динларни тақиқлади. У «Дин халқ учун афюнdir» деган шиорни осмону фалакка кўтариб масжидларни, мадрасаларни ва эски мактабларни ёптирди. Дин пешволари

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иктиносид, сиёсат, мағкура, 1 жилд, Томпкент, «Ўзбекистон», 1996, 188-бет.

ва бошқа эътиқодлар ва имонлар кишилар отилди ёки суд ҳукми билан турли муддатларга кесилди. Диний китоблар, шу жумладан Қуръонлар ҳам ёқилди. Бутун мамлакатда маънавий қашшоқлик ҳукм сурдн. Гарчанд кейинчалик динга бироз ён босилган бўлса-да, лекин амалда кенг қулоч ёйишига йўл берилмади. У фақат хўжакўрсинга қилинган кўзбўямачилик эди, холос. Коммунистик гоялар миллӣ маънавиятимиз, урф-одатларимиз ва турмуш тарзимизни ҳам парчалаб ташлади.

Оlamшумул аҳамиятга молик бой ўтмиш тарихимиз камситилди ёки сурбетларча қораланди. Совет ҳукумати миллӣ республикаларда «совет турмуш» тарзини шакллантириб, ҳар бир оила ва хонадон коммунистик гояларига сифиниши ва унинг равнақи учунгина тинимсиз ҳаракат қилиши шарт эди. Пионер, комсомол, партия аъзоси бўлиш онла аъзолари учун «фаҳр» ва «ғурур» сифатида намосн бўлди.

Қалбаки гоя ва тузумга асосланган совет турмуш тарзидан салгина четлашган кимсаларни ташибеҳга ёки жазога учраши турган гап эди. Масалан, ота-онаси ва бошқа қариндошларининг ўлими муносабати билан жаноза ўқиттирган кишиларнинг жазолангандикларини кўрганмиз. Диний китобларни чоп этиш ва сотиш тақиқланиб, бўйсунмовчилар суд ҳукми билан кесилгандикларини биламиз.

Совет турмуш тарзида мўл-кўлчиликда яшаш, дурустроқ бинолар қуриш, тўй-томошалар ўтказиш ўта хатарли бўлиб уни адo этувчилар тергов қилинарди. Сўнгра тегишли чоралар кўриларди. Умуман, ҳар бир оила ҳукуматининг қаттиқ назоратида туриб, бамисоли ўзини қафасда яшагандек ҳис қилган. Оммавий ахборот воситаларида эса коммунистик гояларни улуғлаш ва унга сажда қилиш одат тусига кирган эди. Қитоб ва журнallарда ҳам аҳвол шундай бўлган. Бахтимизга мустақиллик коммунистик гоялардан ва «совет турмуш тарзи»дан холи бўлиш имконини яратди.

### ЎЗБЕК ИСМИМИЗ ЖИСМИМИЗГА МОСЛАШДИ

Мен турли халқлар номларининг мазмунини билишга ҳаракат қилдим. Бироқ буларнинг маъноси жуда содда ёки умуман, бирор нарсани аиглатмас экан. Ҳатто, ўз номларининг мазмунини аниқ билмайдигаи халқ-

лар ҳам бор экан. Бизнинг ўзбек номимиз эса ўзининг лўндалиги, ихчамлиги ва катта сиёсий маънога эгалиги билан киши эътиборини тортади. Зоро, ўзбек атамаси ўз-ўзига бек, яъни мустақил деган маънони англатади. Менимча бундай шарафли атамани қабул қилиниши бир тасодифий ҳолат бўлмаган. У халқимизнинг эркесварлиги, ватанипарварлиги ва жасоратлигининг маҳсули сифатида оламга маълум ва машҳур бўлди. Ота-боболаримиз озодликни ҳаёт рамзи деб билганки, шунга яраша ўз номларини танлаганлар.

Демак, мустақиллик ва озодлик гояси номимизда ҳам, жисемизда ҳам ўз ифодасини тоғган эди. Аммо кейинги 130 йил мобайнида, мустақиллик йўқотилиши орқасида, ўзбек исми ўзининг жисмига мос тушмай қолди. Чунки халқимиз қуллик ҳолатига тушиб озодликдан маҳрум этилди. Аммо вақти соати келиб мустақиллик тиклапишин билан ўзбек деган исемимиз жисемизга мослашиб жаҳон узра жаранглаб турибди.

Хуллас, мустақиллик 130 йил ҳукм сурган мустамлакачилик сиёсатини ва миллий зулмни, қуллик ва манқуртликни илдизи билан қўпориб ташлади. У озодликни, эркесварликни, ватанипарварликни, куч-қудратимизни, тараққиётимизни, тинчлик ва барқарорликни таъминловчи буюк исъматидир. У миллий давлатимизни ва қўшинини, миллий тилимизни ва маданиятимизни, жаҳон халқлари даврасидаги ўринмизни ва обрўимизни, ғурурланишимизни ва фаҳрланишимизни ифода этувчи тимсолдир.

Кетниглар, азиз юртдошлар, мустақиллик ва баҳтсаодатимизни кўз корачигидек сақтайлик, қадр-қимматимизни эса кўкларга кўтарайлик.

«Ҳуррият» г., 1997, 22 октябрь.

## ЯХШИРОҚ УЙГОНГИН УЗБЕГИМ

Ўқувчилар мазкур мақоланинг сарлавҳасини кўриб, нима биз мудраяпмизмикни, яхшироқ уйғонишга даъват қилинганини, дейишлари мумкин. Бундай эътиrozда жоп бор, албатта.

Ҳақиқатдан ҳам дозирда ўзбеклар қуллик занжирларини парчалаб, озод ва тенг ҳуқуқли халқ сифатида жаҳон халқлари даврасида муносиб ўринни эталлади. Эндиликда уларнинг ички ва ташқи қиёфаси тамомимила ўзгариб, ўтмишда бўғилган жасорати, тетиклиги,

руҳи, ватанпарварлиги ва меҳнатсеварлиги гуркираб кетди. Улар мустақиллик ва озодликни қадрлаб ва гаштни суриб, порлоқ келажакка катта ишонч ва умид билан қарамоқдалар.

Аммо, афсуслар бўлсинки, жамоа аҳли орасида совет даврида ортирилган «қорин тўйса бас» деган тушунча билан яшаб, бир вақтлар нон 20—30 тийин, гўшт 1 сўм 80 тийин, гугурт 1 тийин эди, деб ўтмиши қўмсаётган қул табиатли кишилар йўқ эмас. Бу тоифадаги кишилар мустақил равишда ривожланишимиз ва фаровон ҳаётга эришишимизга ишончсизлик ва шубҳа билан қарамоқдалар. Ҳатто, «Илгарни коммунизмда яшаган эканмиз-у, лекин билмаган эканмиз» деган тутуриқсиз гаплар онда-сонда қулоққа чалинмоқда.

Бундай гаплар қуллик ва манқуртлик қон-қонига сингиб, қарамлик ва боқимандалик исканжасидан қуттила олмаган кишиларга хосдир, албатта. Мен, мана шундай ҳамон «кўзи очилмаган» кишиларни назарда тутиб, ушбу мулоҳазаларни лозим топдим. Буидан мақсад, уларга насл-насабимиз кимлигини, ота-боболари-миз мустақиллик учун жонини ҳам, молини ҳам фидё этганикларни англатиб, сабоқ олишга даъват этишдан иборатдир.

Қадимий ва ҳамиша навқирон ўзбегим, кимки сени насл-насабингга ва бой ўтмиш тарихингга назар ташласа, ҳайратланмасдан ва тан бермасдан иложи йўқ. Несаки, сен жаҳоннинг кўп жойларида одамлар ҳали «ярим ёввойи» ҳолда яшаётгандарида давлатларни, шаҳарларни ва маданиятни яратиб, инсоният тараққиётига муносиб ҳисса қўшдинг.

Сен тарбиялаб стиширган олимларининг, шоирларнинг ва дин исшволарининг, давлат арбобларининг ва савдо-хупар вакилларининг табаррук номлари тарих саҳифаларига зар ҳарфлар билан битилди.

Сен багри кенг, сахий, меҳмондўст ва мурувватли ҳалқ сифатида ҳам донг чиқардинг.

Сен — ўзбегим ўз даврида жаҳонни ларзага соглан аҳмонийлар давлатига, македониялик Александрга, Чингизхонга ва бошқа босқинчиларга қарши курашларда ўта ватанинварварлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдинг. Пировардида рус давлатининг тажковузига қарши шу даражада жону жаҳдинг билан курашдингки, уруш 25 йилга чўзилди. Үмумлаштирганда сени кейиниги икки ярим минг йил тарихингдан минг

йили чет эл босқинчиларининг ҳукмронлигига қарши кураш билан ўтди. Бу даврда душманлар томонидан неча юз минглаб кишилар ўлдирилди. Шаҳар ва қишлоқлар харобага айлантирилди. Булардан ташқари маҳаллий юқори табақа вакилларишинг ўзаро урушлари, очарчиликлар, зилзилалар ва сув тошқинлари кўпдан-кўп азоб-уқубатларни юзага келтирди. Натижада Ўзбекистон бир неча бор ҳалокат ёқасида турди.

Аммо, Худои таоло, сен — ўзбегими «сувга отса чўкмайдиган, оловга ташласа ёимайдиган» қилиб яратган экан. Ҳеч қандай даҳшатли куч сени ер юзидан супуриб ташлай олмади. Буида мстиндек ироданг, жасоратинг, жанговарлигинг ва меҳнатсеварлигинг жуда қўл келди. Шунингдек, мустақилликни ҳаётинг рамзи деб билиб, ватан ҳимояси учун жонингни ҳам, молингни ҳам фидо қилишингнинг аҳамияти бекиёс катта бўлди. Сен ҳамиша ватан ишқида яшаб, она юртини кўз қорачиғидай сақлашни муқаддас бурч деб ҳисобладинг. Ҳатто, катта шаҳар ва вилоятларинг мудофаа деворларн билан қуршаб олиниди. Чунончи, ўтмиш замонларда Бухоро вилоятини ўраган девор 350—400 км га чўзилган. Унинг эни 12—14, баландлиги 8—10 метрга стган. Самарқанд, Тошкент ва бошқа катта вилоятлар ҳам мудофаа деворларига эга бўлган. Тошкент девори Чортоқ тоғларининг этакларидан, хусусан, Ғазалкентдан бошланнб, ҳозирги Бўстонлиқ ва Чирчиқ шаҳри орқали Қорасув, Назарбек, Янгийўл туманларигача чўзилиб кетган. Девор Чиноздан Сирдарёгача бориб тақалган. Унинг узунлигига тахминан 200 км га борган. Тошкент шаҳри ўзи ҳам қалиш ва баланд девор билан ўралган бўлиб, 12 та дарвазаси бор эди. Атрофи сув тўлдирилган зовур билан тўсилган.

Энди муҳтарам ўқувчилар бир дақиқа тасаввур қилинг-а, ишоятда узун ва баҳайбат мудофаа деворларин кетмон ва бел билан қуришнинг ўзи бўлганми кан?! Шубҳасиз, улар кўп вақтларни, маблағларни ва машаққатли меҳнатни талаб қилган, албатта. Она юрт мустақиллигини сақлаш учун зарур бўлса, осмондаги юлдузни ҳам олишга ҳаракат қилишган. Кўп миқдорда қурол-аслаҳалар тайёрлаш ва ҳарбий машқларни ўзлаштириш ҳам жуда қимматга тушган.

Айрим маълумотларга кўра одамлар бир қўлида иш асбоби, иккимчисида эса қурол-аслаҳа ушлаган ҳолда юрган. Ҳатто, улар кечаси ёстиқнинг тагида пичоқ ва

ёнида ярог-аслаңа сақлаб ухлаган. Чунки душманинг ҳар дақиқада ҳужум қилиши оддий воқеа эди.

Шуниси диққатга сазоворки, ўтмиш замонларда ватанин ҳимоя қилиш фақатгина эркакларнигина эмас, балки аёлларнинг ҳам муқаддас бурчи ҳисобланган. Аёллар ёшлигиданоқ чавондоэзликни, ўқ-ёйдан отишни, қиличбозликини, найза санчишни ўзлаштирганлар.

Ешларни чиниқтириш ва жанговарлигини ошириш учун турли даврларда муҳим чоралар кўрилган. Чунончи, йигит ва қизлар турмуш қурмоқчи бўлсалар, аввало кураш тушганлар. Агар йигит ғолиб келса, уйланиш ҳуқуқини олган, маглубиятга учраса, қизнинг асирига айланган. Бундан ташқари қиз бирорта душманни ўлдиргандан сўнггина турмушга чиқишига рухсат берилган. Хотин-қизларнинг ҳарбий маҳорати шу даражада кучли бўлганки, улар отга тескари миниб, гўё чекиниётганга ўхшаб қувлаб келаётган душманни ўқ-ёйда хатосиз урган.

Ҳарбий машқни такомиллаштириш мақсадида мусобақалар уюштирилган. Хитой манбасида уқтирилишича, Турк хоқонлиги даврида Самарқандда «йилнинг олтинчи ойининг биринчи куни янги йилнинг кириши ҳисобланади. Шу куни подшо ва халоийқ соч-соқолларини олдириб янги либосларни кийишиб, бир кенг майдонга йигилишади. У ерда етти кун мобайнида ўқ-ёйдан отиш бўйича мерганлар беллашуви бўлади. Охирги кун эса олтин танга тақилган бир варақ қоғозга ўқ-ёйдан отиш бўйича мусобақа ўтказилади. Кимки ғолиб келса, бир кун муддат билан таҳтга ўтириш ва подшолик қилиш ҳуқуқини олган». Кўриниб турибдики, ҳарбий машқни оммалаштиришга катта аҳамият беришган. Жасоратли, мард ва жанговар кишиларга «Самарқанд қаҳрамони» унвонини бериш таъсис этилган.

Аёлларнинг эркаклар билан бир қаторда ватан ҳимоясига жалб қилиниши, уларнинг ҳар жиҳатдан камолатга стишига олиб келди. Уларнинг орасидан подшолар, моҳир лашкарбошилар ва жангчилар стишиб чиқкан.

Темур ва темурийлар даврида ҳам аёлларнинг мавқеи анча баланд эди. Улар ҳукумат кенгашларида ва зиёфатларнда ёчинчиқиз бемалол қатнашганлар. Ҳатто, Амир Темур қўшинларининг сафида аёлларнинг бўлганлиги манбаларда қайд этилган.

Мустақиллик учун кураш ўлкада рус давлатининг ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин ҳам давом этди. Масалан, 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги миллӣ озодлик ҳаракатлари шулар жумласидандир.

Машҳур 1916 йилги қўзғолонда ўзбек аёлларининг ҳам фаол қатнаштаниклари ҳақида маълумотлар мавжуд. Хусусан, Тошкентда аёллар эркакларин орқалиридан эргаштириб, полиция бошқармасига бостириб кирганлар. Бу ерда рус қўшинлари ўқидан Рузон биби Аҳмаджонова ҳалок бўлди, Зўрабиби Мусамуҳаммедова жароҳатланди.

1916 йилги қўзғолон Туркистон ўлкасининг кўп қишлоқ ва шаҳарларини қамраб олган эди. Бу жойлардаги қўзғолонларда ҳам аёллар фаол қатнашдилар. Масалан, Улугбиби Тошматова, Нуринисо Турсинова, Рухсорбегим Шокирова, Барнобегим Бўрибоева, Самарбону Шербоева, Саодатбиби Шарипова, Ч. Бадалова, У. Норматова, М. Пўлатхўжаева, Х. Рўзиева, С. Зокирова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Халқимизнинг миллӣ озодлик ҳаракатлари совет давлатининг дастлабки йилларида кенг қулоч ёйди. Коммунистик партия бу умумхалқ курашини қалбаки «босмачи» номи билан қоралашга ҳеч нарсадан тоймади.

Шундай қилиб юқорида шарҳланган тарихий маълумотлардан аёнки, ўзбек халқи узоқ тарихий даврларда буён мустақилликни ҳаётнинг мазмуни ва йўналтирувчи кучи ҳисоблаб, ўзини доимий уйғоқ, тетик ва сергак ҳолда тутган. У ҳамиша ватан посбони сифатида шайланиб турган. Ҳозирги ибора билан айтганда отабоболаримиз «ҳарбий ҳолатда» яшади. Шунга қарамай улар моддий ва маънавий меросни кўз қорачигидай сақлаб ва такомилластириб, авлоддан-авлодга ўтказиб келди. Акс ҳолда ҳозирги Ўзбекистондан аллақачонлар ном-нишон қолмаган бўлар эди.

Совет даврида юзага келган сиёсий ва нқтисодий сабабларга кўра, ўзбек халқининг сиёсий фаолиятига зарба берилди. Коммунистик партия «босмачилик» ҳаракати мисолида мустақиллик ва эркесварлик туйғулари ўзбекларининг қон-қонига сингиб кетганлигининг гувоҳи бўлди. Буни сугуриб ташлаш учун партия ҳали тарихда кўрилмаган чораларни изчилилк ва шафқатсизлик билан амалга ошириб борди. У ўзбеклардаги Ватанга содиқлини ва ўз-ўзини англашликни имкони

бориңа йүқ қилишга күч-құуввагини аямади. У бириңчи навбатда кишиларни сиёсий ва инсоний ҳуқуқлардан маҳрум қылди. Шундай қатиқ чоралар күрілдікі, партия одамларнинг дилларидағи кичик ўзгаришни ҳам күзгудағидек күріп турарди. Шу бопедан партия-сиёсатидан норозиликларни күртаклик вақтидаёқ дар-жол бартараф қилиб турди.

Натижада одамларда әхтиёткорлик, қўрқув ва атрофдагиларга ишончсизлик ҳукм сурди. Бироқ бундай ачинарли ҳолат «қайта қуриш» йилларида аста-секин чекиниб, кишилар қалбидаги тарихан шаклланган миллий озодлик гояларн юзага қалқып чиқди. 1991 йилга келнб у жамиятни йўналтирувчи кучига айланиши орқасида, Узбекистон мустақиллиги тикланди. Гарчанд бу тарихий воқеа тинчлик йўли билан содир бўлган бўлса-да, лекин уни осонлик билан амалга оширилди дейиш ҳақиқатин акс эттирмайди. Зоро, у, Республика раҳбарияти бошлиқ илгор кучларнинг пиҳоятда билимдонлик билан олпб борган сиёсатининг маҳсулидир. Уни яхши тушунтириш учун бир ҳикояни келтираман.

Қадим замонларда бир подшоҳ наст-баланд йўлдан юриб, кўп азоб-уқубатларни бошидан кечирнбди. Шу бопе у ўша жойда текис ва тўғри йўл қуриш ҳақида фармон чиқарибди. Шунга биноан 10 минглаб қуллар иштирокида йўл қурилиши бошланиб, бир жойга келгандан баҳайбат тошга дуч келинибди. Кўпчилик қанчалик ҳаракат қилишмасин тошни жойндаи қимирлата олишмабди. Шу пайтда бир донишманд киши келиб иш бошқарувчи амалдордан ҳол-аҳвол сўраганда, у қўполлиқ билан жавоб бернбди. Уша амалдор эртасига эрталаб минглаб қуллар билан иш жойига келса, тош четга суриб қўйилган экан. Бундан ҳайратланган ва ҳаяжонланган одамлар дошишманд тош орқасида ўтирганлигини кўришиб, уни ким жойдан олганлигини сўрашганда, ўзи қилганлигини айтибди. Шу онда одамлар уни сеҳргар ҳисоблаб қўрқув ва ваҳимага тушибди. Уни саройга келтиришибди. У ерда подшоҳ тошни қандай қилиб ўрнидан олганлигини сўраганда, дошишманд дебди: «Мен тошни кўтаришдан олдин унинг таянч нуқтаснин аннәладим. Сўнгра уни бармогимда кўтариб четга суриб қўйдим. Шу кунларда ернинг таянч нуқтаснин қидираётірман. Борди-ю топсам, уни ҳам копток сингарп айлантираман».

Бу дунёда онда-сонда ўта ақл-идрокли, фаросатли ва тадбиркор кишилар туғиладики, улар 10 минглаб кишилар қила олмайдиган мураккаб ишларни бир ўзи «худди қилни хамирдан сугургандай» ҳал этиш йўлини топади ва амалга оширади. Бу ҳикоя биздаги «қаловини тонсанг қор ҳам ёнали» деган нақлни эслатади.

Шунга ўхшаш Ўзбекистонда мустақилликни таъминлашга қаратилган сиёсатнинг таянч нуқтаси ёки қаловини тонсанг қор ҳам ёналини орқасида бир томчи қонсиз кутилган мақсадга эришилди. Шундай қилиб, ҳозирги авлодимиз ўтмишдаги ота-боболаримиз сингарни ниҳоятда огир меҳнат, кўп вақт ва катта маблаглар сарфлаш, оммавий равишда ҳарбий маҳоратни ўзлаштириш, минглаб кишиларни ўйқотиш ва вайронагарчиликлар эвазига эмас, балки тинчлик ва парламент йўли билан мустақил давлатни ташкил этишга муваффақ бўлдилар. Агар ўтмиш авлодларимиз бизга ўхшаш худди шу тарзда мустақилликка эришганликларида ўзларини энгомадли ва баҳтиёр кишилар деб ҳисоблаб, уни мустаҳкамлаш ва келажатини таъминлаш учун «бир қултум сув ва нон» билан яшашга рози бўлардилар. Чунки, улар мустақилликни ва озодликни ҳаётининг асосий мақсади деб билганлар ва жуда қадрлаганлар. Бироқ бизниң орамизда бундай «ҳаёт тожи»ни назар писанд қилмай, «қорин тўйса бас» ғояси билан яшаб, илгарилари бир буханка нон 20 тийин, гўшт 1 сўм 80 тийин, сариқ ёғ 3 сўм 50 тийин, ун 26 тийин бўлган деб, совет даврини қўмсаётганлар йўқ эмас.

Бундай тоифадаги кишилар шуни унитмасликлари керакки, ўтмишдаги нисбатан арzonчиллик СССРда қишлоқ хўжалигидаги ҳосилдорлик, саноатдаги тараққиёт натижаси эмас, турли ҳом ашёларни четга сотиш ҳисобига бўлган. Ўзбекистон учун бу енгиллик юртимиздан олиб кетнлгани олтин, уран, мис, газ, пахта ва бошка хилма-хил бойликларга таққослагандага «денгиздан олининган бир томчи сувдир» холос.

Россия матбуотида тан олинишича, 80-йилларнинг ўрталарига келиб совет иқтисодий тизими үзил-кесип инкиrozга чирраб, ниҳоятда огир ҳаёт бўсағасида турган. Бу қалбаки «социализм тизими»нинг миси чиқиб, ҳалокатга калон ташлаётганлигининг ёркин белгилари-тан эди. Кўз ўнгимизда хукм сураётган иқтисодий қишиниң тиклар совет давридаги мустамлакачиллик сиёса-

ти ва миллӣ зулмни, ватанимизни хом ашё манбаи ва таъёр маҳсулотлар бозорига айлантирилишининг асоратларидир. Шу боис ўткинчи қийинчилекларни мустақиллик билан bogлаш нодонлиқдир. Аксинча, мустақиллик янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ярати бориб, уларни бартараф қиливчи заминни тобора мустақиллаб бормоқда.

Шу кунлардаги иқтисодий қийинчилеклар совет давридаги мустамлакачилик ва миллӣ зулмга ишбатан ҳеч нарса эмас. Вақти соати келиб ўткинчи етишмовчиликлар ва қийинчилеклардан асар ҳам қолмаслигига шак-шубҳа йўқ.

«Миллӣ тикланishi» с., 1994, 22 октябрь.

## ТАРИХ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

Президент Ислом Қаримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида сўзлаган нутқида орамизда совет даврини қўмсовчилар ҳамон борлигини ташвиш билан уқтириб ўтди. Бундайларнинг зиёлилар орасида ҳам борлиги ачинарли ҳолдир. Совет даврини қўмсашининг энг хатарли томони шундаки, бундай кайфият жамият бирлигига пурт етказиб, келажак равнақимизни таъминловчи ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда тўсиқ ва қийинчилекларни юзага келтиради. Бундан ташқари совет империясини тиклашга зўр бериб ҳаракат қилаётган қора кучлар «совет» ўтмишини қўмсаётганлардан усталик билан фойдаланишлари эҳтимолдан холи эмас.

Хўш, совет давриини мөҳияти ва йўниалиши нималардан иборат эди. Уни қўмсашибга асослар бормиди, деган савол туғилади.

Жавоб шуки, мутлақо асос йўқ. Ўз ватанини севгани, ор-номуси ва виждони бор киши ҳеч қачон қонга, доду фарёдларга ва қашшоқликка тўлиб тошган даврни қўмсамайди. Маълумки, совет давлатининг ҳукмронлиги даврида миллӣ давлатларининг йўқ қилишинин, сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни поймол этилиши орқасида қулдорлик тузуми шаклланди. Турли ҳалқларнинг миллӣ тили ва маданияти камситилди, диний эътиқодлари ва ўтмиш тарихи топталди. Гумонсираш, хавотирлик, айғоқчилик ва чақимчилик авжига минди. Мамлакатнинг «темир панжара» билан қуршаб олининиши киши-

ларининг дунёқарашини чегаралаб ва қоронга шаштириб қўйди.

Тоталитар тузумининг узоқ йиллар давомида изчилик билан ҳукм сурнши одамларни унга кўнишишга ва мослашнишга мажбур қилди. Бу ҳолат кишиларда «қултабиатлилик»ни пайдо этиб, партия ва давлатни мақтайдвериш ва улуглаш одат туснга кириб қолди. Жамиятда ўта итоаткорлик, лаббайчилик ва қарсакбозлик авжига чиқди. Сиёсий ва маънавпий жиҳатдан асоратга тушган халқининг бошқа иложи йўқ эди.

Совет тузумининг иқтисодий заминига келсак, хусусий мулкчилик, эркин савдо-сотиқ ва ишбилармонилик нинг йўққа чиқиши бутун бойликнинг давлат қўлида тўпланишишга ва бунинг орқасида кишиларнинг бамисоли илдизи қирқиб ташланган дарахтга ўхшаб қолишлирга олиб келди. Танасида жоили бир туки қолгунча шишииган халқ ҳаёти ва тақдиди давлат томонидан бамисоли садақа сифатида бериладиган биргина маошига боғлаб қўйилди.

Колхоз ва совхозлардаги иш ҳақи саноат ишчиларининг иш ҳақидан ҳам оз эди. Бунинг устига кўплаб колхозларнинг бўйни қарздорлик сиртмоғи билан танғиб қўйилди. Давлат арзимаган маош воситаси орқали халқни кўринмас ип билан боғлаб, орқасидан эргаштириб юради. Шу ўринда бир нарса хаёлга келади. Ўтмишда лўлилар ўз отларини жўрттага ярим оч ҳолда тутарканлар. Сабаби яхши боқилган от куч-кувватга тўлса, эгасининг зулмига кўимас экан. Ярим оч от эса доим эгаси илинжида, икки кўзи унинг қўлида бўлиб, кетидан эргашиб кетаверган ва қайси кўйга солса кўнар экан. Шунга ўхшаш арзимаган маошга боғлиқ кишилар давлатга сиғинишга ва таъзим этишга мажбур бўлган. Бу ҳол бориб-бориб шу даражада авж олиб кетдики, кишилар назарида давлатнинг маошисиз яшаш мумкин бўлмай қолди.

Бундан ташқари юқорида таъқидлаганидек, миллий ҳис-туйгуларнинг бўғиб ташланиши, диннинг таъқиб остига олиниши кишиларда ўз-ўзини англашни анча заинфлаштириб қўйди. Ватан деганда киндик қони тўкилган ерни эмас, СССРни тушуниш, совет империяси билан гуурланиш ва фахрланиш ҳамда унинг учун жоп фидо айлашғоялари кишилар онгига сингдирилди.

Бундай гайри табиий тартибларга кўнмовчилар «миллатчи» тамгаси остида қораланди ва жазоланди.

Хусусий мұлқиilikтінг йүқлиги очкүзликін; порахұр-  
ликин, ташмачылықин, давлат мұжанни талон-тарож  
қилишин ва турли-туман жиноятларии авжига мин-  
дирди. Аммо «перестройка», яғни «қайта қуриш» дав-  
рида мазлум халқларнинг күзи очилди ва империядаї  
тамомила юз ўғирди. Бироқ совет қозонининг ялоқхұр-  
ларн ва уларга алданып әргашувчилар қызыл империя-  
ни ҳамои құмсақоқдалар. Улар шу даражада қарамлиқ  
чандалида яшашиға мослашиб кетгендарки, әндилікдә  
мустақиллік ва озодликпен сингдира олмаяттылар.

Шу муносабат билан бир ибратли ҳикояға диққатин  
жалб этмоқчиман. Үрта асрларда бир забардаст под-  
шо ўсипирин йигитчаны ўз тарбиясига олиб, камолот  
чүққисига олиб чиқди. Охир-оқибатда ўша йигит ўз  
инсоний фазилатлары ҳамда подшодан олган тарбияси  
туфайли улуг лашкарбоши даражасига күтарилди.  
Күнларнинг бирида подшога лашкарбошининг туңда  
оёқ-құлиға кишаи солинган ҳолда ухлаш одати борли-  
гини етказибдилар. Таажжубга тушған подшо қистови-  
га күра, вазири ахири лашкарбошдан буниңг саба-  
бини сүрагап экан, у шундай жавоб берибди: «Әй олий  
хазрат, ота-боболарим қулларында умр кечирғанлар,  
қочиб кетмасликларн үчүн әгалари кечаси қулларининг  
оёқтарини кишаңылаб қўярдилар. Мен ҳам то сизнинг  
тарбиянгизга киргунча узоқ йиллар шу ҳолда яша-  
ғанман. Бахтимга сиз учрадингиз, шундай юксакликка  
эришдим. Шунга қарамай кишаңыз бир дақиқа ҳам  
күз юмолмаймаи, чунки, хумори тутади». «Е тавба,—  
дебди подшо,—сут билан киргап жон билан чиқади  
дегендары түғри экан-да».

Шунга ўхшаш совет турмуш тарзиниң күр-күрона  
үзлаштырган ва қонларига қаттық сингдирғап кишилар-  
га унинг хумори тутмоқда. Хүш бу хилдаги кишилар  
нималарни рўқач қилмоқдалар?

**Бириңчидан.** Улар совет даврида озиқ-овқат маҳсу-  
лотларининг арzonлиги ҳақида күпроқ гапирадилар.  
Ваҳоланки, у вақтлардаги арzonчилик нисбатан бўлиб,  
бу даражага етишиш учун 40—50 йил қон ютиб кутил-  
ди. Чунончи, 1917—20-йиллардаги фуқаролар уруши  
натижасида 13 млн киши нобуд бўлди, минглаб киши-  
лар жароҳатланди. Деҳқон хўжаликлари, саноат издан  
чиқиб, очарчилик, қашшоқлик ва оммавий юқумли  
касалликлар кенг қулоч ёйди.

1924 йилдан бошлаб Туркестонда республикалар

ташкىл этилиши мұносабати билан минглаб йиллар давомида шакланиб келган ва такомиллашган ягона иқтисодий тизимга зарба урилди. Деңқончилик остин-устин қилиниб, бой ва ўрта ҳол деңқон хўжаликлари давлат томонидан талон-торож қилинди. Ўп минглаб моҳир деңқонлар оиласлари билан «қулоқ» қилиниб, тўзитиб юборилди. Юзлаб обод қишлоқлар харобага айлантирилди. Энг қадимги даврлардан ривожланиб келган ҳунармандчиликнинг илдизига болта урилди.

1930-йиллардаги очарчилик ва қаҳатчиликларда эса имиллони lab кишиларнинг ёстиги қуриди, оғир дардларга чалинди. Тошкент кўчаларида очлиқдан ўлган кишиларнинг мурдаларини ўз кўзим билан кўрганиман. Булар ҳам камдек жамиятнинг энг ақл-идроқли ва салоҳиятли намояндаларнинг қатл этилиши ёки узоқ юртларга баларга этилиши даҳшатли воқеа бўлди.

Кейинги маълумотларга кўра, бугун баъзилар қўмсаётган советлар ҳокимияти ўз фуқароларидан 40 мли кишини нобуд қилган. Бундай мислесиз жиноятга қўл урган давлат тарихда бўлмаган ва бундан кейин ҳам юзага келмаса керак.

Иккичи жаҳон уруши қонга беланган жамиятнинг бошига яна бир мудҳиш жафони солди. Урушдан кейинги ҳалқ хўжалигини тиклаш ҳам осон кечгани йўқ. Ниҳоят алгов-далговларга тўла фожиали 40 йилдан ортиқ даврдан сўнг 50-йилларнинг охирларига келиб илгарига иисбатан арzonчилик кўзга ташлана бошланди. 60—70-йилларда ҳам озиқ-овқат борасида сезиларлли даражада катта қийиничилликлар рўй бермади. Аммо ойлик маош билан рўзгорни бемалол тебратиш кўпчиликка насиб этмади. Узоқ йиллар давомида стишморчилик ва почорликда яшаб келган ҳалқ «қорин тўйса бас» қабилида кун кечирарди. Бундан умумхалқ сонига иисбатан камчилнки ташкил этган катта маошли ва нуфузли табака вакиллари мустасно, албатта. Брежнев раҳбарлигининг охирги йилларига келиб, иисбатан тўқчилик ва арzonчилик шароити ўзгара бориб, озиқ-овқат турлари камайиб, секин-аста тақчиллик юзага кела бошлаганининг, баъзи бир нархларнинг ошиб боришининг жонли гувоҳи бўлганимиз.

Кейин маълум бўлишича, совет давлати четга миллиард-миллиард долларга нефть сотиб, унинг ҳисобиңга мамлакатни маълум даражада озиқ-овқат билан таъ-

Миннелаб түрган экан жаҳон бозорида нефтиниг нархи арзоналашиши, мамлакатда уни қазиб олишдаги қийинчиликлар орқасида четдан озиқ-овқат келтириш тобора камайиб боргаи. Бу тез орада иқтисодиётда катта қишинчилклар юзага келиши, қимматчилик бошланишидан далолат берарди. Аммо, бу ҳолат нимагадир «пестрестроїка»га йўйиб юборилди. Ўмуман олганда эса, бир неча ўн йиллар давомида озиқ-овқат масаласини ҳал этишини совет давлати уddалай олмади. Бу ўз даврида партия қарорларида ҳам очиқдан-очиқ тан олингани эсимизда.

Бунн қарангки, Ўзбекистондан тоннелаб олтин ва бошқа турли-туман бойликлар ташиб кетилди, аммо ундан баҳраманд бўлиш у ёқда турсин, ҳатто, ранги ҳам кўрсатилмади. Ҳалқининг талай қисми ўтган ўнлаб йиллар давомида ўз сридан чиқкан газдан ва ичимлик сувдан фойдалана олмади. Ваҳоланки, газ дарё каби четга оқиб кетарди.

Үй-жойлариниң аҳволини эслайлик. Ерга қалб қўрини берган ўзбек худди шу совет давлати даврида бир парча ерга зор бўлди. Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлисинг қўшма йигилишида президент Ислом Каримов совет даврида кишиларининг оғир ва ачинарли аҳволини кўрниб, юрагидан эзилиб юрган пайтларини эслатиб ўтди. Бунга ўхшаш ҳолатларни совет даврини қўмсаб юрганилар ҳам кўрганлар, лекин ўзларини беҳудага билмасликка олмоқдалар. Бу адолатдан эмас, албатта.

**Иккинчидан.** Совет даврини қўмсовчилар халқ маорифи, ўрта ва олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари ва маданият соҳаларининг ўша даврдаги афзалликларини сўзламоқчи бўладилар. Тўғри, уларнинг мавжудлигини никор этиб бўлмайди. Бироқ гап уларнинг пайдо бўлишида эмас, балки кимларнинг манфаатларига хизмат қилганлигидadir. Улар коммунистик гоя ва тоталитар тузумпи ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллади. Шу билан бирга улар Ўзбекистонни хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантиришда ҳам етакчилик қилдилар. Шу сабабдан ҳам совет ҳукумати ўша тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, ер ости ва усти бойликлардан беқиёс катта даромад олди.

Мустақилликка эришилгандан кейин шу нарса маълум бўлдики, фан ва техника ва умуман, биз мақтаб

юрган тараққиёт даражасы жаҳон апдозаларидан жуда паст экан. Эндиликда эса буининг машаққатлари тортилмоқда. Шуни билиб қўйиш керакки, фан ва техника соҳасидаги «коммунистик гоя» йўлида қўлга киритилган «ютуқларип» ҳадеб мақтаб, рўкач қиласавериш, мустақиллигимиз ва озодлигимиз учун катта зиён келтиради.

**Учинчидан.** Совет давриниң қўмсовчилар ўша даврларда ҳам республикалар тузилиб, конституция, парламент, байроқ, мадҳия, герб жорий этилганини эсламоқдалар. Ахир бу тадбирлар хўжакўренинг қилиниб, республикаларнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқлиги ўша даврлардаёқ ҳар бир киши учун аёи эди! Умумхалқ сайловларининг қалбакилиги, ҳеч қандай демократиянинг йўқлиги, маъмурий буйруқбозлик ва улуғ миллатчилик ҳукм сурганлиги ҳам бутун жаҳон ахлига маълум эди.

Коммунистик партия яхлит Туркистонни беш республика ва икки автоном республикага парчалаб, туб аҳоли бирдамлиги ва қудратига қаттиқ зарба берди. Шу тариқа совет давлати ўлка бойликларини хоҳлаганча ўзлаштириш ва миллий зулмини ўтказиш учун катта имкониятларга эга бўлди. Гапнинг сирасини айтганда қалбаки республика тизимининг бўлганидан бўлмагани кўпроқ фойда келтирас эди. Негаки, қалбакичилик қанчалик ялтирамасин ва мақталмасин барibir охири войдир. Биз буни қизил империянинг ағдарилишида ҳам яққол кўрдик.

Аммо шуларга қарамай айрим олпмлар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 70 йиллигини нишонлашга очиқдан-очиқ даъват этдилар.

**Тўртничидан.** Қўмсовчиларнинг агар совет давлати бўлмаганида эди, фан ва маданият, қишлоқ хўжалиги ва саноатда бунчалик тараққиётга эришиб бўлмасди қабилидаги тушунчалари ҳам асоссизdir. Аввало, уларнинг эътиборини шунга қаратмоқчиманки, ватанимизда кейинги икки минг йилдан ортиқ давр мобайнида дунёни ларзага соглан буюк давлатлар юзага келиб, юксак тараққиётга эришилган вақтларда совет давлатининг ном-нишони йўқ эди.

Ахир бундан минг йил бурун юртимиизда академия ва ўз даврининг олий ўқув юрти ҳисобланмиш мадрасанинг мавжуд бўлганлиги, жаҳон тан олган олимур фозиллар етишиб чиққанлигини ким билмайди дейсиз.

Туркистон зардустийлік ва будда сийгари жаҳоний динлар ҳамда ислом дини ривожнга улкан ҳисса қўшган ўлқадир. Она юртимизда тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бирн бўлмиш қадимги ёзувларининг юзага келганлигини фахр билан айтишга ҳақлимиз.

Ўзбек халқининг ўз кучи ва имконияти билан юксак тараққиётга эришишга қодирлигини Амир Темур асос солғаш давлат мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Маълумки мўғулларнинг 150 йиллик ҳукмронлик даврида Туркистоннинг кўп асрлар давомида бунёд этилган моддий ва маънавий бойликлари совурилди. Аммо Амир Темур ҳокимияти ўрнатилиб мустақилликка эришилгандан сўнг тарихан жуда қисқа вақт ичидаги бутун жаҳонни лол қолдирган буюк давлат ва тараққиёт юзага келди.

Совет даврида эса Туркистон жаҳон харитасидан ўчиб кетди. У кўпроқ СССР ёки Россия маъносига баён этиларди. Чунки, кейинги 130 йил давомида мустамлақачилик сиёсати ва миллий зулм Ўзбекистон ва умуман, бутун Туркистон ўлкасини ўзига хос ва мос равишда ривожланишига ва жаҳон майдонига чиқишига йўл бермади.

**Умумий холоса** шуки, совет даврини қўмсовчиларнинг фикр-мулоҳазалари аслида «совет турмуш тарзи афзалликларининг» маҳсули бўлмай, балки қаттиқ назоратлар, таъқиблар ва қўрқувлар, қирғин-баротлар таъсирида миллий ҳис-туйғулар ва ватанга содиқлик сингари олий фазилатлардан маҳрум этилганлигининг мевасидир.

Шунинг учун ҳам улар совет давлатининг бир неча ўн йиллар мобайнида қонга беланган, очарчилик, йўқчилик, азоб-уқубатларга тўлиб-тошган даврлари хусусида оғиз очмай, айрим йиллардаги нисбатан тўқчилик ва арzonчиликлар тўғрисида оғиз кўпиртириб гапирмоқдалар. Ҳатто, улар совет даврида ҳаво, ер, сув ва табиатдаги барча борлиқ заҳарланганлигини ҳамда минглаб одамлар бунинг орқасига оғир дардларга чалинганликлари ва вафот этганларини гапиришни лозим кўрмайдилар. Ҳатто, совет давлати томонидан Орол денгизи қуритиб битираёзганидан оғиз очмайдилар. Шунга ўхшаш улар Қрим татарлари, месхети турклари, чеченлар ва бошқа халқлар ўз ватанларидан ҳайдалганликлари ва талай қисмини қириб ташлаганликларини хотираларига келтиришини истамайдилар. Совет дав-

риин қўмсовчиликадолатсизликда шу даражага бориб стдиларки, эндигина З ёшдаи ошган мустақил давлатимиздаги табиий равишда юз бераётган қийинчилликлардан цолимоқдалар. Ваҳолапки, 70 йилдан ортиқ давр мобайнида бутун Сойликларин таг-туги билан ўзлаштириб олган совет давлати фаровон турмушни мутлақо таъминлай олмади. Улар бу ҳақиқат тўғрисида ҳам оғиз очмайдилар.

«Социалистик тузум»нинг қалбакилигини бутун жаҳон аҳли тан олмоқда. Шундай экан, ўша тузум доирасидаги ривожланиш ҳам унинг маҳсулли сифатида қалбакилиги билан ажралиб туради. Шу боис барча мустақил республикалар, жумладан Россиянинг ўзи ҳам сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётин жаҳон аидозаси асосида тубдан қайта қурмоқда.

Демак, совет даврини қўмеанини сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий замини бўлмай, у «қорин тўйса бас» деган манфаатпарастлик маҳсулидир. Унинг негизида кўпроқ онгиззлик, ўз-ўзини англамаслик ва боқимандалик ҳисстуйгулари ётибди.

Шубҳасиз, бу тоифадаги кишилар вақт-соати келиб ҳозирги қийинчилклар ва етишмовчиликлар бартараф қилингандан кейин ўз хатоларини тушуниб стадилар.

«Ўзбекистон овози» г., 1994, 22 июль.

## ЧИНАКАМ ҲАЁТБАХШ КОНСТИТУЦИЯ

Мен ўз мулоҳазаларимни мустақил Ўзбекистон Конституциясининг плдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалишини шарҳлашдан бошлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Чунки, Конституциядаги мустақиллик ва тараққиётни, тиинчлик ва барқарорликни таъминлаши, хусусий мулкчиликни ва дин дахлсизлигини сақлаш ва бошқа масалалар бир неча юз йиллар муқаддам ҳаётга татбиқ этилган эди.

Маълумки, юнон сўзидан олинган демократиянинг асл маъноси жамиятни адолат ва қонун-қоидалар асосида бошқариб, ҳокимиятда умумхалқ манфаатларини гавдалантиришдан иборатdir.

Демократиянинг бундай кўрсаткичлари Туркистон ўлкасида кушанлар, Турк хоқонлиги, сомонийлар, қораҳонийлар, ғазнавийлар, хоразмшоҳлар, темурийлар ва бониқа қудратли империялар хукм сурған пайтларда кўзга ташланди. Ҳатто, Турк хоқонлиги даври-

даёқ (VI—VII асрлар) махсус «Қонуннома» ёзилган-  
лиги маълумдир.

Шуни эътиборга олиш керакки, жуда мукаммал қо-  
нуи-қоидалар бўлса-ю, лекин уларнинг ижрочилари —  
мансибдорларнинг одоб-ахлоқи ва иш юритиш услуги  
паст бўлса ҳамда зўравонликка ва адолатсизликка  
йўл қўйилса, у вақтда мамлакатнинг иницироғза учра-  
ши турған гап. Шунинг учун ҳам мансабдорларнинг  
олий фазилатлари давлат бошқарувининг асосий оми-  
ли сифатида кенг тарғиб қилинган. Бу тарихий ва ба-  
дний асарларда, махсус тавсияномаларда ва қонун-  
қоидаларда ўз ифодасини топди. Масалан, Юсуф Хос  
Хожиб ўзининг 1069 йилда ёзилган «Қутадгу билиг»  
(«Саодатга бошловчи билим») асарида мансабдорлар  
ўз бурчларини қаидай бажариларни қўйидагича  
таърифлайди:

Нима дер, эшитгин билимли сўзиц,  
Тута олмайди элни золим кўп узун.  
Ёнар ўт, мисол зулм, ёқар, куйдирап,  
Адолат сув эрур — неъмат ундирап.  
Элга бош бўлайн десанг, то абад  
Одил бўл, элингни асррагин фақат.  
Эл ортар адл ила, безанар олам,  
Зулму кучдан қолар, бузулар олам.  
Талай жой бузулди золим ўчидаи,  
Золим ўлиб кетар ахир очидан.  
Агар бек этмаса ўз элини ёд,  
Уларни таласа келиб ўзга ёт,  
Халойиқ тарқалар, бузулар эли,  
Қулаб тушар беклик, бертади бели.

Юсуф Хос Хожиб она юртни чет эл босқинчилари-  
дан ҳимоя қилиш ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи  
эканлигини таъкиндайди. У амалдорларни ватанпар-  
вар, жасоратли, мард, билимдан, тадбиркор, мурувват-  
ли, сахий ва бағри кенг бўлнини лозимлигини уқтириб  
ўтади:

Эл боши керакдир баҳодир, абжир,  
Ҳар ишга қўйл урса у кейин арзир.  
Сара бўлсин жуда элниң сардори,  
Тил-дили чин бўлсин, гўзал атвори.  
Билимли, заколи, етук — нуқса йўқ,  
Кўли очиқ бўлса, кўзи, кўигли тўқ.  
Тетик бўлгин эй бек ва қилгии тоқат,  
Адолатли бўл, халқقا қил марҳамат,

Хато тушса даръол сўра узриши,  
Тилингдан бу тавбани қўйма фақат.  
Беги халқига баҳт берниши керак,  
Берпб баҳт яна тўйдириши керак.

Кўриниб турибдикি, Юсуф Хос Хожиб ҳукумат вакилларининг зинмасига ўта масъулнитли ва катта вазифалар юклатилганлигини алоҳида шарҳлаб ўтади. Шунингдек, у амалдорларни гердайишга, манманликка ва менсимасликка берилмай, кенгаш билан иш юритишга даъват этади.

Ўзинг беклик бирла гердаймагни,  
Ўзингни унутма, кибр қилмагни.  
Не иш қилмагин сен, кишига кенгаш,  
Кенгашсиз кишини тутма эш ё адаш.  
Кенгашгини ҳар ишни қилишдан бурун,  
Мурод бергай ишда кенгашлар сўраш.

Юсуф Хос Хожибининг ўғитлари кўп асрлар мобайнида жамиятини бошқаришда қонун-қонда сифатида кенг фойдаланилди. Ҳатто, унинг таъсир кучи Туркистон ўлкасидан узоқ жойларгача бориб тарқалди. Масалан XIX асрда Ёйик (Ўрол) дарёсининг ёқасида жойлашган Сарайчиқ деган шаҳарда «Қутадгу билиг» асаридан олишган мисралар битилган сонол кўзача тошилган. Бу асарининг пусхаларни Туркия ва Мисрда ҳам қўлга киритилди. Шунингдек, у Оврўпо тилларига таржима қилинган. Ўйлайманки, Юсуф Хос Хожибининг ўғитлари ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ундан ҳар бир раҳбарнинг сабоқ олиши ўта фойдалидир.

Хозирги конституциямизининг заминида «Қутадгу билиг» ва ундан кейин ёзилган қонун-қондалар ҳам ётибди. Масалан, «Темур тузуклари», Ҳондамир (1474—1535) ёзган «Қонуни Ҳумоюн», Рузбехон (1458—1521) томонидан битилган «Сулук ал-мулук» («Подшоларга йўл-йўриқ») шулар жумласидандир. Уларниң орасида, айниқса, «Темур тузуклари» ўзининг такомиллашганлиги ва ҳаётбахшлилиги билан катта аҳамиятга моликдир. Бунда ватанин чет эл босқинчиларидан озод қилиб, мустақиллики, мўл-қўлчилики ва тараққиётни таъминловчи қонун-қондалар ўз ифодасини топган. У кишиларни ватанга содиқ ва тараққийпарвар бўлишга отлантиради. Шунингдек, унда хусусий мулкчиликни, эркин савдо-сотиқни, парх-шавони ва динининг дахлсизлигини таъминловчи тартиб-қондалар мавжуд.

Амир Темуришинг энг катта хизматларидан бири шуки, у жамиятни белгилаб қўйилган қонда-тартиблар бўйича бошқарди. «Давлат ишларини, — деб ёзга Амир Темур, — салтанат қонун-қондаларига асослаинган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим».

Маълумки демократиянииг асосий омилларидан бири муҳим масалаларни кенгаш муҳокамасига қўйишдаи иборатдир. Бу ҳолат Амир Темур фаолиятида яққол кўзга ташланди. Ўбу хусусда шундай ёзади:

«Ҳар ишни кенгаш билан қилдим. Ҳар вақт кенгашчилар йиғилиб мажлис очилар экан яхши-ёмондан, фойда-зиёндан, олдимиздаги ишларни қилиш-қилмасликдан сўз очиб улардан сўрар эдим. Буларни сўзларини эшигтгач, ҳар ёқлама текшириб, фойда-зиёнларини кўнгилга келтирас эдим... қайси киши ақлга сиққан бир ишни куйиниб гашпрса суйиб эшигардим. Кимки оқилона гапларни эрларча кескинилик билан сўзласа, унга қулоқ солар эдим. Ҳар кимдан сўз олиб кенгаш сўрар эдим».

«Темур тузуклари» энг қимматли давлат қонун-қондалари ва муҳим тарихий манба сифатида бутуни жаҳонда шуҳрат қозонди. У инглиз, ҳинд, эрон, француз, урду, рус ва бошқа тилларда чон этилди.

Шубҳасиз ўтмиш замонларда шариат қонунлари асосида иш юритилганлиги маълум. Аммо бу билан бир қаторда ҳокимиятни маҳсус қонуни-қондалар асосида бошқариш демократиянииг муҳим омиллари сифатида диққатга сазовордир.

Туркистон ўлкасида Чор Россиясининг ҳукмронлиги ўринатилгандан кейин миллий давлат йўқ қилиниб, ҳокимият Россия қонунлари асосида бошқарилди. Бу мустамлакачилик ва миллий зулмининг тобора кучайиб боришини таъминлади.

Октябрь тўйнаришидан кейин «ёмғирдан қутулиб қорга» мубтало бўлинди. Тўғри совет даврида 1918, 1924, 1936, 1977 йилларда конституциялар қабуқ қилиниб, шу асосда Ўзбекистонда ҳам конституциялар яратилди. Бироқ, сиртдан қарагандан улар энг адолатли ва ҳақиқатни акс эттирувчи қонунлар бўлиб кўринисада, аслида эса кўэбўямачиликдан ва пайрағбозликдан иборат эди. Амалда коммунистик партия мустамлакачилик ва миллий зулми авжига миндириб улуғмиллатчилик сиёсатини изчилилк билан олиб борди. На-

тижада совет конституцияси ичи пуч өнгоққа ўхшаб қолди, холос.

Ниҳоят 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилиниши буюк тарихий воқеа бўлиб қолди. Шундан кейин 1992 йилнинг 8 декабрнда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Хўш, Конституция моҳияти ва йўналишлари нималардан иборат?

**Биринчидан**, Конституцияда ҳалқ ҳокимиятчилиги ни бунёд этишга алоҳида аҳамият берилган. Бу хусусда шундай ёзилган: «ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ҳалқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидағина амалга оширилади». Унда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари аниқ кўрсатилган. Бунда фуқароларга берилган ҳуқуқларнинг дахлсизлиги баён этилиб, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ўқтириб ўтилган. Хотин-қизлар ва эрқакларга тенг ҳуқуқлар берилиши ҳам диққатга сазовордир. Конституцияда жамоат бирлашмалари, оила ва оммавий ах-ботор воситаларига тегишли ҳуқуқлар шарҳланган.

Конституцияда давлат ҳокимиятининг ташкил этилишига ҳам эътибор берилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ваколатлари ва кўп қирралли фаолияти атрофлича таҳтил қилинган. Буларга кўра Олий Мажлис сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётга доир барча масалаларга ўз муносабатини билдиради ҳамда тегишли қонун ва қарорларни қабул қиласиди. У Олий давлат вакиллик органни бўлиб, қонуни чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Шунингдек, ички ва ташки сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш ваколатига эгадир.

Конституцияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиги, айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси сифатидаги гавдалантирилган. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масаласига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш» Президент зиммасига

юқлатилиди. Булардан ташқарп Президент вазирликларни, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувини ва бошқа органларини тузади ва тугатади. Бундай фармонлар Олий мажлис тасдиғидан ўтиши шартдир.

Конституцияда Вазирлар Маҳкамасининг, Маҳаллий давлат идораларининг, суд ва прокуратуранинг бурчлари ва ҳуқуқлари ҳам аниқ белгиланган. Эндиликда прокуратура органларига «ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда фақат қонунига бўйсуниб амалга ошириш» имкони яратилди.

Конституциянинг «сайлор тизими» бобида фуқароларининг сайлаш ва сайданиш ҳуқуқига эгалиги таъкидланиб ўз хоҳиш-нродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун асосида кафолатланиши кўрсатилган. Конституциянинг энг муҳим ютуқларидан бири шуки, Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва кредитига, мудофаа ва хавфсизлик органларига эга бўлиши қонунлаштирилган.

Унда дин хусусида шундай дейилган: «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки хеч кайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қараашларининг мажбуран спигдирлишига йўл қўйилмайди».

**Иккинчидан**, Конституцияда ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишига ҳуқуқлилиги, мажбурий меҳнатининг тақиқланиши, фуқароларга ижтимоний таъминот ва тиббий ёрдам кўрсатиш, бенул умумий таълим ва билим олиш сингари спёсий ва ижтимоний-иқтисодий ҳуқуқлар келтирилган.

1991 йилнинг 31 августида Президент Ислом Каримовнинг имзоси билан эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Қонуни» янги Конституциянинг моҳияти ва йўналишини белгилади. Бу билан ўша куни бамисоли Конституциянинг кўчати экилди, десак хато бўлмайди. Шундан кейин спёсий ва ижтимоний-иқтисодий ислоҳотларининг бирин-кетин мувваффақиятли ўтказилиши яни Конституцияни шакллантириб ва тақомиллаштириб берди. Шунинг учун ҳам гарчи, Конституция қабул қилинганингига бир йил бўлса-да, лекин ундан олдин ва кейин содир бўлган ҳаётдаги туб ўзгарышлар унинг таркиби ўсми сифатида гавдаланиб турибди. Бу ўзгаришлар мустақил миллый давлат ташкил топиб ўзбек тилига давлат мақоми берилиши-

дан, демократия асосида умумхалқ сайлови ва парламенттің жорій этилишидан, Республика байропы, герби ва мадхияси таъсис этилишидан, мустақил ичкі ва ташқи сиёсат юргизилишидан, Ўзбекистон Бирлашған Миллаттар Ташкилотига қабул қилинишидан иборатдир.

Шуннингдек, сиёсий ва инсоний ҳуқуқларга, хусусий мулкчиликка, әркін савдо-сотиққа кеңг ійл бериліши катта ажамиятга моликдір. Айни бір пайтда молия ва кредит тиэміміга әга бўлинди.

**Ўумман айтганда**, Ўзбекистон яғни Конституциясинг моҳияти ва йўналиши шундан иборатки, у совет даврида чуқур илдиз отган мустамлакачилик сиёсатини ва миллий зулм асоратларини тамомила тутатиб Ўзбекистонни хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорлигидан қутқаради. У ичкі ва ташқи сиёсатини бир-бирларига монанд ҳамда изчилик билан тобора ривожланиб боришлини таъминлаб, Ўзбекистонинг жаҳон миқёсидаги ўрини ва мавқеи тобора ошиб борншига имкон бермоқда. Президент Ислом Қаримовинг таърифи билан айтганда, Конституциясинг ажамияти яна шундаки, у «бизга ишон ҳуқуқларн, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмунин ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради».

Айни пайтда, у кишиларни ўз-ўзининг англазында, миллий ҳис-туйғуларининг яғни босқынча күтарилишида ҳам миллатпарварликки кучайтиришда муҳим ўрин эгаллайди. Конституция жаҳон андозасында ёзилган илгор ва такомиллашган бирипчи қомусынан. У мустақиллик, озодлик ва халқпарварлик ғояларини билан суворилиб, қелажакда Ўзбекистонинг буюк давлатга айланнини таъминлашга тўла қодирдир.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» г., 1993, 26 ноябрь.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИСТИҚБОЛИ

Аслида Марказий Осиё Тожикистан, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозогистон билан бир қаторда Шарқий Туркистанни, Олтой ўлкасини, Тибетин, Мұғалистонинг гарбий ва жанубий қисмини ўз ичига олади. Унинг халқлари қадимдан Афғонистон, Туркия, Ҳиндистон, Арабистон, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан чамбарчас болғанган. Шуннингдек, Марказий Осиёнинг таъсир доираси Днепр дарёсі ва Қора

Денгиз бўйларидан Волга ва Урал дарёлари орқали ўтиб, Сибирнинг бепоён ерларига бориб тақалади.

Бинобарин, Марказий Осиёнишг кўлами инҳоятда кенг бўлиб, унишг маркази ҳамиша буюк Туркистон ўзаси ҳисобланган.

1993 йилинг бошларида Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ўтказилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон раҳбарларининг Тошкент учрашуви муҳим тарихий воқеа ҳисобланди. Зеро, у Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг яқдилтигини ва тараққиётини таъминловчи энг тўғри йўлни тоиди. Бунинг келажаги инҳоятда самарали ва порлоқдир. Шунинг учун ҳам Тошкент учрашувлари жаҳон даврасида қизғин шархланди ва қувватланди.

Маълумки, бу учрашувга қадар минтақа раҳбарлари «социализм тузуми»нинг ботқофидан қутулиш учун кўпроқ Россия ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларига таянишга ҳаракат қылган эдилар. Чунки совет даврида минтақада саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги марказга ва бошқа республикаларга шу даражада қарам қилиб ташланган эдик, улардан дарҳол возкечишининг ҳеч иложи йўқ эди.

Шу боисдан ҳам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил топиб, республикаларо алоқаларни ривожлантиришга қаратилган 200 дан ортиқ қарорлар қабул қилиниди. Бироқ уларнинг аксарияти амалга оширилмай қоғозда қола берди. Натижада минтақада вазият кескинлашиб, тақчиллик ва қимматчилик авжига минди. Мана шундай оғир шароитда Тошкент учрашувининг ўтказилиши кишиларда келажакка ишонч ва умид уйготди.

Шу учрашувда минтақа раҳбарларининг, хусусан, Ислом Каримовнинг агарда ҳамдўстлик давлатларининг қарорлари бажарилмаса, у вақтда қатъий чоралар кўрилиши ҳақидаги сўзлари зўр таассурот уйготди. Россия Президенти Б. Ельцин эса журналистлар билан учрашгаща: «МДҲ дан Марказий Осиё ҳудудидаги республикаларнинг чиқиб кетиши биз учун мағлубият бўлади», — деди.

Хуллас, Тошкент учрашувлари ҳамдўстлик давлатларининг раҳбарларини амалий инга ўтишга давват этди. Буни қарангки, бу дарҳол ўз самарасини кўрсата бошлади. Чунончи, яқинда Минскда ҳамдўстлик давлатларининг учрашувини муваффақиятли якуплашда Тошкент учрашувларининг аҳамияти тан олиниди.

Тошкент учрашувиининг моҳияти шундан иборатки, ресиубликаларнинг ўзаро алоқаларини юқори погонага кўтариши билан бир қаторда ҳамдўстлик ва хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришдир. Бу ҳолат ички ва ташқи алоқаларнинг бир-бирла-рига монанд ва узвий равишда боғланишини таъмин-лайди. Борди-ю, у ёки бу республикада ички ривож-ланишга нисбатан ташқи алоқалар ўзиб кетса, у вақт-да минтақанинг «сирти ялтироқ, ичи қалтироқ» бўлиб қолиши турган гап. Бу, амалда мустамлакага айла-нишнинг кўришишларидан биридир.

Аввало, минтақадаги ички алоқаларни ривожлан-тириб тараққиётга эришиш бир неча бор тарих сиповла-ридан ўтган. Чунончи, ўтмиш даврларда ўзбеклар, тоҷиклар, қозоқлар, туркманлар ва қирғизлар бир таи, бир жон бўлиб, ҳамкорликни шу даражада мустаҳкам-лаган эдиларки, босқинчилар ҳам, даҳшатли табиий оғатлар ҳам унга шутур етказа олмади. Негаки, у кун-далик ҳаётининг ва тақдирнинг тақозоси билан юзага келган бўлиб, унинг илдизлари чуқур тарихий давр-ларга бориб тақалади.

Милоддан аввалги бир мингинчи йилларнинг ўрта-ларида даставвал «Катта Хоразм», кейинги даврларда «Буюк Хоразм» номларида юритилган давлатлар ҳукм сурган вақтларда минтақадаги вилоятларнинг ўзаро алоқалари ўсиб, улкан сиёсий, иқтисодий ва маданий ютуқларга эришилди.

Бундай ҳолат кушанлар (I—V асрлар), Турк хоқон-лиги (VI—VII асрлар), сомонийлар (X аср), корахо-нийлар (XI—XII асрлар), хоразмшоҳлар (XI—XIII аср-лар) ва бошқа давлатлар вақтида ҳам кўзга ташланди.

Узоқ ўтмиш даврларда ҳамкорликнинг самарали йўлга қўйинлиши орқасида шундай мўл-кўлчиликка эри-шилган даврлар бўлган эдики, ҳатто, оддий жангчи-нинг белкамари олтиндан ясалган.

Айниқса, Темур ва темурийлар даврида ички имко-ниятлардан кенг фойдаланилган бўлиб, катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Аввало, сунъий суғориши-ни, деҳқончиликни, ҳунармандчиликни, ички ва ташқи савдони ўстиришга алоҳида аҳамият берилди. Вилоят-лараро алоқаларни ҳар жиҳатдан ривожлантириш давлат томонидан қатни назорат остига олинди.

XVI асрнинг бошларида Шайбонийлар сулоласи темурийлар давлатини эгаллагандан кейин минтақада Бухоро ва Хива, сўнгра Кўқон хонликлари ташкил

топди. Бу даврларда минтақа сиёсий жпҳатдан парчаланған бўлса-да, лекин халқларинг иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги узилмади.

Худои таолоннинг марҳамати билан минтақада инсон ҳаёти учун ниманки зарур бўлса барчаси мавжуд эди, шу боис ички эҳтиёж ва ташқи савдо ҳам тайёр маҳсулотлар билан етарли равишда таъминландид. Бошқачароқ айтганда, Туркистон ўлкаси у ёки бу хорижий давлатнинг хом ашё манбай ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланмади.

Тарихий маълумотларга кўра, қадимги ва ўрта аср даврларида дехқончилик ва ҳунармандчилик анча ўсиб, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Ҳатто, уларниң айрим турларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган жойлар шаклланганлиги маълум. Масалан, Бухоро шаҳрининг шимолида Зандона деган қишлоқда газламанинг алоҳида бир турини тайёрлаш юқори даражага кўтарилган. Бу тўгрида X асрда яшаган Наршаҳий шундай ёзади: «Қишлоқда катта қалъа, катта бозор ва мачит бор. Бу срдан зан доначи (зандона) номли ин-газлама олиб кетилади. Бу ном шу газламани шу қишлоқда ишлаб чиқарилганлиги учун берилган. Газлама ўта сифатли ва кўп миқдорда тайёрланади. Шу газлама Бухоронинг кўп қишлоқларнда ишлаб чиқарилиб, булар ҳам зан доначи номи билан юритилган. Чунки, уни даставвал шу қишлоқнинг кишилари ишлаб чиқарган». Зандона газламаси Ироқ, Эрон, Қармана, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга кўплаб юборилган. У шу даражада нафис ва пишиқ ишланганки, ҳар бир киши ундан кийим кийини орзу қилган ва унга эга бўлганидан кейин ҳаммага фахр билан кўз-кўз қилиб юрган.

Газламалар тўқиши Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Фаргона водийси ва бошқа жойларда ҳам кенг қулоч ёйган эди. Бу ерларда кўп асрлар давомида бўз, олача, хом сурп, мато, зан дона, дока, атлас, кимхоб, бинорас, беқасам ва адрес сингари газлама турларни ишлаб чиқарилганлиги маълумидир.

Шундай қилиб пахта ва пилла сингарни хом ашё ўлканинг ўзила тайёр маҳсулотга айлантирилиб, булар ташқи савдонинг асосий буюмларидан бири ҳисобланган. Шунга ўхшаш тог жинсларидан турли дехқончилик иш қуроллари (кетмон, бел, теша, болта, омоқ ва бошқалар), ҳарбий аслаҳалар, (қылчи, найза, ҳанжар ва бошқалар), уй-рўзгор буюмларни ва бошқа турли-

туман маҳсулотлар тайёрланган. Ўларининг маълум турлари хорижий давлатларга солибган. Заргарликда, кўпчиликда, тикувчилликда, гилам ва палослар тўқишида, бўёқчиликда, қурилиш жиҳозларини ишлашда ва бошқа 100 га яқин ҳунармандчилик тармоқларида турли туман ва ранг-баранг тайёр маҳсулотлар ясалган.

Туркистон ўлкасида тайёр маҳсулотларни тайёрлаш шу даражада кеңг кўламда олиб борилган эдикк, у 300 йилдан ортиқ (XVI—XIX асрнинг бошлари) Россияни газламалар билан таъминлаб турған асосий мамлакатлардан бири ҳисобланарди. Ҳатто, бунинг эвазига рус ҳукумати ўзбек савдогарларига катта имтиёзлар ҳам берган эди.

Аммо Россия ўзбек хонликларини босиб олгандан кейин ши тескарисига айланиб, ўлкада тайёр маҳсулотлар ишлаш тобора сустлашиб, у Россиянинг хом ашё манбасига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланди.

Ўлкада мустамлақачилик ва миллий зулм ҳукм сурди. Пахта якка ҳокимлигини ўрнатиш сиёсатини қатъиятлилик билан амалга ошириб борилиши ва пахтанин хом ашё ҳолида Россияга юборилиши ҳамда фабрика газламаларини ўлкага кўплаб келтирилиши маҳаллий тўқимачиликка ва унга бодлиқ кўп соҳаларга зарба берди.

Кўп асрлар мобайнида Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Хитой, Араб мамлакатлари, Россия ва бошқа жойлар билан яқин алоқада бўлган ерли савдо аҳли ўз мавқенини йўқотиб, рус савдо донраларига қарамлика дучор қилинди.

Марказий Осиёда рус капиталистларидан қарзга олинган маблағ билап иш юритувчи савдогарлар оз эмас эди. Маълумки, қарздорлик кишининг тилини қисиқ ва белини буқчайтириб қўяди. Бу ерда «Қарздорнинг қайифи тешик бўлиб тагидан ҳамиша сув уриб ётади» деган мақолии келтириш ўринлидир. Чоризм ва қизил империя даврида Марказий Осиёни хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириш ҳаракати, тоталитар тузум ва миллий зулм шу даражада авж олдики, бунақаси ҳали ишоният тарихида бўлмаган эди.

Ҳозирги кунларда эса, Ўзбекистон барқарорлик шарофати билан тараққиёт сари шаҳдам одим ташла-моқда. Энг қувончлиси, қадимий ва ҳамиша навқирон Тошкент бир қатор сиёсий ва иқтисодий масалалариниг ташаббускори, тинчлик, ҳамкорлик ва дўстлик шаҳри

сифатида жаҳон миқёсида тобора мавқеини оширмоқда. Шу йилнинг бошидаги учрашув унинг довругини яна бир бор оламга таратди. Хуллас, Тошкент учрашувни замон талабига тўла жавоб бериб, Марказий Осиёнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларини изчилиллик билан ривожлантириш имконини беради. Минтақа хом ашё маини ва тайёр маҳсулотлар бозори бўлиб қолишдан қутулади. Бу Президент Ислом Каримовнинг Швейцариянинг Давос шаҳрида ўтказилган шаҳар иқтисодий анижуманида сўзлаган пурқида ҳам ўз ифодасини топди: «Биз давлат ва миллӣ мустақиллигимизни энг аввало минтақа равнақига эришини учун бир ёқлама хом ашё иқтисодиётидан қутулинига хизмат қўлдирамиз».

Тошкент учрашувни, шунингдек, минтақадаги ҳалқларниң азалий қоп-қариндошлиги, ўзаро дўстлиги, ҳамкорлиги ва иттилоғиниң япада мустаҳкамланининг хизмат қилади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» г., 1993, 19 февраль.

## ТАРИХ СИНОВИДАН УТГАН ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ

Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон аро тузилган битимлар асосида кўп асрлар давомида шаклланган, лекин совет даврида издан чиқсан ягона иқтисодий тизим ва эркин савдо-сотиқнинг тикланини зўр мамнуният билан қарши олинди. Президент Ислом Каримов ягона иқтисодий тизимниң аҳамияти ва порлоқ келажаги ҳақида сўзлаб, азалдаи ўзбекларниң моҳир ишбилирмонлар ва савдогарлар сифатида шуҳрат қозониб келганиликларини ўқтириб ўтди. Дарҳақиқат, қадимий ва ҳамиша навқирон Туркистон ўлкасининг савдо аҳли ўзларининг уддабуронликлари, ҳалолликлари, писофиликлари ва бошқа қатор олий фазилатлари билан чет эл мамлакатларининг ишончи ва ҳурматига сазовор бўлган эдинлар. Улар мавжуд ягона иқтисодий тизим, эркин савдо ҳамда карvon йўлларига жон киритувчи кишилар сифатида қадрланганлар. Ягона иқтисодий тизим ва эркин савдонинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан карvon йўлларининг ҳолатига bogлиқ бўлган.

Шунинг учун ҳам ўзбек давлат арбоблари бу маса-

дага алоҳида эътибор беріб келгайлар. Масалан, Амир Темур ўз «Тузуклари»да шундай ёзади: «Бу юрдимки, йўллар устига кузатувчилар, бошқарувчилар тайинлашенилар, йўлларни қўриқлаб ўтканичилар, савдо-гарлар, мусофириларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларни манзилдан-манзилга ўтказиб қўйсилар. Йўллар устида бирор тасинниг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа кор ҳол юз берса, булар учун жавоб берниш уларнинг зиннисида бўлсан».

Иқтисодий савдо муносабатларида муҳим ўрини эгаллаган карвон йўлларига бундай муносабат орқасида бутун Туркистон ўлкасида мўл-кўлчилик ва фаровонлик ҳукм суреб, бозорларда маҳаллий ва хориж мамлакатларниг турли маҳсулотларини учратиш мумкин эди. Бунга ягона иқтисодий тизимниг мустаҳкамлашиши, ичкни ва ташқи савдониг бир-бирига монаид ривожланиши ва унинг давлат томонидан қаттиқ назорат қилиниши сабаб бўлган, албатта.

Бундай сиёсатиниг мевасини салтанат пойтахти Самарқанд мисолида кўриш мумкин. Чунончи, Амир Темур ҳузурнга келган испаниялик элчи Руш Гонсалес Клавихо ўз кўрганлари ҳақида шундай ёзади: «Самарқанд шаҳри боғу роғлар ва узумзорлар билан қопланган. Булар шу даражада кўркам ва кўпкӣ, бамисоли балаанд дараҳтли ўрмонга киргандай бўласан кишин. Сунъий сугориш, полиэтиленик ва пахтачилик ривожланган, қовун ва пахта сероб, шаҳарга туяларда шу дараҷада кўп қовунлар келтириладик, шунча нарсаларни ҳарид ва истеъмол қилиниши кишини ҳайратга солади. Қовунлар эса ғоятда шириндир. Бу ўлка нои, гўшт, паррандалар ва ноз-неъматларга жуда бой. Қўйлари йирик ва думбали бўлиб, нархи жуда ҳам арзоидир, гуруч ҳам беҳисоб кўп. Нои шунчалик арzonки, ундан арзои бўлши мумкин эмас. Бу замин нафақат озиқовқатларниг сероблиги билан, балки ажойиб газмоллар, жумладан атлас матосини кўп миқдорда ишлаб чиқариш билан ҳам ажралиб туради. Шунингдек, заргарлик, мўйначилик, шинринлпклар ва бошқа моллар ишлаб чиқариш тараққий топган». Элчи хорижий мамлакатлардан бу ерга турли-туман моллар келтирилиши ҳақпда ҳам гувоҳлик берган.

Темурийлардан сўнг XVI—XIX асрнинг 60-йиллари давомида Туркистон ўлкаси Бухоро, Хива, Қўйон хотилкларидан иборат уч қисмга бўлинниб сиёсий парчалиши ҳукм сурган бўлса-да, лекин ягона иқтисодий

тизим сақланиб, карвонлар ўлканинг у бошидан бу бошига тинимсиз ва бемалол қатиаб турғанлар. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўтмишда савдо алоқаларини мунтазам равишда олиб бориш енгил кечмаган. Чунончи, карвои йўлларнда табний шарт-шароит шу дарражада оғир бўлганки, унга фақат матонатли ва ўз касбии севган кишиларгина бардош беришлари мумкин эди. Савдогарлар, гумашталар, хизматчилар от ва туяларга ортилган мол-мулк билан сувенизликдан қақраб ётган чўл-биёбонлар, тогу тошлар, қумликларни босиб ўтиб, жазирама иссиқлар, жала-ёмғирлар, қаттиқ совуқ ва шамол-бўроинларнинг азобини тортишларига ҳам тўғри келган. Карвонларнинг олдинги сафлари даги туялар бўйиндаги қўнгироқларнинг мўъжизали оҳангиди кишиларга ҳушёрлик ва яхши кайфият баҳш этган. Қўнгироқларнинг одатдаги овозининг ўзгаршии ё тўхташи хавф-хатар ёки бирон ҳодиса юз берганини аиглатган.

Олимлар, шонрлар, дин иеншволари, элчилар қўйингки, кимки бирон-бир шаҳар ё мамлакатга бормоқчи бўлса, савдо карвонларнга қўшилиб кетаверган. Манзилларда дам олиш пайтларида шеърхонлик, илмий ва диний масалалар бўйича суҳбатлар ўтказгашлар.

Шуниси диққатга сазоворки, у ёки бу мамлакатга тегишли карвонлардаги кишиларда ва олиб келаётган молларда ўша юртнинг ўзига хос миллй анъаналари, турмуш тарзи ва умуман, маданий хусусиятлари ўз ифодасини топган. Бу ҳолат моддий ва маънавий соҳалардаги ютуқларни ўзаро алмашиш ва бойитиш жараёнинг ижобий таъсири кўрсатган.

Хуллас, ягона иқтисодий савдо тизимини таъминлашда карвои йўлларнинг тутган ўрини беқиёс катта бўлган.

Амир Темур ўлкадаги ўтроқ аҳоли билан кўчманчи қабилалар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида, атрофи бепоён даштлар билан қамраб олинган Туркистон шаҳри мавқенини кўтаришга алоҳида эътибор берди. Чунончи, мазкур шаҳарда Аҳмад Яссавий мақбарасини қурдиришдан мақсад фақатгина уни хотирлаш ва қадрлаш учунгина эмас, балки динни равнақ топтириш ва бу зот ғоялари воситасида ўтроқ ва кўчманчи аҳолини маънавий жиҳатдан яқинлаштириш ҳам эди. Бу ўз навбатида ягона иқтисодий тизимнинг самарадорлигини кўтаришга олиб келди.

XVI—XIX асрнинг 60-йиллари давомида ҳозирги

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳудудларида жойлашган қатор шаҳарлараро савдо-сотиқ муносабатлари тинимсиз ривожланиб борган. Чунончи, Қозоғистон билан иқтисодий савдо алоқаларида Тошкент, Қўқон, Наманган, Бухоро, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиёта (Жамбул), Оқмасжид (Қизил Ўрда) сингари шаҳарлар етакчилик қилганлар. Шунингдек ўзбек савдогарлари Петропавловск, Семипалатинск, Усткаменегорск, Троицк, Оренбург, Ямишев каби шаҳарларда савдо билан шуғулланганлар. Қозоғистон шаҳар ва овулларида ўзбекларнинг юзлаб дўконлари бўлган. Бу ерларда бўз, чит, дока каби газмоллар, кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари, гуруч, қуруқ мевалар ва бошқа ўзбек маҳсулотлари сотилган, 1764—74 йиллари фақат Семипалатинскнинг ўзига 2047720 аршин (газ) турли ип ва ишак матолар келтирилгани маълум. Бу ерга 1792 йили Тошкентдан 139000 (газ) мато, пўстинлар, белбоғлар, фалла, пахта, қуруқ мевалар олиб келинган. Агар хонликларнинг бошқа шаҳарларидан ҳам Қозоғистон шаҳар ва овулларига кўплаб моллар олиб борилгани ҳисобга олинса, у вақтда савдо ҳажмининг нақадар катта бўлганлигини тасаввур қилса бўлади.

Қозоғистон билан муносабатларда, айниқса, Тошкент катта мавқе тутган. Ҳатто, Тошкент бозорида алоҳида «Қозоқ растаси» бўлиб, ундаги 100 та дўконда қозоқлар дидига, талабига мос тушадиган газмоллар, кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари билан савдо қилинган.

Ўзбек савдогарлари тадбиркорлик қилиб, тўғридан-тўғри Қозоғистон шаҳарларига кўчиб бориб ўрнашганлар. Масалан, Семипалатинск, Петропавловск, Бухтарминск каби шаҳарларда 1500 дан ортиқ ўзбек савдогарлари истиқомат қилганликлари манбалардан маълум. Тошкентнинг ўзида эса қозоқлар билан иш юритувчи савдогарларнинг сони 400 кишни ташкил қилиб, уларнинг юзлаб гумашталари ва хизматкорлари бор эди.

Тошкентдан Қозоғистон томонга ҳар йили 40—50 минг туддан иборат карвонлар қатнаб турган. Бухоро ва Фарғона водийсидан борувчи карвонларни ҳам қўшиб ҳисобланса, савдо карвонларининг сони янада ошади. Масалан, Оренбургга Бухородан 1856 йили 11000 түя, 1857 йили 13000 түя, 1858 йили 14000 түя мол олиб борганлар. Урта ҳисобда шундай сондаги тияларда ўзбек хонликларига мол олиб келинган. Умум-

лаштирганда эса, ўша йиллари Бухоро орқали олиб борилган икки томонлама савдо алоқаларида 30 минг туюдан иборат қарвонлар қатнаб турган.

Қозоқлар билан Хива хонлигининг Урганч, Хива, Хазорасп, Гурлан, Шовот, Қўнғирот, Хўжайли каби шаҳарлари ҳам савдо алоқаларини олиб борганлар. Умуман олганда, ўзбек савдо-хунарманд аҳли қозоқларнинг 250 минг хўжалигини хилма-хил моллар билан таъминлаб тургани маълум. Ҳар бир хўжалик тўрт кишидан деб фараз қилинганда ҳам бу ўша давр учун жуда катта рақам (1000000 киши) бўлади.

Қозоқлар юртидан Ўзбекистонга ўн минглаб қўй, от, туя, қора мол ҳамда кигиз, палос, жуи, тери, озиқ-овқат маҳсулотлари, писта (саксовул) кўмири ва бошқа моллар келтирилган. Масалан, қозоқлар Тошкентга ҳар йили 200000 қўй келтириб турганлар, улардан 100000 таси Қўқонга олиб кетилган. Савдо қарвонларини тұялар билан таъминлашда қозоқ чорвадорларининг ҳиссаси катта бўлганини таъкидлаш лозим. Зеро, ўша давр қатнов воситаси сифатида тұялар савдо алоқаларига хизмат кўрсатишида ва демак, ягона иқтисодий тизими таъминлашда ўзига хос ўринга эга бўлган.

Қозоғистон ва Ўзбекистон билан ягона иқтисодий маконнинг ҳукм суриши мўл-қўлчиликни юзага келтирган. Буни биз Тошкент мисолида кўришимиз мумкин. XIX аср ўрталарида шаҳарда бир пуд (16 кг) буғдой 50 тийин, бир қадоқ мол гўшти 2—3 тийин, шунча қўй гўшти 3—5 тийин, бир бош товуқ 10—15 тийин, 100 та тухум 30 тийин, 100 боф беда 1,5 сўмга сотилган. Тошкентда ўрик, олхўри, шафтоли, узум жуда арzon нархларда сотилган. Шунингдек, тарвуз, қовун, балиқ, паррандачилик маҳсулотлари тўлиб-тошиб ётгани маълум. Шу сабабдан ҳам Тошкентда арзимаган маблағ билан bemalol яаш мумкин эди. Чор ҳукумати даврда эса пахтачиликнинг ривожлантирилиши ва келгинди аҳолининг кўпайиши ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳоси қимматлашган.

Ўзбеклар билан қирғизлараро ягона иқтисодий муносабатлар тизими ҳам кўп асрлик тарихга эгадир. Бунда, айниқса, Фарғона водийсининг ўрни алоҳида бўлган. Ўзбеклар истиқомат қиласидиган Ўш, Ўзган, Жалолобод ва бошқа жойлар савдо-хунармандчиликнинг марказлари ҳисобланиб, қирғизлар билан алоқаларда муҳим аҳамият касб этиб келган. Ўзбек савдогарлари Андижон, Наманган, Марғилон, Тошкент ва бошқа

шаҳарлардан ип ва илак газламалар, кийим-бошлар, озиқ-овқатлар, уй-рўзгор буюмлари ва бошқа маҳсулотларни олиб, қирғизлар яшовчи барча ерларга олиб бориб савдо қилганлар.

Ўзбек-қирғиз савдо муносабатлари, айниқса, Кўқон хонлиги даврида авж олди. Бу вақтларда Олой, Ўш, Тангритоф (Гянъшань) шинг марказий қисми Адижон вилоятига, Кетмонтепа ва Талас Наманганга, Фаргона тоғларининг жануби-ғарбий қисмлари Кўқонга, Чуй водийси ва Иссиқкўл Тошкент ҳокимлигига қарап эди. Қирғиз ерларида Кўқон хонлигининг Пишпек, Тўқмоқ, Чўлоққўргон, Қизилқўргон, Отбоши, Чўнголой, Гулжа, Мурдош, Куртка, Тошқўргон, Жумгау, Сўфиқўргон каби истеҳкомлари қурилган эди. Бу жойлар карvon қатновини таъминлашда катта ўрин эгаллаган. Хавфсизлик таъминланиши эса, савдо алоқаларининг ўсишига замин тайёрлаган. Кўрсатилган жойлар ва истеҳкомларда ўзбек ва қирғиз моллари билан кеңг савдо олиб бориларди.

Қирғизлар қўй-қўзи, от-улов, жун, палос каби молларни хонликлар шаҳарларига келтириб, бу ерлардан ўзбек маҳсулотларини харид қилиб кетардилар. Икки томонлама савдо муносабатларининг ўсиши орқасида Пишпек, Тўқмоқ каби жойлар савдо марказлари сифатида танилишига олиб келди.

Умуман олганда, ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар фаол ўзаро савдо муносабатларн олиб бориб, карvon йўлларидағи барча қийинчиликларни мардонавор енгган ҳолда бир ватан фарзандларидек ҳамкорлик қилганлар.

Бизининг давримизга келиб, эски карvon йўлларидағи табиий қийинчиликлар бартараф бўлиб, равон асфальт йўллар, темир йўл, автотрассалар, ҳаво йўллари юзага келди. Шуниси ачинарлики, асрлар давомида шақлланиб, такомиллашиб келган ишбилармонлик ва савдогарчилик маҳорати совет даврида катта зарбага учради ва бугун биз буниг салбий оқибатларини кўриб турибмиз.

Шу боис замондошларимиз ота-боболаримизга ўхшаб исофли, сабр-тоқатли, ҳалол ва қийинчиликларга бардош бера оладиган бўлсалар, минтақадаги ягона иқтисодий тизим тез вақт ичида шуничалар самара берадики, ундан ҳамма наф кўради. Борди-ю, «беш бармоқ оғизга тиқилган» ҳолда иш юритилса, оқибати яхшиликка олиб келмайди. Шу ўрида буюк аллома

Ибн Синонинг: «Кишини очлик эмас, очкўзлик ўлдира-ди»,—деган сўзларини эслаш айни муддао бўлади.

Хулоса шуки, эндиликда тарих синовидан ўтган иқ-тисодий ягона тизимнинг қайтадан жонланиши жамият ҳаётидаги муҳим тараққиёт омили сифатнда эркин сав-дога кенг йўл очиб беради. Корхоналар, деҳқон хўжа-ликлари ташқи бозорни эгаллаш учун ўз маҳсулотлари сифати ва ҳажмини оширишга қаттиқ бел боғлайди-лар.

Айни бир вақтда иш жойларида ташаббускорлик, манфаатдорлик ва ишбилармонлик қайнаб, илм-техни-ка ютуқларини ўзлаштириш, маҳсулот таннархини па-сайтириш ва даромадни ошириш асосий вазнфага айла-нади. Тайнинли бозорга эга бўлиш ишбилармонликнинг узилиб қолиши ва ишсизлик хавфидан сақлайди. Пиро-вардида мўл-кўлчилик ва фаровонликка эришилиб, со-вет давридан мерос бирорвга қарамлик ва қашшоқлик-дан тўла ҳоли бўлинади. Бу ўз ўрнида ўзбеклар, қозоқ-лар, қирғизлар ва минтақанинг бошқа халқлари аро ҳамкорлик, бирдамлик ва дўстлик янада мустаҳкамла-нишига олиб келади, бир ўлка фарзандлари каби яшаш ҳисси ортади. Демак, республикалар раҳбарлари, жум-ладан, юртбошимиз Ислом Каримов, ягона иқтисодий макон ҳақида битимга имзо чекиб, катта сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик яна бир муҳим масалани ҳал этишга эришдилар.

«Ўзбекистон овози» г., 1995, 13 май.

## БУЮҚ ҲАЁТИЙ ФОЯ

Ўзбекистон мустақиллиги тиклангандан кейинги та-рихан қисқа вақт ичida муҳим туб ўзгарншлар юз бе-раётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу борада юртбошимиз Ислом Каримов ўртага ташлаган «Туркис-тон—умумий уйимиз» шиори остидаги Туркистон халқ-ларининг яқдиллик ва биродарлик ғояси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунимиз ва келажак учун сув билан ҳаводек зарур мазкур ғоя ниҳоятда ўз вақ-тида кўтарилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Зоро, бугунги ўта қалтис ва масъулияти шароитда қи-йинчиллик ва муаммоларни минтақа халқларининг яқдил-лиги ва ҳамкорлиги орқали ҳал қилиш мумкин. Чунки, ўзбеклар, тоҷиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар бир ариқдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб кел-

ған халқлардир. Уларнинг ери, тили, дини, бозориу мозори ва дунёқараашлари бир хил бўлиб келган.

Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз бир катта оила фарзандлариdek ўзаро қариндош-уругчиликни ва ҳамкорликни ғоятда қадрлаб, жаҳонни ларзага солған салтанатлар барпо этганлар. Бундай қудратли давлатлар вақтида улкан сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ютуқларга эришиб, тинчлик ва мўл-кўлчилик ҳукм сурган.

Шунингдек, сеники-менини дея жой талашмай, Худои таоло яратган бу замин баб-баробар барчанини бўлиб, кишиларда юксак одоб-ахлоқ шаклланган. Бу хусусда ўрта асрлар муаллифларндан Муҳаммад иби Вали шундай ёзганди: «Туркистон халқлари жасоратли, сабр-қаноатли, ҳимматли, камбағалларнинг ҳомийси, хушчақчақлик сингарни олий фазилатларни ўзларида мужассамлаштирганлар. Улар чет элликларнинг ҳукмрошилиги, адолатсизлиги ва зулмига қарши қурашадиган кишилардир. Туркистон замини катта бойликлар ва имкониятларга эга бўлиб, масжидлар, мадрасалар ва олиму фозилларнинг сон-саноғи ниҳоятда кўп. Унинг нодир кўзгуси билим ва донишмандликдир». «Шу боис,— деб давом эттиради ўз сўзини муаллиф,— туркистонликлар ўз ватанларини барча мамлакатлардан устуни қўйиб фуурланиш ва фахрланишга одатланганлар».

Туркистонликларнинг ушбу олий фазилатлари даҳшатли табиий оғатларга, чет эл босқинчиларнига қарши қурашларда ҳам ўз куч-қудратини кўрсатади. Чор ҳукуматининг тажовузи йилларида ўзбеклар, тоҷиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар қўлга қурол олиб умумватан учун жангларда жон фидолик қилганлар. Чунончн, қозоқ халқининг содиқ фарзанди Содиқ Кенсара ўғли атрофига юртдошларини тўплаб, Тошкентда ҳамда Қўқон ва Бухоро хонликларида ўзбеклар, қирғизлар, тоҷиклар билан биргаликда босқинчиларга қарши қаҳрамонона жанг қилди.

Хонликлар қўшинларида барча миллат вакилларни хизмат қилиб, ҳозирги ибора билан айтганда, улар орасидан генераллар ва офицерлар етишиб чиққан. Масалан, Бухоро ва Қўқон хонлари қирғиз халқининг буюк қизи Қурбонжонга додҳо унвонини берган. Ниҳоятда идрокли, жасоратли ва ватаниарвар бу аёл Туркистоннинг умумий манфаатини кўзлаб иш юритди. Қўқон хонлигига Алимбек, Худойназар, Дўстмуҳтор ва бошқа қирғиз ҳарбий саркардалари ва амалдорлари бўлгани маълум. Ўзбеклар ва қирғизлар ўртасидаги қарин-

дош-уруғчилик иллари нечөсли мустақкам эканлигини шундан ҳам билса бўладики, Қўқон хони Худоёрхоннинг онаси қирғиз бўлгаи.

1873—76 йилларда Фарғона водийисида чор ҳукумати босқинига қарши курашни қирғиз Пўлатхон бошқарганди. Бу воқеа тарихда «Пўлатхон қўзғолони» номи билан машҳур бўлиб, унда ўзбеклар, қирғизлар ва тоҷиклар бир тану бир жон бўлиб озодлик учун қон тўкканлар. Қозоқлар ва туркманлар эса Хива хонлигидаги салмоқли ўриш эгаллаганликларни маълумдир. Шунингдек, туркманлар хонлик қўшинининг жанговор қисмини ташкил қилиб, ташқи душманларга, жумладан чор аскарларига қарши курашларда қаҳрамонлик намуналарини намойиш қилганлар.

Ўзбеклар билан тоҷиклар ўртасида қардошлиқ, дўстлик ва ҳамдардлик, шу қадар юқори даражада эдикӣ, шоир сўзлари билан айтганда, бири бирига устоз, бири бирига шогирд бўлиб кетганлар.

Умуман, ватан манфаати учун кураш XIX асрининг иккинчи ярми—XX аср бошларида чоризмниң мустамлакачилик ва миллий зулм сиёсатига қарши ҳаракатларда ҳам намоён бўлди. Масалан, 1898 ва 1916 йиллардаги миллий озодлик ҳаракатлари шулар жумласидандир. Умумий уй—Туркистон озодлиги учун курашлар совет даврининг дастлабки йилларида ҳам содири бўлди. Зоро, минтақа ҳалқарининг барча вакиллари ана шу миллий озодлик курашининг йўналтирувчи кучи ҳисобланганлар.

Хуллас, бутун Туркистонни қамраб, барчани оёққа турғизган «Туркистон — умумий уйимиз» ғояси тарих синовларидан ўтган ва мустақкам асосга эгадир. У ўтмиш тарихга жон киритувчи, ҳозирги ва келажак замонларин таъминловчи битмас-туганмас қурдатли кучдир.

Мақола сўнгнда машҳур аднб Чингиз Айтматовнинг барчага ибрат бўла оладиган қўйндаги сўзларини келтиришни лозим топдим: «Мен Қирғизистонда қирғиз, Қозогистонда қозоқ, Туркманистонда туркман, Тоҷикистонда тоҷик, Ўзбекистонда ўзбекман. Зоро, аслида биз буюк бир маданиятнинг меросхўри бўлган ягона ҳалқмиз».

«Ўзбекистон овози» г., 1995, 21 январь.

# ТУРКИСТОН—УМУММУҚАДДАС ВАТАНДИР

Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон катта бир уй, буюк бир рўзгор, буюк оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва атил бўлса, рўзгор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади. Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиғатдан ягона музит ташкил қилиш — шу куннинг энг долзарб масаласидир.

П. А. Каримов.

Президентимизнинг мазкур сўзлари шу даражада асосли ва ҳаётыйки, вақти келиб амалга ошишига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Чунки Худои таолонинг марҳамати билан аслида Туркистон яхлит—бир жон, бир тан мамлакат сифатида яратилган. Шунга монанд равишда ўзбеклар, тоҷиклар, қозоқлар, туркманлар, қиргизлар ва қорақалпоқларнинг насл-насаби, ўтмиши ҳам келажаги бир хил ва умумийdir. Шундай бўлганидан кейин Туркистон бу ерда қиндиқ қони тўкилган ҳалқлар учун умумий уй бўлиши табиий ҳолдир. Умумий ватан ғояси милоддан аввалги асрлардаёқ юзага келиб, жамиятнинг куч-қудрати сифатида гавдаланган. У ягона иқтисодий, сиёсий ва маънавий тизим асосида шакллаиган эди.

## ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ

Туркистон заминида инсон ҳаёти ва ягона тизим учун нимаики зарур бўлса, барчаси бор. Шунинг учун ҳам уни «жаннатмакон ўлка» деб бежиз айтмайдилар. Зеро, унинг ер ости ва усти бойликлари, табиий шароити шу дэражада нодир ва мукаммалки, бунақаси дунёнинг кўп мамлакатларида учрамайди. Шу ўринда таъкндаш жоизки, ҳозирги Ўзбекистон ерлари Марказий Осиёнинг яшнаган диёри, унинг юраги ҳисобланган. Шунингдек, ўлканинг ажойиб табиий шароити тараққиёт учун барча имкониятларни яратган.

Маълумки, бир йил тўрт фаслдан иборат, лекин қишининг нималигини билмайдиган ёки баҳор билан ёз билинар-билинмас ўтиб кетадиган мамлакатлар оз эмас. Туркистонда эса, тўрт фаслнинг барчаси гаштили. Бу ҳам катта баҳт. Она юртимизнинг серқуёшлиги Худои таолонинг бебаҳо неъматидир. У ўзининг мусаффо ҳа-

воси, зилол сувлари ва ажойиб табиий манзараси билан донг чиқарган. Дарёлар, боғ-роғлар, чўллар ва тоғу тошлар бири биридан гўзал.

«Туркистон тарафлари,— деб ёзган эди ўрта аср олими Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий,—нозу неъмат хусусида мамлакатларнинг энг ободидир. У ясилик жиҳатидан энг каттадир. Ундаги хоҳ шаҳар бўлсин, хоҳ қишлоқ бўлсин, хоҳ текислик, хоҳ ўтлоқ бўлсин ободонликда унга тенг мамлакат йўқ, Ҳавоси — ҳаволарнинг энг соғломи, суви — сувларнинг энг ширини ва энг енгили, суви барча тоғ ва атрофларида баробар шириндир. Унинг тупроғи — тупроқларнинг энг хушбўйи. Катта шаҳарлари: Бухоро, Самарқанд, Хўжанд бўлиб, халқи диндор, илмли, тақводор, жувонмард ва шиҷоатлидир. Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳақида шоирларнинг байтлари ва саноқсиз шеърлари бор. Бу шеърлардан бирида шундай дейилган:

Мовароуннаҳрнинг кўрки — тўрт томонда жойлашгањ  
тўрт шаҳардир.

Улардан ҳар бири кўркли жаннатдан ҳам яхшироқдир.

Биринчиси—илму фазл манбаи бўлган Бухоро,  
Унинг тупроғи Рум ва Чин мамлакатларига фаҳрdir.  
Иккинчиси—салтанат ўрни ҳазрат Самарқанд,  
Шон-шарафда бошқа шаҳарларга нисбатан узукдек,  
тоҷда эса кўздекдир.

Улардан сўнг авлиё ва саҳобалар макони Термиз,  
Жаҳондаги оқар сувлар сайд қиласидиган дарё лабидадир.

Тўртинчиси, ишрат жойи, поклик мавзуи, сўфилар макони Хўжанд».

Кўрсатилган шаҳарлар йирик савдо-хунармандчилик марказлари ҳам ҳисобланган. Шу ўринда Тошкент ва Фарғона воҳасини ҳам ҳисобга оладиган бўлсан, Туркистон, ҳақиқатан ҳам, Худои таолонинг меҳри етган ажойиб ўлқадир. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон ватан ўзининг нодир маъданлари ва хилма-хил нозу неъматлари билан ҳам машҳурdir. Чунончи, у ерда олтин, кумуш, темир, мис ва бошқа тоғ жинсларин бор.

Милоддан аввалги VII асрда дунёнинг талай қисмидаги одамлар ҳали «ярим ёввойи» ҳолда яшаётган вақтда, қадимги аждодларимиз олтин ва мисдан турли буюмлар ишлаганлар. Кейинчалик темирчилик ҳам ривожланган. Марв, Самарқанд, Тошкент ва бошқа жойларда маъданчилик кенг йўлга қўйилган. Ҳатто, те-

мир ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар хорижий мамлакатларга, шу жумладан, Византияга олиб кетилган. Айниқса, Фарғона водийсида олтин, кумуш, мис, нефть, қимматли тошлар кўп ишлатилган.

Худои таоло Ўркистонни деҳқончилик соҳасида ҳам камситмай, уни тўла-тўқис яратди. Чунончи, пахта, ва бошқа турли ўсимликларнинг етиширилиши, ипакчилик тараққиёт ва фаровонликни таъминлашда катта аҳамият касб этди. Шунингдек, ширинлика ва шифобахшиликда тенги йўқ турли-туман боғдорчилик маҳсулотлари мақтовларга сазовордир!

Деҳқончилик ва маъданчиликнинг ўсиши ҳунармандчиликнинг кенг қулоч ёйишига имкон туғдирди. Айниқса, тўқимачилик ва тикувчилик сингари ҳунарлар ривожланди. Бундан минг йил илгари Туркистон Шарқнинг энг йирик тўқимачилик марказига айланган. Чунончи, Бухородан тортиб то Самарқандгача бўлган оралиқдаги жойларда тўқимачилик билан кўпдан-кўп кишилар шуфулланган. Бу ҳолат унинг хом ашёси бўлмиш пахтанинг ва шакнинг кўп миқдорда етиширилганлигидан далолат беради. Деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг ривожи ички ва ташқи савдони юқори даражага кўтардп.

Туркистон Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Арабистон, Туркия, Россия ва бошқа мамлакатлар билан савдо олиб борди. Четга асосан, тайёр маҳсулотлар чиқарилиши ўлкада ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Юқорида шарҳланган ютуқлар ягона иқтисодий тизим туфайлигина қўлга киритилган эди. Утмиш замонларда бутун Туркистон ўлкасидаги вилоятлар бемалол ўзаро алоқаларда бўлиб, бир-бирларидан керакли маҳсулотларни олиб кета берганлар. Фақат белгиланган бож тўланса бас эди. Ҳеч қандай чегара ва тўсиқлар бўлмаган. Аксинча, ҳукмдорлар мина тақада вилоятлараро алоқаларнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган чораларни кўрган. Ҳатто, уруш пайтларида ҳам, савдо карvonларига зиён етказилмаган. Ҳуллас~~Л~~қадимги ва ўрта асрларда ер усти ва ости бойликларининг мўл-кўллиги Туркистоңда ягона иқтисодий тизимнинг шаклланишини тақозо этди. Бу тизими ни юзага келтиришда давлатларнинг ва маънавиятнинг тутган ўрни бекиёс катта бўлган.

## ЯГОНА СИЁСИЙ ВА МАЊНАВИЙ ТИЗИМ

Туркистанда ўлканинг иқтисодий салоҳиятига лойиқ ҳудратли давлатлар ташкил топган. Ақл-идрокли ва билимдон ҳукмдорлар миңтақани бир давлатга бирлаштирилгандагина ягона тизимга ва тараққиётга эришиш мумкинлигини яхши англаганлар. Чунончи, милоддан аввалги асрларда юзага келган Буюк Хоразм давлати миңтақада яккаҳокимликни ўрнатибгина қолмай, Қора денгизгача бориб тақаладиган ерларни ўз қўл остида бирлаштирди.

Кейинги даврларда ташкил топган Қанқа давлати ҳам миңтақа яхлитлигини сақлашга муваффақ бўлган. Бундай ҳолат кушанлар (I—IV асрлар), эфталитлар (V—VI асрлар) ва Турк хоқонлиги (VI—VIII асрлар) ҳукм сурган дазрларда давом этди. Зеро эфталитлар бутун Марказий Оснёни, Шарқий Эронни ва Ҳиндистонни эгаллаб, ягона сиёсий тизимни вужудга келтириб, бу ерларни ташки душманлар хавфидан сақлади.

Бу вақтда Туркистанда рангли ойна ишлаб чиқариш кашф этилган. Ҳатто, Хитойда туркистонликлар ёрдами билан бу ойнани тайёрлаш йўлга қўйилган.

Ягона иқтисодий ва сиёсий тизим Турк хоқонлиги даврида (VI—VII асрлар) юқори поғонага кўтарилиди.

Бу даврда ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши туфайли деҳқончилик янги поғонага кўтарилиб, пахтацилинк кенг қўламда ривожлантирилди, ерларни сунъий равишда ўғитлаш жорий этплади. Ҳамда тўқимачилик ривожланиб, ип, ипак ва зарлардан тури газламалар тайёрлайдиган като устахоналар вужудга келди. Сунъий сугоришни кенгайтиришга олиб келган сув чиғириқлари қўлланилди.

Мустаҳкам йўлга қўйилган ягона иқтисодий ва сиёсий тизим самаралари Турк хоқонлигининг куч-қудратини ошириб юборди. У Тинч океани ва Қора денгиз оралиғидаги бепоён ерларни ўз таъсир доирасига олиб, ҳарбий истеҳкомлар қурди ва йирик давлатлар бўлмиш Эрон, Хитой, Византияга хавф туғдирган. Ҳатто, Хитойнинг Турк хоқонлигига ҳар йили 1000 тўп ипак газламани солиқ сифатида юбориб тургап вақтлари бўлган. «Ипак йўллари» хоқонликнинг назорати остида эди.

Ягона иқтисодий ва сиёсий тизим сомонийлар (X аср) даврида, қораҳонийлар ва хоразмшоҳлар (XI—XIII аср бошлари) ҳукм сурган даврларида ҳам яққол

күрінді. Бу 300 йилдан ортиқ даврда мінтақа сиёсий ва іжтімоий-іқтисодий томондан юқори даражага күтарилиб, ҳар жиҳатдан тараққиёт содир бўлган. Зеро, дәхқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривожланиб, мінтақаның жаҳон даврасидаги мавқеи кўтарилиди. Масалан, Хоразм давлатининг куч-қудратини қўйидаги маълумотлардан ҳам билиш мумкин: қўшинининг сони ярим миллион кишидан ошган, империянинг таркибида 400 дан ортиқ шаҳарлар бор эди. Уларнинг орасида, айниқса, Урганч, Самарқанд ва Бухоро сингари шаҳарларнинг донғи хорижий мамлакатларга ҳам тарқалган эди.

«Хоразм шоҳлигининг бу даврда юқорп чўққига кўтарилиганинги текширад эканмиз,—деб ёзади С. П. Толстов,— шунда 100 минг гектар унумли ерларга янгидан жон багишлаган катта ирригация ишлари, саҳро чеккасида чегара истеҳкомларининг қурилиши, Хурросон, Мовароуннаҳр ва Даشت Қипчоқнинг ичкарисига борадиган стратегик ва савдо йўлларининг мустаҳкамланиши, шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик, савдонинг янгидан гуллаб-яшнаши, Ўрта Осиё, Эрон ва Волга бўйлари бадиий маданиятининг бутун кейинги тарихига кучли таъсир кўрсатган «Хоразм ренессанси» санъатининг ҳашамати ва бой тараққиёти кўз олдимиздан ўтади».

Шунингдек, Хоразмда академиянинг очилиши, кўп-лаб мадрасаларнинг, масжидларнинг ва бошқа ҳашаматли имаратларнинг қурилиши алоҳида аҳамиятга моликдир. Аммо, «ҳар тўқисда бир айб», деганларидек, қудратли империяларда бўлгани каби хоразмшоҳлар давлатида ҳам ўзаро чиқишимовчиликлар ва қонли урушлар туфайли мўғуллар салтанатин босиб олдилар. Бу босқинчларнинг 150 йиллик ҳукмронлик даврида сиёсий ва іжтімоий-іқтисодий ҳаёт жуда оғирлаши.

Ниҳоят, 1370 йилда Амир Темур ҳалқ оммасига таянган ҳолда мамлакат мустақиллигини тиклади. У парокандаликни бартараф қилишни, ягона сиёсий, иқтисодий ва маънавий тизимни бунёд этишни асосий масала деб ҳисоблади. Чунки, XIV асрнинг 50—60-йилларнда Туркистанда мўғул сultonларининг таҳт учун курашлари авжига миниб, ҳалқнинг аҳволи ниҳоятда ёмонлашди. Ҳатто, айрим сultonлар ислом динини таъқиб қилишгача бордилар. Масалан, Мулла Салоҳиддин ибн Мулла Алайддин хожа эшон «Темурнома» асарида

әзишнча, Амир Қозогон норозплик билдириган күп кишиларни қиличдан ўтказган. Ҳар ерда мактаб, мадраса ва масжидларни хароб қилган, толиби илмлар ҳар тарафга қочган.

Үлкадаги иқтисодий ва маънавий тушкунликиниг жонли гувоҳи бўлган Соҳибқирон уни фақат мустақилликни тиклаш ва марказлашган давлатни тузиш билангина бартараф қилиш мумкинлигини яхши англади. У тахтни эгаллагандан кейин ягона иқтисодий ва маънавий тизимни тиклашга қаратилган муҳим чораларни кўрди. Хусусан, у савдо-ҳунарманд вакилларининг фоалиятига зарур шарт-шароитни яратиб, ички ва ташқи карvon йўлларининг хавфсизлигини тўла таъминлади.

«Амр қилдимки, — деб ёзади Соҳибқирон, — хароб бўлиб ётган жойларда коризлар қурсинлар, бузилған кўпприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига янги кўпприклар қурсинлар, йўл устнда ҳар бир манзилга работлар қурсинлар, йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работга бир неча одамни жойлаштиrsинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини ғафлаг босиб ўғирлатиб қўймасликларининг вазифаси ҳам ўшаларнинг зиммасида бўлсин».

Шунингдек, Соҳибқирон Туркистонда ва қарам мамлакатларда савдогарларни ва карvonбошиларни тайёрлаб, Ҳинди斯顿, Хитой, Туркия ва Оврўпо мамлакатлари билан савдони рафбатлантириди. Соҳибқирон ўзи ҳаётга татбиқ қилган чораларининг оқибатларига тўхтаб шундай деган: «Менинг ёки ҳокимларининг амри билан жиноятчиларга мирабблар жазо беради. Бундан чиққан натижа шулдирики, бир киши Анқарадан Самарқандга қимматбаҳо моллари билан жўнаса, улар ясовулсиз оддий юриш билан тинч-омон юра олар эди. Йўллардаги қароқчилардан омонлигни таъмин этиб қўйганман. Ҳеч бир одам у карvonларнинг молига ёмон кўз билан қарай олмайди».

Яна бир мисол: «Бир табоқ олтинни бир кичкина боланинг бошига қўюб, шарқдан ғарбга, шимолдан жанубга йўлланса, орадан йиллар ўтади, кичкина бола болиғ (етук) ҳам бўлади, бошидаги олтиннинг бир донасига ҳам нуқсон етмайди. У болани алдаб ёки зўрлик ишлатиб олтинни олғувчи одам менинг қўл остимда топилмайди».

Соҳибқироннинг ягона иқтисодий тизим хусусидаги сиёсати кўп ўтмай ўз самарасини бериб, яқиндагина

харобадаги ўлкада мўл-кўлчилик ва арzonчилик кўзга ташланди. Айни бир пайтда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва сифати юқори даражага кўтарилиди. Масалан, бир дона буғдой уруғидан икки юздан тўрт юз донагача ҳосил олишга эришилди. Фалла жуда кўп етиштирилиши орқасида уни сақлашга омборлар етишмай қолган.

Шуниси эътиборга сазоворки, темурийлар давлатидан кейин юзага келган Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари даврида (XVI—XIX асрнинг 60-йиллари) ўзаро урушлар узоқ давом этган бўлса-да, лекин ягона иқтисодий ва маънавий тизим ўз йўлида бораверди. Бироқ, ўзаро қонли тўқнашувлар ва парокандалик ягона тизимни кенг кўламда ривожланишига тўсқинлик қилди. Бундан XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигига ҳукмроилик қилган Абдуллахоннинг даври мустаснодир. Бу вақтда минтақаннинг бир давлатга бирлаштирилиши орқасида ягона иқтисодий ва маънавий тизим ҳар томонлама илфорлашди.

Иқтисодиёт билан ёнма-ён ягона маънавий тизим ҳам шаклланиб ва ривожланиб бораверди. Бу биринчи навбатда адабиёт, тарих, ҳалқ маорифи ва санъат соҳаларида ўз ифодасини топди. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм ва Фарғона водийсидаги мактаб ва мадрасаларда турли ҳалқларнинг вакиллари таълимтарбия олдилар. Барча ҳалқлар учун ягона алифбо ва дарслик қўлланилди. Шунингдек, «умумий уй» ва «умумий ватан» фоялари кишиларнинг қон-қонига сингиб кетган эди. Бундай фазилат адабий, тарихий ва фольклор асарларида, санъатда ва умуман, жамоа аҳлининг фикру зикрида ўз ифодасини топган.

Ягона маънавий тизимнинг ташкил топишида ва ривожланишида ислом динининг таъсири беқиёс катта самара берди. У умумий турмуш тарзини, ҳаёт қонун-қондалари ва тартибларини, ватанга содиқликни таъминлади. «Ватанни севмоқ иймондандир» ҳадиси ҳар бир кишининг онгига қаттиқ ўрнашган эди.

Шуни айтиб ўтнш лозимки, тинчлик ва барқарорлик ҳукм суриб, марказий ҳокимият куч-қудратга тўлгандагина, ягона тизимнинг самарадорлиги ошган ҳамда фан ва маданият ўсган. Олимлар, дин пешволари ва бошқа зиёли вакиллар миллатидан қатъи назар бирбирларини ажратмасдан ва туртмасдан умумватан манфаатларини кўзлаб иш юритганлар.

Умумий хулоса шуки, ягона сиёсий, иқтисодий ва

маънавий тизим жамиятни ва тараққиётни йўналтирувчи куч сифатида минтақадаги турли халқларни бир катта оиласа бирлаштиришга, дўстлик ва ҳамкорликни таъминлашга олиб келиб, «Туркистон—умумий уйимиз» фоясини кишилар онгига сингдирди. Бу ғоя ӯз навбатида мустақиллик ва озодлик учун олиб борилган қаҳрамона курашларнинг таянчи эди.

Буни яхши англаған чор ҳукумати минтақани учқисмга парчаланган ҳолида ҳукмронлик қилиб, миллий давлат мустақиллигини йўқса чиқарди. У ўлкани Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириди. Бу сиёsat совет даврида авжга миндирилди, хусусий мулқчиликнинг, дин, эркин иш билармонлик ва савдо-сотиқнинг тақиқланиши том маънодағи ягона миллий тизимнинг моҳияти ва йўналишини ўзгартириб юборди. Зеро, у мустамлакачилик ва миллий зулм хусусиятларини ўзида мужассамлаштириди. «Туркистон—умумий уйимиз» фоясининг таг илдизи билан қўпоришга ва миллий низоларни кучайтиришга ҳеч нарсадан тоймади. Аммо 70 йилдан ортиқ ҳукм сурган бу сиёsat, пировардидага кўз олдимиизда ҳалокатга учради.

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан тарихан шаклланган «Туркистон—умумий уйимиз» фояси минтақамиз ҳаётининг кун тартибида турибди. Бу борада Ўзбекистон, Қозогистон ва Қирғизистон ўрталарида ягона иқтисодий тизим ҳақида тузилган битим дастлабки қадам бўлган эди. Ҳозирда ягона тизимни ҳамма республикаларда амалга ошириш шу куннинг талабига айланди. Уни барча кишилар қўллаб-қувватламоқда. Шундай бўлганидан кейин, минтақа олимлари ва муваҳассислари биргаликда ягона иқтисодий ва маънавий тизимнинг моҳияти ва йўналишини белгиловчи масалалар бўйича ишни бошлаб юборишилари лозим. Менимча, бутун масалаларни ва ўзаро алоқаларни мувофиқлаштирувчи минтақавий кенгаш тузилса яхши бўларди. Ўлгадаги ер ости ва усти бойликлари шу даражада етарлики, республикаларнинг эҳтиёжини бемалол қондириб, хорижий мамлакатларга қарам бўлишлик учун ўрин йўқ.

Шунингдек, «Буюк Туркистон» номида минтақа доирасида маҳсус газета ва журнал нашр этилиши мақсадга мувофиқдир. Адабий, тарихий ва бошқа соҳалар бўйича асарларни яратишга киришиш фойдадан холи бўлмайди. Умуман, «Туркистон—умумий уйимиз» нуқ-

тай назаридан фан ва маданиятнинг барча тармоқлари бўйича ишларни бошлаш керак.

Ишончим комилки, тарих синовидан ўтган «Туркистон — умумий уйимиз» фояси кейин ҳам, қанча вақтлар ўтса-да, шунча кўп куч-қувватга тўлиб, тантана қила-ди.

«Ўзбекистон овози» г., 1995, 13 маъ.

## МИЛЛИЙ МАФКУРА — ЖАМИЯТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Маълумки, мафкура, фоя ва тафаккур сингари сўзлар кўп тилга олинниб туради. Ҳатто, уларнинг бир-бирларидан фарқи борми? деган савол туғилади. Шу боис уларга тушунча бериш айни муддаодир.

1981 йилда нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да мафкура сўзига шундай таъриф берилади: «Муайян бир синфнинг манфаатларига қаратилган фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий қарашларнинг системасидир. У идеология (фоя) ҳам демакдир. Пролетар мафкураси ва буржуа мафкураси мавжуд». Кўриниб турибдики, совет даврида мафкура коммунистик фоя, яъни синфий нуқтаи назардан изоҳланган. Аслида мафкура синфий хусусиятга эга бўлмай, жамиятда шаклланган фояларнинг йиғиндиси ҳисобланиб, умумхалқ манфаатларини ифодалайди. Шунинг учун ҳам уни миллий мафкура деб юритилмоқда. Тафаккур сўзи эса у ёки бу масала ва ҳодисалар ҳақда ўйлаш, фикрлаш ва муҳокама этишни англатади. Шуни айтиш лозимки, мафкура қандайдир ҳавои фоялар йиғиндиси бўлмай, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий заминга эгадир. Унинг юзага келиши ва ривожланиши узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Хўш, бу жараён қандай кечган эди?

Биринчидан, жавоб шуки, мафкура ибтидоний жамиятнинг сўнгги босқичида деҳқончиликнинг, ҳунармандчиликнинг ва савдо-сотиқнинг, хусусий мулкчиликнинг ўсиши орқасида юзага келган. Ўша узоқ ўтмиш замонларда киндиқ қонн тўкилган юрга, ишлаб чиқариш маҳсулотларига ва умуман, табиатдаги барча бойликларга эгалнк қилиш фояси кишилар онгни чулгаб олган эди.

Иккинчидан, мафкурунинг иқтисодий замини сиёсий-

тузум билан чамбарчас боғланган ҳолда шаклланди. Зеро, милоддан аввалги асрларда давлатларнинг ташкил топиши мафкуранинг сиёсий негизини шакллантириди. Вақтлар ўтиб бориши билан давлатлар куч-қувватга тўлиб, якка ҳокимлик учун кураш ғояси кучайиб борди. Натижада марказлашган қудратли давлатлар пайдо бўлди.

Ташкин хавф ва тажовузларнинг олдини олиш, халқаро карвон йўлларини ва бозорларни эгаллаш тарихий заруриятга айланиб, мафкуранинг улуғ давлатчилик ғоялари ҳам юзага келди. Оқибатда Буюк Хоразм, Бақтрия, Қанға, кушанлар, эфталитлар, Турк ҳоқонлиги, сомонийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатлари ташкил топди.

Айни пайтда қадимги ва ўрта асрларда ватан мустақиллиги ва озодлигини сақлаш ғояси барқ уриб турди. Чунки ўша замонларда чет элликларнинг она юргта бостириб кириш ҳоллари одат тусига айланган эди. Шунинг учун ҳам жамиятда мафкуранинг ватан ҳимояси, ҳарбий маҳорат, халқ оммасининг жанговарлиги ва ватанга содиқлиги хислатларини ошириш катта ахамиятга эга бўлган. Бу каби халқ тақдирини ҳал этувчи масалаларни амалга ошириш давлатларнинг муқаддас бурчи ҳисобланган. Бу борада изчиллик билан муҳим чоралар кўрилган. Чунончи, йигит ва қизларнинг чавандозликни, мерганликни, қиличбозликни ва найзабозликни ўзлаштиришлари шарт қилиб қўйилган.

Ҳукуматнинг ташаббуси билан бу соҳаларда мусобақалар ўтказилиб турилган. Шунингдек, шаҳарлар ва ҳарбий истеҳкомлар, баҳайбат мудофаа деворлари ва сув тўлдирилган зовурлар билан қуршаб олинган. Халқ оммаси ҳамиша ватан посбони сифатида шайланиб турган. Улар ватан мустақиллиги учун жонларини ҳам, молларини ҳам аямaganлар.

Милоддан аввалги асрларда аҳмонийлар ва македониялик Александр босқинига қарши жангларда юз минглаб ватан ҳимоячилари мустақиллик учун курашларда ҳалок бўлганлар. Бундай қаҳрамонона жанглар кейинги даврларда ҳам кўзга ташланди. Хусусан, араб халифалиги ва мўғулларга қарши олиб борилган жанглар шулар жумласидандир. Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангбурун, Маҳмуд Горобий ва Мавлонозода сингари тарихий шахслар озодлик ҳаракатларининг сардорлари сифатида ўчмас из қолдирдилар.

Учинчидан, мафкура ғоялари дин, фан ва маданият соҳаларида ҳам ўз ифодасини топган эди. Илм-фан, адабиёт, санъат ва умуман, маънавий ҳаётни бойитиш ва такомиллаштириш, умуминсоният тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ғоялари шаклланди. Бу борада катта ютуқларга эришилганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўтмиш замонларда ота-боболаримиз фақат она юртда эмас, балки узоқ мамлакатларда ҳам ислом динини ривожлантиришда муҳим ўрин эгалладилар. «Ватанинни севмоқ иймондандир», деган нақл мафкуранинг шиорларидан бирига айланди.

Шундай қилиб, кўрдикки, ҳозирги миллий мафкуранинг илдизлари ва шаклланиш жараёни узоқ ўтмишга бориб тақалади. У аллақачонлар шаклланган ва ўз самарасини берган.

Аммо мафкура ғоялари ҳамма вақт бир текис йўлдан бориб, изчиллик билан ривожланиш имконига эга бўлмаган. Улар чет эл босқинчиларининг ҳукмронлиги даврида қаттиқ назорат ва таъқиб остида ушлаб турилган. Имкони борича уларни таг томири билан йўқотишга ҳаракат қилинган. Бироқ мафкура ғоялари ўзбек халқининг қалбига шу даражада қаттиқ сингиб кетган эдики, уни ҳеч қандай куч йўқ қиломади.

Ўтмишда халқ жуда машақкатли ва оғир шароитнинг асирига айланмай, ўзини уйгоқ, тетик ва зийрак тутиб, ватан дардида ҳаёт кечирди. Ватан мустақиллигини тиклаш ва тараққиётини таъминлаш мафкуранинг шонли шиори эди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи Россия тажовузига қарши қаҳрамонона жанг қилди. Бу ҳолат ўлкада унинг ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин ҳам давом этди. Чунончи, мазлум халқ 1892, 1898 ва 1916 йилларда қўзғолон кўтариб, ватан мустақиллигини тиклаш учун курашди. Бундай ҳаракат совет давлати ташкил топганидан кейин ҳам давом этди. Масалан, «Туркистон мухторияти»нинг тузилиши ва «босмачилар ҳаракати» шулар жумласидандир.

Демак, 130 йиллик мустамлака даврида миллий мафкура бўғилган бўлса-да, лекин йўқ бўлмади, илҳомбахш куч сифатида кишилар онгида ва қалбида қайнаб туриди.

У зимидан компартияning мустамлакачилик сиёсатини емириб бориб, мухолифатдаги куч сифатида қаддини ростлаб, босқичма-босқич кучайиб борди.

Миллий мафкура курашининг биринчи босқичи 1989 йил июнь ойи билан 1990 йилнинг 20 июня оралиғидаги

даврни ўз ичига олади. Бу вақтга келиб миллий мағкуранинг сиёсий ғояси бир томондан «ўзбек иши»га қарши кураш бўлса, иккинчидан, миллий ҳис-туйгулар ҳамда ватаипарварлик хислатларини тарбиялашдан иборат эди. Ич-ичидан чириб бораётган қизил империя эса қандай бўлмасин, мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсатини бўлажак ҳалокатдан қутқариш учун ҳеч нарсадан тоймай ҳаракат қиласди. Аммо барча республикаларда марказга нисбатан норозилик ва нафрат кучайиб бораверди. Айниқса, суюнгача шиљинаётгани Узбекистонда хавфли вазият юзага келган эди. Зеро, бу ерда салоҳиятли зиёлилар қатлами шаклланнаб, жамиятнинг йўналтирувчи кучига айланмоқда эди. Уларнинг орасида республикадан олиб чиқиб кетилаётган бойиклар ва ноз-неъматлар ҳақида норозилик фикрлари кенг тарқалган эди. Айрим мисолларни келтираман. Узбекистон Фанлар академиясининг илмий йиғилишида таниқли иқтисодчи олим Иброҳим Исқандаров шундай деди: «Қачонгача пахта хом ашё сифатида Россияга олиб кетилаверади. Республиkanинг ўзида тўқимачилик саноатини ривожлантириш керак».

Сиртдан қараганда бу оддий бир гап бўлиб кўриласда, лекин унинг заминида катта сиёсий маъно ётарди. Шунинг учун ҳам, у, залдаги олимларни ҳаяжонлантириб ўзаро шивирлашни қизитиб юборди. Чунончи залда, «олтин, уран ва бошқа бойиклар республикада қолдирилганда итимизнинг туваги ҳам олтиндан бўларди» деган сўзлар эшилди.

Шу онда ёнимда ўтирган бир профессор: «Ҳамиджон туринг кетайлик, Иброҳим сиёсий хато қилди, тағин гувоҳ сифатида тергов бериб юрмайлик»,—деди. Бир зумдан кейин қарасам ўша профессор ура қочиб қолибди.

Бебаҳо бойикларимизни узлуксиз Россияга олиб кетилаётганлиги, кўп колхозлар қарзга ботиб кетганлиги, маошнинг озлиги ва улуғмиллатчилик сиёсати ҳақидаги норозилик сўзларини ишхоналарда, маҳаллаларда, чойхоналарда ва гап-гаштакларда эшитиш мумкин эди. Менинча бу борада, айниқса, Узбекистон Фанлар академияси сезиларни даражада хавф туғдирган, Шунинг учун бўлса керак академия президиумининг кенгайтирилган йиғилишида Узбекистон Республика Давлат хавфсизлик комитетининг раиси бир гуруҳ чекистлар билан келиб партияга содиқликка ва хушёрликка чақириувчи маъруза ўқиди. Шунингдек, Давлат

хавфсизлик комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган генерал академиянинг ишлари бошқармасининг раҳбарлигига тайинланган эди. Бундан ташқари академия президиуми аппаратига истеъфодаги чекистлар ишга олинди. Улар кўкракларига ханжар сурати соилинган нишонни таққан ҳолда гердайиб юришарди.

Академиянинг институтларида ҳам назорат кучайтирилганлиги барчага маълум эди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Сатин фаолларнинг бир йиғилишида Ўзбекистон Фанлар академияси институтлари раҳбарларининг кўпчилигига ўзбеклардан ташкил тоғланлигини қоралаб, уни бартараф қилишни талаб этди. Шу муносабат билан мен ҳам институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимидан «қисқартирилиб» ўрнимга рус олими тайинланди.

Шунингдек, Сатин олий ўқув юртларида, асосан, ўзбек фарзандлари ўқиётганлигини қаттиқ танқид қилди.

Ўзбекистонда коммунистик ва улуғмиллатчилик ғоялари инқирозга учраётганлигини ўша йиллардаги Республика раҳбари Б. Усмонхўжаев партиянинг учинчиplenумида шундай таърифлаган эди: «Кейинги йигирма йил мобайнида Республикадаги ижтимоий фанларда, адабиёт ва санъатда, маънавий турмушининг бошқа соҳаларида тарихий ўтмишни идеаллаштириш, баъзи тарихий воқеалар ва шахсларга баҳо беришда синфий позициядан чекиниш тобора кенг қулоч ёзди. Бу ҳол, бир томондан, омманинг миллий ифтихор предмети хусусидаги қарашларини йўлдан оздирди, интернационал тарбия ишига сезиларли зиён етказди, иккинчи томондан эса, чўнтағида партия билети бўлган «корчалонлар ва бойваччалар» шаънига ҳамду сано ўқиши учун идеологик платформани яратди, кўпгина кадрлар орасида ғоявий бекарорликни келтириб чиқарди.. Республикада чигал идеологик вазият вужудга келганини кўриб турнбсанзлар.

Гарчанд мазкур сўзлар ўша вақтлардаги марказнинг қатагонини «асослаш» мақсадида айтилган бўлса-да, лекин улар ҳақиқий аҳволни акс эттириб тоталитар тизим ғояларининг ҳалокати яқинлашастганлиги ҳақида далолат берарди.

Бу миллий мафкура тобора кўтарилаётганлигининг маҳсули эди, албатта. Буни марказ яхши биларди.

Аммо, илгариги вақтларга ўхшаш сиёсий айбларни уюштиришнинг иложи йўқ эди.

Шунинг учун баҳона топишга устаси фаранг марказ «порахурлик», «пахта иши» ёки «ўзбек иши» ниқобида сиёсий тангликни ҳал этишга киришди. Бу сиёсий найрангнинг иқтисодий томони ҳам бор эди. Марказга Ўзбекистондан дарё каби оқиб бораётган бойликларни янада кўпайтириш ва уларнинг заррачасини ҳам туб аҳолига юқтирмаслик кўзланган эди. Бундан ташқари, «ўзбек иши» воситасида мамлакатда Ўзбекистонни ишончни йўқотган хавфли зона сифатида гавдалантириб Россияядан кадрларни — ўз одамларини келтиришни ва Республика ҳокимияти тармоқларини тамомила эгаллашни мақсад қилиб қўйилди. Айни пайтда бир чамодон билан келадиган ўша «устоз»ларнинг катта бойлик тўплашлари учун шароит яратиш назарда тутилган эди.

Бу Республика бойликларини навбатдаги ўзлаштиришнинг бир тури эди. Умр бўйи даҳшатли фожиаларни уюштиришга, қирғин-баротларга ва тўс-тўполонларга тўймаган марказ «ўзбек иши» бўйича 4,5 минг кишини қамоқقا ташлади, хўрлади ва мол-мулкини талади. Бундан ташқари минглаб кишилар «гувоҳ» сифатида қаттиқ қийноқлар остига олинниб, қип-қизил туҳматдан иборат айномаларни тўқиди.

Ҳатто, «ўзбек иши»дан кейин зиёлиларнинг ва раҳбарларнинг илфор вакиллари ҳам оммавий равища қатағон қилинар эмиш деган овозлар эшитилиб турди.

Бутун миллат бошига даҳшатли офат келиб турган пайтда, унга қарши қалқон бўладиган бирорта раҳбар чиқмади. Аксинча, улар сотқинлик қилиб оловга керосин қуиб турдилар.

1989 йилда Ислом Қаримов республика раҳбари қилиб тайинлангандан кейин вазият кескин ўзгариб борди. У давлат тепасига келиши арафасида аҳволни қўйндагича таърифлаган эди: «Бор гапни айтадиган бўлсанм, кўз ўнгимда даҳшатли, қўрқинчли манзаралар пайдо бўлди». У биринчи бўлиб «ўзбек иши»нинг соҳалигини фош этиб, бутун миллатни офат ва навбатдаги қатағондан қутқарди. У бу хусусдаги марказнинг кўрсатмасини бажаришдан очиқдан-очиқ бош тортиб, мустақил сиёсат юргизди. Худди мана шунда миллий мафкурадаги мустақиллик ғояси ўз ифодасини топиб,

озодлик учун курашнинг биринчи босқичи муваффақият билан ниҳояснга етказилган эди.

Миллий мафкура курашининг иккинчи босқичи 1990 йил 24 март билан 20 июнь оралиғидаги вақтда кўзга ташландн. «Ўзбек иши» ниқобидаги сиёсий курашнинг мағлубиятга учратилиши миллий мафкуранинг озодлик ғоясини яна қаттиқ жўш урдириб, янги курашга отлантируди. Чунончи 1990 йил 24 марта ўзбекистонда президентлик лавозими жорий этилди. Бу олий раҳбарликнинг кўринишларидан бири бўлиши билан бирга чуқур сиёсий маънони англатди. Зеро, у мустақилликни таъминловчи энг муҳим омиллардан бирн ҳисобланиб, озодликнинг даракчиси ва рамзи сифатида намоён бўлди. Президентлик лавозими совет давлати ҳали пишқириб турган бир вақтда бутун Марказий Осиёда биринчи, Иттифоқ бўйича эса иккинчи бўлиб таъсис этилиши зулмат қўйнида чақпаган нурга ўхшаб кетди. Шунинг учун ҳам у қишиларни ҳаяжонлантириб ва ҳайратлантириб юборди, унинг акс садоси барча республикалар бўйлаб тарапиди. Пировардида уларда ҳам президентлик лавозими жорий этилди.

Маълумки, ер, сув, табиатдаги бошқа барча борлиқнинг танҳо эгаси совет давлати ҳисобланнб хусусий мулксиз жамият шакллантирилган эди. Бундай фожиани бартараф қилиш мақсадида 1990 йил 20 июнда ерлар Республика мулкига айлантирилгаилиги ҳақида қонун қабул қилинди. Бу Республика иқтисодий мустақиллигини таъминлайдиган муҳим дастлабки чора бўлди. Айниқса, 1990 йил 20 июнда ўзбекистонда «мустақиллик декларацияси» эълон қилиниши миллий мафкуранинг энг йирик ғалабаси бўлди. У қизил империяни қаттиқ ларзага ва ташвишга солди. Чунки декларацияда ўзбекистон иттifoқ таркибида суворен ва тенг ҳуқуқли мамлакат деб эълон қилинб, ўз давлат бслгилари (герб, байроқ ва мадҳия)ни таъсис этиш ва япги конституцияни ишлаб чиқиши вазифаси қўйилди.

Миллий мафкура курашининг учинчи босқичи 1990 йил 20 июнь билан 1991 йил 31 август ўртасидаги вақтни қамрайди. 1990 йил 31 октябрда ўзбекистонда мулчилликнинг ҳамма шакллари учун тенг шароптни таъминлашга қаратилган қонун қабул қилинди. 1991 йил 15 февралда эса тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида қонун чиқарилди. 1991 йил 22 июнда барча саноат корхоналарини, ташкилотларни ва муассасаларни ўзбекистон иҳтиёрига ўтказиш хусусида қонун чиқарилиши

ҳам катта аҳамият қасб этди. Кўрсатилган қонунлар Республикада хусусий мулкчиликни ва иқтисодий мустақилликни тиклашга қаратилгац навбатдаги катта қадам ҳисобланди.

Миллий мафкуранинг маънавий ғояси бўйнча ҳам катта ишлар қилинди. Миллий ҳис-туйғуларни, ўз-ўзини англашни, ватанпарварликни ривожлантиришни таъминлаш учун кенг шаронт яратилди. Биринчидан навбатда дарҳол коммунистик ғоялардан воз кечилиб маънавий ҳаётни ва турмуш тарзини миллийлаштириш бўйнча муҳим чоралар кўрилди. Бой ўтмиш тарих ва маданий меросга муносабат тубдан ўзгариб борди. Айниқса, оёқ ости қилинган дин қаддини ростлади, минглаб янги масжидлар қурилди ва маданият соҳасида ҳам ўзгаришлар содир бўлди.

Хуллас, 1989—91 йилларда президент Ислом Қаримов бошчилигида «ўзбек иши»нинг бартараф қилиниши, президентлик лавозимининг таъсис этилиши, иқтисодий ислоқотларни ўtkазишга киришилиши ва ниҳоят, «мустақиллик декларацияси»нинг эълон қилиниши мустақиллик ва озодликни узил-кесил таъминлаш учун мустаҳкам замин ҳозирлади. Бунинг орқасида 1991 йил 31 августда Узбекистон мустақиллиги бир томчи қонсиз ва талафотсиз қўлга киритилди. Шундай қилиб, 1989—91 йилларда миллий мафкура ғоялари барқ уриб ўз куч-қудратини намойиш этди. Ҳозирда у шаронт тақо зосига кўра, ўзига хос хусусиятлар билан қўйидагича кўзга ташланиб турибди.

Биринчидан, миллий мафкуранинг сиёсий қиёфаси миллий давлат ва қўшинини тикланишида, президентлик лавозими, парламент, конституция, герб, байроқ ва мадхия таъсис этилишида, ўзбек тилига давлат мақомини берилишида гавдаланиб турибди. Шунингдек, у Узбекистонни БМТга аъзо қилинганлигига, хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқаларнинг ўрнатилишида намоён бўлмоқда.

Иккинчидан, миллий мафкуранинг иқтисодий ва маънавий қиёфаси ҳам товланиб турмоқда. У Республикасининг иқтисодий мустақиллиги тикланишида, бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантиришда, фуқароларнинг мулкдан маҳрум қилинишига барҳам берилишида, шахсий ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантиришда, янги ижтимоий-иқтисодий тизим асосидаги жамиятни бунёд этишда ўз ифодасини топмоқда. Булардан ташқари мафкуранинг иқтисодий то-

мони Ўзбекистоннинг саноат корхоналари, табиий бойликлар ва ишлаб чиқариш маҳсулотларига чинакам эгалиги ташкил этади. Унинг йўналиши Республикани хом ашё манбаилигидан ва тайёр маҳсулотлар бозорлигидан қутқаришдан иборатdir. Ҳозирда бу борада ул-каз ютуқларга эришилмоқда.

Миллий мағкуранинг маънавий асоси ватанга содиқликни, буюк ўзгаришлар билан ғуурланиш ва фаҳрланишни, миллий анъаналар ва урф-одатларни қадрлашни ўз ичига олмоқда. Айни пайтда, у қалбаки коммунистик ғоялар илдизи билан тугатилиб, умуммиллат манфаатларини таъминловчи миллий маънавиятда ўз аксини топмоқда. Фан ва маданиятни мағкуранинг таркибий қисми сифатида жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Улар умуммиллий манфаатлар учун йўналтирилиб, ўз самарасини бермоқда.

Шундай қилиб кўрдикки, узоқ ўтмиш замонларда шаклланган ва тобланган миллий мағкура 130 йиллик мустамлака даврида бўғилган бўлса-да, лекин вақт ўтиши билан 1989—91 йилларда тоталитар тузумга қарши курашни шунчалик кўп қизитиб борди. Зоро, у, зулм занжирларини босқичма-босқич парчалаб, 1991 йил 31 августда мустақиллик тикланишини тўла таъминлади.

«Ҳуррият» г., 1997, 23 июль.

## БЮОК ЎЗГАРИШЛАР ВА ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК ҚУЗГУСИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг янги нашр этилган бешинчи ва олтинчи китобларини ҳалқимиз зўр қизиқиш билан қарши олди. Мазкур китобларда муаллифнинг 1996—97 йилларда баён этган нутқлари, маърузалари ва сұхбатлари жамланган бўлиб, уларда сиёсий ва ижтимоий-иктисодий масалалар чуқур ҳамда атрофлича таҳлил қилинган.<sup>1</sup>

### ЯПГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Мазкур ном билан аталган бешинчи китобнинг биринчи саҳифаси Президентимизнинг Европа Иттилоқи

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Япгича фикрлаш ва ишлас дарв талаба, 5-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон», 1997; Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, 6-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон», 1998.

мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари билан 1996 йил 22 июнда Флоренция шаҳри кенгашида сўзлаган нутқи билан бошланади. Унда Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан алоқаларини ривожлантиришига имкониятлари ва салоҳияти етарли эканини кўрсатишга урғу берилган.

«Ўзбекистон—дейди Президентимиз,— миңтақадаги энг йирик мамлакат ҳисобланиб, табиий ва инсоний ресурсларга бой, Марказий Оснёда алоҳида жуғрофий ва сиёсий-жуғрофий ўрин эгаллади. Улкан табиий, минерал ҳом ашё ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон бугуннинг ўзидаёт Европа Иттифоқига аъзо бўлган кўпгина мамлакатларниг иқтисодий ва савдо соҳасидаги муҳим шерикларидан ҳисобланади» (3—4-бб.).

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон шундай ноёб бойликларга эгаки, хоҳ Оврўпо, хоҳ Шарқ мамлакатлари бўлсин барibir «беллашув»га тўла қодирдир. Аммо гап Республика ning бундай салоҳиятини ва улар даврасида эгаллаши лозим бўлган ўрнини жаҳондаги мамлакатларга кўрсата билиш ва ишонтира олишдадир. Президентимиз бу масалани муваффақият билан ҳал этишга тўла эришган. Бу хусусда унинг АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари учун Вашингтонда 1996 йил 26 июнда ўтказилган брифингда сўзлаган нутқи алоҳида аҳамият касб этади. Асарда келтирилган маълумотларга кўра, ҳозирда Ўзбекистон 94 мамлакат билан дипломатия алоқаларини ўрнатган. Тошкент шаҳрида 35 та хорижий мамлакат элчиноналари очилган. 88 чет эл ваколатхонаси аккредация қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Халқаро Валюта фонди, Жаҳон Банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ва бошқа халқаро ташкилотлар ўз ваколатхоналари ва бүроларини очишган.

Республикада 257 та чет эл компанияси ва фирмаларининг, шу жумладан 28 та Америка компаниялари нинг ваколатхоналари аккредация қилинган. 33 та тижорат банки, 60 дан ортиқ сугурта ташкилотлари ва 8 та йирик чет эл банклари ишламоқда. Президентимиз ўз нутқида она юртнинг турли-туман бойликлари ҳақида ҳам сўзлаб 50 дан ортиқ минерал ресурслар турлари топилганлиги ва уларни тахминан З триллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланаётганлиги тўғрисида ахборот берган. Олтин, газ, нефт ва бошқа табиий бойлик-

ларни ишлаб чиқаришда хорижий мамлакатлар билан кенг кўламда иш юритилмоқда. Чунончи, республикада 2000 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият қўрсатмоқда. Биргина Америка капитали иштирокида 170 дан ортиқ қўшма корхона тузилган. Нутқда Республиканинг ички ва ташқи савдоси тобора ривожланиб бораётганлиги қайд қилиниб, маълум бўлишича 1995 йилда ташқи савдо обороти 6 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ўзбекистон Ташқи Иқтисодий фаолият миллий банки жаҳондаги 30 дан ортиқ мамлакатда 235 та чет эл банки билан вакиллик муносабатларини ўрнатган. Асарда мустақил ҳамдўстлик давлатлари билан ҳам алоқаларнинг ривожланаётганлиги ҳақида қимматли фикр ва маълумотлар мавжуд.

Ўзбекистоннинг нефть-газ тармоғида инвестиция имкониятларига бағишлиланган конференцияда Президентимизнинг сўзлаган нутқи ҳам зўр қизиқиш билан ўқилади. Юртбошимиз 1996 йил 26 июнда Хьюстонда ўтказилган ушбу конференцияда ислоҳотларнинг моҳияти ва йўналиши хусусида шундай деган: «Биз ўз олдимизга қийин, лекин амалга оширилиши аниқ бўлган вазифани — ижтимоний йўналишдаги бозор иқтисодиётига ўтилган, ўзимизнинг ғоят улкан, табиий маъдан—хом ашё ва иқтисодий имкониятларимиздан тўла-тўкис ва самарали фойдаланишни таъминловчи демократик давлат барпо этиш вазифасини қўйдик. Биз шундай иқтисодиётни барпо этишимиз керакки, у Ўзбекистон диёрида яшовчи ҳар бир киши учун муносаб шароитларни таъминлай олсин. Биз жаҳон тизимиға кенг кўламда қўшилган иқтисодиётни вужудга келтирмоқчимиз.

Биз мустақилликка эришган дастлабки кунлардаёқ Ўзбекистоннинг тақдири ва иқтиқболига боғлиқ бўлган энг муҳим устувор муаммолар орасида республиканинг энергетика ва ёнилғи мустақиллигини таъминлаш марказий ўринни эгаллаб келди» (29-б.).

Кўриниб турибдик, ислоҳотлар биринчи навбатда инсон ҳёти ва манфаатларини таъминлаш учун қилинаётганлиги алоҳида таъкидланган. Уларнинг куч-қудрати ва самара бераётганлиги ҳам худди мана шундагиини унутмаслик керак. Президентимизнинг энергетика ва ёнилғи мустақиллигини шакллантиришга қаратилган сиёсати шунчаки бир «хўжа кўрсин» учун айтилган сўз эмас эди, албатта. Зоро, бу соҳада қисқа вақт ичиди кишини ҳайратга соладиган даражада муҳим

чораларни билимдонлик билан амалга ошириб борилди. Аввалинбор, табиий бойликларнинг захиралари ва ҳажми ўрганилиб, ишлаб чиқариш изчилик билан йўлта қўйилди.

Асарда таъкидланишича, разведка қилинган газ захираси салкам 2 триллион кубметр, кўумир захираси 2 миллиард тоннадан ортиқидир, 160 дан зиёд нефть кони бор. Уст-юрт, Бухоро-Хива, Жануби-Фарбий Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғона сингари бешта асосий нефть-газ-минтақаси мавжуд. Нефть ресурслари бўйича умумий имконият 4 миллиард тоннадан ошади. Газ конденсати бўйича 630 миллион тонна, табиий газ бўйича салкам 5 триллион кубметрни ташкил этади. Нефть ва газ ресурслари захираларининг қиммати бир триллион АҚШ долларидан ошиб кетади.

Президентимизнинг сўзича Ўзбекистонда нефтнинг разведка қилинган захиралари тайёрлиги даражаси фаяқат 32 фоизни ташкил этади. Туркменистанда бу кўрсаткич 61 фоизга, Қирғизистонда 41 фоизга, Тожикистанда 60 фоизга тенг. Биздаги нефть-газ ресурслари олий даражали сифати билан ҳам ажralиб туради. 1997 йилда ишга туширилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 660 минг тонна бензин, 1,3 миллион тонна дизел ёнилгиси, 300 минг тонна авиация керосини ишлаб чиқаради.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг аҳамияти ҳам беқиёс каттадир. Президентимизнинг Ўзбекистонда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция имкониятлари бўйича 1996 йил 28 июня Колорадо штатининг Деневер шаҳринда ўтказилган конференцияда сўзлаган нутқида ҳам муҳим масалалар ўз ифодасини топган. У конференция минбаридан Ўзбекистоннинг довруғи ва шуҳратини таратишга қаратилган сўзларни айтиш билан бир қаторда шундай деди: «Бугун биз илк бор ўзимиз, бошқа мамлакатлар воситасиниз ҳақиқатан ҳам гўзал ва ноёб бўлган диёримиз бойликларини тақдим эта оламиз. Бу ҳол Ўзбекистон ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритгани шарофати билангина рўй берди. Биз бу йил мустақиллигимизнинг беш йиллигини нишонлаймиз. Неча ўн йиллар мобайнида мамлакатимиз ер ости бойликларининг ҳаммаси — олтин, газ, нефть, пахта совет итифоқининг бойлиги сифатида тақдим этилар эди. Ўзбекис-

тон ўз ресурсларидан ўз манфаатлари, ўз халқи манфаатлари йўлида фойдалана олмас эди.

Ўзбекистон демократик ривожланиш ва янгиланиш йўлидан, ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан ишонч билан бораётган бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида интеграцияга интилишимиз, ташқи дунёга эшикларимизнинг очиқлнги ана шу ресурслардан фойдаланиш учун ажойиб имконият яратмоқда» (41—42-бб.).

Дарҳақиқат мустақиллик туфайли ўзимизнинг бойлигимизга узимиз эга бўлиб, жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари яратилди. Нутқда келтирилган маълумотлар шу ҳақида гувоҳлик берадики, бойликлар ўзининг чинакам эгасининг қўлига теккандан кейин Республиканинг фахри ва зийнати сифатида гавдаланиб, кенг кўламда ривожланиш йўлига ўтди. Ҳозирда маъдан ашёсининг юзга яқин турини ўз ичига оладиган 2700 дан кўпроқ кон ва истиқболли маъдан манбалари аниқланди. Умумий маъдан хом ашё имкониятининг қиймати 3,3 триллион АҚШ долларидан ошиб кетади. Ҳар йили кошлардан 5,5 миллиард долларлик фойдали қазилмалар олинмоқда ва бунинг ёнига янги захиралар қўшилиб 6,0—7,0 миллиард долларлик миқдорга етказилмоқда.

Олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам ва бошқа фойдали қазилмалар бўйича Ўзбекистон жаҳонда олдинги сафда турибди. Масалан ватанимиз олтин захиралари бўйича дунёда 4-ўринда, уни қазиб олиш даражаси бўйича 7-ўринда бормоқда. Мис захиралари бўйича 10—11-ўринни, уран захиралари бўйича 7—8 ўрнини эгалтаб турибди. Рангли металларнинг захиралари, асосан, Тошкент вилоятида тўпланган бўлиб, бу ерда миснинг 18,5 миллион тоннадан кўпроқ захираси борлиги аниқланди. Ураннинг захиралари 120 минг тонна бўлиб, уни қазиб олиш 50—60 йилга стади. Қалай ва қўрғошин ҳам кўп бўлиб, уларни 100 йилдан ортиқ вақт давомнда ишлаб чиқариш мумкин. Шунингдек, 20 та мармар кони, 15 та гранит ва габро кони аниқланган. Фосфоритларнинг захираси 70 миллион тоннани ташкил этади. Ҳозирда йилига 5,0 миллион тонна фосфорит тайёрлаш қувватига эга бўлган комбинат қурилмоқда. Мурунтовда йилига 13,8 миллион тонна рудани қайта ишловчи ва қиймати 225 миллион доллар бўлган корхона 18 ойда битказилди. Ҳозирда бу ерда сифати жиҳатидан тенги йўқ олтин ишлаб чиқарилмоқда.

1996 йил 19 июлда Асакада «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасининг ишга туширилиши тарихий воқеа сифатида гавдаланди. Унинг очилиши маросимида Президентимиз шундай дедилар: «Бугун нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасида, балки собиқ иттифоқ миқёсида ҳам бутунлай янги завод — қўшма корхона ишга тушиши, тарихимизда илк бор замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган енгил машиналар — автомобиллар ишлаб чиқарилиши — бунинг ўзи биз танлаган спёсатнинг тамал тоши, десак ҳеч қандай муболага бўлмайди» (75-б.). Республикада янги иқтисодий тизимни қуриш жараёни ва аҳамиятини англашда Президентимизнинг 1996 йил 25 июлда Вазирлар Маҳкамасида ва 1996 йил 25 августда Олий Мажлисинг Биринчи чақириқ VI сессиясида сўзлаган нутқлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Маълумки, Республика раҳбарияти ўтмишдаги юксак маданиятимиз ва умуман, тарихимизни ўрганиш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Масалан 1996 йилини «Амир Гемур йили» деб эълон қилишини ва Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигининг ўтказилиши шулар жумласидандир.

Президентимизнинг жаҳон миқёсида ўтказилган тадбирлардаги нутқларни маърузалари маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлиб қолди. Уларда миллий ҳис-туйғулар, ўз-ўзини англаш, ғуурланиш ва фахрланиш сингари олий фазилатлар намоён бўлиб, кишилар қалбида ватаппарварлик гояларни янада жўш урди.

Асадаги Республика ҳаётига доир бошқа масалалар бўйича ҳам нутқ ва маърузалар мамнуниятлик билан ўқилди.

## ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЕТ ЙУЛИДА

Ушбу номда нашр этилган 6-китоб Президентимизнинг 1997 йил 21 март — 25 декабрь оралиғида сўзланган нутқлари, маърузалари, сұхбатлари ва табрикларини қамрайди. Унинг асосий қисмини «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари ташкил этади.

Маълумки, Республика раҳбарияти фаолиятида вилюятлар, туманлар ва қишлоқлардаги оддий меҳнаткашлар билан мулоқотда бўлиш одат тусига айланган. Ай-

ниңса, Президентимизнинг вилоят миқёсида ўтказила-  
диган йиғилишларда сўзлаган нутқлари ва маърузала-  
рининг аҳамияти каттадир. Булардан бири 1997 йил  
30 апрелда унинг Андижон вилоят ҳалқ депутатлари  
кенгашида сўзлаган нутқидир. Бунда вилоятдаги қўлга  
кпритилган ютуқлар, камчилик ва вазифалар хусусида  
қимматли фикрлар баён этилган. Унда барча вилоятлар  
учун сабоқ бўладиган ишлар қилинганини қайд қили-  
нио, раҳбарлик услубларини янада такомиллаштириш  
ва уларнинг самарадорлигини ошириш лозимлиги уқ-  
тириб ўтилди. Бунинг учун шу кун талаби нуқтаи на-  
заридан изчиллик билан ишни ташкил қилиш таъкид-  
ланди. «Мустақилликнинг, — дейилади нутқда, — ол-  
тинчи йилида яшайимиз. Бу тарихан қисқа муддат бўл-  
сада, маълум бир янгилик мөҳиятини англаб олиш учун  
етарли муддат деб ўйлайман.

Энди эскича ишлашга интилиш, эски қолипларни  
асраш, кечаги кун билан яшаш умидларидан воз ке-  
чайлик, эскилик сарқитларидан соқит бўлайлик. Янги-  
ликка, янгича тафаккурга йўл очиб берайлик. Одам-  
ларни ҳам шунга даъват этайлик» (13-б.).

Ҳеч кимга сир эмаски, Республика раҳбарияти мус-  
тақилликнинг илк давридан то шу кунларгача миллий  
кадрларни тайёрлашга алоҳида аҳамият бериб келмоқ-  
да. Бу соҳада талай ишлар қилингани маълум. Бироқ  
ҳозирги замон талаби ва тараққиёти кадрларнинг би-  
лимли бўлишини, уларнинг дунёқарashi ва маҳорати  
тобора такомиллаштирилишини тақозо этмоқда. Бу  
муҳим масала бўйича ўз ечиминн кутаётган муаммолар  
оз эмас. Шунинг учун ҳам Президентимиз 1997 йил 5  
июнь куни Тошкентда «Кадрлар тайёрлаш бўйича мил-  
лий дастурни тузиш» комиссиясининг йигилишида за-  
монавий кадрларни тараққиётимизнинг муҳим омили  
деб баҳолаб, уларни тайёрлаш бўйича ўзининг қиммат-  
ли маслаҳатларини берди. «Истиқлол шарофати билан,  
— деди Президентимиз, — Ўзбекистон дунёга юз очди.  
Бутун дунёдаги демократик, мутараққий давлатлар  
тажрибасини ўрганиш имкониятлари фойят кенг. Бу бо-  
рада ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Улар тўплаган тажрибанинг  
биз учун мақбул жиҳатларидан фойдаланиш ҳам мил-  
лий дастуримизда кўзда тутилмоғи даркор. Энг муҳими,  
шуни англаб етишимиз керакки, кадрлар масаласи-  
ни ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган  
натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзга-

риши қишин кечади. Демакки, замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор.

Чунки, бизнинг халқимиз талант ва иқтидор жиҳатидан ҳеч кимдан кам эмас. Унга маърифатнинг равон йўллари очиб берилса, жаҳонда ўзига яраша обрўли ўринни эгаллай олади» (263-б.).

Китобдаги «Янгича тафаккур — замон талаби», «Асосий мақсад — иқтисодий юксалишга эришишdir», «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг тантанали очиш маросими», «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида» ва бошқа масалаларга багишланган нутқларнинг аҳамияти ҳам бекиёс каттадир.

1997 йилда маънавий ҳаётимизда ҳам муҳим тарихий воқеалар юз берди. Ҳусусан, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали очилди, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги ўтказнлди. Шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг ташабbusи билан мазкур тадбирларнинг жаҳон миқёсида ўтказилиши ва уларда юртбошимизнинг сермазмун нутқлар билан чиқиши тарихда ўчмас из қолдирди. Улар Ўзбекистоннинг қадимий юксак маданияти ва довруғини жаҳон узра таратди.

Президентимизнинг китобдан кенг ўрин олган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асари моҳияти, йўналиши ва аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда қимматлнди. Унда нафақат Ўзбекистонни, балки кўпгина жаҳон мамлакатларини қизиқтираётган ва ташвишлантираётган масалалар юқори савида ҳал этилган. Асар билимдонлик билан пухта ёзилган бўлиб, сиёсий ва ижтимойи-иқтисодий ҳаётнинг мукаммал дастури сифатида памоён бўлиб турибди. Уфақат келажакнинг йўл-йўриғи эмас, балки мустақилликка эришилгайдан кейинги йилларда ортирилган бой тажрибаннинг маҳсулларни сифатида ҳам диққатга сазовордир.

«Ўтган йилларининг мантиқи, — дейилади асарда, — бизни ҳозиргни кунда учта асосий саволга мурожаат қилишга унダメқда. Ўзбекистоннинг келажаги ана шу саволларга қандай жавоб беришимишга боғлиқ. Булар қўйидагилардир: хавфсизликни қандай сақлаш лозим? Барқарорликни қандай таъминлаш даркор? Тараққиёт

йўлидан сабит қадам ривожланиш нималар ҳисобига эришиши мумкин?

Хавфсизлик, барқарорлик ва танланган йўлдан офиши маслих деган ана шу оддий сўзлар замирида чуқур маъно-мазмун бор. Биз буни билиб олмоғимиз ва англаб етмоғимиз зарур» (34-б.).

Бинобарин, асарда ниҳоятда мураккаб мақсад ва вазифалар гавдалантирилган. Унда Республика халқларининг хавфсизлиги, тараққиёти ва жаҳон даврасида мавқсини таъминлашга қаратилган масалалар таҳлил қилинган. Асарининг «Хавфсизликка таҳдид» номли биринчи бобида минтақавий можаролар ҳақида сўз юритилниб, қонли тўқнашувлар орқасида бутун дунёда 50 миллион қочоқ борлиги айтилган. Сўнгги йилларда Афғонистон ва Тожикистондаги урушлар итижасида юз минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриди, шаҳар ва қишлоқлар вайронага айлантирилди.

Мазкур даҳшатли урушнинг қўшни давлатлар, шу жумладан Узбекистоннинг миллий хавфсизлигига ҳам салбий таъсир этиши мумкинлиги қайд қилинган. Унда миллий можароларни ва қонли урушларни фақат тинч йўл билан ҳал қилиш ва уларнинг олдини олншга қаратилган ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш Республика стратегиясининг асосий йўналиши эканлиги таъкидланган.

Китобнинг «Днний экстремизм ва фундаментализм» масаласига бағишлиланган қисмида жаҳондаги энг йирик динлардан бўлган исломнинг жамиятдаги юксак ўрни ва одамзод ҳаётининг таркибий қисми эканлиги алоҳида таъкидланган. «Биз, — дейди Президентимиз, — дин бундан буён ҳам аҳолининг энг олий руҳни, ахлоқий ва маънавий қадрнятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон днний даъватлар ҳокимиёт учун курашга, сиёsat, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралashiш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз» (59-б.).

Китобда днний экстремизм ва фундаментализмни билан бир қаторда буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик қаттиқ қораланган. Чунки улар авторитар тузумнинг ўрнатилишига ва диктатуранинг тикланишига олиб келиши турган гап.

Этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва

жиноятычиликка тегишли масалалар ҳам чуқур ва атроф-лича таърифланган. Унда давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг устувор бўлишига асосланиши зарурлиги, миллий озчиликнинг ҳуқуқлари ҳам камситилмаслиги шарт қилиб қўйилган.

Шунингдек, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари ва экология муаммолари бўйича кенг кўламда фикр изҳор этилган. Китобнинг «Барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари» помли қисмида долзарб масалалар кўтарилган. Биринчи навбатда маъшавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши хусусида сўз юритилиб, шундай дейнлади: «Тарих хотираси, ҳалқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади.

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк авлодларимизнинг ишлари ва жасоратлари хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантироқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда» (127-б.).

Китобда ўзбек ҳалқи қаддининг тикланиши, миллий маънавий-ахлоқий идеалларнинг шаклланишида чуқур миллийлик билан умуминсонийликининг чамбарчас боғлиқ бўлиши лозимлиги уқтириб ўтилади. Бу ҳолат Ўзбекистонда амалда ҳукм сурәтганлиги туфайли миллатлараро тотувлик ва ҳамкорлик борган сари кучайиб бормоқда. Ҳозирда ҳар бир киши миллати ва динидан қатъи назар ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда умумий руҳиятга ва хулқ-атвор фалсафасига, билимдонлик, ҳозиржавоблик ва мустақил фикрлаш сингари фазилатларга эга бўлаётганлиги қувонарлидир. Ҳозирги замон тараққиёти худди мана шундай одамларни етиширишни талаб этмоқда.

«Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумини маъқул кўрнишини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда» (134-б.).

Асарнинг давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш масаласига бағишланган саҳифаларида истиқлол йилларида мустақил миллий давлатчиликнинг пойдеворлари бунёд этилиб, эски маъ-

мурий-буйруқбозлиқ тизими ва бошқарув органлари тугатилганлиги баён этилган. Бунда 1992 йил декабрида конституциянинг қабул қилиниши катта аҳамиятта эга бўлди. Айни пайтда президентлик лавозимининг таъсис этилиши, янги демократик сайлов тизими асосида парламентнинг ташкил қилиниши муҳим сиёсий воқеа ҳисобланди.

Асарда навбатдаги вазифалар ҳам равshan ва аниқ белгиланган. «Ҳозирги вақтда, — дейилади китобда, — демократик сиёсий тизимнинг энг муҳим субъекти бўлмиш давлатчиликни ислоҳ қилишда янги вазифалар кўндаланг турибди. Бу, авваламбор, ҳозирги босқичда сиёсий институтларнинг ва нодавлат ижтимоий уюшмаларнинг хилма-хиллиги ҳамда уларнинг роли мустаҳкамланиши, шунингдек, аҳолининг сиёсий фаоллиги ошиши асосида жамият ҳаётини янада демократиялаш вазифалари муҳим ва долзарб бўлиб қолганлиги билан изоҳланади» (141-б.).

Президентимизнинг миллӣ ҳавфсизлик ва қуролли кучларнинг тутган муҳим ўрни ва вазифалари ҳақидағи фикр-мулоҳазалари ҳам асослидир. Ҳозирги замон шароитида фуқаролар сиёсий фаолиятининг жўш уриб туриши ҳаво билан сувдек зарур. Буни яхши англаған юртбошимиз демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш бўйича ўзининг алоҳида фикрини билдиради. Мустақиллик ўрнатилгандан кейин Ўзбекистонда фуқароларнинг давлатни бошқаришда қатнашиш имконини берадиган қонун асослари яратилди.

«Бироқ, — деб уқтирилади китобда, — ҳали жамият ва фуқаролар давлатнин бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлишига ва ҳуқуқидан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак (173—174-бб.). Шунингдек, сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатларининг жамиятдаги тутган ўрни юқори баҳоланиб, уларнинг фаолияти учун етарли шароит яратилиши кўрсатилган. Асарда бозор муносабатларининг қарор топниши, мулкдорлар синфининг шаклланиши, кучли ижтимоий-сиёсий, жуғрофий, стратегик имкониятлар, инсон салоҳияти ва ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси, туб ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари сингари масалалар ўз ифодасини тўла топган.

Қитоб жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик масаласини ёритиш билан ниҳоясига етказилган.

Умумий хулоса. Биринчидан, Президент Ислом Каримовнинг асарлари тамомила янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизимни қуриш жараёнида ортирган бой тажриба ва изланишларнинг маҳсулидир. Улар илмий асосда ёзилиб, назарий ва амалний жиҳатдан катта аҳамият касб этади. Уларда миллий давлат ва қўшиннинг куч-қудратини, тинчлиқ ва барқарорлик ва хавфсизликни, Республиkanинг жаҳон даражасидаги мавқеи ва салоҳиятини таъминловчи йўл-йўриқлар белгиланган.

Уларда янги иқтисодий тизимни, хусусий мулкчилик ва бозор иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги ва саноатни жаҳон андозаси даражасида ривожлантириш чоралари кўрсатилган. Ҳамда Ўзбекистоннинг хом ашё манбан ва тайёр маҳсулотлар бозорлигидан узил-кесил қутқариш йўллари баён этилган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ва хорижий мамлакатлар билан сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқаларни тобора ривожлантириб бориш чоралари тавсия этилган.

Иккинчидан, асарлардаги фикр-мулоҳазалар қулликдан озод этилган халқнинг ҳақ-хуқуқларини таъминлашда миллий ҳис-туйғулар, ўз-ўзини англаш, ватан-парварлик ва умуман, сиёсий фаолнят жўш уриб муҳим ўрин эгаллаши масаласига қаратилган. Бу ўз навбатида маънавий ҳаётни янада бойитади ва тако-миллаштиради, фан ва маданият равнақига катта имкониятлар яратади.

Айниқса, Президентимизнинг яқинда кенг ўқувчилар оммасига ҳавола этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг таъсири доираси нафақат Ўзбекистонни, балки қатор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ва хорижий мамлакатларни ҳам қамраб олди. У кўп тилларга таржима қилинди. Асар Ўзбекистонда қурилаётган буюк давлат пойдеворини таъминловчи дастур, тараққиёт ва фаровон ҳаётнинг даракчиси сифатида улкан аҳамият касб этиб турибди.

«Мулоқот» ж., 1998, 3—4-сонлар.

## ҚАЛБЛАРГА НУР СОЧГАН «ЎЗБЕГИМ»

Бутун республика аҳли таниқли ва севимли адаб Эркин Воҳидов таваллудининг 60 йиллигни ва «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланганлиги ҳақидағи хабарни зўр мампуният ва хурсандчилик билан қарши олдилар. Кўпчилик қатори мен ҳам ғоятда шодландим. Бу борада бизлар ёлғиз эмасмиз. Зоро, унинг муҳлислари хорижий мамлакатларда ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Чунки, Эркин Воҳидов ноёб истеъдод ва фазилатлар соҳибиdir. У ҳамиша она юрт дарди ва ишқи билан яшаб, зару дур каби товланадиган кўплаб шеърлар ва бошқа жозибадор асарлар ёзди. Бу табаррук зотининг, айниқса, «Ўзбегим» шеъри оламга маълум ва машҳурдир. Уни мароқ билан ўқиб ёки тинглаб, куйга солинган қўшигини эшитиб, ҳаяжонланмаган ва завқланмаган ким бор? Бундай одамни топиш амри маҳол. Бизда «Ёв қочса, ботир кўпаяди» деган нақл бор. «Ўзбегим» қасндининг тарихий аҳамияти шундаки, у «ёв қочганда» эмас, балки шўро ҳукумати қиличини қайраб турганида жаранглади. У ёзилганида коммунистик партияning улуғмиллатчилик тоталитар сиёсати ҳукм сурниб, ўз-ўзини англаш, она юрти билан ғурурланиш ва фахрланиш сингари миллий ҳис-туйғулар, миллий манфаатлар ҳибсда эди. Бутун мамлакатда қаттиқ назорат ва таъқиб авжга чиққан эди.

Қолаверса, ёзувчилар, шоирлар, олимлар ва умуман, зиёлилар ёппасига партняниг қалбаки миллий сиёсатини, социализм тузумини, пролетар интернационализмини мақташ ва олқишлиш билан банд эдилар. Улар учун ўз миллатини улуғлаш ўта хавфли ва ғайритабиий эди. Мана шундай хатарли ва қалтис шаронтда фақат ўта жасоратли ва чинакам ватанпарвар кишигина бош кўтариб, партияниг чизифидан четланиши мумкин эди. Бундай шахс Эркин Воҳидов мисолида яққол кўзга ташланди. Зоро, унинг «Ўзбегим» шеъри «оғзига қулф ва оғенига кишан солинган» ҳалқнинг миллий ҳис-туйғуларини ва снёсий қарашларини чархлади. Менинг на заримда Эркин Воҳидов мазкур шеъри воситасида: «Эй, ўзбегим! Кўзингни оч, сен қудратли давлатларнинг ва оламшумул аҳамиятга молик тараққиётни яратган ҳалқнинг авлодисан, ўз насл-насабнингни, буюк ўтмишингни ва қадр-қимматингин унутма», — деб жар солди. Бу амалда ўз даври учун ошкора исёнкорликининг худди

ўзи эди. Энди «Ўзбегим» халқимизга қандай таъсир этганлиги хусусида айрим мисолларни келтираман.

Кунларнинг бирида марҳум академик И. Мўминовнинг хонасида академик Яхё Гуломов, Тарих институтининг директори М. Охунова ва унинг ўринbosари камина суҳбатлашаштганимизда И. Мўминов:

— Мен Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» шеърини ўқиб, ниҳоятда мамнун бўлдим. Айтингларчи, сизлар уни ўқидингларми? — деди. Яхё ака билан Мелихон эшигларини, лекин ҳали ўқимаганларни айтишди.

— Ҳамидулла, — деди у менга, — Сиз Эркин Воҳидов билан танишмисиз?

— Сиртдан биламан, лекин учрашмаганман. Ҳақиқатан ҳам «Ўзбегим» ажойиб шеърdir, — дедим.

— Ҳаммангизга шеърни ўқишни тавсия қиламан. Ҳамидулла, сизга топшириқ шуки, тайёрланётган «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг бир томлигидаги «Фан ва маданият» бобига Эркин Воҳидовнинг ижодини ва «Ўзбегим» шеърини киритинг.

И. Мўминовнинг бу шеърга юқори баҳо бериши ва таъсирланиши бежиз эмас эди. Чунки унинг ўзи миллатпарвар бўлганлиги учун шу руҳда сугорилган шеърни қадрлаши турган гап эди.

Афсуски, И. Мўминовнинг вафотидан кейин нашр этилган ўша бир томликка «Ўзбегим» шеърини киритишга йўл берилмади. Ўша даврда академиянинг Вице-президенти М. К. Нурмуҳамедов «давайте проявим осторожность» деб таклифимни рад этган эди.

Академик Яхё ака меҳмондўстликда тенги йўқ одам эди. У уйида тансиқ овқат тайёрланадиган бўлса, дўстларини ва шогирдларини таклиф қиласа, Шундай йигилишларнинг бирида «Ўзбегим»ни шундай бир чиройли ва таъсирли ўқидиларки, ҳаммамиз ҳайратда қолдик. Сўнгра Яхё ака «мен хонаки шоир ҳамман» деб ёшлиқ вақтларида дафтарга битилган шеърларини ўқиб берганларида, яна бир бор ҳайратлаидик.

Устоз ва мураббиний Яхё ака Эркин Воҳидовнинг мухлисларидан эди. У киши билан тўйда бўлганимизда, хонанда «Ўзбегим» ашуласини шу дараҷада моҳирона ижро этдикк, домламизнинг кўзлари ёшланганлигини пайқадим. Бундай бўлнишига асос бор эди. Яхё аканинг акаси «миллатчи» ва «халқ душмани» айби билан отилган.

У кишининг ўзи ҳам кўп маротаба тергов азоблари-

ни тортган ва «қора рўйхат»га тушган олимлардан эди. Яхе аканинг миллий ҳис-туйғуларни, миллатчилиги ва ватанпарварлиги таъқиб остига олинган бир пайтда «Ўзбегим»нинг жаранглаши унинг дарди ва аламига малҳам бўлди.

Кўшнимизнинг никоҳ тўйида Рассоқ Ҳамроев, Соиб Ҳўжаев ва Муқимий номли Мусиқали театрнинг бошқа артистлари қатнашган эди. Тўй қизинб, авжнга чиққан пайтда Рассоқ Ҳамроев «Ўзбегим»ни катта иштиёқ ва мароқ билан ўқиганида, меҳмонларнинг ҳолати ва кайфияти бирданига ўзгарниб кетди. Улар ўзаро сухбатлашиб ва баҳслашиб, ота-боболаримиз ундоқ-бундоқ бўлган дейишиб, ҳар ким ўтмиш воқеаларини бир-бирига гапира кетди.

Менинг рўпарамда ўтирган Қосим ака эса: «Бувам Матниёз Хива хонлигидаги девонбеги лавозимидаги ишлаб, минора ва масжидлар қурдирган, ажойиб боғимиз ва кўп мол-мulkимиз бор эди, барчасини тортиб олишди.

Мана, биргина Хивани олинг, ҳозир ундаги маданият ёдгорликлари жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Эркин Воҳидовга қойилман, ҳақиқатан ҳам биз ўзбеклар қадимий ва улуғ халқмиз», — деди.

Гапга Анвар ака аралашиб: «Домла, нима учун тархчилар «Ўзбегим» руҳидаги асарларни ёзмайдилар?» деди. У: «Шўrimiz қурсин, наҳотки тарихимизни қандай бўлса, шундай ёзолмасак», — деб чиқиб кетди.

Шундан кейин ҳам баҳс тўхтамади, аксинча, миллатнимиз тарихи хусусида ким нимани ўқигаи ёки эшигтан бўлса, шуни фахр билан баён эта берди. Бу сухбатда таникли ёзувчимиз Жамол ака (Али Жамол) ҳам бор эди. «Ўзбегим»дан унинг ҳам қони жўшиб: «Биродарлар, навбати билан сўзлашинглар, Эркин Воҳидов ўзбекларнинг ўтмишини ва қадр-қимматини шунчалик фазога кўтариб, тарихий ҳақиқатни юзага чиқарибди, отасига раҳмат. Бундаи кишини руҳлантирадиган ва қаддини ростлайдиган шеърни яратиш учун катта файласуф ва отнинг калласидек бақувват юрак керак. Мана шундай юрак унда бор эканки, уни ёзишга жазм этган. Уни тақрор ўқисам ва ашуласини эшигсам ҳам ҳеч тўй-майман», — деди.

Хуллас, «Ўзбегим»нинг бир оддий тўйда ўқилпши одамларни тўлқинлантириб ва ҳаяжонлантириб, миллий ҳис-туйғуларини, ватан билан фуурланиш ва фахрланиш ҳиссини уйғотди. Бу ерда «Ўзбегим»нинг Республика

ликамизда бўлиб ўтган ҳар бир тўй, гапу гаштакларда, чойхоналарда ва бошқа жойларда ўқилиб ва куйланниб парвоз қилганигини ҳисобласак ва жамласак, у кишиларда ватаниарварликни ва у билан ғурурланиш ва фахрланиш туйғуларни денгиз ва дарё тўлқинлари каби куч-қудратга тўлдирганигини кўрамиз.

Баъзи одамлар бундай дейишликка эътиroz билдиришлари эҳтимолдан холи эмас. Аммо мен айтган ҳақиқатни қуллик ва манқуртлик асоратларидан қутула олмаган кишиларгина инкор этиши мумкни. «Зарқадрини заргар билади» деганларидек, ўзини, ватанини севган ва миллатпарвар бўлган ҳар бир киши «Ўзбеким»дай руҳланди, тетиклашди ва қаддини баланд ростлади. У зулматда инграб ётган халқини «буюк ўтмишимиз»га етаклади, кишиларда ишонч ва умид уйғотди. «Ўзбеким»нинг акс-садоси ўша даврларда ҳам озодлик фоялари нақадар орзу қилинганидан дарак бериади.

Шу ўринда И. Мўминовнинг Амир Темур ҳақидаги асарини, Одил Ёқубовнинг Улугбекка, Пиримқул Қодировнинг Бобурга, Мақсуд Кориевнинг Синтаменга ва Мирмуҳсинининг Темур Маликка бағишлиланган тарихий романларини ҳам эслаб ўтиш жоиз. Бунга ўхшаш миллий манфаатларни ифода этувчи асарлар рўйхатини кўпайтириш мумкин. Бироқ, бунн бир кичик бир мақола доирасида амалга оширишининг иложи йўқ. Умуман айтганда, Эркин Воҳидов ва бошқа юқорида кўрсатилган муаллифларнинг асарларни ҳозирги мустақиллигимизнинг ва озодлигимизнинг маънавий заминини шакллантиришда жуда катта ўрин эгалладилар.

Мен Президентимиз Ислом Каримовнинг Эркин Воҳидовни «Буюк хизматларни учун» ордени билан мӯкофотлаш ҳақидаги фармонини ўқнганимда, бу хизматнинг заминида биринчи навбатда машҳур «Ўзбеким» турибди, деган ўйга бордим.

«Миллий тикланниш» г., 1997, 14 январь.

### **«НЕКСИЯ», «ТИКО», «ДАМАС» ФАҚАТ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ЭМАС**

Кейинги олти йил мобайинда Ўзбекистонда буюк ўзгаришлар содир бўлаётганигини кўриб турибмиз. Бу борада пектисодий ҳаётнинг устунларидан бири бўлмиш саноат соҳасида ҳам салмоқли ютуқларга эришилмоқ-

да. Ҳатто, тамомила янги саноат тармоқлари ишга туширилди. Масалан, «ЎзДЭУ» автомобиль заводи шулар жумласидандир. Аммо айрим кишилар, хусусан, совет-парастлар бу муҳим воқеанинг катта аҳамиятини назар-писанд қилмай, шундай дейишияпти: «Совет даврида қатор йирік саноат корхоналари қурилиб, Ўзбекистон индустрисал мамлакатга айланған эди. Шу боис Асакадаги автомобиль заводини тилга олмаса ҳам бўлади».

Мен масалага бундай кўр-кўронга ёндошишни подонликдан бошқа ҳеч нарса эмас, деб баҳолайман. Келинг, яхшиси ўша даврдаги саноатнинг моҳияти ва йўналишига бир назар ташлайлик.

Маълумки, «социализм тузуми» вақтида у ёки бу республикада корхоналарни қуриш ва бошқариш марказининг қўлида бўлган. Уларни қуриш ва ишли кучларини жойлаштириш учун туб аҳолининг катта ҳажмдаги унумдор ерлари тортиб олиниб, кўплаб уй-жойларни арzon-гаровга бузиб ташланган. Бунииг натижасида ер участкаси олган кишилар иморат қуришда «қулогигача қарзга» ботиб, ночорликда бу дунёдан ўтиб кетардилар. Коммунистик партия раҳбарлари саноатни ривожлантириш ниҳоби остида ўн минглаб кишиларни Республикамизга кўчириб келтириб, совуқ ва иссиқ сув, газ, телефон, канализация ва бошқа қулайликлар билай таъмнинланган шинам уйларга жойлаштирадилар. Замонавий боғчалар, мактаблар ва бошқа жамоат бинолари қурилиб, хуллас улар яшайдиган кўчалар кишининг ҳавасини келтирадиган даражада ободонлаштирилар эди.

Кўрсатилган хилдаги даҳалар ўзбекларнинг ишаш шароитига таққосланса, ачинарли ҳол кўзга ташланарди. Аммо, ўша замонларда бундай оғир шароитни хас-пўслаш ва кўзбўямачилик билан шугулланган раҳбарлар оз эмас эди. Масалан, Тошкент шаҳар партияси қўмитасининг биринчи котибларидан бири матбуотда ва телевидениеда айрим қилинган ишларни рўкач қилиб, «эски шаҳар» бамисоли жаннатга айлантирилди, деб ташвиқот юргизган. Шунда жасоратли ва мард академик Я. Фуломов кўзбўямачиликка чидай олмай, шикоят хати ёзиб юборган. Шу муносабат билан ўша биринчи котиб Я. Фуломовни ҳузурига чақнриб дўқ қилиб қўрқитиб қўймоқчи бўлган вақтида у: «Туркистан генерал-губернатори золим бўлишига қарамай, фуқароларга сизчалик манманлик ва қўполлик қилмаган»,

— деб чиқиб кетган. Бу воқеадан кейин Я. Фуломов шаънига қарата таъналар ва ҳужумлар қизиб кетди. Бироқ бундан хабар топган Ш. Рашидов олимнинг «эски шаҳар» ҳақидаги фикрларини ва таклиғларини инобатга олиш ҳақида кўрсатма берган. Мазкур воқеани шарҳлашимга сабаб — совет даврида фақат саноат корхоналари қурилишидан жабрланган одамларгатиңа эмас, умуман, маҳаллий аҳоли яшайдиган жойларда, хусусан, «эски шаҳарларга» деярли эътибор берилмаган. Ҳатто, табиий газ, ичимлик сув ва канализация билан таъминланмаган маҳаллаларнинг сон-саноғи йўқ эдн. Бундай ҳолатнинг юзага келиши саноатни ривожлантириш баҳонасидаги устомонлик ишлари эди, албатта. Негакп, уй-жойлар қурилишига ва ободонлаштиришга ажратилган маблағларнинг деярли ҳаммаси биринчи навбатда саноат хизматчилари ва ишчилари яшайдиган «массив» ларга сарфланган.

Совет даври саноатининг фожиаси яна шулардан иборат эдики, биринчидан, корхоналарда маҳаллий миллатнинг салмоғини кучайишига зимдан йўл берилмаган. Улар кўпроқ «қора ишларга» жалб қилиниб, раҳбарлар, инженер-техник ходимлар ва малакали ишчилар четдан келтирилган.

Натижада ўзбеклар касб-кори бўйича «деҳқон аҳли» сифатида гавдаланиб, уларнинг кўпчилиги қишлоқларда ҳаёт кечирди. Шаҳарлар эса кўпроқ четдан кўчириб келтирилган аҳоли ҳисобига ривожланди. Ҳатто, янги алоҳида саноат шаҳарлари юзага келди.

Иккинчидан, саноатнинг муҳим тармоқлари умумиттироқ вазирликларининг ихтиёрида бўлиб, мўмай даромадлар марказнинг хазинаснга тушарди. Ер ва сувидан, уй-жойларидан маҳрум қилиниб бир бурчакка сиқиб қўйилган туб аҳоли эса азоб-уқубат ва ночор ҳолда ҳаёт кечиришга мажбур әтилди. Экология талабларини инобатга олинмаслиги орқасида ер, сув ва ҳаво заҳарланиб, касалликлар ва ўлим кўпайди. Тоталитар тизим саноатни жаҳон тараққиётидан четлашишига ва техника жиҳатидан жуда орқада қолишига олиб келди. Ҳамда Республиkanи ҳом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириди. Саноатнинг асосий моҳияти ва йўналиши мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсати асосида шакллантирилди. Умуман, саноат тармоқлари, асосан, совет давлати ва тоталитар тизимнинг манфаатларига хизмат қилди.

Мустақилликка эришилгандан кейин мустамлакачилик сиёсати қўпориб ташланиб, Ўзбекистон ўз саноатнинг чинакам эгаси бўлиб қолди. Эндиликда у, умуммиллат манфаатларини таъминлашга йўналтирилиб, жаҳон андозаси ва тараққиёти асосида янги хилдаги саноатни бунёд этиш биринчи вазифа қилпб белгиланди. Бу борада қадамма-қадам улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бу хусусда «ЎзДЭУ» автомобиль заводининг ишга туширилиши алоҳига аҳамият касб этади. Биргина мана шу завод мисолида ҳам ҳозирги замон саноатимизнинг моҳияти ва йўналиши ҳақида тасаввур ҳосил қиласа бўлади. Чунки у, аслида фақат транспорт воситаси ҳисобланмай, чуқур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий маънони англатади.

Хўш, улар нималардан иборат?

**Биринчидан.** Мустақилликнинг дастлабки йилида «Известия» газетаси Ўзбекистон ўз паровозидан, яъни Россиядан ажралди, шу боис у, мустақил равишда иш юрита олмай орқада қолиб кетади деб жар солган эди. Бу умидсизлик ва тушкунликка чорловчи фикрлар орамиздаги айрим кишилар томонидан ҳам изҳор этилган эди.

Мана, кўз ўнгимпзда, қисқа вақт ичиди, «Известия» нинг мустамлакачилик руҳида баён этилган тарғиботи бутунлай асоссизлиги исботланди. Зеро бунга Асакада жаҳон андозаси даражасидаги автомобиль заводи ва бошқа ўнлаб замонавий саноат корхоналарининг фаолияти яққол далилдир.

Катта етишмовчиликлар ва қийинчиликларга қарамай, автомобиль заводининг тезкорлик билан ишга туширилиши халқнимиз миллий ҳис-туйғуларининг ўсганинги ва ватанга содиқлигини яна бир бор намойиш этди. Миллий автомобилсозлик саноатининг ривожи уни мустақиллик ва озодлик маҳсули сифатида баҳолагаи завод жамоаси тараққиёт сари шахдам қадамлар билан кетаётганлигини кўрсатади.

Шуниси диққатга сазоворки, яқиндагина мустамлакачилик исканжасидаги халқ автомобиль заводи мисолида ҳам мураккаб ва нозик масалаларни ҳал этишга тўла қоднрлигини амалда исботлади. Ажойиб автомашиналар халқимиизда мустақилликка ишонч ва умидни янада мустаҳкамлаб янги зафарларга чорлади.

**Иккинчидан.** Ўзбекистонда автомобиль саноатининг ташкил топиши амалга оширилаётган иқтисодий исло-

жотларнинг ҳаётийлиги ва самарадорлигиниң кўрсатиб, мамлакатни хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бо- зоридан холи этишга қаратилган курашнинг катта юту-ғи ҳисобланади. Сир эмаски, кўп микдордаги долларлар эвазига хорижий мамлакатларнинг автомашиналари кел-тирилмоқда. Бу бизнинг иқтисодий манфаатларимизга зиддир, албатта. Эндиликда бундай ҳолатни бартараф қилиш имкони яратилди. Зеро автомобилларимизни чет-га сотиш ҳисобига валюталар қўлга киритилиб, бой-лигнмизга бойлик қўшилади.

Автомобиль заводининг ишга туширилиши ва уни то- бора кенгайтирилиши маҳаллий ишчилар қатламини кучайтириш ва иш жойларини яратишда катта аҳамият- га эгадир. Ҳозирданоқ бу борада ютуқлар кўзга таш- ланаётганлиги қувонарлидир.

**Учинчидан.** Автомобиль саноати ривожланаётганли- гининг маънавий моҳияти ҳам мавжуд. Чунончи, у ки- шиларда ғурурланиш ва фахрланиш туйғуларини кучай- тириб кучига-куч ва ғайратига-ғайрат қўшди. Менинг назаримда киши ҳавас қиласиган ажойиб машиналарни бутун Марказий Осиёда биринчи маротаба ишлаб чиқарилиши ҳар бир ўзбек қалбини тўлқинлантирди ва руҳинн кўтарди. Бу хусусда айрим мисолларни келти- раман.

Автомобиллар шаҳарда найдо бўлганининг дастлаб- жи вақтларида, кўчада унинг «Нексия» хилини қуршаб олган одамларнинг юзида табассум ва кўзларида севинч аломатларини кўрдим. Унинг муҳокамаси қизиб кетиб улардан бири: «Қойилман, зўр машина бўлибди, "Вол- га"мни сотиб уни олмасам отимни бошқа қўйман», — деса, иккинчи бир киши: «Буни қаранглар, худди қадди- қомати келишган келинга ўхшайди, мен ҳам уни сотиб олишга аҳд қилдим», — деди.

Учинчи шахс ҳам ҳайратини яшиrolмади: «Ажабо бу машина Америкада ёки Германияда пашланганга ўхшайди, уни қайси магазинда сотаркин?» Борган сари машина атрофидаги одамлар сони кўпайиб ҳар ким билганини гапираверди. Ниҳоят машина номини қандай аташ бўйи- ча баҳс бошланиб, уни «Ўзбекистон», «Лочин», «Сир- дарё», «Андижон» номи билан аташ ҳақидаги сўзлар эшитилнб турди. Шу пайтда тўдадан «Малика» ва «Озодлик» сингари номлар ҳам эшитнлди. Машина эгаси пайдо бўлганда уни саволлар билан кўмиб ташлашди.

Хуллас, шундай ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдим-

ки, «Нексия» Ўзбекистоннинг мўъжизаси сифатида барчани ҳайратлантириди, қойил қолдирди ва мустақилликнинг куч-қудратини гавдалантириди. Эндилиқда бизнинг автомашиналариниз жаҳон кезинб, жонажон Ўзбекистонномини ва шон-шарафини таратади.

Ахир, бундай оламшумул аҳамиятга молик воқеа билан севинч-қувончга тўлмай бўладими? Албатта, йўқ.

«Миллий тикланиши» г., 1997, 15 апрель.

## АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ МАФҚУРАСИ

*Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим. Нега деганда Амир Темур тузыукларини ўқисам худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандай бўламан.*

Ислом Каримов

Президентимизнинг мазкур сўзлари заминида улкан ҳақиқат ётибди. Чунки Амир Темурнинг фаолияти ва давлатининг моҳияти биз яшётган замонга ҳамоҳангидир. Шу боис мустақиллик шарофати билан тарихчилар, ёзувчилар ва шоирлар Темур ва темурйлар даври бўйича талай ишларни қилдилар. Аммо бу давр кўлами шу даражада кенгки, ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар уйилиб ётиби. Булардан бири Амир Темур давлатининг мафкурасини ўрганишдан иборатдир. Мавзу ниҳоятда мураккаблиги туфайли бир мақолада ёритишнинг имкони йўқ, албатта. Шунинг учун мақолани қўйилган биринчн қадам тарзида инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, мафкура ҳеч қачон осмону фалакдан тайёр ҳолда тушиб, сўнгра одамларнини онгига сингдирilmайди. Шунинг учун айrim кишиларнинг миллий мафкуруни яратиш лозимлиги ҳақидағи фикрларига қўшилмайман. Чунки ҳозирги замон мафкурасининг илдизлари чуқур тарихий давларга бориб тақалиб, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг маҳсулси сифатида аллақачонлар шаклланган.

Миллий мафкурамиз VI—VII асрларда, яъни Турк ҳоқонлиги даврида ўтмиш мероснинг якунловчи босқичи сифатида янада куч-қудратга тўлди ва мустаҳкам-

ланди. У, бу даврларда халқининг қонига ва суюк-суюгига шу даражада қатниң сингиб кетган эди-ки, ҳамон илхомбахш күч сифатида ёлқинланиб турибди. Уша узоқ тарихий даврларда «турк» атамасининг кеңг кўламда қўлланиши ва қатъян расмийлаштирилиши катта аҳамият касб этади. Чунончи, «Турк ватани», «Туркий тил», «Турк ёзувн» ва «Турк давлати» сингари иборалар миңтақадагина эмас, балки жаҳон аҳли кўз ўнгида тўла намоён бўлди. Шу равишда «Туркий мафкура» янги босқичга кўтарилиб, ўз-ўзини англаш, она срга содиқлик, озодлик, эркинлик ва тараққёт сингари омилларни қамраб олган. Унда халқни ва ватанин улуғлаш, жаҳон даврасида муносиб ўрин эгаллаш сингари ғоялар ўз ифодасини тоиди. Шунингдек, мамлакатда ўзаро чиқишимовчиликларни ва урушларни бартараф қилиб, бирдамликни ва барқарорликни таъминлашга алоҳида аҳамият берилган.

Эй, туркийлар, тақдирга таш бераб,  
Юрак-бағри қоп-қора қон бўлдингиз.  
Кўргуликка кўниднингиз нонлож,  
Юртингизда зору нолон бўлдингиз.  
Қўлдан кетди Турон замии неча бор,  
Эй, туркийлар, айтинг бунга ким сабаб?  
Бой берилди эркинлигу ихтиёр,  
Туруннийлар, айтинг бунга ким сабаб?  
Айрингиз, айрингиз бўри ер,  
Душман еди битта-битта айриш,  
Кишан солди, Туron «занжирбанд бир шер»,  
Тиз чўқтирди душман сизни қайриб.  
Турунлар, мана келди истиқлол,  
Тезда қўлни қўлга бериб бирлашинг!  
Бир олнинг қўлга муқаддас юртни,  
Аммо берманг энди уни душманга.  
Хур тилагим: Худо сизни сақласин,  
Хатто, тушда дуч келмангиз кишангаг...

Ажабо, ундан 1200 йил илгари битилган мазкур мисраларда кейинги 130 йил мобайнида ота-боболаримиз ва биз босиб ўтган даҳшатли замонлар гавдаланиб турибди. Маълумки, ўзаро чиқишимовчиликлардан ва қонли урушлардан фойдаланган чор ҳукумати, сўнгра совет давлати Туркистон ўлкасини босиб олди. Натижада ўша битикларда қайд этилганидек, Туркистон кишангаг солинди, Туron «занжирбанд шер»га айланти-

рилиб, юрак-бағри қора қонга белантирилиб озодликдан маҳрум қилинди. Ундаги «Мана келди истиқол» ва «Қўлни қўлга бериб бирлашинг!» деган сўзлар бугунги кунда ҳам жаранглаб турибди. Шунингдек, «Берманг уни (ватаини) душманга», ва «Ҳатто, тушда ҳам дуч келмангиз кишинга» деган сўзлар шу кун та лабига ҳам мосдир. Кейинчалик ўзбек номи билан аталган «Туркий мафкура» асрлар оша яшаб ўзининг асл моҳияти ва йўналишини ҳамон сақламоқда. Шуни уқтириб ўтиш жоизки, бу мафкура қаттиқ назорат ва тъқиб остига олинниб бир бурчакка сиқиб қўйилган вақтлари бўлган. Аммо уни ҳеч қандай куч маҳв қилолмаган. Вақти келиб у диллардан қайшаб чиқиб, умумхалқ ҳаракатларини юзага келтирган. Масалан, мӯғуллар ҳукмронлигига қарши кўтарилган Маҳмуд Торобий ва Сарбадорлар қўзғолонлари шулар жумласидандир. Уларни миллий мафкуранинг мустақиллик ва озодлик ҳақидаги ғоялари чулғаб олган эди.

Мафкура ғояларига ақл-идрокли, ватанпарвар, жасоратли, тадбиркор ва умуман, ҳар жиҳатдан етук шахс бошчилик қилгандагина самарали бўлиши мумкин. Буюк Амир Темур мана шундай аҳёnda дунёга бир келадиган табаррук зотлардан эди. У, мустақиллик ва озодликнинг рамзи сифатида тан олинган шахс ҳисобланган. Амир Темур халқни зулмдан озод қилишини муқаддас бурч деб билган. У бу олий мақсадга содиклигини амалда кўрсатиб, босқинчиларга қарши кураш олиб борди.

«Мовароуннаҳр аҳолиси, — деб ёзади у, — менинг бу шимдан хабар топиши биланоқ, тезда (мӯғулларга) ҳужум қилишим кераклиги ҳақида истак билдирилар. Чунки уларнинг қалби золим мӯғуллар тоифасидан бутунлай безиган эди. Мовароуннаҳр аҳолисининг каттаю кичиги менга бирлашди. Мамлакатнинг уламо ва машойихлари эса мӯғулийлар тоифасини йўқ қилиш ҳақида фатво ёзиб бердилар. Улус амирлари ва қўшин бошлиқларининг баъзилари ҳам бу ишга қўшилиб бизга бирлашдилар. Бу тўғрида ёзилган аҳдиома ва фатволарнинг нусхаси бу эди: «Тўғри йўллик халифалар, Аллоҳ таоло уларнинг жамисидан мамнун бўлсин, тутган йўлларига ва қилган ишларига мувофиқ Мовароуннаҳрдаги бутун аҳли ислом, сипоҳу раият ёхуд уламою машойих бўлсин, Амир Темурга иззату икром кўрсатиб, уни Амир Темур қутби салтанат олий деб

атасинлар ва уни Аллоҳнинг (ердаги) қудрати — салтанат таҳтига лойиқ кўрсинлар”».

Демак жамоа аҳлиниң барча тоифалари Амир Темурни ўзининг халоскори ва ҳукмдори сифатида қадрлаган эди. «Мусулмонларнинг, — дейилган ўша аҳдномада, — ери, номуси, мол-мулки ҳамда жонига зулмситам қўлини чўзган (мўфуллар) тоифасинн даф қилишда ва умуман, йўқотишда Темурга (ёрдамлашиш учун) ўз мол ва жонларини (аямай), тиришиб ҳаракат қилинлар. Биз ўз аҳду байъатнизга содиқ қолурмиз. Агар берган аҳд-паймонимиздан қайтсан, Аллоҳнинг қудратию қуввати ва ёрдамидан чиқиб, шайтон қудратию ёрдами йўлига киргай бўлайлик». «Бу фатвони, — дейди Амир Темур, — менга кўрсатгандаридан сўнг жангу жадал байробини кўтариб, (мўфуллар) устига лашкар тортишга қарор қилдим ва мазлумлар ҳақини золимлардан олмоқчи бўлдим. Лекин бир неча рази қишилар бу сирни фош қилиб қўйдилар».

Шундан кейин Амир Темур ўлканн гоҳ у жойида, гоҳ бу жойида душманга қарши курашиб кўп азоб-уқубатларни бошидан кечпиди. Ҳатто, у бир неча бор ҳалокат ёқасида турди, лекин унинг ватанга муҳаббати ва иродаси букилмади ҳамда синмади. Унинг нафақат қалби, умуман, бутун жисму тани мағкуранинг ватанпарварлик, мустақиллик ва озодлик гоялари билан суворилган эди. У халқ ва ватан дардида яшаб, унинг равнақи учун ҳеч нарсадан тоймади. «Салтанат тўнини кийгач, — деб ёзади Амир Темур, — тинчлигу соғлиғим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим. Үн икки ўшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирлар қўллаб (ғаним) фавжларини синдиридим. Амирлар ва сипоҳийларнинг исёнларини кўрдим. Улардан ачиқ сўзлар эшитдим. Лекин сабру бардош билан ўзимни эшитмаган-кўрмаганга солиб, уларни тинчитдим. Қилич кўтариб жанг майдонига отилдим ва шул тариқа дунёга номчиқардим».

«Амир Темур тарихи» асарининг муаллифи Ибн Арабшоҳ ҳам Соҳибқироннинг фазилатларини шарҳлаб ёзган: «Темур тенги йўқ феъл-атворлн, чуқур мулоҳазали киши бўлиб тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тағиға на текислигу, на ғадир-будур орқали йўл топилади».

Хуллас, халқ мағкураси Амир Темур сиймосида ва-

фаолиятида тўла ифодасини топди. Шуннинг учун ҳаммамлакат мустақиллигини тиклашга эришилди, ҳалқ мафкураси Амир Темур давлатининг моҳияти ва йўналишини белгилади. У, бу даврда ҳам сиёсий, иқтисодий ва маънавий асосларга эга эди.

Мафкуранинг сиёсий соҳадаги тутган муҳим ўрни 1370 йилда Амир Темур давлатини барпо этилишида намоён бўлди. Бу ерда унинг мустақилликни тиклаш ҳақидаги даъвати амалга оширилди. Марказлашган ва қудратли давлатни юзага келтириш мафкуранинг асосний йўналишига айланди. Бунга эришиш учун, аввало, ўзаро чиқишмовчиликларга ва урушларга барҳам бешиб, давлатни ички тарафдан мустаҳкамлаш зарур эди. Бу тўғрида Амир Темурнинг сўзларини келтириш ўринидир: «Турон вилоятини забт этиб, Мовароуннаҳр вилоятини (мўғуллар) вужудининг ҳас-ҳашагидан тозалаганимдан кейин баъзи улусларнинг амирлари менга итоат этиб бош эгишни истамадилар ва ҳар бири ўзқабилалари олдида (ҳеч кимга бўйсунмаслигини кўрсатмоқчи бўлиб) ноз қилиб турадилар. Амирларимдан баъзилари уларнинг ёнини олиб, менга "бу давлатга баримиз шерик бўлганимиздан кейин, уларни ҳам давлатга шерик деб билайлик" дедилар. Лекинн уларнинг гаилари менинг салтанат юритишимдаги ғайратимга таъсири қилмади. Ўзимча кенгашдимки, "Худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Аллоҳ таолонинг муқаддас мулки — ер юзига эгалик қиласидиган (кадхудо) киши ҳам битта бўлиши керак". Амир Темур ўзининг бундай сиёсатини ҳокимиётни қўлга олгунга қадар ва кейин ҳам изчиллик билан олиб бориши туфайли бутун мамлакатда тинчлик ва осойишталик таъминланди. Амир Темур давлатининг мафкурасида қўшиннинг кучқудратини ва жанговарлигини ошириш муҳим ўрини эгаллади. Аввало, Амир Темурни ўзи моҳир жангчи ва лашкарбоши ҳамда сипоҳларнинг жону дили бўлниб, улар билан бирга жанг майдонларида қаҳрамонлик намуналарини намойиш этди.

«Сипоҳларнинг, — дейди Соҳибқирон, — кўнглиганима ўтиrsa, шунн қилдим. Бошимга пўлат дубулға, эгнимга Довудий совут кийдим, белимга Миср қиличини боғлаб, баҳодирлиғу кураш тахтига ўтирдим». У сипоҳларни яроf-аслаҳалар, маош ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлашга алоҳида эътибор берди. Жангчиларнинг хизматларини қаттиқ қадрлади ва ўзи-

ни кўрсатгандарга «Баҳодир» унвонини таъсис этди. Ҳатто, ҳарбий хизматга аёллар ҳам жалб қилинган эди. Зеро Ибн Арабшоҳ ёзади: «Темур аскари ичида аёллар ҳам бўлиб, улар жанг тўс-тўполонлари ва шиддатли тўқ-нашувларда матонат кўрсатардилар. Улар (душман) эркакларига қарши туриб мардонавор уруш қиласардилар, жангда найза санчишда, қилич билан зарба беришда ва камондан отишда моҳир эркаклардан кўра ҳам ортиқроқ иш қиласардилар. Агар улардан бири ҳомиладор бўлиб, йўлда кетаётган пайтда уни дард тутса, у ўз жамоасидан ажралиб, (йўлдан) четга чиқарди ва уло-видан (отидан) тушарди. Кўзи ёригач, чақалофини ўраб олиб, уловнга минарди ва яна жамоаспга келиб қўши-ларди».

Кўриниб турибдики, гап юритилаётган даврда мафкуранинг ватанга содиқлик ва жанговарлик ғоялари шу даражада барқ урганки, аёлларни ҳам жангга отлантирган. Аёлларнинг жанг майдонларидағи қаҳрамонона курашлари кишини ҳайратга солади. Айниқса, кўзи ёриган аёлларни дарҳол жангга шайланиши диққатга сазовордир. Маълумки тарихий асарларда Амир Темур аскарларини «ваҳший» кишилар тарзида тасвирилаш одат тусига кириб кетган. Ваҳоланки, Амир Темур ўзи юксак ахлоқ-одоб эгаси бўлганлиги учун қўшини ҳам шунга монанд ниҳоятда тартибли ва инсофли бўлган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, «Темур аскари ичида олижаноб, ибодатли, тақводор, художўй, саховатли, ҳимматли кишилар ҳам кўп бўлиб, улар эзгуликларда (чексиз) манбалар бўлиб, бу (хайрлик)лар булоқларининг кирим ва чиқимлари бор эди. Асирни озод қилиш, ноқисликни тўлгазиши, ёнгинни ўчириши, (сувга) ғарқ бўлаётганини қутқазиши, ўзгаларга хайру эҳсон кўрсатиши, бошига кулфат тушганга ёрдам қўлинни чўзиши у (киши)лар одатларидандир».

Мафкуранинг том маънода умумхалқ ҳаракати сифатида гавдаланиши ва уни Амир Темур томонидан ниҳоятда сидқидиллик ва билимдонлик билан бошқарилиши орқасида, жанговар ва енгилмас миллий қўшин ташкил этилди. Эндиликда мамлакатни ташқи хавфдан сақлаш зарурияти туғилди. Тарихдан маълумки, чет элликлар ҳамиша Туркистонга бостириб кириб, қирғинбарот ва талон-торож қилганлар. Амир Темур буларга чек қўйиб, душмакларнинг ўз ерида зарба бериб, ўлкани жаҳон миқёсига олиб чиқиш мақсадида, қатор

ҳарбий юришлар уюштируди. Натижада мафкурада улуғ давлатчилик ҳаракати авжига миниб, жаҳонни ларзага солган Темур империяси ташкил тоиди. Ҳозирги замон нуқтаи назаридан қараганды у файритабиий бўлиб кўринади. Лекин ўша даврдаги шароит у ёки бу давлатни ҳукмрон ёки қарам (мустамлака) бўлишини тақозо қиласарди. Айниқса, табиий ва маънавий бойликка эга бўлган мамлакатлар ўша икки ҳолатнинг бирига дуч келиши турган гап эди. Амир Темур буни яхши англаган ҳолда ташаббус кўрсатиб, она юртни бўлажак ташқи хавфхатардан холи қилди. Бу ўз даври учун қўлланилган тўғри сиёсат эди, албатта. Борди-ю, Амир Темур давлати «ўз қозонида қовурилиб», таъсир доирасини қўшини мамлакатлар ҳисобига кенгайтирганинда, карвон йўллари ва савдо марказларининг эгаси бўлмагандан, қудратли давлат юзага келмас эди. Юрт аҳли мафкурасида ҳуқуқий давлат, яъни мамлакатни қонун-қоида (демократик) асосда бошқаришга қаратилган ҳаракат кўзга ташланди. Үрта аср тарихида бу камдан-кам учрайдиган воқеадир. Шу боис Амир Темур давлатининг мафкураси ўзига хос ижобий хусусиятлари билан ажralиб туради. Амир Темурнинг ўзи давлат қонунинч (тузукнни) ёзди ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилиб борди. «Давлат ишларини, — дейди у, — салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра, тузукка таяннаб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади... Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Ҳайр-эҳсон ишларим билан одам кўнглидан жой олдим. Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний заарларни исботлаганимдан кейин уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим». Бинобарин, Амир Темур мафкуранинг адолат ва инсон нуқтаи назаридан давлатни бошқариш гояларини ҳаётга татбиқ қилган эди. Бу хусусда мамлакатда қурултойлар чақирилиб муҳим масалалар бўйича мунозаралар ўтказилиши ҳам диққатга сазовордир. Шунингдек, Амир Темур саройида кенгаш таъсис этилиши ва ҳар бир маса-

ланинг муҳокама қилиниши демократия кўринишларидан биридир.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур бирон масала маҳокама қилнаётганда, «гап жиловини ташлаб қўйиб» эркин фикрлашга кенг йўл берган. У шундай дер экан: агар бир киши «масалага чуқур қараб, бир кун билан бир йил ораснадаги ишлар оқибатини кўзлаб гапирса, унинг гуноҳи йўқ. Майли, ҳар кимса хатонинг энг қуийисигача йнқилса ҳам ёки савоб чўққисига кўтарилса ҳам фарқи йўқ, ҳеч бир тортинаасдан гапираверсанн. Чунки агар хато қилса, бу нуқсон эмас, агар мақсадга мувофиқ бўлса, унга икки ҳисса мукофотдир». «Шунда ҳар ким, — дейди Ибн Арабшоҳ, — ўз жидду жаҳдини сарфлаб, бу масалада мақсади ва меҳнатини кўрсатиб, ўз ижтиҳоди берган натижасини намоён қилар, ўйланган фикри Темур муродига мувофиқ деб тасаввур этарди. Шу тарзда ҳамма фикрлар тўпланиб бўлгач, ушбу мажлис (аҳли) тарқаларди».

Гапнинг сирасини айтганда, Амир Темур сингари кишиларнинг маслаҳатига катта эътибор ва чанқовлик билан қарайдиган ҳукмдорлар тарихда унчалик кўп эмас. Унинг бундай фазилатлари ҳар бир соҳада катта ютуқларни қўлга киритиш имконини берди. Амир Темурнинг демократик йўналишда давлат бошқарганлигини унинг тузукларидан ҳам билса бўлади. Бу хусусда Соҳибқирон шундай ёзган: «Кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қулоқ солардим, лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим... Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб зиён стказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди».

Кўриниб турнбиди, Амир Темур давлатни мустаҳкамлашда қонун-қоидаларнинг тутган ўрнига алоҳида аҳамият берган. Бунинг орқасида унинг ҳокимияти шударажада катта қудратга эга бўлганки, унга чаңг сошлишга қодир киши топилмаган. Амир Темур кенгаш этган масалаларни яна бир бор ўз сафдошлари билан биргаликда кўриб, кейин уларни сўзсиз ва қаттиқ қўллик билан амалга оширган. Шуннингдек, у лабзи ҳалоллилнгн, поклиги ва самимйлиги билан шуҳрат қозонган.

Маълумки ҳалқ мағкураспинг асосий таянчи ва бошқарувчиси ҳокимиятдир. Шу боис таҳт хавфсизлиги

ва куч-қудратини таъминлаш ҳукмдорнинг муқаддас бурчидир. Лекин бу ҳар бир подшоҳ қўлидан келмаслиги орқасида босқинчилар ҳукмронлиги ўрнатилган вақтлар бўлган. Амир Темур эса ўз халқи олдидағи мастьалиятини яхши англаған ҳолда ўз таҳтининг хавфсизлигини сақлашга алоҳида аҳамият берган. Амир Темур давлатининг мафкурасида мамлакатнинг жаҳондаги мавқенини таъминлаш ҳам ўз аксини топди. Соҳибқирон Шарқ давлатлари билангина эмас, балки Испания, Англия, Франция сингари Оврўпо давлатлари билан дипломатик ва иқтисодий алоқалар ўрнатишга ва ривожлантиришга ҳаракат қилиди.

Демак, давлат мафкураси сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида ўз ифодасини тоғган. У шунга ўхшаш иқтисадиётни ҳам қамраб олган эди. Чунончи, мӯғуллар даврида қашшоқлашган хўжаликни тикилаш, савдо-сотиқни ривожлайтириш ва фаровон турмушни яратиш муҳим вазифа ҳисобланди. Бу вақтларда сунъий сугориш ишлари, янги ерларни ўзлаштириш ва умуман, деҳқончилик кеңг кўламда ривожлайтирилди. Амир Темур фармони бўйича давлат деҳқонларни маблағ, ишлаб чиқариш қуроллари ва бошқа нарсалар билан таъминлаб турди. Ҳунармандчиликнинг барча тармоқлари ҳам ўсди ва турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ички ва ташки савдо ривожланиб, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Арабистон ва бошқа мамлакатлар билан алоқалар юқори босқичга кўтарилди.

Натижада мамлакатда мўл-кўлчиликка эришилиб фуқаролар яхши ҳаёт кечирдилар. Масалан, Испан элчиси Клавихо Самарқанд ҳақида ўзи кўрганларини шундай таърифлайди: «Бу заминда ҳамма нарса мўл-кўл бўлиб, галла, гўшт, мевалар ва парраидалар гўшти жуда сероб, қўйлар жуда йирик ва думбалари катта. Бу қўйлар жуда арzon ... нон шу даражада арzonки, ундан ортиқ арzon бўлишн мумкин эмас, гуруч эса ниҳоятда сероб. Бу шаҳар шу даражада бой ва ери упумлики, ҳайратда қолади киши... бу шаҳарнипг бойлиги фақат озиқ-овқат маҳсулотларидағина эмас, балки ипак газламалар, атласлар ва бошқа матолар, олтии буюмлар ва бошқа молларнинг кўплнгигда ҳам кўриш мумкин». У Бухорода ҳам фаровон турмушнинг гувоҳи бўлганлиги ҳақида ёзган. Умуман, Амир Темур давлатида мафкураининг иқтисодий асослари ўз самарасини бериб, мўл-кўлчилик ҳукм сурдн.

Мафкуранинг маънавий томонлари ҳам кенг қулоч ёйди. Ундаги ватанни севиш, халқни улуғлаш, фахрланиш ва фурурланиш сингари олий фазилатлар барқ уриб турди. Буларни Амир Темурнинг қуидаги сўзларидан ҳам яққол билиш мумкин. У шундай ёзган:

«Бизки мулки Тураң, Амири Туркистонмиз.  
Биз ким миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи  
Туркнинг бош бўғииимиз».

Шубҳасиз бу дур каби терилган фикрлар ўша давр маънавий ҳаётининг йўналиши ҳисобланиб, ўзбек халқи ўз-ўзини англашини кўрсатади ва миллий ҳис-туйғулари жўшиб турганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам буюк давлатчилик ғояси юзага келди ва у рўёбга чиқарилди.

Дин мафкуранинг устунларидан бири эди. Шу боис Соҳибқирон дин ривожига алоҳида эътибор бериб, муҳим чораларни амалга оширди. «Яна тажрибамдан кўрдимки, — дейди у, — агар давлат дину тартиб асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар бир кимса назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги—тўсиги йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим... Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофиirlар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўпrikлар қуришни буюрдим».

Илм-фан, месъморчилик, санъат соҳалари ҳам ривожланиб маънавий ҳаёт юқори босқичга кўтарилди: Амир Темур саройнда олиму фозилларга, дин пешволарига ва умуман, знёлилар вакилларига зўр ҳурмат ва гамхўрлик кўрсатилди.

Амир Темур даврида маънавий ҳаёт барқ урганлиги ҳақидаги маълумотлар кўпчиликка маълум бўлганлиги учун уларга батафсил тўхташга ҳожат йўқ. Умумий хуласа шуки, Амир Темур давлатининг мафкураси сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг йўналтирувчи кучи ва кўзгуси сифатида гавдаланди. Унинг илҳомбахш куч-қудрати ва самараси буюк давлатни ва тараққиётни таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлди. У узоқ тарихий давларда шаклланган халқчил мафкуранинг давоми

ва такомили бўлиб, асрлар оша бизгача этиб келди. Эндиликда у, ҳозирги замон шароити тақозосига кўра, янги босқичга кўтарилиб, келажакдаги буюк давлат заминини ҳозирламоқда. Бу хусусда Амир Темурнинг ўлим тўшагида изҳор этган васиятини келтириш айни муддаодир: «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни қўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарнингиз ўлсун. Мен каби узун салтанат сурмоқ истасаигиз қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа ческандан сўнгра-да уни усталик-ла қўллангиз. Орангизга иифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат қилинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз иифоқ тухумлари сочмоққа, бундан фойдаланмоққа чалишажакдурлар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг илкуларини кўрсатдим».

Буюк Соҳибқирон мафкурасининг асосий моҳиятини ташкил этган — «миллат дардига дармон» бўлнишга чақириги ҳозирги кунда ҳам сув билан ҳаводек зарур даъватдир.

Ўумумий холоса шуки, Амир Темур давлатининг мафкураси сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт гоялари ва амалий ишларнинг бир-бирига чатнинб ва қоришб кетиши орқасида юзага келган йўналтирувчи куч ҳисобланади. У жамият руҳининг режа ва мақсадларини, мустақиллик ва тараққиётни ифода этиб буюк ўзгаришларни юзага келтирди.

Ўша биз таҳлил қилаётган давр мафкурасининг куч-қудрати ва самарадорлиги шундан иборатки, жамиятининг барча тоифалари энг олни фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, машҳур давлат арбоби ва лашкарбoshi Амир Темур атрофига метинде бирлашиб, она юрт манфаатларни учун жонларини ҳам, молларини ҳам фидо қилдилар.

Келинглар, азиз юртдошлар, бизлар ҳам тарих синовидан ўтган мана шу йўлдан матонат ва шиддат билан кетаверайлик.

«Мулоқот» ж., 1995,  
9—10 сонлар.

## **ОЗОДЛИК УЧУН ТҮКИЛГАН ҚОНЛАР ЕХУД БҮЮҚ ВАТАНПАРВАРЛИК КУРАШИ**

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллигининг тикланиши тасодифий ва фавқулодда ҳодиса бўлмай, унинг учун олиб борилган курашларнинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Зоро, ўша 31 августда ўзбек халқининг қалбидан отилиб чиққан миллий озодлик ғоялари Чор Россиясининг тажовузлари, сўнгра ҳукмронлигига қарши курашларда шаклланган эди. Бу курашларда эркесвар ота-боболаримизнинг қонларн бамисоли дарё каби оқди, шаҳар ва қишлоқлар вайро-нага айлантирилди. Жуда катта маданий-маънавий та-лафотлар кўрилди.

Чор ҳукумати ўзбек халқининг ватанга содиқлиги ва жасоратини йўқотишга қаратилган ваҳшиёна чора-ларни изчиллик билан амалга ошириб борди. Аммо улар ўзбек халқининг қаддини бука олмади, аксинча, озодлик курашларни босқичма-босқич авжига миниб борди. Аввалинбор, 1892 йилда Тошкент шаҳрида халқ қўзғолони кўтарилиди. Гарчанд у тор-мор этилган бўлса-да, лекин унинг акс-садоси бутун Туркистон ўлка-си бўйлаб тараалди. Унинг таъсирида Фарғона водийси-да, хусусан, Адижонда йирик халқ қўзғолони юзага келди.

### **ҚЎЗГОЛОНИНИГ ЗАМИНИ ВА САБАБЛАРИ**

Биринчидан, ўлкани Чор ҳукумати томонидан босиб олиниши ва сиёсий мустақиллик тугатилиши озодлик курашининг туб заминини шакллантириди. Чунончи, бос-қинчилар миллий давлат ва қўшинни, миллий маъму-рий тизим ва бошқарувни таг-туги билан йўқотдилар. Уларинг ўрнига мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмга асосланган бошқарув тизими жорий этилди. Олий ва ўрта лавозимларга Чор ҳукуматининг генерал-лари ва офицерлари тайииланди. Қўйи мансабларга эса маҳаллий халқ вакиллари — оқсоқоллар тайииланди. Бу-лар мустамлакачиларнинг ўта итоаткор ижрочилари эди, холос.

Шундай қилиб, асрлар мобайнида ўз халқига озми-кўими хизмат қилиб келаётган маҳаллий миллатнинг табақа вакиллари четга суреб ташланди. Бу хусусда

Фарғонә вилоят ҳарбий губернатори Чайковский шундай ёзган: «Бўйсундирилганига қадар Фарғона мустақил давлат ҳисобланиб, ўзининг тарихига, ҳукмрон синфиға ва бошқарув тизимиға эга эди. Булар йўқолганига ҳали чорак аср бўлгани ва янги шароитга мосланишига бир киши умричалик вақт ўтгани йўқ. Илгари ҳукмронлик қилган нуфузли табақаларнинг оддий бир кишиларга айланмиш жараёни жуда қийин ва аламли кесмоқда. Шунииг учун тасодифий ҳодисаларнинг юзага келишини назарда тутган ҳолда туб аҳолини қаттиқ назорат остида ушлаб туриш ҳали узоқ давом этади».

Кўриниб турибдики, губернатор сиёсий танглик ва хавфни яхши англаб, таъқиб ва назоратни янада кучайтириш лозимлигини уқтириб ўтади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, маҳаллий юқори табақа вакилларининг илфор қисми фақат ҳокимиятдан маҳрум этилганликлари учун эмас, балки уларнинг ватанпарварлик ва миллий ҳис-туйғулари ҳам топталгани учун Чор ҳукуматига қарши душманлик кайфиятида эдилар. Чор ҳукумати ҳалқа сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни беришни хаёлига ҳам келтирмай, улуғмиллатчилик — шовинистик сиёсатни изчиллик билан амалга ошириб борди. У Туркистон заминини том маънодаги мустамлака объекти сифатида ўз панжасида қаттиқ ушлаб турди. Ана шу жиҳатларда қўзголоннинг сиёсий сабаблари намоён бўлган эди.

Иккинчидан, қўзғолонни ўлкада юзага келган оғир иқтисодий ва маънавий ҳаёт ҳам етилтирган эди. Авваламбор, чор ҳукумати барча унумдор ерларни, чўлу биёбонлар, тоғу тошлар ва сувларнинг эгаси бўлиб қолди. Айни пайтда тоғ жинслари ва ишлаб чиқарила-диган маҳсулотлар сингари ноёб бойликлар ҳам босқинчиларнинг ихтиёрида эди. Чор ҳукумати биринчи навбатда ўлкани Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириш учун ҳеч нарсадан тоймади. У, айниқса, пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берді. Натижада XIX асрнинг 80-йиларидан бошлаб пахтачилик йил сайин ривожланиб, фожиали оқибатларга олиб келди. Чунки пахтани, асосан, янги ерларни ўзлаштириш ва сунъий суфоришни кенг кўламда ривожлантириш ҳисобига эмас, балки дон-дун ва полиз экинлари экиласидиган ерларда кўплаб етиштириш авж олди. Оқибатда иқтисодий ҳаёт

тобора оғирлашиб борди. Бунинг устига-устак етиштирилган пахтанинг деярли ҳаммаси хом ашё сифатида Россияга узлуксиз жўнатилди. Деҳқон оммаси меҳнатига яраша ҳақ ололмай қарздорлик ва қашшоқлик сиртмоғида яшашга мажбур бўлди.

Турли оғир солиқлар ва мажбуриятлар, маъмурият вакилларининг адолатсизлиги ва талони ҳам халқнинг норозилигини кучайтириб борди. Пахтачиликнинг тобора ривожлантириб борилиши озиқ-овқатларнинг қимматлашишига олиб келиши билан бир қаторда ерсиз хўжаликларнинг сонини ошириб борди. Натижада чоракор, мардикор ва бошқа ултуржи ишлар билан шугулланувчи кишиларнинг сони кўпайиб кетди. Бу тоифадаги кишиларининг орасида шаҳарларда тирикчилик дардида дайдиб юргаи кишилар сони оз эмас эди.

Аёвсиз зулм кўп деҳқон хўжаликларини хонавайрон этди. Ўлканинг ҳаётига Россиядан тайёр маҳсулотларни келтириб сотилиши ҳам катта зарба бўлди. Уларнинг орасида олиб кетилган пахта ва бошқа хом ашёлардан ишлаб чиқарилган моллар ҳам анча эди. Масалан, газламалар ва кийим бошлар шулар жумласидандир.

Ўлкада ўнлаб турли банк ва фирмалар фаолият кўрсатпб, халқни том маънода шилиб, тинкасини қуритиб турди. Шунингдек, давлат ҳазинаси ҳам катта даромад олди. Ўлкада қелгиндиларнинг ҳисобига янги шаҳар ва посёлкаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши маҳаллий аҳолининг бошига битган бало бўлди. Чунки улар халқни унумдор ерлардан ва сувлардан маҳрум этилишига олиб келди.

Айниқса, темир йўлларнинг қурилиши мустамлакачилик сиёсатни янада кучайтириб, ўлканинг Россияга қарамлигини мустаҳкамлаб борди. Чор ҳукумати ўзбек ва бошқа туб аҳолининг миллий тили ва маданиятини ривожланишига ошкора тўсқинлик қилди. У мактаб ва мадрасаларни таъминлашга маблағ ажратмай, уларни ўрта аср қолоқлигида сақлаш ва миллий ҳис-туйғуларни бўғишига қаратилган чораларни кўрди.

Чор маъмурияти ислом динини ҳам қаттиқ назорат остига олиб, унинг вакилларнни энг хавфли душман сифатида ҳисоблаб, вақф ерларини кескин қисқартириди ҳамда нуфузли кишилар «бурчакка» сиқиб қўйилди. Айрим маълумотларга кўра, қўзғолон раҳбари Муҳаммад халфа Собир ўғли (1856—98) халққа қаратилган

мурожаатида вазиятни қўйидагича баён этган: «Эй, биродарлар! Ҳаммангизга маълумки, юртимиз мусулмон юрти, эл мусулмон, халқ мусулмон... Юртимизга Россия келди. Худоёрхон ўрнига Кауфман, Умархон таҳтига Черняев ўлтириди. Фаргона хонлиги ерида Москвов хонлиги — оқ подшо ҳукмрон бўлди. Россия ватанимизни истило этди. Сўнгра тилимизни истило қилди. Секин-аста динимизни истило қилмоққа бошлади. Биласизларки, мусулмонларнинг ахлоқи бузилди. Босқинчиларниң келганига ўттиз йил тўлмай, мусулмонлар рибога айланди, ҳалол-ҳаромни фарқ қилмас бўлди. Қозиларимиз бўйнига бут тақадиган бўлди. Ҳурриятимиз гойиб бўлди, истиқолимиз маҳв бўлди, ўзимиз ўтмас, сўзнимиз кесмас бўлдик. Эй воҳ...

Оқ подшонинг номида янги фармои келди. Николайнинг номини жума намоз ҳутбасига қўшиб ўқилсии деб ва яна кўчирма сиёсати ила ватанимизга мужикларни ерлаштириди, ҳар тарафни тўнғиззор қилди. Кубони (Қувани) — Федченко, Маргилонни — Гурчакофф (Горчаков), Симни — Искобилиф (Скоблев), Бағдодни — Серова, Конибодомни — Мельников деб, ҳамма шаҳарларимизга бирор урус генералларининг исмини тақди... Аксар мусулмонлар янги шаҳардаги ичкилик дўконлагига, ошхоналарнга, қиморхоналарига муштарий бўлди, фоҳишаҳоналарга ўрганди, мусулмоиларнинг ахлоқи бузилди».

Мазкур ватангага содиқлик туўғулари билан суғорилган сатрлар қўзғолон сабабларини англашда муҳим аҳамият касб этади.

### ҚУЗГОЛОИНИНГ БОШЛАНІШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Юқори шарҳланган мустамлакачилик сиёсати вамиллий зулм жамоа аҳлиниңг барча тоифаларни бирлаштириб, чор ҳукуматига қарши бош кўтаришига олиб келди. Шуни айтиш лозимки, Фаргона водийсида халқ ғалаёнлари 1879, 1882 ва 1885 йилларда кўтарилилган. 1885 йилда Дарвишхон бошчилигига ҳам қўзғолон юзага келган. Шунингдек, бундай ҳаракатлар 1895—97 йилларда содир бўлганлиги маълумдир. Мазкур озодлик курашлари пировардида, яъни 1898 йилда йирик қўзғолон кўтарилишига замин ҳозирлади... Бутун Россия-

ти ларзага солган мазкур қўзғолон, даставвал, Андижон атрофидаги Мингтепа қишлоғида тайёрланган. Бу ерда истиқомат қилаётган Мұҳаммадали халфа Собир ўғли асли ҳунарманд оиласидан чиққан бўлиб, йикчилик (дукчилик) ҳунари билан шуғулланган. Бироқ у, дин пешвоси сифатида ҳам ном чиқариб, «камбағалпарвар, бечораларни суювчи» бўлган. Ҳамда «қўлига нима келса бева, бечораларга сарф қилиб турган». Мұҳаммадали халфа ўта ватанпарвар бўлганилиги учун мазлум халқни мустамлака зулмидан озод этишини муҳаддас бурч ҳисоблади.

У бир неча бор ишончли кишилар билан маҳфий йиғилишлар ўтказиб, қўзғолонга тайёргарлик кўрган. Биринчи навбатда қўзғолонга даъват этувчи «чақириқ қофозлари» Фарғона вилояти бўйича тарқатилиб, одамларни Мингтепага келишлари таклиф қилинди. Мұҳаммадали халфа қуидаги тарзда халққа мурожаат қилган эди: «Тарихда ўтган муazzам бир салтанат қурғон, қаҳрамон паҳлавонлар авлодимиз — бу зулматга ҳеч қандай зириҳ чидамас. Қани биздаги шижиоат? Қани аждодларимиздаги басолат? Сизларга нима бўлди? Мұҳаммад динида 400 олимимиз бордир, ҳаммаси мусулмон, ҳаммаси турк, ҳаммасининг исми Мұҳаммад. Ҳаммаси ҳанафий мазҳабдур. Бир исмда, бир мазҳабда, бир қабристонда бу қадар олимлар Туркистоидадир... Жаҳон тарихида, ер юзида, кўк юзида бу мисли кўрилмагандур. Туркистонликлар ҳар қаича ифтихор этса арзийдур, бажодур. Эй, биродарлар, бизлар шуидай аждоднинг набираларимиз...

Эй биродарлар! Ҳурриятимизни олайлик! Ўз ватанимиз, ўз юртимизда ўзимиз ҳукумат қурайлик!»

Бинобарин Мұҳаммадали халфанинг ушбу оташин ва ватанпарварлик мурожаати шу ҳақда гувоҳлик берадиқп, у мазлум халқининг хоҳиш-иродасини изҳор қилиб, ҳурриятин, яъни мустақиллик ва миллий давлатни тиклаш учун курашишга чақирди. Ўша сатрларда она юртнинг буюк ўтмиши ва тараққиёти билан ғуурланган ва фахрланган ҳолда қаҳрамонларча курашиш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мұҳаммадали халфа томонидаи руҳлайтирилган ва отлантирилган мазлум халқ 1898 йил 17 майда унинг бошчилигида Мингтепада бош кўтариб, Андижон шаҳари томон йўл олди. Мұҳаммадали халфа оқ от мингдан ҳолда қўзғолончиларни бошлаб, йўлдаги бир нечта қишлоқларни босиб

ўтди. Бу жойлардаги халқнинг талай қисми қўзголончилар сағиға қўшилди. Уларнинг орасида ўзбеклар билан бирга тоҷиклар ва қиргизлар ҳам бор эди. Қўзголончилар йўлда айрим золим маҳаллий амалдорларни жазолашга ҳаракат қилдилар. Жумладан, оломон бир қозининг уйини талон-торож қилди.

1000 пиёда ва 1000 отлиқ кишиларни ўз ичига олган қўзголончилар Андижон шаҳаридаги ҳарбий гарнizonга ҳужум қилдилар. Бу ердаги жанг Андижон ҳарбий гарнizonи бошлиғи Михайлопнинг кўрсатишича ниҳоятда шиддатли бўлган. Гарнizon ичига бостириб кирган қўзголончилар уйқудаги солдатларни бирма-бир ўлдираверганлар. Ҳар икки томон ўртасидаги жанг борган сари қизиб, солдатлар ваҳимага тушган. Бироқ улар дарҳол ўзларини ўнглаб олиб ҳужумга ўтганлар. Асосан, қилич, ханжар, сўйил, болта билан қуролланған қўзголончилар ҳимояга ўта бошлаганлар. Уларнинг орасида ўлжага олинган тўйпонча ва миљтиқ билан қуролланған кишилар бўлиб, солдатларга қашри ўқ узиб турганлар.«Бир маҳал, — деб ёзади Веселовский, — ўзбеклар чекина бошлади. Лекин байроқ атрофида бир тўдаси қимирламай турарди. Мулла кўк байроқ остида баланд овозда Қуръон ўқир, чекинишни истамас эди. Унинг ёнида баланд бўйли йигит байроқ кўтариб турарди. Шунда аскар отган ўқ муллани қулатди. Байроқдор унинг ўлигини қўлтиқлаб олди, аммо у ҳам ўлдирилди. Аскарлар ўзбекларни наиза ва қўндоқлар билан уришди. Улар эса меҳнат қуролларн билан ўзларини ҳимоя қилинди, аммо муваффақият қозонишомлади».

Хуллас, шиддатли жанглардан сўнг солдатлар ғолиб келиб, қўзголончилардан кўп кишилар ўлдирилди ва ярадор қилинди. Бундай бўлиши табиий эди, албатта. Негаки гарнizonдаги яхши қуролланған мунтазам қўшинга, асосан, оддий нарсалар билан қуролланған олонмоннинг бас келиши жуда қийин эди. Шунга қарамай қўзголончилар қаҳрамонона жанг қилнб, 22 солдатни ўлдирилар, 24 кишини жароҳатладилар. Қўзголон бостирилгандан кейин жазо отрядлари Андижон шаҳри ва атроф жойларида шу даражада ваҳшнийларча иш юритдиларки, уларга тегишли маълумотларни нзоҳлашга қалам ожизлик қиласади.

Қўзголон қатнашчиларндан жамн 777 киши ҳибсга олиниб, тергов қилинди. Кўп кишилар калтаклашларга ва қипйноқларга чидай олмай, қамоқхоналарда ўлдилар.

Терговдан кейин 415 киши суд қилинди. Улардан 32 киши оқланди ва 380 киши ўлим жазосига ҳукм қилинди. Бундан ташқари кўп кишилар узоқ муддатли қамоқ жазоси ва сургунга ҳукм этилди. Қўзғолонда болалар ҳам қатнашганлиги учун улардан 3 та ёш бола тарбиявий қамоққа ҳукм қилинди.

Айни пайтда Мингтепага қарашли учта катта қишлоқдан аҳоли кўчирилиб, уларнинг хонадонлари ер билан яксон қилинди. Уларнинг ўрнида рус посёлкалари ташкил этилди. Булардан ташқари Андижон атрофида яна 5 та қишлоқ бузуб ташланиб, 700 хонадон йўқ қилинди.

1898 йил 12 июнда Андижон шаҳрига мажбурий суратда аҳоли, жумладан, болалар жамланиб, уларнинг ҳузурида Мұхаммадали халфа Собир ўғли, Фойиназар Ортиқхўжа ўғли, Субхонқул Араббоев, Рустамбек Сошиболдибек ўғли, Мирзаҳамдам Усмонбоев ва Бўтабой Ғойибов сингари қўзғолон сардорлари дорга осилиб, шу ерга қўйилди ва қабрлари текислаб юборилди.

Хулоса: 1898 йил Андижон қўзғолонининг моҳияти ва ўйналиши мустамлакачилик сиёсатини ва милитий зулмни йўқотиб, ватан мустақиллиги ва озодлигинн тиклашдан иборат эди. Унинг қатнашчилари деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар, мардкорлар ва бошқа оддий кишилардан ташкил топган эди. Шунингдек, унда маҳаллий юқори табақаларнинг ватанпарвар, жасоратли ва мард вакиллари фаол қатнашдилар. Шуниси дніққатга сазоворки, қўзғолончилар тўғридан-тўғри ҳарбий гарнizonга ҳужум қилиб, озодлик курашини юқори чўққига кўтарди. Қудратли давлатнинг устунн бўлмиш ҳарбий гарнizon билан тўқнашиш миллий озодлик ҳаракатларп тарҳида камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Андижон қўзғолони бостирилган бўлса-да, аммо у чор ҳукуматининг ўлқадаги мавқеига анча қаттиқ зарба бериб, ҳалқнинг миллий ҳис-туйгуларп ва сиёсий онгини яиада ўстирди ҳамда янги озодлик курашларига замин ҳозирлади. Зоро, ҳажми ва салоҳияти жиҳатидан tengi йўқ 1916 йилдаги қўзғолонлар, сўнгра «босмачилик» ҳаракати Андижон қўзғолонининг мантиқий давоми ва маҳсулидир. Айни пайтда қўзғолон кўз ўнгимиизда Ўзбекистон мустақиллиги учун олиб борилган зафарли курашнинг бақувват илдизи сифатида тарихда ўчмас из қолдирди.

Иншоллоҳ, озодлик учун тўкилган қонлар беҳудага

кетмай, юртбошимиз Ислом Қаримов бошчилигига мустақилликка эришилиб, ота-боболаримизнинг орзу-истаклари ниҳоят рўёбга чиқди. Бундай озодлик, баҳт-саодат билан фурурланпш ва фахрланишга ҳақлимиз.

«Ўзбекистон овози» г., 1998, 14 май.

## 1916 ЙИЛГИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҚУРАШИ<sup>1</sup>

Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихи давомида хорижий давлатларнинг тажовузларига ва ҳукмронлигига қарши курашиб келди. Унинг мустақиллик ва озодлик учун олиб борган қонли жанглари тарих саҳифаларида олтин ҳарфлар билан битилган. Масалан, Аҳмонийлар, македониялик Александр, Араб халифалиги, Чинғизхон бошлиқ мўғулларга қарши қаратилган курашлар шулар жумласидандир. Озодлик курашлари чор Россияси ўзбек хонликларини босиб олгандан кейин ҳам содир бўлди. Буларнинг орасида энг машҳури 1916 йилги халқ қўзғолони ҳисобланади. Бу умумхалқ ҳаракати шу даражада кенг кўламда ва кучли ўтдики, унга тенг келадиган озодлик курашлари бўлмаган десак хато бўлмайди. Шуниси диққатга сазоворки, қўзғолон Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг деярли барча жойларини қамраб олди. Унда ўзбеклар, тоҷиклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ва уйғурлар фаол қатнашдилар. Унинг акс садоси бутун Россия империяси бўйлаб таралди. Хўш, қўзғолонни юзага келтирган сабаблар нималардан иборат эди?

Чор ҳукумати Туркистонда туб аҳоли вакилларини олий ва ўрта бошқарув идораларига яқинлаштирмасдан уларни фақат қуий мансабларгагина тайинлар эди. Бу тоғфадаги маҳаллӣ амалдорлар чор ҳукумати сиёсатини амалга оширишга хизмат қиласардилар, холос. Ўзбеклар сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, ҳокимият бутунлай чор амалдорлари қўлида эди. Туркестон генерал-губернаториг шу даражада кенг ҳуқуқ ва катта имконларга эга эдики, уни «ярим подшоҳ» деб атаган-пар.

Оврўпо давлатлари орасида Чор Россияси қолоқлиги,

<sup>1</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1991 йил 6 сентябрь сонида шу номда эълон қилингани мақола тўлдирилиб, кеигайтириб эълон қилинмоқда.

ўз ҳудудида ўта даражадаadolatсизлиги ва золимлиги билан ажралиб турган. Бу мамлакатда самодержавие, яъни яккаҳокимлик сиёсати тўла ҳукм сурган. Чор истибоди тобе барча ҳалқларни исканжасида қаттиқ ушлаб турган. Айниқса, ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар ва туркманлар каби фуқаролар ғоят мушкул аҳволда бўлган. Шунинг учун ҳам Россияни бежиз «халқлар турмаси» деб баҳоланмаган.

Чор ҳукумати ва рус капиталистлари Туркистон ахолисини талаш йўлида ҳеч нарсадан тоймадилар. Улар пахтадан олинадиган даромадларини ошириш учун ўлкада пахта яккаҳокимлигини зўр бериб ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Натижада, пахта, инак ва кўплаб хилма-хил ноз-неъматлар Россияга тобора кўп миқдорда олиб кетилди. Бу эса Туркистонни Россиянинг хом ашё манбанга айланишига олиб келди. Россиядан, асосан, тайёр саноат моллари келтирпаларди. Русия капиталистлари Туркистонда арzon баҳога олинган пахтадан тайёр-ёрланган газлама ва бошқа кийим-бошларни қиммат нарҳда пахтакорларнинг ўзгага қайта сотганлар. Бу эса капиталистларнинг даромадларини икки томонлама ва бир неча даражада кўпайишига олиб келган. Шўрлик пахтакор эса бир бурда нонга зор бўлган.

Ўлкада чоп этилган «Окраина» («Чекка ер») рўзномасининг 1896 йилги сонларидан бирида қўйидаги маълумотлар келтирилган: «Рус саноати эҳтиёжиниң қондириш мақсадида пахтачиликнинг ривожлантирилиши саноат эгаларидан ўзга ҳеч кимга фойда келтирмади. Пахта арzon баҳода олиниб Русияга юборилди. Шу пахтадан ишланган тайёр маҳсулотлар у ёқдан ўлкага келтирилиб сотилди, катта фойда кўрилди. Мавжуд пахта майдонларнинг қисқартириб, меъёрида экиш ҳақида жўшиб гапирилди-ю, пахтани экншавердилар».

Чор ҳукумати маҳаллий аҳолидан йифиладиган солиқ ва тўловлардан катта даромад оларди. Хуллас, меҳнаткаш омма чор ҳукумати ва капиталистлар томонидан таланиб келарди. Натижада уларнинг бўйнидаги қарз миқдори ошгандан ошиб борарди. Чунончи, 1912 йилдаги пахтакорларнинг давлат ва хусусий банклардан қарзлари 156 миллион 712 минг сўмни ташкил этган. Шундан 80 миллион 979 минг сўм пул Фаргона вилояти пахтакорларн зиммасига тушган эди. Қарздорлик деҳқонларни бир парча сридан маҳрум қилган, хўжалигини хонавайрон этган.

Оврўполик олим Грум Гrimжайло маҳаллий деҳқоң турмуши ҳақида шундай ёзган эди: «Деҳқоннинг уйил ва хўжалиги шу даражада харобки, бундай турмушни бирон бир бошқа жойда кўрмаганман. Рўзгорларида икки-уч темир асбоб, икки-уч сопол идиш бор эди, холос. Уйининг бир бурчагида йиртиқ, ягир босган бир нечта ёстиқ, кўрпа пала-партиш уюлиб ётарди. Деҳқонлар қорамтири кўкрагини очиқ қолдириб яғир яктак, устидан йиртиқ чопон кийишади. Аёллар ва болалар ҳам йиртиқ кийимларда юришади. Машаққатли меҳнатдан сўнг улар куч-мадор тўплаш учун атала ёки жўхори, ё буғдој, ё арпани қатиққа аралаштириб гўжа тайёрлаб ичишади. Улар кўпинча ўша овқатни тановулғиладилар ва мудом машаққатли меҳнат билан бандирлар». Пахтачиликнинг ривожланиши боболаримизни ана шундай фоят ачинарли кун кечириши мажбур қилиб қўйганди.

1914 йилда бошланган Биринчи жаҳон уруши Россиядаги барча миллат ва элатларнинг бошига кўпдан-кўп азоб-уқубатларни ва ташвишларни солди. Халқ хўжалигини издан чиқиб кетиши мамлакатда очарчиликни ва қашшоқликни тобора кучайтириб юборди. Бу ҳолат, айниқса, Туркистон ўлкасида кўзга ташланади. Чор ҳукумати ва капиталистлар уруш кетаётганлигини рўкач қилиб, ўлка аҳолисини янада қаттиқроқ талади ва зулм остига олди. Улар беш панжаларини оғзига тиқиб иш юртдилар. Оғир иқтисодий вазиятга қарамай, чор ҳукумати Бухоро (Қогон — Қарши — Термиз), Фарғона (Қўқон—Наманган—Андижон), Еттисув (Арге—Бурнас) темир йўлини қурди. 1916 йилда Фарғона темир йўли қуриб битказилди ва ишга туширилди. Бундан мақсад ўлканнинг деҳқончилик маҳсулотларини ватабиний бойликларнини Россияга олиб кетиш эди. 1914—16 йилларда 41 миллион пуд пахта, 3 миллион пуддан ортиқ пахта ёғи, 200 минг пуд совун, 300 минг пуд гўшт, 47 минг пуд балиқ, 70 минг от, 12797 тута, 270 арава, 1344 ўтов, кўп миқдорда қуруқ мевалар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари Россияга жўнатилган эди. Шунингдек, 1914 йилда Еттисув вилоятидан 34 миллион сўмлик йирик ва майда қорамол, 1915 йилда Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан бир миллион қўй олиб кетилганишиги маълумдир.

Ўлкада ғалла стишириш ва чорвачилик орқага кетди. Россиядан ғалла келтириш эса анча камайди. На-

тижада рус ғалласига умид боғлаб пахта экаверган ўзбек деҳқони жуда қийин аҳволга тушиб қолди. Айрим маълумотларга кўра, 1916 йилда Фарғона вилоятининг одатда оладиган ғалласи 12—14 миллион пудга камайди. Бутун ўлкада эса бундай етишмовчилик 22 миллион пудни ташкил этди.

Озиқ-овқат, кийим-кечак, газлама ва қурилиш материалларининг нархи кун сайин ошиб борди. Масалан, газлама нархи 300—400 фоизга, кийим-кечак нархи 200—300 фоизга, қанд нархи 250 фоизга, пойабзал нархи 300—400 фоизга кўтарилиди. Фарғона водийсида илгари 50 сўм турадиган отнинг нархи 100—200 сўмга, 5—9 сўмлик қўйнинг нархи 30—35 сўмга кўтарилиди. Ғалла ва ноннинг нархи ҳам ошиб кетди. Булар камдек чор ҳукумати солиқларни ва мажбурияtlарни кўпайтирди. Ер солиғи 1914 йилдаги 6.869.021 сўмдан 1916 йилда 14.311.771 сўмга етди. Бир пуд пахта толасига 2 сўм 50 тийиндан қўшимча солиқ жорий этилди.

1915 йилнинг 1 январидан бошлаб, туб аҳолидан ҳарбий хизмат ўтамаганликлари эвазига даромадларидан қўшимча 21 фоиз ҳарбий солиқ олиш буюрилди. Уруш туфайли пахтанинг бозор нархи кўтарилиди. Бундан пахтакорлар бирмунча фойда кўришлари мумкин эди, лекин чор ҳукумати тўқимачилик саноати эгаларининг талабига кўра пахта савдосини назорат остига олиб, унинг бозор баҳосини 30—31 сўмдан 24,50 сўмга туширди. Бу деҳқонларга зиён келтирган бўлса, капиталистларнинг чўнтагини тўлдириди. Масалан, биргина Тверь тўқимачилик саноати 1913—14 йилларда пахтанинг эски нархидан 1.893.000 сўм фойда кўрган бўлса, кейинги 1915—16 йилларда у 9.931.000 сўмга чиқди. Деҳқонлар оммаси банклар, фирмалар ва маҳаллий судхўрлардан олган қарзлари орқасидан ҳам мушкул аҳволга тушиб қолган эдилар. Айниқса, пахтачиликнинг ривожланиши деҳқонларни янада оғир аҳволга солиб қўйди.

«Пахтачиликни ривожлаптиришга қаратилган тадбиирий чораларнинг салбий томони шу бўлганки, — деб ёzáди В. И. Юферов, — уларни тайёрлаш ва амалга оширишда халқларнинг манбаатдор доиралари қатнаштирилмади. Пахтанинг асосий ишлаб чиқарувчиси деҳқонларни ва умуман, пахтачиликка алоқадор бошқа кишиларнинг сўзларига аҳёnda қулоқ солинди, холос. Бу борада савдо-саноат доираси яхши аҳволда турнб, у ўз

талаблариниң Құқон биржасының комитети ва Москвадағы комитети қошидаги пахта комитети орқали амалға ошириши мүмкін әди». Пахта районларидаги деҳқонларга келганды шунан айттын керакки, улар уюшмаган оммадан ташкил топиб, ўз әхтиёжларини гапириш ва ўз манфаатларини ұмома қилиш имкоцида маҳрум әдилар. Қишлоқ хұжалик жамиятлариниң эса, пахтакор деҳқонларининг манфаатларипи ұмома қиласын деб айттын мүмкін әмес, албатта. Қишлоқ хұжалиғи жамиятлари катта йирик срэгелариниң ўзиге бирлаштириб кеңгір деҳқон оммасыдан үзоқ әди. Шунининг учун, қишлоқ хұжалик жамиятлари, деҳқон оммасының манфаатлариниң етарлық даражада акс әттира олмас әди.

Бинобарин, пахтакорларининг әхтиёж ва талаблариниң амалға оширувчи ва ұмома қилувчи бирорта ташкинлот ёки жамият бўлмаган. Пахтакорлар юқори ва қуйи маъмурнят, савдо-саноат сармоядорлари ва маҳаллий бойларнинг талон-торож қилиш манбаига айлантирилган әди. Пахтакор устидан юргизилган зулм ва азобининг чегараси йўқ әди. Одатда, эрта баҳорда пахтакорлар хұжалигидаги озиқ-овқат, кийим-кечак ва маблағга муҳтоҗлик ниҳоятда кучайиб, ерини ҳайдаш, уруғлик сотиб олиш ва экини ишларига ҳеч нарсаси қолмас әди.

Шу пайтда банклардан пул олган фирмалари пахта районлариниң кезиб, пахтакорлар билан қарзга пул бериш ҳақида шартнома тузардишлар. Бу ишни амалга оширишда маҳаллий маъмурнят вакиллари, даллоллар, чистачи<sup>1</sup> ва аравакашлар воситачилик қилардишлар. Ҳар бир фирма вакиллари биринчи навбатда вилоят ҳокимларини ва оқсоқолларини ўзига оғдиришга ҳаракат қилгандар. Улар бунга эришиш учун зиёфат ва совгальар уюштиргандар. Фирма волость ҳокими ва оқсоқоли билан яхши муносабат ўриятиши биланоқ, уннинг фалияти учун кеңгір йўл очилган.

Туркистанда волость оқсоқоли ва ҳокими жуда ғалати шахс ҳисобланади. Одатда, оқсоқоллик ва волость бошлигилигига бой кишилар сайланган, сайлов олди ҳаражатлари баъзида ўн минглаб сўмларини ташкил этган. Ваҳоланки, волость бошлигига бир йилда берин-

<sup>1</sup> Чистачи пахтапи деҳқонлардан сотиб олиб, чапоқдан тозалатиб фирмаларга сотган.

ладігән маош 600 сүмга түғри келади. Ҳокимиятга бундай бошлпқ ўтириши биланың, сарфланған нұлларни ақолидан анча ошиғи билан қайтариб олғаи. Бу харатжатларни ундиришиңнег асосий оғирлиги нахтакорларниң зиммасынга түшгән. Шу равишда, маҳаллий бойлар ҳам меҳнаткаш омма устидаи қаттиқ зулм ўриатған әди. Шуннег учун улар ҳам ақолининг пафратига учраган әдилар.

Хуллас, оғир солиқлар, қарздорлик ва қаҳатчилик дәхқонларни бир парча ерпдан ва мол-мулкларидан маҳрум бўлишиңга олиб келди. Натижада мардикорлар ёки чоракорлар сони кўнайиб кетди. Уруш баҳонаси билан ўзбеклар ва бошқа туб ақоли қаттиқ таъқиб ва сиқув остига олиди. Бутун ўлқада вазият гоятда оғирлашди ва кескин тус олди. Бундан қаттиқ чўчиган чор ҳукумати зўр бериб туб ақолини рус давлатига иисбатан содиқ бўлишликка чақириб, ватаниарварлик туйғуларини намойиш этишин талаб этади. Давлатга қарши қилинган ҳар қандай хатти-ҳаракат дарҳол қаттиқ жазоланиши ҳақида маъмурнят кўрсатма олди. Ҳатто, масжидларда ва мадрасаларда рус императорига саломатлик ва узоқ умр тилаган ҳолда хутба ўқиши буюрилди.

Чор ҳукумати вакилларни ва капиталистлар қуий маҳаллий ҳокимият вакилларига таянгани ҳолда меҳнаткаш оммани мустамлакачилик исканжасида шу дараҷада сиқдики, унга бошқа чидашнинг иложи бўлмай қолди.

Бундай аянчли ҳолни шоир Завқий шундай таърифлаган:

Қаҳатчилик бўлди, бу Фаргонамизда,  
Топпимас парча ион вайронамизда...  
Ўлим хавфи ўраб қишлоқларни,  
Не қишлиқу жибол авлоқларни,  
Кирилди қашча одамлар вабодан,  
Нишона қолмади меҳру вафодан.

Шундай оғир вазиятда 1916 йил 25 июнда Рус императори Николай II имзоси билан «Империядаги рус бўлмаган эркак ақолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа инишотлари ва ҳарбий алоқа йўлларини қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақидаги» фармони эълон қилини-

ди. Бунга кўра Ўзбекистон ўлкасидаги Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Қаспий орти вилоятларидаи 19 ёшдан 31 гача бўлган кишилар мардикорликка сафарбар этилиши лозим эди. Бу фармони бутун ўлка аҳолисини ларзага солди. Чунки мардикорликка, асосан, камбағаллар олиниши керак эди. Агар улар кетса, аёллар ва фарзандлар боқувсиз қолниб, ҳалок бўйлишлари ҳеч ган эмас эди. Шунга қарамай чор ҳукумати вакиллари император фармонини дарҳол амалга оширилишини талаб қилди. Бу сабр косаси тўлиб-тошгани халқнинг қўзголои кўтаришига катта туртки бўлди.

Қўзголои, даставвал, 1916 йил 4 июлда Хўжанд шаҳрида кўтарилиди. Бу ерда тўйланган 6—7 минглик оломон полиция идорасини қуршаб, мардикорликка бормасликларни шовқин-сурои билан изҳор қилдилар. Олонининг олдинги сафларида Б. Абдумадаминов, Дадабой Машарипов, Яҳёхон қори Олимхонов ва Эшонхон Мирза Уринов сингари кишилар туриб жасорат намуналарини намойиш этган эдилар. Оломон орасида аёллар ва болалар ҳам бор эди.

Полиция ва солдатларнинг қўзғолончиларга қарата ўқ отишлари натижасида қўзғолончилардан уч киши ўлдирилди ва 4 киши ярадор қилинди. Бу тўқнашувда оломон солдатлардаи қуролни тортиб олишга уриди. Бу воқеадан кейин Самарқанд вилоятининг бошқа жойларида ҳам бирин-кетин қўзғолонлар кўтарилиди. 5 июлда шу вилоятининг Ангор, Ургут, Сиёб, Хўжааҳор сингари қишлоқ ва бекатларда халқ оломони бош кўтариб, бир неча оқсоқолларни калтаклади ва мардикорлик рўйхатларини йиртиб ташлади. 7 июлда Даҳбед қишлоғида қўзголои кўтарилиб, волость бошқарувчинининг миrzаси Қобулов ўлдирилди. Уига Мулла Усмон Абдурасулов, Гадой Абдуқодиров, Холмўмин Холмуродов, Азизқул Муродов ва Мухтор Ҳафизов сингари кишилар бошчилик қилган. Қўзголон қатиашчиларидан 24 киши ҳибсга олиниди. 11 июлда Жумабозор қишлоғида 4 минг кишидан иборат оломон мардикор олинишига қарши тўпланиб, подшоҳ фармонини бекор қилинишини талаб қилди.

Шунингдек, қўзғолон Санзор волостининг Ўсмат қишлоғида бўлиб ўтди. Ҳатто, айрим одамлар мардикорга боришдан бош тортиб гуруҳ-гуруҳ бўлиб бошқа жойларга қочдилар. Масалан, 12 июлда Давул ва Чашмай волостлардан одамлар Бухоро хонлигига ўтиб

кётдилар. 11—12 июль кунлари Ём, Зомий ва Йигиқурғон қишлоқларидан халқ оломони айрим оқсоқолларни ўлдирди ва мардикорликка бормасликларни изҳор қилдилар.

Халқ қўзголони, айниқса, Жиззах шаҳрида ниҳоятда кучли ўтди. Бу ерда 13 июлда Назар Хўжа, Мулла Махамат Раим бошчилигига оломон чор ҳукуматининг ҳукмронлигига ва мардикор олипишига қарши бош кўтарди. Прокурорининг айбномасида кўрсатилишича, наиза, сўйил, болта, пичоқ, қилич ва тўппончалар билан қуролланган ва газабланган оломон 13—17 июль кунларнида шаҳарда ва унинг атроф жойларида ҳарбий қисмларга, маъмурият вакилларига қарши ҳужум қилганлар. Улар кўп жойларда темир йўл изларини кўчирғанлар, кўприк ва уйларни ёндириғанлар, телефон симларини узгағанлар, темир йўл казармаларини ва қурилишларини остин-устун қилганлар. Шунингдек, қўзголончилар Жиззах уездининг бошлиғи полковник Рукини, полиция штабс-капитани Зотоголовни, уезд бошқармасининг таржимони Мирза Ҳамдам Зокиржоновни, Жиззах шаҳрининг катта оқсоқоли Комил Жумабаевни, оқсоқол Мирзаёр Худоёровни ва рус аскари Ф. Грищенкони ўлдирдилар.

15 июлда Каттақўргон уездининг Чимбой ва Қалқўргон волостларида ҳам галаён кўтарилиб, қози Тошибойиб Назаров ўлдирилди ва икки оқсоқол тошбўрон қилинди. 18—21 июль кунлари галаёилар Самарқанд вилоятининг Мингарик, Гадойтоимас ва Сергош волостларида юзага келди. 20 июлда Каттақўргон шаҳрида қўзғолон вақтида ҳарбий команданинг ўқ узиши натижасида 5 киши ўлди ва кўп кишилар жароҳатланди.

Чор маъмурияти Жиззах қўзголони қатнашчиларни юважийларча жазолади. Шаҳар ва бир нечта қишлоқлар ер билан яксон қилинди. Шаҳар аҳолиси иссиқ жазирамада чўлга ҳайдаб юборилди. Бу ерда кўп аёллар, болалар ва кексалар мисли кўрилмага азоб-уқубатларни бошдан кечирдилар. Ҳатто, Жиззах фожиаси Петербургда Дума йигилишинда муҳокама қилинди. Дума бу масалани ва умуман, 1916 йилги қўзғолонни бостиришида чор маъмурияти томонидан йўл қўйилган шафқатсизликни текшириш учун Дума аъзоси А. Ф. Керенский бошчилигига махсус комиссия жўнатган эди. А. Ф. Керенский аҳволини текшириб, шундай хulosага келган эди: «Туб аҳолининг галаёиларини бостириш учун бел-

гиланган жазо экспедицияси ўта шафқатсизлик билан ҳаракат қилиб, фақат эркакларни әмас, балки аёлларни ва болаларни ҳам қириб ташлаганлар». Ўша комиссия «аҳоли тураг жойлариши шу дарајада бузиб ва яксон қылдиларки, бунақаси уруш майдонларида ҳам юз берган әмас» деб ёзган әди. Шунингдек, унда Жиззах шаҳри бутунлай яксон қилинганини қайд эттилди. Бундай ҳолат қўзголончиларниң эсдаликларида ва оғзаки фольклорда ҳам баён эттилган:

Тахта кўпирик битдими?  
Николай подшоҳ ўтдими?  
Жиззах шаҳрини вайрон қилиб,  
Муродига етдими?  
Ош кади, налов кади,  
Томга чиқиб дод айлади.  
Намозгоҳни солдат босиб,  
Жиззахни вайрон айлади.

Хулласе, халқ қўзголонлари бутун Сирдирә вилоятинда ҳам аланига олди. Бу ерда галаён 11 июль куни Тошкентда бошланди. Эски шаҳар полиция бошқармасига бсрдиган кўчада хотинлар додлашиб ва у ёқдан бу ёққа юришиб мардикорликка ҳеч кимни бермасликларини изҳор этганлар. Уларга эркаклар эргашиб, шовқин-сурон билан бошқарма идораси томони юришган. Бу ерда полицмейстер Мочалов миришабларга идорага кирдиган йўлларни тўснини ва ҳеч кимни қўймасликни буюрган. Бироқ, 2000–3000 кишилик оломон панижараларни синдиришиб ва миришабларни тошбўрон қилишиб ҳовлига бостириб кирдилар. Хотинлар «мардикорликка бермаймиз», эркаклар эса «бормаймиз, шу ерда ўламиз» деб бақиришган. Қўзголончилардан бирни миришаб Йўлдош Муҳаммад қўлидан тўппончани тортиб олади.

Бошқарма идорасининг қоровули Мираҳмад маъмуринят ёнини олганлиги учун оломон томонидан ўлдирилади. Шунингдек, халойиқ полиция бошқармасининг миризаси Трентовеус бошини жароҳатлаган. Тошбўрон орқасида Себзор даҳасининг миришаби Сайд Исмоилжонов, Шайхонтохур даҳасининг миришаблари Тилла Эшмуҳамедов ва Дониёрхўжа Исахўжаевлар ҳам яратдор қилинди. Аскарлардан уч киши жароҳатланди. Оломон бошқарма идорасини тошбўрон қилиб унинг дераза ва эшикларини синдириди. Шу пайтда хотинларнинг қўз-

голонда қатишаётғанлыгини қоралаган Обид уста Азиҳұжықа калтакланди. Бу киши шаҳар касалхонасига ўлган.

Прокурор айбномасида бу ҳақда шундай дейилган: «Мархұм Обид уста Азиҳұжаяевнинг укаси 11 июль куни кечқурун касалхопага борганды акаси жон берішдан олдин: "Мен полиция бошқармасининг тагида туриб, шовқин-сурон күтариш ва тошбүрөн қилиш әркаклар турганды хотииларга муносиб әмас, дедим. Шу ондағы кишилар ва хотиилар мени күчага судрашиб олиб чиқишиди. Бу ерда кимдир биқинимга пичоқ урди"».

Құзғолон вақтида подполковник Н. Е. Колесников бир неча маротаба оломонни тинчлантиришга ҳаракат қылды. Аммо үлар қаршилик күрсатнышни тұхтатмадилар. Құзғолончилардан бири құлида қиличи билан Н. Е. Колесниковга ташланаётғанда, у, бу кишини түппончадаң отиб ўлдирді. Шундан кейин халойиқнинг қони қайнаб, «ур!» деган овозлар янгради. Оломон орасида Маҳмуд Мирсаотов ислемли гимназия ўқувчиси «миршабларни уринглар!» деб одамларни ұжумға чақырган. У гимназия кийимида бўлган. Құзғолончилардан Мирқосим Исамуҳамедов шериги билан телефон симини узган.

Оломоннинг бошқарма идорасига бостириб кириши хавфи туғылғандан кейин Н. Е. Колесниковнинг буйруғына күра уларга ўқ отилди. Натижада 11 киши ўлдирилди ва 15 киши ярадор қилинди. Ўлганлар орасида Абдусамад Абдусоатхұжаев, Шоюнус Абдукаримов ва бошқалар бор эди. Аёллардан Рузвонбиби Аҳмаджонова ўлдирилди, Зурабиби Мусамуҳамедова ярадор қилинди. Уста Одил Алимбосев, Охунбобо Абдулла Азизов, Мулла Олим Файзибоев, Пўлат Мирисаев, Шокир Камолов, Эрназархұжа Икромбоев, Содиқ Қориев ва бошқа кишилар ярадор бўлдилар.

Бошқарма ҳовлисида баён этилган фожна юз берганидан күп ўтмай. Тошкент шаҳар бошлиги С. О. Кочин етиб келади. У ўзи күрган воқеани шундай ёзған эди: «Мен полиция бошқармасига келганимда күчада, бошқарма атрофига ва қисман ҳовлисида әркак ва хотиилардан ташкил тоғған оломонга дуч келдим. Оломон бир неча минг кишилардан иборат бўлиб, уларнинг орасида ўлганлар ва ярадорлар ётарди.

...Полиция бошқармасига борадиган күчада айрим кишилар менга йиғи-сиги аралаш нималарни дір тушунтиришга, кимларни дір устидан шикоят қилишга ҳа-

ракат қылардилар. Бу ерда эркаклар ва хотиплар бўлиб, уларнинг ҳаммаси хўрланган ва эзијлган кўринарди. Полиция бошқармасига кирганимда эски шаҳар миришабларишиг ҳаммаси қўлларида тўйинонча ушлаб турғанликларши кўрдим. Бошқарма биноси ёнида телефон сими узилган ҳолда ётибди. Идоранинг ичида гишт ва тош парчаларини, эшик ва деразаларнинг сингапини кўрдим. Ҳали ҳарбий қисмлар келмаган эди.

Оломоннинг тарқалишини сўраб қилинган таклифлар иибатга олинимай шовқин-сурои эшитилиб турди. Кўп ўтмай ўликларни ва ярадорларни олишга ва тиббий ёрдам кўреатишга киришилди. Шу найтда боиқармага ҳарбий билим юртининг отряди ва Тошкент янги шаҳарининг миришаблари келишди. Шундан кейин ҳарбий қисмлар ҳам келиб, оломонни кўча тарафдан ўраб олди ва уларни тарқатишга муваффақ бўлинди. Қўзголончилардан бир гурӯҳи миришаб Мир Комилни хона-донинга ҳужум қилиш учун Бешёғоч томонига кетишган».

Чор ҳукумати қўзголонни бостиргандан кейин кўп кишиларни ҳибсга олди ва суд қилди. Фалаённинг фаол қатнашчиларидан этикдўз Абдураҳмон Қаюмсўфиев ва қора ишчи Мирқосим Шомухамедовни осиб ўлдиришига ҳукм қилинди. Ишчилардан Тожибой Юнусхўжаев, Фулом Қамолов, Йўлчи Иброҳимов, Низомиддинхўжа Зайниддинхўжаев, Муродхўжа Маҳмудали Хўжасев, шунингдек, Еқуб Муроджабборов ва бошқалар узоқ муддатли сургун ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Гарчанд Тошкент қўзголонни бостирилган бўлса-да, унинг акс садоси бутун ўлка бўйлаб таралди. Аввало, Фалаёнлар Тошкент атрофидаги жойларда авжига чиқди. 12—14 июль кунларида Хитойтепа, Тўйтепа, Фишткўприк, Хонобод, Пекент ва Кауфман станцияси (Зангнота)да халойиқ бош кўтариб, мардикорликка бормасликларни маълум қилдилар. 15—16 июлда Вревский станцияси атрофига ва 84-темир йўл разъездидага кўп минглик оломон кўчага тўпланди. 20 июлда Булат во-лостида 60 минг, Қибрайдага 6 минг кишилик оломон мардикорликка қарши кўтарилиди.

Хуллас, ҳалқ ғаласёнлари Тошкент уездининг кўн жойларини қамраб олди. Улар, айниқса Тўйтепада қизғин тус олди. Бу ерда халойиқ оқсоқолининг уйини, идорасини ва император Николайнинг суратини ёндириб ташлади. Чор ҳарбий отряди қўзголончиларга ўқ узиши натижасида 20 киши ўлдирилди ва ярадор қилинди.

Сирдарё вилоятига қарашли Амударё бўлими (Қо-рақалпоғистон)да ҳам қўзғолонлар юзага келганлиги маълумдир.

Қўзғолон Фаргона вилоятини ҳам қоплаб олди. 1916 йил 9 июлда ғалаён Андижон шаҳарида Жомий масжиди майдонида кўтарилиди. Бу қўзғолонга А. Ҳакимоқсоқолов, А. Рўзибоев ва М. Абдукаримов сингари кишилар бошчилик қилди.

Андижон уезди бошлиги И. А. Брежезинскийнинг маълумотига кўра, унга 500 кишилик оломон чор ҳукуматининг сафарбарлик тўғрисидаги фармонига бўйсунмасликларини айтганлар. Улар уезд бошлигининг тушунтиришига қулоқ солмай, ундан фармон тўғрисидаги гапларни тўхтатишин ва мардикорликка сафарбар қилмаслик ҳақида тилхат беришни қатъий равишда талаб қилдилар. Улар бундай қилинмаса, элликбошилар ва бошқа амалдорларнинг ҳаммаси ўлдирилни ва уларнинг мол-мулклари талон-торож қилинишини уезд бошлиғига билдирганлар. Бу талабга рад жавоби олишгандан кейин қўзғолончилар полиция ва ҳарбий отрядга қарши кетмои, тош ва таёқлар билан ташландилар. Бу тўқнашувда ҳарбий отряд томонидан ўқ узилиб, қўзғолончилардан 10 киши яраланган ва 3 киши ўлдирилган. Аскар ва полициячилардан бир неча киши шикастланган.

10 июлда Олтинкўл волостига қарашли Далварзин қишлоғида қўзғолончилар волость бошлиғи Муллахонишибек Мулларўзебеков ва унинг икки ҳамроҳини ўлдирилдилар. Бунда қишлоқнинг бутун аҳолиси қатнашди. Жазо отряди стиб келган вақтда уларнинг ҳаммаси қишлоқни ташлаб кетган эдилар.

13 июлда Андижон уездининг Майғир волостининг Чуам қишлоғида қўзғолон кўтарилиб, оломон қишлоқ оқсоқоли Ю. Ҳасанбоев, элликбоши Қинчоқбой ва Мулла Йўлдош Султонхўжаевларни уриб ўлдирганлар. Шунингдек, улар амалдорларнинг уйларини бузиб, мол-мулкларни талаганлар. Қишлоқ оқсоқолининг отаси К. Тўракулбоевнинг кўрсатишича, халоийқ үй-жойларни вайрон қилишдан ташқарӣ, 200 минг сўмлик қарздорлик хўжжатлари ва всесёлларини ёндириб ташланганлар. Қўзғолонга А. Исломов, М. Қосимов, А. Ризоқулбоев, А. Алиев, Т. Тўракулбоев, А. Тўхтасибоев; Т. Маманиёзов, П. Аблувалиев, И. Мадраимов, Ж. Поллонов, М. Охунов, М. Оқсоқолов, Д. Темирбоев ва

К. Ризоқулбоев деган кишилар бошчилек құлғаплар.

Құзғолонлар жазо отрядлари томонидан шафқатсиз бостирилишига қарамай, тобора күнроқ тарқалиб борғап. Бу борада Чек Офтабачи, Миробод ва бошқа қүшни қишлоқларда күтариլған құзғолонларин күрсатыш мүмкін. 12 июлдан 13 июлга ўтар кечаси Чек Офтабачи ва Чек Ғофир қишлоқларининг 300 кишилик оломони Бувназар Ҳожнев, Ота Бойбача, Мамадали Ҳожиев, Құчқор Ғозиқұлов, Аҳмадали Абдуносиров, Үмарали Сотиболдиев, Үмархұжа Фармонқұлов ва Мамадхасан Аҳмадхұјаев бошчилигида оқсоқолининг уйига бостириб кириб, уни топиб беришликларини оила аъзоларидан талаб құлғаплар. Бу вактда оқсоқол ва маъмуриятшының бошқа вакиллари Андикон шаҳрида яширишип юрган әдилар. Құзғолончилар оқсоқолининг ўғлини ва бошқа қариндошларини бөглаб оқсоқолни топиб беришларини, аке ҳолда уларни ўлдириш ва уй-жайларини ёндирishларини маълум құладаптар. Ҳатто, құзғолончилар оқсоқолни қидириб топиши ва жазолаш мақсадидан ўз вакилларини шаҳарға юборғаплар. Чек Офтабачи құзғолончиларининг бошлиғи атроф жойлар билан ҳамкорликда курашин давом эттириш мақсадида Хонбөг, Мадиёр каби қишлоқларға ўз вакили мироб Сотиболдиевни юбориб, құзғолон күтаришга ва амалдорларни жазолашга чақырди.

Құзғолон М. Масандов, И. Сайдбоев ва Р. Раимбердиев бошчилигида Донқүйма қишлоғида ҳам бўлиб ўтгап. Бу ерда халойиқ қишлоқ оқсоқоли М. Саримсоқовниң хонаадонига бостириб кириб мардикорлар рўйхатини ва бошқа ҳужжатларин күйдирив, оқсоқолни топиб беришликни қариндошларидан талаб құлғаплар. Халқ құзғолони Миробод номли қишлоқда ҳам бўлғаплиги маълум. Құзғолонга Ж. Ортиқов, Р. Шерматов ва М. Ҳасанбоев деган кишилар раҳбарлик қилиб, маъмуриятшыни зулми ва адолатсизлигига қарши курашғаплар. Маъмурият вакиллари құзғолончиларининг жазосидан шаҳарға қочиб қутулишга эришганлар.

Норин волостида бўлиб ўтгап халқ құзғолонлари ҳам алоҳида диққатга сазоворди. Бу вилоятининг Чўжа номли қишлоғида Ю. Масодиқов, Ҳ. Ҳожиев, Ш. Қоррабоев ва Ҳ. Махмудбоевлар бошчилигида оломон таёқ, кетмои ва ўроқ билан қуролланған ҳолда оқсоқол М. Каримбой ўғли ва элликбони Т. Норматбоевларининг хонаадонларига ҳужум құлғаплар. Бироқ оқсоқол ва

элликбоши қочиб улгурган эдилар. Ҳарбий отряд түпланиб турған бир гурух оломонга ўқ отған ва иккى киши ўлдирилған.

Халқ құзғолони Норин волостиңнің Хұжавот қишлоғида ҳам бұлғанынғи маълум. Бу ерда 1000 кишиға яқин оломон құлға тушған нарасалар биләп қуролланып, оқсоқолниңнің үйини ўраб олди. Бироқ, құзғолон жазо отряди томонидан тарқатылып, Т. Абдувоситов, Ж. Құрбошев, М. Мадаминов, Р. Худойберлиев, И. Диёрбоев ва Б. Одилбоев сиңгари кишилар қамоққа олиниди.

Андижон өзездиниң Капа, Пода қишлоғи ва Балиқчи волостида ҳам құзғолон күтарилған. Оқсоқол ва элликбошилар оломон томонидан ўлдирилған. Бундай құзғолонлар Жалолқұдуқ, Халқобод, Избосқан ва Ербоши волостларида бұлған. Жалолқұдуқ волостидағы Сүғи қишлоғида маҳаллий маъмурнят вакилларидан 5 киши құзғолончилар томонидан ўлдирилди. Бу ишда фаол қатнашған Мамарасулов, Сүғиев ва бошқа құзғолончилар қамоққа олиниб, судға берилған. 14 июлда құзғолончилар Қорасув станциясында ҳужум қылғанлар.

Фарғона вилоятидағы энг иирик құзғолонлардан бири 10 июлда Маргилон шаҳрида бўлиб ўтған эди. 20—25 мпиг кишидан иборат шаҳар аҳолиси Үрда майдонида түпланиб, мардикорликка олишга қарши күтарилдилар. Құзғолончилар мардикорликка олиш ҳақидағы фармоны тушунтириш ва амалга ошириш мақсадида сұзла-моқчи бўлған полицмейстер, подполковник Пехотин ва маҳаллий маъмурнят вакилларни гапиришга мутлақо йўл қўймай, уларга ҳужум қылғанлар. Подполковник Пехотин эса тўпнончани ўқлаган ҳолда зўрга тұдадан қочиб қолған. Оқсоқоллар эса майдонда оломон томонидан калтак, кетмои ва тошлар биләп уриб ўлдирилған. Құзғолон вақтида оломон томонидан 8 киши ўлдирилған. Шундан кейин халоинқ турли жойларга тарқаб кетганд. Кўн ўтмай ҳарбий отряд келиб Үрда майдони ва бошқа мұхим жойларни әгаллади. Қуни давомида шаҳар бўйлаб құзғолоннинг актив қатнашчилары қидирилиб, улардан 63 киши қамоққа олиниди. Жинлар қишлоғида эса құзғолончилар биләп жазо отряди ўртасида тўқиашув бўлиб ўтған.

Езёрон волостиңнің бошқа жойларида ҳам құзғолонлар бўлиб, улардан 36 киши суд жавобгарлигига тортилған. Бу құзғолонларнинг характерли хусусияти шундаки, унда хотинлар фаол қатнашғанлар. Шунинг

учун улар устидан ҳам тергов қўзгатилган. Масалан, Ч. Мадалибоева, Ч. Бадалбоева, М. Охунова, М. Пўлатхўжаева, М. Умаралиева, Я. Үринбосва, М. Мухаммирова, М. Бойбобоева, К. Исмоилова, Х. Рўзибоева, Х. Маъзумова, Ж. Ҳожиева, Р. Амирова, Т. Нажмидинова, М. Холиқова, Б. Зияева, С. Зокирова ва бошқалар шулар жумласидандир. Чор маъмурияти жамоат тазиикидан чўчиб, аёллар устидан олиб борилган терговни пировардида тўхтатган эди.

Халқ қўзғолонлари Қўқон уездининг кўп жойларида ҳам бўлиб ўтган. Қўқон шаҳрининг Аравон волостида халойиқ адолатсизлик ва зулмга қарши кўтарилиб волость ҳокимини калтаклаб ўлдирганлар.

Бу воқеанинг сабаби ҳақида Туркистон район муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи М. Н. Волков ўз рапортида шундай ёзган: «Қўқон шаҳрида Аравон волость ҳокими Иброҳимнинг ўлдирилиши у томонидан аҳолининг қаттиқ зулм остига олиниши цатижасида содир бўлди. Волость ҳокими сафарбарликка ишчи кучларини олиш ҳақидаги буйруқни олибоқ, бўлим миrzаси Фофири билан маслаҳатлашиб, чақириқ рўйхатларига барча кишиларни киритиш ва пул берса, уни рўйхатдан ўчиришга қарор қилдилар, бу уни ўлимга олиб келди.

Кўрсатилган бўлим миrzаси Фофири ойига 25 сўм маош олади. Бироқ, кейинги икки йил давомида Қўқон шаҳрида 6 минг сўмга яқин баҳода уй сотиб олди, ўзи ва укаси уйланиб, бунга 2000 сўмдан ортиқ сарфлади. Бундан ташқари, унинг 1000 сўм нақд пули бор. Фаргона вилоят волостлари ҳокимларининг кўнчилиги Аравон облости миrzасига ўхшаш иш юритдилар».

10 июль куни кечаси Янгиқўрғон волостининг Шайхмир қишлоғи аҳолиси М. Азизов бошчилигида оқсоқол Н. Шоюсовнинг уйини ёндирган. 8 июлда қўзғолон уезднинг Катта Арвон қишлоғида бўлиб халқ оммаси элликбоши ва бошқа амалдорларнинг сафарбарликка юбориш ҳаракатига очиқдан-очиқ қарши чиқиб, уларни калтаклаган. Бу курашда бир неча киши ярадор қилинган. Жазо отряди қўзғолончилардан 10 кишини қамоҳка олган. Бу вақтда Қайнар волостига карашли Найманча қишлоғида аёллар иштироқида қўзғолон кўтарилиди.

9 июль куни Аравон волостининг Рошиблик қишлоғидаги аҳолининг қўзғолони жиддий тус олди. Маҳаллий маъмуриятнинг адолатсизлиги ва зулмидан сабр косаси тўлган оломон волость ҳокими И. Ҳасанбоев ва унинг

ҳамроҳларини уриб ўлдириллар. Қўзголончилардан бирш ҳалок бўлган. Қўзголонни бостириш учун етиб келган жазо отряди дарҳол оломонни қўршаб олиб, 316 кинини ҳибсга олган. Бу қўзголонда 2 минг кишидан ортиқ эркак ва аёл қатнашиб, улар Арвон, Калигор, Туркмаи, Чомошиб ва Барзанги каби қишлоқлар аҳолисидан ташкил топган эди. Қўзголончиларишнг олдинги сафида К. Рўзибоев, М. Аҳмадбоев, А. Тошматов, М. Олимбоев, М. Бошиазаров ва бошқа кишилар борганилар. Қўзголонда қатнашган аёллар: «Ўғилларимиз ва эрларимизни минг сўм берилса ҳам мардикорликка бермаймиз», — деб хитоб қўлганлар.

Бу воқеанинг эртасига Гапжиравон қишлоғи ва унииг атрофидаги жойларнинг аҳолиси биргаликда бош кўтариб, 100 кишилик оломон волость ҳокимининг уйига бостириб кириб, мардикорлик рўйхатини ва уй жиҳозларини ёндиригандар. Ҳоким эса қочиб қутулган. Жазо отряди 29 кишини қамагаи.

Қўзғолон тарихида Найманча қишлоғидаги аҳолининг кўтарилиши диққатга сазовордир. Бунда аёллар жасорат ва ташаббус билан бош кўтариб, оломоннинг бириичи сафида турганлар. Шундан кейин жазо отряди зўрлик билан аёлларни четлатиб, эркаклар билан юзмайуз бўлган. Шунда оломон орасидан отряд бошлигига қараб тошлар отилган. Бу қўзғолон ҳам бостирилган.

11 июлдан 12 июлга ўтар кечаси 400—500 кишилик оломон Тудин қишлоқ оқсоқолининг қўлидан мардикорлик рўйхатини тортиб олиб, куйдириган. Бу вақтда Риштон қишлоғига ҳам М. Бобохонов, Ш. Ҳожиев, П. Йўлдошибоев ва бошқа кишилар раҳбарлигига қўзғолон кўтарилди. 500—800 кишилик оломон Кўқон уезд бошлиги К. В. Мединскийнинг тушунтиришига қулоқ солмай, волость ҳокими М. Жалоловга ташланиб уни ўлдирмоқчи бўйдилар. Бироқ, ҳоким оломон орасидан қутқарниб қолинди. К. В. Мединский қўзголончилардан бир неча кишини ушлаб, оломонни янада газаблантириди. Халоинқ ҳарбий отрядин қуршаб ола бошлади. К. В. Мединский ва унииг ҳамроҳлари, шу жумладан маҳаллий маъмурият қадамма-қалам қуролларни ўқталган ҳолда, оломоннинг сиқуви остида чекина бошлайди. Бу вақтда қўзғолончиларнинг бир гуруҳи К. В. Мединскийни орқа томонидан тўсиб олди. Шу равинида ҳарбий отряд ва маъмурият вакиллари кетмон, тош, калтаклар билан қуролланган оломон ҳалқасида қолади. Ҳарбий отряд ўт очганда қўзголончилардан И. Мадалиев, Б. Парпиеv

ва С. Мадаиневттар яраланғанлар. Құзғолон тарқалиб, 12 киши қамоққа олиңған.

Халқ галаёнлари йирик қишлоқлар білән бир қатерда майда қишлоқларни ҳам үз ичига олған. Бұндай ҳолдарда З—І та қишлоқ биргаликта ҳаракат қылғанлар. Масалаи, Қудаш волостиға қарағызы Қырқетмоң, Бешкаппоён ва Бешкаллабола қишлоқларидаги халқ оммасыннан құзғолони шулар жумласидандыр. 500—600 кишидан иборат оломон Қудаш қишлоғига түпланиб волость ҳокимини ўлдирмоқчи бўлиб, қидирғаилар. Элликбоши ва уйинги ўғлини калтаклаганлар, ҳамда элликбошининг уйини бузиб, мол-мулкини талаганлар. Ҳарбий отряд томонидан құзғолон қатнашчиларидан 18 киши ҳисбага олинган.

Қишлоқ аҳолисининг құзғолонлари темир йўл ва станицялар, телефон ва телеграф симларини хавф остига қўйған. Шунинг учун ҳам Қўқон жандармерия бошлиғи темир йўлга яқин жойда аҳоли түпланиб, Горчаков станицасини эгаллаш, телефон ва телеграф орқали алоқани бузишга шайланадаётганликларини Фаргона область генерал-губернаторига маълум қилғаи эди.

Құзғолонлар бостирилган бўлса-да, лекин улар чор маъмурити вакилларини мавқенга зарба бериб, довдиратиб қўйди. «Кейинги кунлардаги галаёнлар,— деб ёзганди Қўқон уездининг бошлиғи К. В. Мединский,— аҳоли орасида маҳаллий маъмурнятнинг мавқенини анча тушириб юборди. Маҳаллий маъмурнят ҳаддан ташқарин асабийлашган бўлиб, ўзига ишончни йўқотмоқда. Мусулмон байрамининг биринчи кунида (18 июль) умумий құзғолон тўгрисида қатъий сўзлар эшишилмоқда. Хавфсизликни таъминлаш учун Қўқон шаҳар гарнizonини тезда кучайтириш лозим». Шунингдек, бу ҳужжатда темир йўллар хавфсизлигини ҳам дарҳол кучайтириш баён этилган.

Халқ галаёни Наманған уездіда ҳам кенг кўламда ўтган эди. 9 июлда эркак ва аёллар чор ва маҳаллий маъмуриятнинг мардикорликка олиш ҳақидағи фармонин таин олмасликларини билдирганлар. Маъмурнятнинг құзғолони тарқатиб юборишга қаратилған ҳаракатлари ҳеч қандай патижга бермайды. Аксинча халқ оммаси тобора кучайтиб борди. Шундан кейин пулемётлар билан қуроллашган ҳарбий рота келтирилиб оломонни қўрқитиш чораси кўрилди. Бироқ құзғолончилар рўйхатининг берилүшини қатъий турив талаб қилдилар. Шу тарзда әрталабдан соат 11 гача шаҳар майдонида құзғолончи-

лар ҳәрбий рота билан рүпәра тураверди. Шу вақтда оломон орасыдан «ур!» деган сүзлар янграб, халқ рота-га ташлаанди. Солдаттар пулемётлардан ўқ узиб, қўзголончилардан 12 кинини ўлдириллар, 38 кинин ярададилар.

Наманган уездиги бошлиғи П. Р. Крашковининг кўрсатишича, ярадор бўлган қўзголончилар уларга: «Бу ҳеч нарса эмас, бари бир биз ўз мақсадимизни амалга оширамиз»,—деб хитоб қилганилар. Қўзголон вақтида катта ва кичик оқсоқоллар, полиция, умуман, маъмурят вакилларининг ҳаммаси ўлдирилиши ҳақида хитоблар эшитилиб турган. Қопли тўқнашувлардан кейин қўзголон тарқалиб, унинг фаол қатишчиларидан М. Бойжонов, А. Розиқбоев, Б. Мирзасев, И. Халфаев сингари жами 19 киши қамоққа олинган.

12 июлда уездининг Ўйчи қишлоғида қўзголон кўтарилиган. Қўзголончилар Умурзоқ Бобожонов ва Аҳмадали Хаманбойхўжаевлар бошчилигида элликбошини уриб ўлдириланлар. Бу ҳаракатда М. Қаюмов, А. Мухторов, М. Абдураҳимов ва М. Абдукаримовлар фаол қатнашадилар. Бу кишиларининг бари қамоққа олинади.

12 июлда Олмос қишлоғида эркак ва аёллар биргаликда бош кўтариб, маҳаллий маъмуриятнинг адолатсизлиги ва қийновига қарши курашдилар. Улар қишлоқ оқсоқоли М. Абдураҳимов ва унинг ёнидаги ҳамроҳларини калтакладилар. Бу хилдаги ҳаракат Жарқўрғон қишлоғида авжнга чиқди. 11 июлда бу қишлоқда 1000 га яқин одам тўпланиб, улар маҳаллий маъмурият йигилган болаҳонали уйни қуршаб, рўйхатларни беришни талаб қилдилар. Қишлоқ оқсоқоли Тожибай рўйхатларни оломон ўртасига ташлашга мажбур бўлди. Бу ҳужжатлар дарҳол йўқ қилинди. Бироқ, қўзголончилар бу билан қаноатланмай болаҳонага бостириб кириб волость ҳокимини пастда турган оломонга улоқтирадилар. Оломон оқсоқолни калтаклаб ҳалок қиласди. Шундан кейин оломон волость ҳокими уйига бориб, уни хонавайрон қилиб ташлади. Қўзголон кундузги соат 3 дан кеч соат 6 гача давом этди. Қўзголонни ташкил қилишда М. Миркаримбоев, М. Маматқулов, А. Юсупов, И. Ҳожиев, М. Ҳўжамбердиев, М. Нурматов, Н. Бердибоев, Б. Ҳожиев, А. Умарбоев, М. Назаров, П. Назарбоев, Ю. Сайдбоев ва М. Раимбоев сингари кишилар жойбозлик кўрсатгаплар.

Уездининг Пашкарац, Ўйчи, Хўжаобод, Уйғур, Тошқўрғон ва Барзик қишлоқларида аҳоли бош кўтариб,

амалдорларыннг уйларынға хұжум қылған әдебиеттәрінің  
еңдиригас. Үйчи қишлоғида 500 кишилик оломон әзлил-  
бошниң үлдирған зди. 14 шолда уезднинг Чиндоуул  
қишлоғида катта құзғолон бүлған. Минг кишига яқын  
халқ оммаси маъмуриттеги сафарбарлық ҳақидаги  
тушунтириш сұзларынға қулоқ солмай, норозилік бил-  
диригандар. Құзғолончилар полиция ва унинг бошлигини  
қуршаб, рүйхаттарын тортиб олғандар. Шунингдек, улар  
волость идорасынға бостириб кириб, уни бузип ташлаган-  
дар. Құзғолонда А. Дадабоев, М. Ҳожиев, Т. Қалаңда-  
ров, М. Ұсмонқулиев М. Содиқбоев, М. Солиҳов, А. Үс-  
тақулиев, А. Нормұхамедов, Д. Ашурматов, А. Абду-  
рахмонов, М. Қаримбоев, Р. Раззоқов, М. Мирсанов,  
Т. Қиличбоев, У. Содиқов, А. Шоюсупов, Х. Үрөзқұлов  
каби 50 нафар фаоллар судга берилди.

15 июлда уезднинг Чодак қишлоғида күтарилған  
құзғолон ҳам дикқатга сазовордир. Құп сопли оломон  
волосТЬ ҳокими Мулла Қози Худойбердиевнинг уйига  
бостириб кирган, уни тепкилаган. Кетмон, таёқ, тош ва  
болталар билан қоролланған халқ Ш. Тоирбоев, М. Қа-  
римов, М. Ашурматов, М. Муроджонов ва бошқа маъ-  
мурларни ҳам калтаклаган. Құзғолончилар орасыда  
айрим кишиларда тұппонча ҳам бүлған. Құзғолончилар  
оқсоқол М. Аминовнинг уйи ва бөгінни хонавайрон қи-  
либ ташлаганлар. Шунингдек, унинг 15 минг сүм пулни  
ва 10 минг сүмлик қарздорлық ҳужжатлари ҳамда 10  
минг сүмлик уй жиҳозлари, асбоб ва моллари йүқ қи-  
линган. Оқсоқолнинг ўзи үш шаҳрига қочиб қутулған.  
Құзғолоннинг актив қатнашчиларидан 90 киши қамоққа  
олинди. Масалан Ж. Қаримбоев, А. Абдураимов, Н. Шо-  
дибоев, Ю. Машарипов, Н. Ҳожиев, Ю. Амирматов,  
С. Польонов, Б. Қориев, А. Ҳұжаев, С. Назаров, Н. Жа-  
лолов, И. Мұхаммедов, М. Мадиёрөв, Ш. Тошбоев, А. Жа-  
лилов, Н. Насиббоев, С. Ҳоңербоев, И. Устарўзиев,  
Р. Мирзабоев ва бошқалар шулар жумласидандыр.

17 июлда Юқори Ашт қишлоқ ахолиси солнұқ ва зулм-  
га қарши құзғолиб, волосТЬ ҳокимининг уйини вайрон  
қилиб, ёндириб юборған, ҳокимни уриб үлдирған. Бу  
воқеада Б. Саримсоқов, Т. Матқұлов, М. Мансуров,  
М. Мұмінов, И. Боймиров, А. Шоазизов, Х. Холов,  
И. Нигматуллаев, А. Абдуқодиров, И. Мирзаматов,  
С. Ҳамдамов, К. Фозилов ва бошқалар жами 27 киши  
катта жасорат күрсатғандар. 25 июль куни халқ оммаси  
Үйчи волостига қарашли Ерқұргон қишлоғида құзғолон  
күтартған. Бу ерда оломон оқсоқоллардан рүйхатларни

беришни талаб қилиб, уларни тошбўрои қилғанлар. Бу воқеадаи сўнг Т. Холиқов, Б. Мирзабоев, А. Толипов, Ш. Устабоев, У. Мўминов, У. Йўлдошбоев, А. Отабоев сингари 20 дан ортиқ кини қамоққа олинига.

Кўпин Ашит қўшилогида қўзголон ҳам аича кучли бўлгани. Қўзголончилар 17 шулда болта, пичоқ, таёқ ва тошлар билан волость ҳокими Муҳаммадсодиқ Алимбобоев нинг идорасини бузид ташлаб, қаршилик кўрсатган расмий кишиларни ўлдирганлар. Шундан кейин улар ҳокимнинг ўйига бориб, уни хопавайрон қилгани ва молмулкларини ёлдиргаплар. Бу билан бир қаторда ҳокимнинг тоғасч У. Одилбоев калтакланиб, замбилда майдонга олиб чиқилди ва бу ерда оломон томонидан қатл қилинди. Қўзголончиликлар бу билан чегараланмай, ҳокимга тегишли дўйонларни ҳам бузиб ташладилар. Ҳаммаси бўлиб ҳокимнинг 50 минг сўмдан ортиқ мол-мулки таланган. Қўзголон давомида К. Хўжаев, Ш. Турсунбоеев, А. Ҳамдамов, К. Мирзабоев, М. Полвонон, Б. Хўжаев, А. Муллажонов, И. Назаров, М. Мусажонов, И. Абдураҳмонов, М. Ҳожиев, Х. Аминов сингари кўплаб оловқалблар олдинги сафда курашдилар. Қўзголонда аёллар ҳам эркакларга мададкор бўлгандардан Үлугбиби Тошматова, Нуринисо Турсунова ва Ҳамробиби Аминова сингари жасоратли оналар амалдорларни ўлдиришда ва уларни ўйларини бузишда бевосита қатнашганликлари учун қамоққа олиниб, судга берилган. Бу қаҳрамон аёллар билан бир қаторда қўзголонга аралашган Тошибиби Муҳаммадсафоева, Барнобегим Бўрибоева, Ҳожибиби Носирова, Рухсорабегим Шоҳёрова, Ибодабиби Мадазимова, Самарбону Шербоева, Тўхтанисо Шоюсупова, Шамсиносо Муҳаммаджонғозиева, Бибисаодат Шарипова, Анишбону Мадалиева номли аёллар қамоққа олиниб, тергов қилинганлар.

Чор ҳукумати ўлкада қўзғолонларни бостириш учун 14 та батальон, 33 та казак ҳарбий бўлими, 42 та тўп ва пулемётни жалб қилди. Жазо отрядлари ниҳоятда шафқатсизлик билан ҳаракат қилдилар. Бу ҳақда генерал-губернатор А. Куропаткиннинг рус императори Николайга ёзган рапортида шундай ёзилган эди: «Сиз император Олий ҳазратлари ва барчага муқаддас ватан ҳисобланган буюк Россия олдида ўз содиқлигини унугланлиги ва жиноий ишлар қилганилиги учун Туркистон аҳолиси қаттиқ жазоланди. Қўзголон қатнашчиларидан 3000 дан ортиқ киши судга берилди, улардан 347 таси осиб ўлдиришга ҳукм қилинган. Бироқ, вазиятни яна-

да кескинлаштириләсلىк учун улардан 51 таси қаты  
қилиниб, қолгараптарига ўлим жазоси, қамоқ ва сургуи  
билан алмаштирилди. Юзлаб одамлар турли мүддат  
билан қамоққа маҳкум қилиниди. Айрим шаҳар ва  
қишлоқлар бутунлай яксон қилиниди». Күплаб уйлар  
күйдирилди ва мол-мулклари таланди. Айниңса,  
Жиззах қўзголончиларига иисбатан ваҳшийларча муно-  
сабатда бўлиниди. Бу ҳақда қўзголон қатишчиларишиг  
хотираларидан тўла тасаввур ҳосил қилиш мумкин.  
Жиззах галаёни иштирокчиси Тўра Норбой дейдид: «Жазо  
отрядлари тогда қочиб юриб, оч қолиб, қишлоқдан овқат  
олиб келини учун тушиған Мавлон Айтматовни ушлади-  
лар. У билан яна 7 кинини ушлаб дараҳтларга bogла-  
дилар. Ўн кунгача ҳар куни бир бор калтаклаб, устидан  
сув қўйдилар. Солдатлар қишилоқдан кетадиган бўл-  
дилар. Шунда улар бу 7 кинини калтаклаб, ўлдириб  
кетдилар». Қўзголон қатишчиларидан бири Муқим  
Үрдушов Тошкентга қочиб, сўнг Жиззахга қайтгач кўр-  
ганиларини қўйидагича таърфлаган: «Тошкентдац  
Жиззахга келдим. Кечаси станцияга етиб, иамоз вақти-  
да шаҳарга тушиб кетдим. Йўлда кўп солдатларни кўр-  
дим. Уларнинг ёнида халқдан талаб олинган қимматли  
рўзгор ашёлари тоғ-тоғ бўлиб ётибди. Солдатлар қим-  
матли ипак сўзаналарни, атлас ва шоҳи кўрпаларни  
отларга ёниб қўйибдилар. Ипак газламаларни, шоҳи  
кўрпаларни тупроққа ёзиб устида ағаиаб ётибдилар.  
Ҳовлига чиқсалар ҳам шоҳи ва атлас кўрпаларни ёпиниб  
чиқмоқдалар. Бунда халқдан талаб олинган мингларча  
от-моллар ва қўйлар турибди. Эски шаҳар йўлида кела-  
ётганимда янги шаҳарга қараб қатор-қатор кетаётган  
хотин-қизларни кўрдим. Улар мендан: “Солдатлар талаб  
кетган нарсаларни қайтариб бераётган эмиш, деб эшип-  
дик, шу тўгрими?”, – деб сўрадилар. Мен буни кўрмагани-  
лигини айтдим. Эски шаҳарга тушсам, энг яхши бино-  
лар, маҳаллалар, шаҳар кўчаларидаги тимлар, дўкон-  
лар, ошхоналар ва чойхоналар куйиб ер билан теп-те-  
кис бўлган. Бунда бойўғли сайрамоқда. Халқ оч ва ялан-  
ғоч, жуда оғир аҳволда. Бу аҳволни кўриб кўп ачин-  
дим».

«Бир куни, — дейди қўзғолон иштирокчиси Машариф  
Хусаинов, — шаҳар атрофини солдатлар ўраб, ҳар ҳов-  
лига беш-олтитадан бўлиб киравердилар. Одамларни  
уриб-сўкиб ўйларидан қувиб чиқдилар. Бешикдаги бо-  
лаларни ечиб олишга қўймадилар. Халқни бозор май-  
донига тўплаб, ёш ва жинсларга қараб тўдаларга аж-

ратдилар. Атрофларига түп ва пулемётлар ўрнатдилар. Солдатлар баъзи одамларни қулоғидан бураб түп оғзига олиб бориб кейин қўйиб юборардилар. Баъзилари одамларга қараб милтиқларини шарақ-шуруқ қилиб қўрқитардилар. Одамлар орасида: “Оқ подшо Жиззах халқини отиб юборди, энди ҳаммамизни отар экан”, — дегани гап тарқалди. Халқни ваҳима босди. Хотинлар ва болалар йиглади. Солдатлар уларни милтиқ қўндоғи билан урдилар.

Бир вақт япги шаҳардан бир отлиқ аскар чопиб келиб: “Сиз маккор Жиззах халқи подшоҳи аъзамининг олий фармонига итоат қилмаганликларингиз учун подшоҳи аъзам сизларини отувга буюрган эди. Генерал-губернатор Куропаткин сизларнинг гуноҳларингизни оқ подшодан тилаб олибдилар. Сизлар эндии бу шаҳарда яшашдан маҳрум бўлдингиз. Сизларни шаҳардан 25 километр нарига сургун қўламиз”, — деди.

Солдатлар, мингбоши ва полиция халқини уч томонга бўлиб ҳайдадилар. Кун бениҳоят иссиқ, ҳамма ёқни чанг-тўзон қоплаган, эски шаҳарга келадиган сув янги шаҳарда бўгиб қўйилганлиги учун ҳеч жойда сув йўқ. Бизларни солдатлар югуртириди. Бир ерга тўхтатиб ҳамманинг ёнини ковлаб, бор пулларини қоқиб олди. Яна югуртириди. Чополмай йиқилганларни милтиқ қўндоқлари билан урдилар. У вақтдаги дод-вой оламни тутар эди. Ёш болалар сувсизликдан юраги куйиб, ўлиб қолаверди. Ҳомиладор хотинлар туғиб ётибди, солдатлар уларга қарашга йўл бермайди. Солдатлар югуришдан бош тортганларни отдила. Югуриб кетаётган халқни яна тўхтатиб, қўлларидаги узукларни, қулоқларидаги сирғаларни олдилар. Шу равишда чўлга етиб боргунча печа жойда текшириб, яхши кийимларгача ечнитириб олдилар. Бизларни шундай азоб-уқубатлар билан шом пайтида Қилич чўлига олиб бориб ташлаб кетдилар. Одамларда овқат ҳам, кўрна-ёстиқ ҳам йўқ эди. Ҳамма оч ва сувсиз қолди. Кечаси биз қишлоқларга бориб, овқат олиб келиб, ҳаммага оз-оз улашиб турдик. Бир тўп одамлар оч қолиб, касалликдан ўлдилар. 10 кундан кейин бизга шаҳарга келишга рухсат беришди».

Баён этилган сатрларда, асосан, қўзғолончиларнинг ота-оналари ва оила аъзоларига қилинган азоб-уқубатлар ҳақида фикр юритилаётир. Қўзғолончиларнинг ўзларига нисбатан қўлланган жазолар бундан ҳам қаттиқ бўлган.

Бу ҳақда ўз кўзи билан кўрганларни Коршунова

фамилияли рус аёли қуйидагича баён қиёза: «Тошкент қамоқхонаси ҳовлисида очликдан ўлган фаргоаликларнинг мурдаларини кўплаб араваларга солиб қўйганлигини кўрдик. Сўнгра маҳбуслар жойлаширилган қамоқхона ертўласига тушдик. Бу ерда одамлар шу даражада зин ва қалашиб ётардики, оёқ боенишга жой тошиш жуда қийин бўлди. Бизни эркаклар ва аёлларнинг жуда кир босган, ориқ ва заъфарон юзлари, аёлларнинг ёйилиб ётган сочлари, қўрқув ва шу билан бирга нафрат билан боқувчи кўзлари ҳаяжонга солди. Ёши улгайган бир аёл менинг оёғимни ушлаб олиб ёш ва замга тўла қора кўзлари билан боқиб нималарни дир гапирди. Бироқ мен тил билмаганим туфайли унинг ҳўйнраб йиғлаган ҳолда айтган сўзларини тушунмадим. Мен эски чопонидан бир нарча пахтани юлиб олиб чайнаётган бир новча кишини кўрдим. Шунингдек, баъзи одамларнинг ўз қўлларини кемираётганиларини кўрдим. Маҳбусларнинг кўпчилигининг нафас олишлари сезилмас, афтидан улар жон берини даражасида эдилар. Маҳбуслар орасида эс-ҳушидан айрилганиларни ҳам бор эди».

Бу сатрлардан маълум бўладики, чор маъмурияти эркаклар орасига аёлларни жойлашириб тарихда мисли кўрилмаган ўта адолатсизлик ва шафқатсизлик қилган. Қаранг мустамлакачилар нақадар ёвуз бўлганлар. Жиззахда қўзголон кўтарилганлигини рўкач қилининб, аҳолининг 2000 гектар унумли ери давлат фойдаенга мусодара қилинди. Шу равишда деҳқонлар ҳаётининг асосий манбани ердан маҳрум этилган. Бу билан бир қаторда, қўзголончиларнинг ташаббусчилари осиб ўлдирилди.

Генерал-губернатор А. Н. Куропаткин баён этилган жазо чораларини келажак учун ҳам фойда келтиринин юқорида кўрсатилган рапортида қуйидагича таърифланган: «Туб аҳоли шуни яхши билсинки, рус қони тўкилган тақдирда, айборларни осиб ўлдирилиши билан бир қаторда, уларнинг ерлари Андижон (Дукчи эшон -- X. З.) қўзголони иштирокчиларига нисбатан қилинганинек тортиб олиниади. Бу ҳар бир галаёндан кейин қатъий равишда қўлланаётган тартиб туб аҳолини рус ҳукуматига қарши қурол кўтармасликка мажбур этиши лозим».

Шуни айтиб ўтиш керакки, юқори табақа орасида дилида чор ҳукуматига ва мардикорликка олишга қарши бўлган кишилар йўқ эмас эди. Улар ўз мақсадларини

ошкора қилишдан чүчиб, пинхон равишда иш юртдайлар. Масалац, Аиджон шаҳридаги энг йприк миллионер Миркомил Мирмўнибоев Қўқон ва Марғилон шаҳарларининг мингбошилари помига қўйидаги мазмунида хат юборди: «Шаҳринигиздаги аҳоли ва бойларга мардикорликка қарши чиқишиларини айтинг. Россиянинг аҳволи жуда таңг, шунинг учун ҳеч нарсадан қўрқманглар. Ҳаммағиз бир ёқадан бош чиқариб иши юртсангизлар, мардикор олипишига қарши қўзғолоп кўтарилиши осон. Ҳозирги вазиятда ҳукумат амалдорларига пул бўлса бас, ҳамма ишни битиралир. Мана мени халойиқни қўзғолонга ундаш ҳаракатим билиниб, текширув ўтказилганда 150 минг сўм бериб ўзимни сақлаб қолдим. Шу боисдан сизлар ҳам хавотирлапмай ҳаракат қила-веринглар».

Миркомил Мирмўнибоев бундай хатларни бошқа кўп жойларга юборганилиги ҳақида маълумотлар бор. Бироқ, юқори табақа вакиллари қўрқоқлик ва лоқайдлик қилиб, қулай фурсатдан фойдалана олмадилар. Ҳатто, миллий буржуазия ва энёлилар заиф бўлганилиги учун, ўзларини ўтга урушдан чўчидилар. Натижада халқ ғалаёнларига дастуриламалига эга бўлган раҳбар куч топилмади. Шунинг учун халқ оммаси тош, гишт парчаси, таёқ, болта, темир-терсак ва бошқа оддий нарсалар воситасида миттиқ, тўпионча, қилич, нулемёт ва тўплар билан қуроллашган империя қўшишларига қарши ўзлари билганича кураш олиб бордилар.

Жазо отрядларининг ваҳшийлиги ўлкада жуда хатарли ва хавфли вазиятни юзага келтирди. Бундан ваҳимага тушган маҳаллий юқори табақа ва зиёлларининг айрим вакиллари вазиятни юмшатиш ва тинчликни таъминлаш мақсадида мардикор олишга қаратилган фармонин амалга оширишга яқинидан ёрдам беришга аҳд қилдилар. Ҳатто, улар халқни қўзғолоп кўтарганиликларин учун чор маъмуриятидан кечиришини илтижо қилдилар. Ўзбек тилида чиқадиган «Туркистон вилояти» газетасининг саҳифаларида рус императориши кўкларга кўтарувчи ва мардикорликка бориш ҳар бир кишининг ватан олдиндаги бурчи эканлиги ҳақида шеър ва мақолалар чоп этилди.

Шунингдек, маҳаллий маъмурият, миллий буржуазия ва зиёллар бошчилигига «маҳаллий ёрдам комитетлари» тузилди. Улар мардикорларни тўплашга ва жўнатишга кўмаклашиш билан бир қаторда, аҳолидан уларниңг эҳтиёжи учун маблағ тўпладилар. Бир мақола

ҳажмида кўрсатилган комитетларнинг фаолияти ва аҳамиятини тўла изоҳлашнииг иложи йўқ, албатта. Бироқ, шунин айтиши лозимки, уларнииг ташкил этилиши, мардикорликка жўнатилаётган кишиларнииг оғир ва ачинарли ҳаётини маълум даражада ўйгашда фойдали бўлган.

Қаҳатчиликдан ва чор жазо отрядларнинг қирғинларидан ниҳоятда толиққан халоийқ қайта қўзғолон кўтаришга ҳоли қолмади. Баён этилган қулай фурсатлардан фойдаланган чор ҳукумати император фармонини амалга оширишга қатъий равишда киришди.

Шундан кейин 1916 йилнинг 23 августида А. Н. Куропаткин мардикорликка сафарбар қилиш тадбирлари ҳақида буйруқ чиқаради. Бунида мардикорликка олинадиган одамларнинг сони қуийдаги тарзда тақсимланди: Сирдарё вилоятига 57730, Самарқанд вилоятига 32.487, Фарғона вилоятига 51.233, Еттисув вилоятига 43.009 ва Каспийорти вилоятига 13.830 киши белгиланди. Жами 198.280 кишини ташкил қилди. Сафарбарлик 1916 йилнинг 18 сентябридан то 1917 йил Февраль буржуа-демократик инқилобининг галабасигача давом этди. Мардикорлар Москва, Петербург, Рязань, Тула, Орел, Смоленск, Пенза, Брянск, Двинск, Нижний Новгород, Қозон, Самара, Перм, Екатеринбург (Свердловск), Оренбург, Киев, Харьков, Екатеринслав, Одесса, Запорожье, Керч, Тифлис, Батуми ва бошқа жойларга ўриаштирилди.

Чор маъмурияти белгиланган 198.280 киши ўринига 123 мингдан ортиқ мардикорларни сафарбар қилишга муваффақ бўлди. Улардан 101.600 киши Россиянинг Оврўпо қисмига, 4000 киши Сибирга, 7.405 киши Кавказга жойлаштирилган, 10304 киши Туркистон ўлкасида ишлатилди. Мардикорлар ҳарбий ва оддий саноат корхоналарида, конларда, темир йўлларда, қурилышларда, ўрмонларда ва айрим капиталистларнинг хўжатикларида қатник ишлатилди. Улар очикдан, хўрлашибдан ва машаққатли меҳнатдан кўп азоб-уқубатларни бошларидан кечирдилар. Уларнинг орасида совуқ уришидан ва турли касалликлардан ўлганлар ва ногирон бўлиб қолганилар бор эди. Узбек мардикорларининг ҳаёти оғзаки ижодистда қуйнагича тасвирланган:

Поездингни жилдирган,  
Утхонаси билан дўнгалаги.

Двинскага кетиши,  
Мард йигитнинг бир бўлаги.  
Двинскага кетмас эди,  
Мард йигитнинг бир бўлаги.  
Двинскага кетказган,  
Николай золимнинг замбараги.  
Двинскага йўл бўлсин,  
Қарагайзоринг кул бўлсин.  
Йигитларни қийнаган,  
Николайнинг йўқ бўлсин.  
Сўк ошини ичмайман,  
Ўтигимни ечмайман.  
Қора қарагай кесганман,  
Ҳеч ҳаққимдан кечмайман...

Мардпкорларнинг оғир ҳаёти қуйидаги мисраларда  
ҳам ўз инфодасини топган:

Унда бордик, шунда келдик,  
Пенза деган шаҳрига.  
Ярмимиз чор питида қолдик,  
Ярмимиз мис конида.  
Оёқларимииздан совуқлар ўтди,  
Тўхтамас кўздан ёш.  
Шўрпа деб лойқа сув берди,  
Бир киши ичолмадик.  
Қора нон аччиқ экан,  
Уч кунгача еёлмадик.

Узбек мардикорлари машаққатли ва оғир ҳаётининг  
асири бўлиб қолмай, кураш олиб бордилар. Улар бир  
неча маротаба иш ташладилар ва ҳарбий отрядлар  
билин тўқнашган вақтлари бўлган. Улар Февраль бур-  
жуа-демократик инқилобидан кейин ўз ватанига қай-  
тишга эришдилар. Бу ерда улар ўлканинг сиёсий ва  
иқтисодий ўзгаришларида фаоллик кўрсатдилар.

Хулоса шуки, 1916 йил қўзголони чор ҳукуматининг  
мустамлакачилик сиёсати авжига мингган кезида юзага  
келди. У миллтий зулмга, ўлкани хом ашё манбасига ва  
тайёр маҳсулотлар бозорига айланишига қаршп қара-  
тилган эди.

Қўзголоннинг тарихий аҳамияти шундаки, у бутун  
Марказий Осиёда турли миллат ва элатларни чиник-  
тириб, сиёсий онгининг анча ўспшига олиб келди. Шу-  
нингдек, унда аёлларнинг фаол қатнашиши муҳим воқеа

ҳисобланган. Бу ҳолат тарихда камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Қўзғолон кенг қулоч ёйиш билан бир қаторда шаҳар камбағалларини, деҳқон оммасини ва чор ҳукуматининг ҳукмронлигидан норози бўлган айрим юқори табақа вакилларини қамраб олди.

Қўзғолон ҳукуматиниг ўлкадаги куч-қудратини заифташтириб, Февраль буржуа-демократик ишқилоби ғалабасини таъминлаган омиллардан бири ҳисобланади. Унинг ижобий томони яна шунда бўлдики, рус императорининг мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармонини ўз вақтида амалга оширишга зарба берди. Натижада мўлжалланган мардикорлар сонининг ярмисидан кўргонини жўнатишга тўғри келди. Бу минглаб онлалариниг хонавайрон бўлишидан сақлаб қолди.

Қўзғолон ўзбек ва ўлкадаги бошқа ҳалқларнинг мустақиллик ва озодлик учун олиб борган кураш тарихнда ўчмас из қолдириди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» г., 1991, 16 сентябрь.

## ОЗОДЛИК ОРЗУСИДА ДУНЁДАН ҚУЗ ЮМГАН ОЛИМ, УСТОЗ ВА МУРАББИЙ

Ўзбекистонда фан ва маданиятнинг йирик сиймоларидан бири академик Яҳё Ғуломов тоталитар тузумнинг барча азоб-уқубатларини тортган олимлардан бири эди. У таъқиб ва назорат остида эркин нафас ололмай, 1977 йилнинг бошида вафот этди. У узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтиб, тарих фанини ривожлантиришга, юқори малакали илмий ходимлар ва тарихчи мутахассисларни тайёрлашга катта ҳисса қўшди. Яҳё ака 1908 йил 1 майда Тошкент шаҳридаги Оқмасжид маҳалласида зиёли оиласда туғилди. Унинг отаси Ғуломжон Маҳдум ўқимишли ва билимли киши эди. У Тошкентдаги Хўжа Аҳрор мадрасасида мударрислик билан шуғулланган. Унинг Эшонхон, Одилқори, Яҳё, Сайд-аҳмад, Акром ва Руқиялардан иборат олти фарзанди бўлиб, шаҳарнинг қўзга кўринган зиёли вакиллари сифатида обрў-эътибор қозонган эди.

Яҳё ака 1917—23 йилларда бошланғич мактабни битириб, Тошкентдаги эрлар билим юртида ўқийди. 1927 йилдан Самарқанддаги Ўзбек Давлат педагогика академияси ижтимоий ва иқтисодий бўлимида таълим ола бошлайди. У бу даргоҳда тарих бўйича биринчи

ўзбек профессори Бўлат Солиев ва бошқа таниқли олимларнинг маъruzаларини тинглади. Айни пайтда ўз устида қаттиқ ишлаб, билими ва тажрибасини узлуксиз ошириб борди. Айни чоғда археология фанига қизиқиб, Самарқандда олиб борилаётган археология қазув ишларида қатнашиб турди. Маҳаллий нодир қўлёзмаларни тўплаш ва ўрганиш билан шуғуллади. «1929 йили мен ҳали студент эдим,— деб хотирларди ўша дамларни Я. Гуломов,—профессор Б. Солиев, В. Вяткин ҳамда А. Фитрат ўзаро маслаҳатлашиб, институтда “Ўрта Осиё тарихи ва адабиёти” кабинети очиб, шунга менин ассистент қилиб тайинлашди. Кабинетга жуда кўп қўлёзма китобларни тўпладик».

Маълум бўладики, Яҳё ака машҳур А. Фитратдан ҳам таълим олган.

У 1929—31 йиллар мобайнида Узбекистон Халқ Комиссарлари Совети қошидаги илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасида ўқиди. 1931—32 йилларда Тошкент педагогика билим юртида дарс берди. Шундан кейин у 1933—40 йилларда Узбекистон Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Тарихий ёдгорликлари ни сақлаш ва илмий ўрганиш республика комитетида илмий ходим, сўнгра илмий котиб лавозимида хизмат қилди. У Сурхондарё ва Зарафшон археология экспедициярида қатнашиб, қадим замон тарихини ўрганди. Бу борада 1936—37 йилларда Яҳё аканинг Хоразмдаги археология экспедициярида юритган ишлари катта аҳамият касб этди. Яҳё аканинг археология соҳасидаги ютуқларидан бири шундан иборат эдики, у ўрта аср қўлёзма манбалари асосида фанга иомаълум бўлган айrim қадимий шаҳарларнинг қаердалигини ва номини белгилаб берди. У ўша вақтлардаги археологларнинг орасида қўлёзма манбаларини яхши билган олим эди. Забардаст олимнинг илмий фаолияти вақт ўтиши билан ривожланиб бораверади. 1940—43 йилларда у СССР Фаилар академияси Узбекистон филиалининг Тарих, тил ва адабиёт институти қошидаги археология бўйимига раҳбарлик қилди. 1943 йилда эса «Хива ва унинг обидалари» мавзууда тарих фанлари номзоди илмий даражасини ҳимоя қилди. Шундай қилиб, Яҳё ака сиймосида ўзбеклардан биринчи маротаба археолог олим етишиб чиқкан эди.

Яҳё ака 1943—77 йилларда, яъни умрининг охиригача Узбекистон Фаилар академияси Тарих ва архео-

ология институтининг «Қадимиги ва ўрта аср тарихи» бўлимига бошчилик қилди. 1956 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1966 йилда академиги этиб сайланди. 1956—59 йилларда Тарих ва археология институти директори лавозимида ишлади.

Академик Яҳё аканинг кўп қиррали ва самарали фаллятини қўйидаги тарзда ифодалаш мумкин.

Биринчидан, у «устаси фаранг» археолог сифатида ниҳоятда муҳим илмий кашфиётларнинг муаллифидир. Олимнинг бошчилигида ва бевосита иштирокида Ўзбекистоннинг ибтидоий давр тарихи бўйича маҳсус археология экспедициялари ташкил этилди. Масалан, Фаргона водийси, Зарафшон, Қашқадарё ва Тошкент воҳаларида олиб борилган археология қазувлари шуляр жумласидандир. Натижада неолит, энеолит ва бронза даврларига онд қимматли илмий ишлар нашр этилди. Бу деярли ўрганилмаган ибтидоий жамият тарихини чуқур ва атрофлича ёритишда муҳим ўрин эгаллади.

Яҳё ака Ахсикент, Қуба, Афроснёб, Хива ва бошقا қадимий шаҳарларнинг тарихини ўрганиш ҳамда оммалаштиришга улкан ҳисса қўшди. У туфайли асрлар мобайнида ер қаърида кўмилиб ётган шаҳарлар ва тарихий обидаларга бамисоли жон кирди. Олим нафақат институтда, балки ўз хонадонида ҳам ҳамиша археология дарди билан яшарди. Унинг уйи ҳам бамисоли археология омбори ҳисобланниб, экспедицияга нимаики зарур бўлса барчаси сақланарди. Айнан пайтда унинг хонадонида археологлар ва тарихчилар тўпланишиб, илмий суҳбат ва мунозаралар ўтказиш одат тусига айланиб кетган эди. Яҳё ака ниҳоятда кўнгли тоза ва меҳмондўст бўлганлиги учун уйидан одам аrimas эди. Ҳатто, бошқа шаҳарлардан келган шогирдларни оиласи билан хонадонига жойлаштириб, таъминлаб туарди. Мъълумки, Туркистоннинг табиий шаронтига кўра сунъий сугориш ҳаёт-мамотни ҳал этувчи муҳим омиллардан ҳисобланган. Унинг ҳолатига қараб, сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг ўсиш даражаси белгиланган. Шу бойси олим сунъий сугоришнинг юзага келиши, ривожланиши жараёни ва аҳамиятини ўрганишга алоҳида аҳамият берди. У, бу ниҳоятда мураккаб масалани ҳал этишини Хоразм воҳасидан бошлади. Бу бежиз бўлмаган эди, албатта. Зоро бундан 2700 йил муқаддам биринчи ўзбек давлати Хоразмда ташкил

тоңган эди. Олим бу ерда бир неча йиллар мобайнида археология қазувларнда фаол қатнашиб, ўз олдига қўйған вазифани тўла адо этди. Унинг сувсиз чўлда ва жазирама офтобда ўтказган кунларни, машаққатли меҳнати ва азоб-уқубатларни ўз касбига фидойилик на-мунаси эди. У бамисоли «игна билан қудуқ қазиб», сростига яширингандарни, туар жойларни, ҳарбий қалъаларни, меҳнат қуроллари, уй-рӯзгор буюмлари, сунъий сугориш изларини ва бошқа тарихий обидаларни тоңди. Уларни илмий асарларида баён этди. Бу борада унинг ўзбек ва рус тилларнда нашр этилган «Хоразмнинг сугориш тарихи» (1957—59) номли йирик асари бесқиёс катта аҳамиятга эгадир. Мазкур асар шу даражада юқори илмий савияда ёзилганки, орада 40 йил ўтса-да, сунъий сугориш тарихи бўйича унга тенг келадиган бошқа асар яратилганича йўқ. Асарнинг афзалликларидан бири шундан иборатки, муаллиф археология ёдгорликларини юони, араб, форс ва бошқа манбалардаги маълумотларни жалб қўилган ҳолда тарьиғлаган.

Асада Хоразм воҳасида энг қадимий даврдан то асримизнинг 30-йилларигача бўлган вақт ичидаги сунъий сугоришнинг найдо бўлиши, инқирозга учраши ёки ривожланиши батағсил ёритилган. Асад кейинги йилларда сунъий сугориш тарихи бўйича чоп этилган ишларнинг замини сифатида ҳамон ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. 1950 йилда Яҳё ака шарҳланадиган китоби бўйича Москвада докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Олимнинг Ўзбекистоннинг бошқа жойларидаги сунъий сугориш тарихига доир ҳам ишлари мавжуд.

Умуман айтганда, Яҳё ака Ўзекистонда археология фанини шакллантириш ва ривожлантаришда муҳим ўрин эгаллади.

Иккинчидан, Яҳё ака моҳир тарихчи сифатида ҳам ном чиқарган эди. У Ўзбекистонда биринчи бўлиб урушдан кейинги 40—70-йилларда нашр этилган кўп жилдли «Ўзбекистон тарихи»га бағишлиланган йирик асадларни тайёрлашда муаллиф, муҳаррир ва ҳайъат аъзоси сифатида катта хизмат қилди. Унинг ташаббуси билан 1958 йилда бир жилдлик «Ўзбекистон тарихи» илк бор ўзбек тилида нашр этилди. Бу асаддаги қадимги ва ўрта аср тарихига оид боблар олимнинг қаламига мансубдир. Шунингдек, у, 1974 йилда чоп этил-

ган бир жилдик «Ўзбекистон тарихи»нинг муаллифларидан биридир.

Яхё аканинг Самарқанд, Бухоро, Жиззах ва Хоразм каби шаҳарларнинг тарихига багишланган ишлари ҳам диққатга сазовор.

Унинг Ўзбекистон тарихининг бошқа масалаларига багишланган ишлари ҳам ҳануз ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Олимнинг масъул муҳаррирлиги остида қатор илмий асарлар дунё юзини кўрди. У шахсан менинг «Ўрта Осиё ва Сибирь», «Ўрта Осиё ва Волга бўйлари», «Ўрта Осиё ва Урал бўйлари» ва «Ўзбеки Сибири» сингари асарларимнинг масъул муҳаррири сифатида катта ёрдам берди. Камина ҳам Яхё аканинг бой билимидан, меҳрибонлиги ва дўстона муносабатидан ҳамиша баҳраманд бўлганман. Кўп йиллар мобайнида у киши билан ёнма-ён бирга ишлашдик ва мустаҳкам дўстона муносабатда бўлдик.

Олим Тошкент Давлат педагогика институтида ва бошқа олий ўқув юртларида ҳам ишлаб, кўплаб тарихчи мутахассисларни тайёрлашда фаол қатиашди. Олим тарих ва археология институтларининг асосчиларидан бири эди.

Учинчидан, Яхё аканинг ҳаёти силлиқ ва бир текис ўтмади. Авваламбор, отиб ташланган «халқ душманинг» укаси сифатида қора рўйхатга тушган эди. Бундан ташқари, у, археология объектларини бузиш ҳисобига экин майдонларини, хусусан, пахтачиликни кенгайтиришга ошкора қарши чиқиб, бир неча бор партия ва совет раҳбарлари билан тўқнашди. Ҳатто, Яхё ака ўзининг бундай адолатли ва ўта фойдали кураши учун республика бўйича уюштирилган бир нуфузли йигилишда қаттиқ қораланди. Уни матбуотда фельетон қилишга даъват этган кишинлар топилди. Мазкур йигилишда олимга қарши очиқдан-очиқ ҳужум уюштирилди. Бунинг устига-устак Археология институтини Самарқандга кўчирилиши муносабати билан 40 дан ортиқ археологларнинг турли жойларга тўзиб кетиши Яхё аканинг соглигини емириб юборди. Ҳатто, бундай археологларнинг орасида касбини ўзгартириб, КПСС тарихи ва бошқа соҳалар бўйича катта ишга кирган кишинлар бор эди. Мен кўп йиллар мобайнида қийинчиликлар билан етиштирилган археологларнинг тутдек тўкиб юборилишини устозни нақадар қаттиқ ларзага солгани-

нинг гувоҳиман. Умумай айтганда, Яҳё ака ўзига писбатан қилишаётган адолатсизликдан гоятда қийналди. Қуиларининг бирида сирдош бўлганлигимиз туфайли менга: «Золимлардан ва зулмдан қачон қутуламиз?»— деб хитоб қилди. Машҳур олим, устоз ва мураббий Яҳё ака ҳамиша озодлик ва эркинлик орзуси билан яшади. Бироқ минг афсуслар бўлсинки, уни кўра олмай оламдан ўтди. Аллоҳга минг қатла шукур, унинг издошлиари — бизлар мустақиллик ва озодликнииг гаштии сурмоқдамиз.

Умуммиллат тараққиёти учун курашган академик Яҳё Гуломов хотираси ундан миннатдор ҳалқ қалбида мустаҳкам яшамоқда.

«Ўзбекистон овози» г., 1998, 30 апрель.

## ЎЗБЕҚНИНГ ЎЗ ТАРИХИ БОР

Президентимиз Ислом Каримов тарихчи ва бошқа зиёлларининг вакиллари билан 1998 йил 26 июнда учрашиб, тарих фанининг долзарб масалалари бўйича муҳим фикр-мулоҳаза ва таклифларини изҳор этди. Уларни жамоатчилик маминуният билан қарши олди.

Шубҳасиз, юртбошимизнинг билдирган фикр-мулоҳаза ва таклифлари тарихимизни ўрганишда беқиёс катта аҳамиятга эга. Биринчи навбатда камчилик ва хатоларга эътиборни жалб этиб, тарих фани ҳозирги кун талабидан анча орқада қолаётганилиги уқтириб ўтилди. Шунингдек, мактаблар, олий ўқув юртлари учун нашр этилган дарсликлар, умумай, тарихий асарлар эски қолини ва тушунчада нала-партиш тайёрланганилиги танқид қилинди. Муаллифларнинг кўнчилиги чор ҳукумати ва совет давлати ҳукмронлиги даврида мустамлакачилик ва улугмиллатчилик руҳидаги ёзилган асарларининг таъсиридан ҳамон холи бўлмаганликлари қайд этилди. Президентимизнинг танқидий фикрлари ҳақиқий аҳволни акс эттиради. Зоро, ҳақиқатан ҳам ўзбек ҳалқининг чинакам тарихини яратган асарларни топиш амри маҳол.

Хўш, президентимиз тарих фани бўйича қандай вазифаларни белгилади?

Биринчидан, қадимиий ва бой тарихимизни ўрганишга холис ва ҳалоллик билан ёндошиб, маҳаллий ва хорижий ёзма манбалар, маънавий ва моддий ёдгорликларни

чукур ва атрофлича таҳлил қўлиш вазифаси қўййиди. Айни пайтда мустамлакачилик руҳида битисиган асарларининг асирига айланмай, мустақил равишда тарих фанинг ривожлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Тарих фанининг сиёсий аҳамияти ва умуммиллат манфаатларини ифода этишини назарда тутиш зарурлиги айтилди. Ҳақиқатан ҳам қадр-қиммати жиҳатидан тенги йўқ маҳаллий қўллэзма маибалаарини кўз қорачи-гидек сақлаш, улардан билимдоилик билан фойдаланиш ва оммалаштириш лозим. Чунки ҳали «чанг артилмаган» ва илмий ишларда фойдаланилмаган қўллэзма маибалаар оз эмас.

Иккинчидан, маълумки, совет даврида ўзбек халқининг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихи сохталаштирилиб, уни холис ва кенг кўламда ўрганишга йўл берилмади. Бу мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик сиёсатининг натижаси эди, албатта. Президентимиз буни ҳисобга олган ҳолда халқимизнинг тарихини ўрганиш, сохта фикрларга зарба бериш вазифасини кўндаланг қўйди. Ўзбек халқини кўчманчи қабилаларнинг авлоди сифатида таърифловчи муаллифларни асосли равишда қоралади. Ўзбеклар милоддан аввалги асрларда, яъни бундан 2700 йил илгари ўтроқ аҳоли ташкил этган Хоразм давлатининг бевосита меросхўри ҳисобланиб, жаҳонда биринчилар қатори давлатпи юзага келтирган қадимий ҳалқ эканлиги ҳақида сўз юритилди. Президентимиз мана шу салкам уч минг йил мобайнида ўзбек давлатчилигининг босқичма-босқич ривожланиш жараёнини ўрганиш ва пухта ўйланган илмий асарлар ёзиш ва чоп этиш вазифасини кўтарди. Шуни айтиш лозимки, мазкур муҳим ва мураккаб вазифани тарихчилар билан бир қаторда археологлар, тилшунослар, этнографлар, адабиётшунослар қатнашувинда амалга оширилишини назарда тутмоқ керак.

Кўриниб турибдики, Президентимизнинг фикр ва таклифлари қимматли ва кенг қамровли бўлиб, ижтимоий фанларнинг барча соҳаларида туб ўзгариш ва янгича қарашларни тўла таъминлади.

Учинчидан, ватанинварвар, жасоратли ва билимдон ёш олимларни етиштириш вазифаси белгиланди. Маълумки, олимларимизнинг талай қисми совет даврида суюги қотган ва таълим олган кишилардир. Шу боис уларда ўша давр гояларидан воз кечиш жараёни жуда секин ва қийинчилик билан кечмоқда. Бу ҳолат тарих фани-

Ни шу кун талаби нүқтаи пазаридан ривожлантиришга тұсқынлик қилиб, жамоатчиліккің қаттық ташвишлаптырмоқда. Шунинг учун истеъоддли ёшлардан заманауи олимларни етиштириш сув билап ҳаводек зарур. Айниңса, араб, форс ва түркій тилларни яхши биладиган мутахассисларга әхтиёж катта. Қадимий хитой, юонон, паҳлавий ва сўғд тиллари бўйича мутахассисларни тайёрлаш жуда зарур. Чунки милоддан аввалини ва милодий I—IV асрлар тарихи бўйича маълумотлар кўпроқ шу тиллардаги манбаларда сақланган.

Умумий хулоса: Президент Ислом Каримов юқорида шарҳлаган фикрлари ва олимлар зыммасига юклаган вазифалари катта сиёсий ва маънавий аҳамиятга эга бўлиб, халқнмизнииг миллий ҳис-туйгуларини, ўз-ўзини англаши ва сиёсий фаолиятини янада барқ уришида муҳим аҳамият касб этади. Қишиларда ватанга содиқлик ва у билан гуурланиш, фахрланиш сингари олий фазилатларни шакллантиради ва мустаҳкамлайди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» г., 1998, 24 июль.

Сўз боши . . . . .	8
Совет даврида Ўзбекистонда қандай сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузум ҳукм сурган? . . . . .	12
Оламицумул аҳамиятга молик тарихий воқеа . . . . .	27
Истиқлол учун бирлашайлик . . . . .	53
Иккىйи сана: 1370 ва 1991 . . . . .	59
Озодлик радиосига очиқ ҳат . . . . .	62
Бизга мустақиллик нималарни берди? . . . . .	69
Яхшироқ уйғонгли ӯзбегим . . . . .	76
Тарих ортга қайтмайди . . . . .	83
Чинакам ҳаётбахш конституция . . . . .	89
Марказий Осиё истиқболи . . . . .	94
Тарих сиповидан ўтган ягона иқтисодий тизим . . . . .	100
Буюк ҳаёттий ғоя . . . . .	103
Туркистон—умуммуқаддас ватандир . . . . .	111
Миллий мафкура-жамиятнинг қон томири . . . . .	119
Буюк ўзгаришлар ва порлоқ келажак кўзгуси . . . . .	131
Қалбларга нур сочган «Ўзбегим» . . . . .	134
«Пексия», «Тико», «Дамас» фақат транспорт воситаси эмас. . . . .	139
Амир Темур давлатининг мафкураси . . . . .	150
Озодлик учун тўкилган қонлар ёхуд буюк ватанпарварлик кураши . . . . .	157
1916 йил миллий озодлик кураши . . . . .	183
Озодлик орзуусида дунёдан кўз юмгай олим, устоз ва мураббий ӯз тарихи бор . . . . .	188

*ижтимоий-сиёсий нашр*

**ҲАМИД ЗИЁЕВ**

**ИСТИҚЛОЛ — МАЪНАВИЯТ НЕГИЗИ**

*Toшкент «Маънавият» 1999*

Муҳаррир С. Соғиқов

Рассом С. Соин

Тех. муҳаррир Т. Зодотилова

Мусаҳид Ш. Илғомбеков

Теришга берилди. 10.11.98. Босишга рухсат этилди. 04.01.99. Бичими  
84×108½. Литературная гарнитура. Юқори босма усулида босилди.  
Шартли б.т. 10,08. Шартлик кр.-отт. 10,5. Нашр т. 10,92. 5000 нуска. Буюрг-  
ма № 163. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Шоддик кӯчаси, 6. Шартнома 16—98.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг китоб-журнал  
фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юпусобод даҳаев. Муродов кӯчаси  
1-йй. 1999.